



Устоз Асқад Мухторга

*«Шабнам ғеҳрасида кўфрон юзгини»,
Шабнам ғеҳрасида тўқон равшанлик.
Шабнам — сен дунёга айтад сўзини,
Бу бўстон сажин ҳам ҳуллик, вешанлик.*

*Унда: «Ўлкам кўн-кўк. Боғлар меҳнаткаш.
Ёрни ёрғаб етар томирлар.
Шу боғларини илдинга туташ
Ўброида қолган қабрлар».*

*Унда, «Ўфронларда бордек ҳаловат»,
Унда кўнрикларини узга ёнорлар.
Сокин дарағларга монанд салобат,
Саксовул баринда эрийди қорлар...*

Udabolq Faholqizil

1995

11-12

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ ЖУРНАЛИ

64-ЙИЛ ЧИҚИШИ

Бош муҳаррир:
Ўткир ҲОШИМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Тоҳир МАЛИК
(Масъул котиб)
Мурод МАНСУР
(Наср бўлими мудири)
Омон МУХТОР
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Икром ОТАМУРОД
(Назм бўлими мудири)
Нуруллоҳ Муҳаммад РАУФХОН
(Мерос ва қадрият бўлими мудири)
Алиназар ЭҒАМНАЗАРОВ
(Мақоланавислик бўлими мудири)

МУАССИС:

ГАФУР ГУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САҢЪАТ НАШРИЁТИ

Ичкиликбозлик барча кулфатларнинг, жиноятларнинг сабабчиси, жамиятни бузувчи қаттол ва ёвуз офат. Ҳазрати Усмон розийаллоҳу анҳудан имом Насоий келтирган мана бу ривоят гоят ибратлидир: «Майхўрликдан сақланинглари, зеро, у барча кулфатларнинг онасидир. Қадим замонда яхши фазилатли, хулқли бир бой киши бўлган. Енгилтак аёллардан бири уни йўлдан оздирмоқчи бўлибди. Баҳона билан уни ўз ҳузурига таклиф этибди, бояги киши тўғри кўнгили билан уникага борибди. Аёл уни хонада бир бола ва бир кўза май билан қарши олибди. Сўнгра аёл мақсадга кўчибди: «Қасам ичиб айтаманки, мен сени меҳмонга эмас, мен билан ишрат қилгани чақирдим, шартимга кўнмасанг, ё майни ичасан ёки бола-ни ўлдирасан, акс ҳолда, уйдан чиқармай, шарманда қиламан», дебди. Бояги одам, энг осон май ичиш экан, шуни ичиб қўяқолай, дебди ва майни сипқорибди. Охири маст бўлиб, болани ҳам ўлдирибди, зино ҳам қилибди... Ушбу ҳодиса сизларга ибрат бўлсин, токи май билан иймон бир-бирига ёт эканлигига Оллоҳ гувоҳдир».

Бир ҳикояда келтирилишича, лаънати шайтон узум уругини ўғирлади. Қанча қидирсалар ҳам тополмадилар. Барча ҳайвонлардан суриштирдилар, лекин ҳеч бири билмади. Охири шайтонни тутиб олдилар.

Шайтон деди: «Менга узумга уч марта сув қуйишга рухсат берсангиз, ўша уругни топиб бераман». Нуҳ алайҳиссалом рози бўлдилар. Шундан кейин шайтон уругни топиб берди. Кемадан тушганларидан сўнг уругни эқдилар. Узумга уч бор сувни шайтон берди: аввал тулкининг, кейин шернинг, охири тўнғизнинг қони билан сугорди. Узум сувидан май қилдилар. Кимки ичса, аввал тулки бўлиб, кўрмаган одам билан дўст тутинди, сўнг маст бўлиб қолганда йўлбарсдек мардлиги жўш урди ва одамларга совға улашди. Гирт мастлик ҳолида эса, тўнғиз қабилига кирди.

Май туфайли бирон ёмон иш содир этилса, у шайтон берган сувнинг оқибатидандир.

«Яхшилар одоби»дан.

ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ ТАРИХИЙ ИЛДИЗЛАРИ

ДАВРА СУҲБАТИ

- 1917 йил октябрдаги давлат тунтарниши ва маҳаллий миллатлар.
- «Босмачилик» — миллий-озодлик ҳаракатининг энг кескин, курулли шакли.
- Тарих фанининг «очилмаган қуриқ»лари.
- Чекистларнинг қабиҳ ишлари.
- Қурбошилар — халқ озодлик курашининг сардорлари.
- Тарих ҳаққоний ёзилгандагина келажакка хизмат қилади.

Яқинда «Шарқ юлдузи» ойнамаси таҳририяти Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти билан ҳамкорликда «Урта Осиёдаги истиқлолчилик ҳаракати» мавзусига бағишланган давра суҳбати ўтказди. Юртимиздаги истиқлолчилик ҳаракатининг сарчашмалари, моҳияти, тарих-шунослик ва манба шунослик асослари, ҳаракатлангувчи кучлар ва йўлбошчилари, Урта Осиё халқларининг миллий-озодлик ҳаракати тарихида «Истиқлолчилик ҳаракати»нинг тугган урни ва бошқа масалалар ҳақида суз борган бу давра суҳбатида Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институтининг директори, академик А.Асқаров, академик Э.Юсунов, тарих фанлари доктори, профессор Р.Е.Ражабова, тарих фанлари доктори, профессор Р.Т.Шамсидинов, тарих фанлари доктори, профессор Р.А.Нуруллин, тарих фанлари доктори, профессор Ҳ.З.Зиёев, тарих фанлари доктори, профессор И.А.Алимов, тарих фанлари доктори, профессор А.С.Солиқов, тарих фанлари доктори, профессор К.А.Оқилов, тарих фанлари доктори Р.Ҳ.Каримов, «Шарқ юлдузи» ойнамаси бўлим мудирлари А.И.Эгамназаров, тарих фанлари номзодлари С.Ҳолбоев, Х.С.Солиқов, С.С.Аъзамхужасев, Р.Ш.Абдуллаев, К.Ражабов қатнашдилар.

Давра суҳбатини академик Аҳмадали Асқаров олиб борди.

А.Асқаров: Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ўз-ўзидан, осонгина қўлга киритилмади. Унинг узига хос чуқур тарихи бор. Ҳозирги мустақилликнинг ижтимоий асосини, унинг пойдеворини истиқлолчилик ҳаракати белгилаб берди. Бу ҳаракат 1917 йилдан кейин эмас, балки Чор Россияси Туркистонни босиб олган йилларда-ноқ бошланган. Бу ҳаракатнинг кучайган шакли, уюшган ҳолатдаги қурулиши эса 1918 йилга тўғри келган.

Тарихчи олимларимиз сунги йиллардан бу ҳаракатни шиоилмасдан пухта ургандилар. Тарих институтида ҳозир бу мавзу буйича махсус гуруҳ иш олиб бормоқда. Шунинг учун ушбу мавзу буйича бир киши атрофлича гапириб, муҳим масалаларни уртага ташласа-да, кейин бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирса, ишимиз унумли бўлади.

Мен давра суҳбатини бошлаб беришни Раъно Ёдгоровнадан илтимос қиламан. Профессор Р.Е.Ражабова институтимиздаги истиқлолчилик ҳаракати тарихини урганиш гуруҳининг бу масала буйича муносабатини баён этади. Уйлайманки, давра суҳбатини бу тарзда уюштиришга ҳеч ким қарши бўлмаса керак. Марҳамат, Раъно Ёдгоровна.

Р.Е.Ражабова: Кейинги 70 йилдан ортиқ давр мобайнида тарих фанида ҳукмрон булган методологик йул-йуриқлар синфлар ва синфий курашни тан олишдан келиб чиқди. Худди шу нарса «Босмачилик ҳаракати» деб аталган марксча-ленинча талқини белгиледи.

Лекин замонавий тафаккур бизнинг билим доирамизни кенгайтирди. Ижтимоий онда янги қадриятлар тизими: миллий-тарихий, маданий анъаналар, ҳар бир мамлакат, халқ турмуш тарзининг оқилона томонларини муносиб баҳолаш қарор топди. Ўлка халқлари тарихий тараққиётининг узига хос томонлари туғрисидаги саволларга жавоб бериш, бизнингча, урганилаётган муаммога янги методологик ёндашувларни тақозо этади. Янги талқиннинг асосига қуйилаётган ётақи қадриятлар эса Ватан, юрт, халқнинг тарихан шаклланган одатлари, диний эътиқоди, одоб-ахлоқнинг улуғлигини тан олишдан иборатдир.

Яна бир гап. Тарих фани методологиясида замонавий ёндашувни пухтароқ ишлаб чиқиш пайти келди. Ахир бугунги кунда фанимиздаги методологияга бир неча ун йилликлар мобайнида фанда ҳукмрон булган методологик йул-йуриқларни инкор қилиш натижасида эга бўлинди.

Тарихга янгича ёндашув қайта қуришнинг биринчи йилларидан бошланди. Бунда матбуот катта роль уйнади.

Бугунги кунда «думалоқ стол» атрофидаги давра суҳбатимизга қарийб 50 киши таклиф этилган. Булар журналистлар, ёзувчилар, шоирлар, илмий жамоатчилик вакиллари. Уларнинг кейинги йилларда матбуотдаги чиқишлари, гарчи айрим камчиликлардан холи бўлмасда, ўз хизматида қилди: совет тарихшунослигининг шу ҳаракат тарихини еритишдаги ютуқларини шубҳа остига қуйиб, совет ҳокимияти йилларида тарих сохталаштирилганлигини таъкидлади.

Шубҳасиз, бу тарих институтида шу муаммо буйича илмий-тадқиқот ишларини кучайтирди. Институтнинг махсус сектори ушбу йилларда анчагина ишларни амалга оширди. Юқорида айтиб утганимиздек, аввало методологик ёндашувларни аниқлашда анча ишлар қилинди. Биринчи навбатда ҳаракатга бевосита дахл булган ҳужжатлар: варақалар, баёнотлар, ҳаракат раҳбарларининг мурожаатномалари, ҳаракат қатнашчилари ва уларнинг қариндошларининг хотираларига эътибор берилди. Миллий матбуот атрофлича урганилди, совет расмий ҳужжатлари қайтадан қурилиб, мушоҳада қилиб чиқилди. Бу даврга келиб, муҳожирот ва чет эл адабиётини урганиш учун янада қўлай имкониятлар юзага келди. Мавжуд барча маълумотларни қайта урганиш натижасида «Босмачилик ҳаракати» халққа қарши, босқинчилик ҳаракати эмас, балки миллий-озодлик ҳаракати, Туркистонда уни чоризм босиб олганидан кейин бошланган, узига хос шакл ва усуллари

булган миллий-озодлик ҳаракатининг бир қисми, деган хулосага келинди.

Бу ҳаракат табиати ва моҳиятини билиш учун, бизнингча, уни келтириб чиқарган манбаларни, биринчи навбатда жадиличлик ҳаракати тарихини урганиш лозим. Жадиждилар мустамлакачиларга қарши, ўз халқининг озодлиги ва мустақиллиги учун кураш ғоясини уртага ташлаган ҳаракат мафқураси асосини тайёрладилар.

Бугунги кунда Туркистонда миллий-озодлик ҳаракати бўлмаган, чунки унинг мафқураси яратилмаган эди, деган фикр ҳам бор. Менимча, бу фикр нотўғри. 1917 йил февралдан октябргача булган даврдаги жадилизмни урганиш шуни курсададики, у бу даврда жиддий ўзгаришларни бошдан кечирган. Жадилизм айнан шу даврда маърифий ҳаракатдан сиёсий ҳаракатга айланди.

Шу йилларда бу ҳаракат ташкилий жиҳатдан шаклланди. Жадиждилар жойларда «Шуро Исломия» тизими яратилишини таппаббускор бўлдилар, у тез вақт ичида миллий марказнинг тегида Муслмон депутатлари Ўлка Совети турган Бугунтуркистон ташкилотига айланди. Бу ташкилот аслида Туркистонда февралдан кейин шаклланган ҳокимият тизимининг учинчи бутағи эди.

Шу даврда турт марта Бугунтуркистон муслмонлари қурултойи ўтказилди. Биринчи қурултойда демократик Россия таркибида Туркистон автономиясини ташкил этиш ғояси олға сурилди. Бу уринда автономия тушунчаси кенг маънода талқин қилиниб, ўз армияси, боғхонаси, ташқи алоқаларда ўз ваколатхоналари бўлиши ва бошқалар кўзда тутилган эди.

Муслмонларнинг II Бугунтуркистон қурултойида фақат муслмон депутатларнинг Ўлка Совети Туркистон Муслмон аҳолиси манфаатларини ҳимоя қилиши мумкин, деган фикр қатъий қилиб қўйилди. Муслмонлар Совети ҳокимиятни илчи ва солиат депутатлари Советига берилишига қарши эканлиги айтилди. Бу мақсад октябрь тўнғариши куниарида, аҳолининг озгина қисми — овруналик ишчилар Тошкент горнизони аскарларини ўз томонларига олдириб олиб ва шу қуроли кучларга таяниб, ҳокимиятни ўз қулларига олганларида айниқса кучайди. Ўлка муслмонлар Совети аъзолари Қўқонга қўчилар ва ҳокимият ҳамда Туркистоннинг келгусидаги давлат тузилиши масаласини ҳал этиш учун муслмонларнинг IV Ўлка қурултойи чақирилди. «Туркистон мухторияти» деб ном олган демократик миллий республика ташкил этилганлиги бу қурултойнинг энг муҳим натижаси бўлди.

Бу даврда яна бир муҳим ҳодиса рўй берди — «Турк одами марказий федералист фирқаси», «Иттифоқи муслимин» сиёсий партиялари шаклланишига асос солинди. Бу партиялар ишлаб чиққан ва қабул қилган дастур ва низомлар шундан гувоҳлик берадики, ижтимоий-сиёсий кучлар маълум мақсадларни кузлаганлар: Туркистон автономияси учун, унинг демократик тарзда қайта қурилиши учун кураш, бунда парламентаризмнинг оврупача шаклини қарор топтириш. Миллий муслмон ташкилотлари ва халқ урф-одатларининг мустаҳкамлигини тан олиш билан қушиб олиб бориларди.

Шундай қилиб, мана шу қисқа маълумотларнинг ўзи ҳам Туркистонда «Босмачилик ҳаракати» кенг қулоқ ёйган даврда миллий-озодлик ҳаракати анъаналари булган, миллий-озодлик ҳаракати мафқураси ишлаб чиқилган эди, деб хулоса қилиш имконини беради.

Миллий демократлар — жадиждилар билан «Босмачилик ҳаракати» уртасида алоқа бўлмаган, деган фикр ҳам эшитилиб қолади. Ҳа,

«Туркистон мухторияти» ҳукумати тор-мор этилганидан кейин унинг бир қисми чет элга кетишга мажбур будди. Лекин бизнинг тадқиқотларимиз шуни кўрсатяптики, унинг бир қисми бу ҳаракат билан боғланганига эмас, балки унда бевосита иштирок этган. Бундан ташқари, бироз кейинроқ — 1922 йилда «Туркистон миллий бирлиги» ташкилоти тузилиб, унинг таркибига жадидлар, шу жумладан, «Туркистон мухторияти» ҳукуматининг баъзи аъзолари ҳам киришган. Улар бу ҳаракатни гоявий таъминлашда катта роль ўйнашди. Жадидчиликнинг илгор гоялари мусулмон аҳолиси уртасида анча кенг тарқалиб, унинг ижтимоий онги шаклланишига таъсир курсатди. Тошкентда ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида булган оммавий митинглар, 1917 йил 13 декабрда булган намойиш, «Туркистон мухторияти»ни қўллаб-қувватлаган ишчи, солдат ва деҳқон мусулмон депутатларининг I Фавқулодда қурултойи бунинг исботи була олади.

Бизнингча, «Босмачилик ҳаракати»нинг моҳиятини тушунишда унинг сабаблари ҳақида мушоҳада қилиб кўриш муҳим аҳамиятга эга. Совет тарихшунослигида «Туркистон мухторияти»нинг тор-мор этилганлиги, биринчи социалистик тадбирлар амалга оширилганлиги (иктисодийёт давлат ихтиёрига утказилиши, озиқ-овқат тақсими, масжидлар, эски мактаблар, қозихоналар беркитилганлиги ва бошқалар), шунингдек, биринчи совет ҳарбий булинмалари ва «Дашноқ-пүтүн» отрядлари маҳаллий аҳолига нисбатан шафқатсизлик қилгани бу воқеаларни бевосита сабаблари, деб курсатилди. 1919 йилда бу ҳаракат оммавий тус олганида Туркистонга келган Турккомиссия ва Туркфронт аъзолари шуларни курсатиб утган эдилар. Марказдан келганлар Туркистон ҳукумати фаолиятига қўшилмасликка интидилар ва «Босмачилик ҳаракати»нинг кенг миқёс олиб кетишида Туркистон большевикларини айбдор деб билдилар. Аммо шуни унутмаслик керакки, Туркистон большевиклари биринчи навбатда марказ сисётини, унинг декретларини амалга оширганлар. Бу сисёатнинг ортиқ даражада каттиққўллик билан, тезкор усулларда амалга оширилганлиги эса бошқа гап. Шу боисдан марказдан келганлар таъкидлаган, кейин совет тарихшунослигида қарор топган, айнан шу сабаблар «Босмачилик ҳаракати»ни келтириб чиқарди, деган фикрга қўшилиб булмади. Ҳа, эҳтимол бу ҳодисалар ҳаракатга алоҳида миқёс, алоҳида кескинлик бахш этган бўлиши мумкин, лекин улар бош сабаблар эмас. Бош сабаб, бизнингча, мустамакчиликка қарши, миллий озодлик ва мустақиллик учун кураш.

«Босмачилик»нинг асосий моҳияти — бу озодлик ҳаракати, у ҳаракатлантирувчи кучларнинг характери билан ҳам тасдиқланади. Гарчи совет ҳокимиятининг, партия ташкилотларининг биринчи расмий ҳужжатларида бу ҳаракатни қароқчилар, каллақасарлар гуруҳи ҳаракати, бойлар, муллаларнинг аксилинқилобий чиқиши деб аталган булса ҳам, барибир улар бу ҳаракатда деҳқонлар, ҳунармандлар иштирок этганлигини яшира олмадилар. Тугри, бу ҳаракатга омма алданган, бойлар ва муллалар томонидан игво билан қўрқитиб жалб этилган, деб изоҳ бердилар. Бизнинг тадқиқотларимиз бу фикрни тасдиқламади. Уйлаймизки, босмачилик ҳаракатининг оммавий тус олганлигининг узи ҳам бу фикрнинг нотугрилигини тасдиқлайди. Ҳатто совет тарихшунослиги шуни таъкидлайдики, 1919-1920 йилларда бу ҳаракат қатнашчилари миқдори 60 минг кишига етган. Хориждаги тарихшунослик бошқа рақамни келтиради. Унинг таъкидлашича, бу ҳаракат қатнашчилари қарийб 200 минг кишига етиб, шундан 70 минг киши қуролли ва 125 минг киши қуролсиз булган. Совет ҳужжатларида ҳам ҳаракатнинг

битта қуролли қатнашчисига 5 нафар қуролсиз қатнашчи тугри келганлиги ҳақида маълумотлар бор.

Шундай қилиб, ҳаракат қатнашчиларининг таркиби ва миқдорини таҳлил қилиш бу халқ ҳаракати — оммавий ҳаракат, деб ҳулоса чиқариш имконини беради. Унинглаб кишиларни алдов йули билан курашга тортиб булмасди, чунки бу кураш фидокорликни, лозим булса, жонни қурбон қилишни талаб этарди.

«Босмачилик ҳаракати» саналарини аниқлаш ҳам бироз бошқача ёндашушни талаб этади. Совет тарихшунослигида бу ҳаракатга Туркистондаги фуқаролар урушининг бир қисми сифатида қаралган. Шу боисдан фуқаролар уруши доирасида — 1918 йил майдан 1920 йилгача ва баъзида 1918-1923 йиллар чегарасида давом этган, деб белгиланган. Унга фуқаролар урушининг бир fronti деб қаралган.

Тугри, синфий курашнинг кескин шакли булган фуқаролар уруши Туркистонни ҳам четлаб утмади. Бироқ, у улка аҳолисининг овруналиқлар қисмини қамради. Каспийорти ва Еттисувдаги воқеалар бунинг далилидир. Бироқ Фарғона водийсидаги, кейин Самарқанд вилояти ва Бухорога ейилган воқеаларни ҳеч қанақасига синфий кураш еки фуқаролар уруши деб булмасди. Уни фақат хоризм Туркистонни босиб олганидан кейинги миллий-озодлик ҳаракати дейиш мумкин.

Улкадаги миллий-озодлик ҳаракати бир неча йирик даврларни бошдан кечирди. Шулардан бири биз урганаётган «Босмачилик ҳаракати» деб номланган ҳаракатдир. У 1918 йил февраль ойидан бошланиб, 30-йилларнинг урталаригача давом этди. Ҳаракат даврини белгилашда биз унинг ички тарихини, шу йиллардаги воқеаларни таҳлил этишга таяндик, ҳаракатнинг умумий йўсинини (қуролли кураш), унинг ташкилий шакллари (қурбоши отрядлари), тактикасини (ягона фронт чизиги йўқлиги) ва бошқаларни ҳисобга олдик. Шу билан бирга, ҳаракат ривожининг ички қонуниятларига мувофиқ равишда икки даври аниқ ажраб туради: биринчи даври — 1918-1924 йиллар. Иккинчи даври — 1925 йилдан 30-йилларнинг урталаригача.

Бугунги кунда ҳаракатнинг биринчи даври — 1918-1924 йиллар нисбатан ишланган ҳисобланади. Тадқиқот натижалари бир қатор ҳулосалар ва умумлашмалар қилиш имконини беради:

биринчидан, ҳаракат йўсини, унинг раҳбарлиги, ҳаракатлантирувчи кучларига мувофиқ равишда учта мустақил босқич кузатилади:

I босқич — 1918 йил февралдан 1920 йил мартгача — қуролли курашнинг бошланиш ва унинг оммавий халқ ҳаракатига айланиши. Бу йилларда воқеаларнинг ривожланишига Кичик Эргаш, Катта Эргаш ва айниқса, Мадаминбек сезиларли таъсир курсатдилар.

II босқич — 1920 йил мартдан 1922 йил охиригача — ҳаракат энг кескин тус олган пайт. Ҳаракат тепасида Шермухаммадбек турди.

III босқич — 1923-1924 йиллар — тарқалишга мойилликнинг усиш даври. Ҳаракат вақтинчалик сусайди.

Иккинчидан, гарчи бутун биринчи давр мобайнида (1918-1924 йй.) ҳаракатнинг мустақам раҳбарлик марказини яратишга муваффақ бўлинмаган булса ҳам, бироқ унинг маълум ташкилий асослари тугрисидаги мавжуд маълумотлар бу ягона, ташкилий ҳаракат булган, деб таъкидлаш имконини беради. Бунда биринчи навбатда қурбоши лавозими кўзда тутилган. Бу лавозим, номидан ҳам кўриниб турибдики, халқнинг қуролли кучларини ташкил этиш тажрибаси асосида юзага келган лавозим эди. Ҳар бир исёнчи отряд маълум бир жойдаги аҳолидан шаклланди. Отряд тузиш, унинг раҳбари — қурбошини

сайлаш, оқсоқоллар ва руҳонийларнинг розилиги билан буларлики, бу унга қонунни тус берар ва отряд билан маҳаллий аҳоли уртасидаги узаро алоқани мустақамлар эди. Қурбоши лавозимига мард, иродали, ҳарбий ишдан хабардор булган, обрӯли кишилар сайланар эди. Фақат маҳаллий урф-одатларни ва ахлоқни билмаслик, маълум тошшириқ асосида иш тутиш большевиклар пропагандасига бу кишиларни жиноятчи шахслар, қотиллар ва сургун булган кишилар, деб эълон қилиш имконини берди.

Қурбоши лавозими ҳаракатнинг ҳарбий ташкилотига сингиб кетди. Улар исенчиларнинг алоҳида, йирик ва кичик отрядларига бошчилик қилдилар. Мавжуд маълумотларга қараганда, ҳаракатнинг маълум вақтларида Фарғона вилоятидаги айрим отрядларга бошчилик қилган қурбошилар миқдори 200 нафарга (1921 йил ургаларида), баъзида ундан ҳам ортиққа (1923 йилда 230 нафарга) етган. Шу билан бирга йирик булинмаларга раҳбарлик қилган қурбошилар ҳам бор эди, уларга унлаб қурбошилар уз отрядлари билан итоат этишар эди. Жумладан, 1918 йилнинг кузида Эргаш қурбоши кул остида 70 қурбоши отряди бор эди. Мадаминбек, Шермухаммадбек, Холхужа ва бошқалар қурбошиларнинг йирик булинмаларига бошчилик қилишар эди.

Қурбошиларни бирлаштирувчи восита булиб уларнинг қурултойлари хизмат қилган. Биринчи даврда (1918-1924 йй.) қурбошиларнинг 10 дан ортиқ қурултойи булган. Уларда ҳаракатнинг навбатдаги муҳим масалалари муҳокама қилинган, кураш тактикаси белгиланган, қурбошиларнинг йирик булинмалари ҳаракат ҳудудлари аниқланган, олий бош қўмондон сайланган ва ҳоказо.

Жумладан, 1918 йилда Бачкир қишлоғида булган қурбошилар қурултойида исенчилар қуроли кучларининг бош қўмондони этиб Эргаш, 1918 йилда Ойим қишлоғида булган қурултойида Мадаминбек, 1920 йил май ойида булган қурултойида Шермухаммадбек, 1923 ва 1924 йилларда қурбошилар Ислоҳ Паҳлавон ва Ермат Махсум бош қўмондон этиб сайланганлар. Бош қўмондон бўлиш учун интилишда кўпгина қурбошилар ҳаракатга раҳбарлик қилиш учун бирлашган, ягона марказ бўлиши зарурлигини тушунганлар.

Гарчи айрим қурбошиларнинг сепаратчилик ҳаракатлари, уларнинг ягона марказга итоат этишни истамаганликлари буткул йўқ булмаган булса ҳам, бироқ умуман бош қўмондон лавозимининг мавжудлиги ҳаракатнинг ҳолатига ижобий таъсир курсатган.

Бугунги кунда Мадаминбек, Шермухаммадбек сингари ёрқин шахсларнинг сисий киёфалари яратилди, дейиш мумкин. Уларнинг номи билан ҳаракатнинг ҳарбий ташкилоти мустақамланганлиги, уни ислоҳ қилишга уришишлар, ҳарбий интизомнинг мустақамланганлигига эмас, балки Фарғонада ҳокимият тизимлари яратилганлиги ҳам боғлиқлар.

Қурбоши отрядлари бу даврда олға сурган шиорларда ҳам ҳуррият ва мустақилликка булган интилиш ифодаланади: «Туркистон туркистонликлар учун», «Туркистонга озодлик!» ва ҳоказо.

Шундай қилиб, бу ҳаракатнинг биз урганган ва бугун баён қилинаётган барча жиҳатлари, уйлайманки, шундан далолат берадики, у Туркистон халқлари озодлик курашининг таркибий қисми булган. Бу ҳаракат ҳақида шакланган янгича фикрларга мувофиқ равишда бизда янгича тушунчалар пайдо булди. Бу биринчи навбатда ҳаракатнинг номланиши билан боғлиқ. Совет тарихшунослигида қарор топган «Босмачилик ҳаракати», «босмачи» иборалари урнига биз янги

— «Истиклолчилик ҳаракати», «истиклолчилар» ибораларини жорий этдик. Бу янги тушунчалар ҳаракатнинг моҳияти ва табиатини айнан ифодалаш билан бирга, уни алоҳида давр сифатида ўзига хос вазифалари, шакллари ва методлари булган Туркистондаги умумий миллий-озодлик ҳаракатидан ажратиб курсатиш имконини беради. Ва ниҳоят, албатта тухташ керак булган яна бир масала бор.

«Босмачилик ҳаракати» ҳақидаги янгича фикрни ҳамма ҳам бир хил қабул қилмайди. Уни танқид қилувчилар ҳаракатнинг зуравонлик томонларига ургу берадилар. Бунда улар уз фикрларини исботлашда халқ оғзаки ижодида сақланаётган исенчилар ҳаракатида кўп солир булган талончилик ва угрилик, тинч аҳолини қирганликлари ҳақидаги маълумотларни мисол қилиб келтирадилар. Шубҳасиз, бундай ҳодисалар булган. Мадаминбек бундай ҳодисаларни таг-туғи билан тутатиш мақсадида махсус булинмалар тузган, бу отрядлар қаттиқ чоралар қуриб, талончилик билан шуғулланган ва тинч аҳолига зуравонлик қилган кишиларни шафқатсиз жазолаганлар. Лекин бу уринда мазкур фактларга чуқур назар солиш керак. Узоқ давом этган оғир уруш одамларнинг руҳиятига, хулқ-атворига уз таъсирини утказмасдан қолмади. Очлик, жудоликларга ҳамма ҳам дош беролмади. Ун минг, юз минглаб кишидан иборат булган қўзғолончилар орасида узларининг тор шаҳсий манфаатлари йулида талончилик ва угрилик билан шуғулланиб, муқаддас гоёларга хиенат қиладиганлар ҳам бор эди. Лекин бундай ёмон ишлар учун бутун ҳаракатни айбаш масъулиятсизлик булур эди. Уз уйи, оиласидан узоқда булган минглаб, ун минглаб, юз минглаб қўзғолончилар беқиёс жисмоний ва маънавий муҳтожликларга дош бериб, уз жонларини аямасдан мардона ва ҳалол кураш олиб бордилар. Уларнинг кўпчилиги муқаддас орзулар йулида жонларини фидо қилдилар.

Ўзбекистон уз мустақиллигига эринган бугунги кунда исенчиларга топш отиш, мустақиллик учун кураш байрогини кутарган ҳаракатни қоралаш адолатсизлик булур эди. Бу қоралаш ишини совет пропагандаси муваффақиятли равишда амалга ошириб келди. Ун йиллар мобайнида халқнинг онгида «босмачи» деб аталмиш душман қиёфаси муваффақиятли равишда шакллантирилди. Бу мудҳиш ҳодиса ҳам уз талқиқотчиларини кутиб турибди.

Ҳаракатнинг иккинчи даври — 20-йилларнинг охиридан 30-йилларнинг ургаларигача булган давр қарийб урганилмаган, биринчи даврнинг ҳам «оқ доғ»лари бор. Исенчилик ҳаракатининг тинч аҳоли, чет эл мамлакатлари билан узаро алоқаларини урганиш муҳим масалалардан саналади. Вақтли миллий давлатлар ташкил этилиши, қурултойлар тарихи, исенчилик ҳаракатининг ҳарбий ташкилоти, муҳожирот ҳаётини сиңчиклаб урганиш, ҳаракат иштирокчилари, халқ булганлар миқдори ва бошқа кўпгина масалаларга аниқлик киритиш долзарб вазифаларландир.

Р.Т.Шамсиддинов: Раъно Едгоровнанинг катта маърузаси ниҳоятда сермазмун булди. Ушбу масаланинг моҳияти ҳозир ҳам мамлакатимиз ичкарисида, ҳам ундан ташқарисида муҳим аҳамиятга эга булиб турибди. Шу йил 4-5 сентябрда Туркия пойтахти Анқарала булган йирик халқаро анжуманда истиқлолчилик ҳаракати ҳақида ҳам сўз кетди. Ушбу анжуманда мен ҳам иштирок этган эдим. Унда истиқлолчилик ҳаракатини урганиш мақсадида доимий равишда иш олиб боралиган халқаро миқёсдаги марказ тузиш лозимлиги таклиф қилинди.

«Босмачилик ҳаракати» натижасида йўқотилган одамлар сонини

аниқлаб олишимиз керак. Менинг шахсий мулоҳазаларим буйича 1917-30 йилларнинг уртасида Туркистондан 1,9 миллион киши хорижга чиқиш кетишга мажбур бўлган, 1 миллион киши эса ҳалок бўлган, 1,7 миллион киши Туркистондан бадарга қилинган.

Бу ҳаракат «Босмачилик» номи билан тарихга кирди. Ҳозирги кунда ушбу жараён турли номлар (ундан ортиқ ном) билан аталмоқда. Биз уни қатъий равишда бир ном билан, эҳтимол, «Истиқлолчилик ҳаракати» номи билан аташимиз керак.

Энди бир неча оғиз суз ушбу ҳаракатни урганиш, унинг манбалари тўғрисида. Биз тарихчилар архив ҳужжатларини урганаётганимизда фақат голиб томоннинг — Қизил Армиянинг фаолиятини ёритиб, мағлуб томон бўлган «босмачилар»нинг фаолияти ҳақида суз юритмадик. «Босмачилар» билан боғлиқ асосий архив ҳужжатлари эса Москва ва Санкт-Петербург архивларида сақланмоқда. Қурбошилар эса уз ҳужжатларининг асосий қисмини Ватанин тарк этганларида хорижга олиб кетишган. Бу ҳужжатлар ҳозир АҚШ, Туркия ва Покистонда сақланмоқда. Уруш қатнашчиларининг 50-йилларда нашр қилинган хотиралари эса ушбу даврдаги коммунистик мафқуранинг тазйиқи билан тайёрланган бўлиб, унда воқеалар бузиб кўрсатилган.

Бир мисолни келтириб утаман. 1923 йилнинг ёзида СССР Қуролли кучларининг бош қўмондони С.С.Каменев Туркистонда бўлганида Фарғона водийсига бориб, махсус поезд билан водийни айланиб чиққан. Поезда юрган пайтида 123 та моддадан иборат «Босмачиликка қарши кураш» йуриқномасини ишлаб чиқади. Ушбу йуриқнома бизнинг тарихчиларимиз эътиборидан четда қолиб келмоқда. Ҳолбуки, бу манба хориждаги ушбу мавзуга оид китобларда яхши урганилган.

«Истиқлолчилик ҳаракати» ҳақида гап кетар экан, у содир бўлган даврни аниқлаб олишимиз керак. Биз унинг дастлабки даврини Советларга қарши кураш бошланган 1918 йилнинг бошидан, яъни Туркистон мухториятининг тор-мор қилинишидан эмас, балки XIX асрнинг 70-80-йилларида бошланганимиз керак. Чунки Туркистон Россия томонидан босиб олинган, чор Россиясига қарши миллий-озодлик ҳаракати бир дақиқа ҳам тўхтамади. Яна шунини ҳам айтиб ўтиш лозимки, совет идораларида масъул лавозимларда ишлаган маҳаллий миллат вакиллари — Турор Рисуқул, Файзулла Хужаев, Инъомжон Хидиралиев, Акмал Икромов ҳам миллий истиқлол учун курашган фидоий инсонлар эди. Масалан, Андижонда С.Тухтабеков деган ревком, Бухорода эса жумҳуриятнинг раиси Усмонхужаев тургидан-турги «босмачилар» томонига ўтиб кетишди.

Яна бир гап. Фарғона водийсидаги «Босмачилар ҳаракати» Бухоро ва Хоразм жумҳуриятларидаги ушбу ҳаракатлардан анча фарқ қилади. Бунга ҳам биз уз муносабатимизни билдиришимиз керак.

Сузимнинг охирида шунини айтишим лозимки, бу ҳаракатни уз характери, миллий ва ижтимоий таркиби жиҳатидан олганда ҳам, биз уни «Миллий истиқлол ҳаракати» деб аташимиз керак.

Р.А.Нуруллин: Биринчи навбатда мен мазкур муаммо билан боғлиқ тарихшунослик ва унинг илмий манбалари ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эдим. Маълумки, бу муаммо буйича кўпгина китоблар ва брошюралар нашр этилган. Булар орасида А.И.Зевалев, Ш.А.Шамағдиевнинг монографияларини, А.Қўқонбоевнинг илмий ишларини ва бошқа талқиқотларни тилга олиш мумкин. Улар кўп миқдордаги ҳужжатлар ва бошқа материалларни Москва, Тошкент ва Фарғона водийсининг вилоят марказларидаги архивлардан топиб йиққанлар ва уз замонлари руҳида умумлаштирганлар. Шу сабабли

«Истиқлолчилик ҳаракати»ни урганаётганда мазкур муаммони урганган ушбу муаллифлар ва бошқа кўпгина муаллифларнинг илмий ишларига мурожаат қилиш мумкин ва керак, фақат бунда улар бу муаммони уша даврда ҳукмрон бўлган маркча-ленинча методология асосида урганганликларини ёдда тутиб, уларга танқидий муносабатда бўлиш керак. Бизинингча, айниқса, Ш.А.Шамағдиевнинг илмий ишларига эҳтиёт бўлиб ёндошиш лозим, у бу илмий ишларини «босмачилик»ка қарши курашнинг фаол иштирокчилари эсаликлари асосида ёзган.

Профессор Р.Т.Шамсиддинов айтиб ўтганидек, манбалар масаласида аҳвол яхши эмас. Аслида биз «Истиқлолчилик ҳаракати» тарихини ҳаракат қатнашчиларининг ҳужжатлари ва бошқа материалларга эга бўлмасдан, фақат совет манбаларига таяниб урганишга мажбурмиз, улардан эса ҳолис баҳо ва ахборотни топиш қийин. Манбалар билан боғлиқ масала яна шу жиҳатдан мураккабланиптики, ҳолис бўлмаган бу манбаларнинг асосий қисми Москва архивларида, жумладан, Совет Армиясининг Марказий Давлат архивида қолди. Ҳозир илмий ходимларнинг мушқулини шу нарса осон қилиб турибдики, 50-йилларда Ўзбекистон Фанлар академияси тарих институти Октябрь инқилоби ва фуқаролар уруши тарихи бўлими мудир, профессор Х. Ш. Иноятовнинг тапшбўси билан Москва архивларида сақланаётган фуқаролар уруши тарихи билан боғлиқ бўлган кўпгина ҳужжатларнинг нусхаси олиб келинган эди. Улардан ва Ўзбекистон Марказий Давлат архивидagi ҳужжатлардан кенг фойдаланиш асосида ҳаракатнинг миллий-озодлик ҳаракати эканлигини, унинг мақсадларини ва иштирокчиларининг асосий қисмининг ижтимоий таркибини аниқлаш мумкин бўлди.

Мазкур масала буйича айрим ҳужжатларни келтиришга ижозат бергайсиз. Шулардан бири — бу Мадаминбекнинг 1919 йил ёзда Фарғона водийсидаги совет қўшинлари қўмондонлиги ёзган хатидир. Унда Мадаминбек қўйидагиларни ёзган: «Сиз федерацияни эълон қилдингиз, халқларнинг уз ҳуқуқини ўзи белгилашини эълон қилдингиз, нега уларни бизга бермаясиз? Бизларга ўзимиз эълон қилган шиорларга мувофиқ янаш имконини беринг, ўзимиз хоҳлагандай ҳуқуқатни сайлаш имконини беринг, ахир биз мусулмонлар кўпчиликимиз-ку». Иккинчи ҳужжат — Мадаминбек ва 2-Туркистон ўқчи дивизиеси қўмондонлиги билан тузилган битимдир (1920 йил, март). Бу битимда Мадаминбек талаблар қўйиб, агар шу талабларим бажарилса, уз йигитларим билан Совет ҳокимияти томонига утаман, деб ваъда берган. Унда шундай дейилган: «Совет ҳуқумати Туркистонда фуқаролар ҳаётини ташкил этганда шариат асосларини сақлаши, меҳнаткаш аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиши, мусулмон аҳолига шариат буйича, яъни мусулмон аҳолининг маҳаллий шароитлари ва одатларига мос ҳуқуқлар бериши керак». «Истиқлолчилик ҳаракати»нинг ҳаракатлантирувчи кучи ва ижтимоий таркиби тўғрисида Туркистон Марказий Ижроия Кумитаси Раиси Назир Турақулов анча аниқ қилиб айтган — у «асосан деҳқонлар ва унарманларни жалб этган эди».

Мен «думалоқ стол» атрофидаги давра суҳбати қатнашчиларининг эътиборини қаратмоқчи бўлган яна бир масала шуки, совет тарихий адабиётида таъкидланганидек, ҳақиқатда Фарғонадаги «босмачилик» 20-йилларнинг охирида тор-мор қилинганми? Бу адабиётда коммунистик тузумнинг «Истиқлолчилик ҳаракати»га қарши курашини СССРдаги фуқаролар уруши тарихи умумий схемасига мослашга ҳаракат бўлган-ку. Катта миқдордаги ҳужжатларни урганиш натижасида бу

борада ҳам сохтагарчиликка йул қўйилган, деган фикрга келдик. Совет кумондонлигининг маълумотига қараганда, 1920 йил декабрда Фарғона водийсида 57860 нафар қуроли ватанпарвар бўлган. Бундай шароитда уларнинг асосий кучлари тор-мор этилди, деган фикрга қўшилиб буладими? Бунинг устига, булар майда, тарқоқ отрядлар эмас, балки совет қўшинлари билан туқнашувларда тобланган дала командирлари кумондонлик қилаётган анча йирик ҳарбий булинмалар эди. Ватанпарварларга эса Қизил Армиянинг 15 миң найза ва қиличдан, 61 топ, 324 пулемёт, 6 самолёт, 3 аэростат, 4 бронепоезд, 6 броновик ва бошқа қуроллари бўлган ҳарбий булинмалари қарши турар эди.

Яна бир муҳим масала — бу «Истиқлолчилар ҳаракати» тарихини даврларга булиш масаласидир. Ҳужжат манбаларини ҳолис таҳлил қилиш асосида унинг ривожининг асосий босқичларини, ҳаракатлан-тирувчи кучларини, уларнинг ҳар бирининг узига хос томонларини аниқлаш керак. Бизнингча, «босмачилик» мавжуд бўлган 15 йилдан кўпроқ вақт мобайнида ҳамиша ҳам умумхалқ ҳаракати бўлди, чинакам ҳаракат бўлди, деб бўлмайди. Бизнингча, у 1924 йилгача умумхалқ ҳаракати бўлди, кейин сусайиб борди. Бизда мавжуд бўлган архив материалларига қараганда, 1923 йил 1 декабрдан бўлган муддатда Фарғона водийсида 10 та қурбоши отряди ҳаракат қилган. 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошида сталинча усулда қишлоқ ҳужалигини жамоалаштириш муносабати билан ҳаракатнинг янги тулкини кутарилиди. Ушунда қуроли ватанпарварларнинг бу қаршилиги ҳам мустабил тузум томонидан шафқатсизларча бостирилди.

Агар биз истиқлолчилар ҳаракатининг ҳаққоний тарихини яратмоқчи бўлсак, тарихчилар жавоб беришлари керак бўлган жуда мураккаб ва нозик саволлардан бири баъзи бир қурбоши отрядлари айрим даврларда тинч аҳолини, айниқса, қишлоқларни талаганлиги ва зуравонлик қилганликлари масаласидир. Уларнинг шундай ҳаракатлари натижасида Фарғона водийси ва бутун республика аҳолиси уртасида «босмачи»нинг салбий образи намоён бўлиб қолган. Уйлаймизки, олдий бўлмаган бу саволга асосли жавоб бераётганда ҳаракат қатнашчилари турли-туман кишилардан иборат бўлганликларини, улар орасига гаразли мақсадларда ўғри, қароқчи кишилар ҳам кириб олганликларини, бу ҳаракат бошланган пайтда Фарғона водийсида ва бошқа вилоятларда ҳам ўғри, қароқчи гуруҳлар ҳаракат қилганликларини унутмаслик керак. Расмий пропаганда бу қароқчиларни Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун курашаётган истиқлолчилар билан бир қилиб курсатишга, уларнинг қилмишларини истиқлолчиларга туңкаб, тинч аҳоли уртасидаги обрўини туқишга ҳаракат қилди ва бу ишда анча муваффақиятларга эришди ҳам.

«Истиқлолчилар ҳаракати» ва Туркистоннинг туб тинч аҳолиси масаласи ҳам юқоридаги масала билан ҳамбарчас боғлиқдир. Ҳужжатлар шундан гувоҳлик берадики, ҳаракатнинг миқёси ва кучи тинч аҳоли уни қўллаб-қувватлашига буткул боғлиқ эди, аҳоли унга йигитлар етказиб берди, молдий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлади. Шу муносабат билан 2-Туркистон ўқчи дивизияси командири Ф.Д.Карпов 1920 йил ёзида тан олиб айтган қўйилган сузлар қимматлидир: «Фарғонадаги кураш, — деб ёзган эди у, — қароқчиларга қарши кураш эмас. Бу ерда маҳаллий халқ совет ҳокимиятига қарши уюшган ҳолда исен кутарган, ушалар билан кураш олиб бориляпти». Аҳоли «босмачилик»ни қўллаб-қувватламай қўйгандан кейин у «ҳаракат» бўлмай қолди ва суна бошлади.

Охири гап. Истиқлолчилар ҳаракатини бостиришда марказ уйнаган салбий ролга алоҳида тўхталиш керак. РКП(б) Марказий Қўмитаси, РСФСР Халқ Комиссарлар Кенгаши, Совет кумондонлиги мустақиллик учун ҳаракатни таг-туғи билан тугатиш мақсадида Туркистонга катта миқдордаги ҳарбий қўшин, замонавий ҳарбий техника юборди. Натижада 1920-1923 йилларда совет қўшинлари ватанпарварларга нисбатан техника жиҳатидан ҳам, жангчилар миқдори жиҳатидан ҳам катта устунликка эга эдилар.

Қуриб турибмизки, «Истиқлолчилар ҳаракати»нинг тарихини урганмоқчи бўлганлар олдида осон бўлмаган вазифалар турибди. Улар катта ва мураккаб ишни амалга оширишлари керак. Буни юқори билим даражасига эга бўлган олимларнинг катта жамоаси амалга ошириши мумкин.

Э.Юсуфов: Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон тарихини мустақил, ҳолисона урганмоғимиз керак. Тарих фани бўлиб утган воқеаларнинг хронологик баёнигина эмас, балки катта тарбиявий, амалий аҳамиятга эгадир. Утмиш тарихини урганар эканмиз, унинг баъзи саҳифаларидан мағрурланамиз, ватанимизга, халқимизга ишончимиз, ҳурматимиз ортади. Тарихнинг баъзи саҳифаларини урганиб, ҳозирги кунимиз ва келажакимиз учун фойдали бўлган хулосалар чиқарамиз. Шу маънода тарих фани назарий, ҳам амалий аҳамиятга эгадир. Халқимизнинг миллий онги усиши натижасида кишиларда утмиш тарихини чуқурроқ билишга қизиқиш кучаймоқда. Тарихий мавзуда асарлар яратаётган ёзувчиларнинг саффи ҳам ортиб бормоқда.

Мен Раёно Едгоровнинг маърузасини мароқ билан тингладим. Тарихимизнинг ниҳоятда сохталаштирилган ва бузилган саҳифаларидан бири — миллий-озодлик ҳаракатларидир. Биз шу вақтга қалар марксизмнинг партиявийлик ва синфийлик туғрисидаги таълимотига асосланиб, бу муаммони илмий ҳал этиш илконига эга бўлмадик. Миллий-озодлик ҳаракатларини Россияда рўй берган инқилобий жараёнларнинг таркибий қисми деб қараш ҳам бутунлай хато эди. Социалистик жамият қуриш учун курашини ҳеч вақт миллий-озодлик ҳаракатларининг бош мақсади бўлмаган. Аксинча, барча даврларда маҳаллий миллатлар ўз озодлиги ва мустақиллиги учун курашганлар.

«Босмачилик ҳаракати» Урта Осиёдаги миллий-озодлик ҳаракатларининг муҳим босқичи, таркибий қисми бўлган. Миллий-озодлик ҳаракатлари миллий зулм кучайган даврларда юзага келади. Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатларининг мақсади эса асосан ажнабийлар зулмига барҳам бериш, мустақилликка эришишдан иборат бўлган. Совет тузуми даврида тарихий воқеаларга қандай баҳо берилганлигини эсласак, тарих фанини сохталаштириш қай даражага бориб етганини яққол куришимиз мумкин.

1957 йилда Октябрь инқилобининг 40 йиллиги муносабати билан шу воқеалар қатнашчиларининг хотираларини ёзиб олиш зарур бўлиб қолди. Хотиралар тулланди-ю, уларнинг муаллифлари орасида ўзбеклар йўқ эди. Тошкентда 1917 йилда бўлиб утган сиёсий тунтаришини ўзбекларнинг иштирокисиз курсатиш уша давр мезонларига туғри келмас эди. Ахир, бутун дунёга Октябрь инқилобини тайёрлаш ва амалга оширишда ўзбеклар ҳам иштирок этди, деган овозлар тарқатилганди. Шунда бир киши, Тошкентнинг Яланғоч деган жойида ака-ука Едгор ва Олим Раҳимовлар яшайди, уларнинг хотирасини ёзиб олайлик, деб қолди. Суҳбатлашиб курсак, ака-ука Раҳимовлар 1917 йилда паровоз-вагон депосида ишлаган. Лекин улар бўлиб утган

инқилобий жанглр ҳақида бирор нарса билинмас эди. Улар октябрь воқеаларида иштирок этишмагани аниқ бўлиб қолди. Лекин уzbekларнинг фамилияси булмас Тошкентдаги инқилобий воқеалар ҳақида китоб чиқариб булмас эди. Шунда сохтакорликка йул қуйилди. Уларнинг номидан «хогиралар» ёзилиб, имзо чектирилди. Шу билан узбеклар Туркистонда Октябрь инқилобини амалга ошириш вақтида рус ишчилари томонида бўлиди, деган «ғоя» тасдиқланди.

«Босмачилик ҳаракати» билан боғлиқ булган воқеалар ҳам шундай сохталаштирилди. Миллий қадр-қиммати билмаган айрим кимсалар, номуссиз айрим аёллар ҳам «босмачилик»ка қарши кураш қахрамонига айланиб қолдилар.

«Босмачилик ҳаракати»ни вужудга келтирган сабаблардан бири — дашнуқларнинг Фарғона водийсида амалга оширган қирғинларидир. Туркистондаги совет давлати раҳбарлари, ҳарбий қўшилмалар ҳам куш бебошликларга йул қўйдилар. халқнинг диний эътиқоли, маданияти, қадриятларини оёқости қилдилар. Бу бебошликлар ҳам шу кунгача бутунлай хасуслаб келинди. Буденний отличларининг Урта Осиёда қилган ваҳшийликлари, В.Куйбишев, М.Фрунзе ва бошқалар бойликларимизни қандай талон-тарож қилгани ҳақида ҳам аниқ фикрлар айтилмади. Буларсиз «Босмачилик ҳаракати» келиб чиқишининг асосий сабабларини ҳолисона аниқлаб булмайди.

Энди бу ҳаракатни номлаш масаласида бир-икки оғиз фикр айтиш керак. Ҳозирги вазифа Урта Осиёда 1917-1930 йилларда бўлиб утган воқеаларни чуқур, янги далиллар асосида таҳлил этиш ва ҳақиқий «босмачилар» ким булганини жаҳон жамоатчилигига курсатишдир.

«Босмачилик» миллий-озодлик ҳаракатининг энг кескин, қуролли шаклидир. Бу даврга келиб маҳаллий халқларнинг сабр-қосаси тулиб кетди, уйлаган орзулари сароб бўлиб чиқди ва натижада мустақиллик учун қулига қурол олиб кураша бошлади. Бу ҳаракат узининг ижтимоий моҳияти жиҳатидан ҳам аҳолининг кенг қатламларини уз ичига олган халқ ҳаракатидир, миллий-озодлик йулидаги курашларнинг юксак чуққисидир.

«Босмачилик ҳаракати»ни империалистик давлатлар четдан туриб тапшиқ этди, деган фикр ҳам хатодир. Англия босмачилик ҳаракатига уз сиёсий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда хайрихоҳлик билдирган булса ҳам, қурол-яроғ ёки пул маблағлари билан кумақлашган эмас. Англия купорувчиларининг Урта Осиёда 1917-1920 йилларда қилган кирдикорлари ҳақида ёзилган илмий ишлар ҳам бошдан-оёқ уйдирмадир.

Ҳозир бу уринда «Миллий истиқлолчилик ҳаракати» атамаси қулланилмоқда. Аслини олганда биз ҳозир ҳам миллий истиқлол учун кураш олиб боряпмиз. Шунинг учун ҳам биз бу ҳаракатни «Миллий-озодлик кураши», деб айтсак тури буларди. Бу ҳаракат миллий истиқлол учун курашнинг оммавий, қуролли шаклидир. Бу уринда махсус сиёсий режа асосида олиб борилган кураш устида сўз бормоқда.

Мен Рустам Абдурахимовичнинг бир фикрига тула қушиламан. «Босмачилар»нинг ичили ҳақиқатан ҳам ҳар хил оқимлар булган. Уларнинг режалари, қилган ишларининг ижтимоий-сиёсий оқибатлари жиҳатидан бир мезон билан улчаб булмайди. Уша даврда бу ҳаракат сафида талончиликдан бошқа ишчи билмайидан турушлар ҳам булган. Бу ҳаракатда мустақиллик учун курашган фидойий инсонлардан тапшқари фақат уз нафсини уйлаган, халқни талаган, бойлик орттиришни мақсад қилиб қўйган ҳақиқий босмачилар ҳам булган. Мен Мадаминбек билан Ҳолхужа қурбошини бир қаторга қўя олмай-

ман. Бу борадаги тафовутлар Мадаминбекнинг Ҳолхужа қурбошига ёзган хатларида ҳам узининг яққол ифодасини топган.

Охирги яна бир масала. «Босмачилик ҳаракати» фақатгина бойлар ва уламолар келтириб чиқарган ҳаракат эмас. Уни синфий курашлар ҳақидаги марксча мезон қолинига тушириб булмайди. Аксинча, бу ҳаракатда халқнинг турли табақаларига мансуб булган кишилар қатнашган.

Бу ерда «Босмачилик ҳаракати»нинг зарари, халқ бошига тушган мусибатлар хусусида ҳам баъзи фикрлар билдирилди. Бойлар ва уламолар ҳам босмачилар сафидаги каллақасарлар зулмидан анча зарар куришган. Шу сабабли ҳам босмачиларни бойлар, уламоларгина қуллардилар, деган фикр сиёсий найрангбозликдан бошқа нарса эмас. Оддий халқ бошига совет давлати ҳарбий кучлари ҳам оғир мусибатлар солишган. Бу — тарих фани учун очилмаган бир қуриқдир. Ҳар ҳолда бу муаммони ёритишга бутунлай янгича ёндошиш керак.

Ҳ.Содиқов: Мен уз сузимда ушбу ҳаракатни бостиришда чекистлар уйнаган машғум роль ҳақида тўхталмоқчиман. Андижон уездининг Олтинқул волостида Усар Кал деган киши мингбошлик қилган. У НКВДнинг хуфяси эди. У Тошкент шаҳрида 90 ёшда қазо қилган. Бу одам умрининг охирида хор бўлиб яшаган. Мен унинг тегизи илораларга ёзган маълумотларини уз қўзим билан курганман. Полковник Ширинбоевнинг менга берган маълумотиға қараганда, у умрининг охирида нафақа ололмай улиб кетган.

Уша даврлардаги расмий маълумотларға ҳам танқидий куз билан қараш керак. Чунки уларда ҳолислик булмаган.

Мен «Истиқлолчилик ҳаракати» Россия — Марказдан қушлаб микдорда юборилган қизил аскарлар ёрдамида бостирилди, деган фикрга мутлақо қўшилмайман. Йук, бу ҳаракатни тутатиш учун совет ходимлари «сопини узилап чиқаришган», яъни маҳаллий миллат вакилларидан қушлаб кишилар Қизил армия сафарига сафарбар қилинган, уз-узини ҳимоя қилиш отрядлари тузилган. Уларнинг қули билан «Истиқлолчилар ҳаракати» бостирилган. Шундай қизил командирлардан Миркомил Миршаропов ёки Собир Раҳимовни олайлик. Улар ҳам алданган. Шуру мафқурасига ишониб, уз эътиқодлари йулида жанг қилишган. Уларға ҳолис ёндошиш керак.

Энди Тожикистонда 1931 йилда Иброҳимбек лақайға қарши жанг ҳаракатларини олайлик. Улар ҳам бир ёқлама ёритилди. Шарқий Туркистонда (ҳозирги Хитой ҳудудида) 30-йилларнинг уртасида «Ислом жумҳурияти» тузилгани ва унинг Урта Осиёдаги озодлик ҳаракатига таъсирини ҳам пухта урганишимиз керак. Чунки бу ҳаракатлар ҳам Туркистондаги миллий-озодлик ҳаракатларининг таркибий қисмидир. 1931-1935 йиллардаги Хутон, Қашқардаги воқеалар тарихчилар томонидан мутлақо урганилмаган.

Ишчилар, деҳқонлар, ҳунарманд ва зиёлиларнинг 20-30-йиллардаги воқеаларда тутган урни ва иштироки атрофлича урганилиши лозим. Мунаввар Қори ёзган уч жилдик хотираларни ҳам ҳолис деб булмайди. Чунки домла бу хотираларни чекистларнинг милтиги остида туриб ёзишға мажбур булганини унутмаслик керак.

Мен миллий-озодлик ҳаракатини Пулатхон кузголонидан — 1875 йилдан бошлаш тарафдориман. Шу уринда Пулатхонға қарши курашган Туркистон Бош губернатори фон Кауфманнинг куйидаги иқдорини келтириб утиш уринлидир: «Биз Фарғонада хон билан эмас, балки халқ билан туқнашдик», халқни ёса енгиб булмайди.

Ҳ. З. Зиев: Бутунги йигилиш ниҳоятда долзарб мавзуга бағиш-

ланган. Мен Раёно Едгоровнанинг тезисларига, асосий фикрларига тула қўшилиман. Қўшлаб миқдордаги архив ҳужжатларини ва бошқа манбааларни урганиш асосида у шундай хулосага келган. Уларнинг меҳнати анча машаққатли бўлган.

Шу уринда қизиқ бир далилни айтиб утмоқчиман. 50-йилларда тарих институти олими Шомухтор Шомағдиев, партия фахрийси Нишон Ризаев Фарғона водийсида ижодий сафарда бўлишиб, уша даврда ҳаёт булган «босмачилик» ҳаракати иштирокчилари ва гувоҳларининг хотираларини ёзиб олишади. Улар институтга қайтиб келгач, узаро суҳбатларнинг бирда Нишон Ризаев шундай деганининг гувоҳимаи: «20-йилларда Фарғона водийсида чекистлар «босмачилар»га ухшаб кийиниб, кечалари қишлоқларни талашган, бегуноҳ одамларни улдиришган. Бу билан улар маҳаллий аҳоли орасида «босмачилар»ни босқинчи, талончи ва қотил деган фикр уйғотишга ҳаракат қилганлар.» Шу боис босмачиларни қораловчи айрим ҳужжатларга танқидий куз билан қараш керак.

Ҳозир «босмачилар» халқни талаган, ҳатто улдирган, деган фикр билдирилипти. Хўш, «босмачилар» кимни талаган? Улар Совет идораларида хизмат қилган, қизил аскарлар томонидан туриб «босмачилар»га қарши курашган кишиларни талашган.

1990 йилда мен АҚШ дан Тошкентга келган Шермуҳаммадбекнинг жияни билан учрашдим. Унинг айтишича, Шермуҳаммадбек Туркиёда фақирона ҳаёт кечирган. Лекин у вафот этгач, дадабали равишда, катта иззат-икром билан дафн қилинган.

Биз истиқлол курашчиларининг хотирасини абадийлаштиришимиз, уларга ҳайкаллар урнатишимиз, номларини кучалар ва мактабларга қўйишимиз, улар ҳақида матбуот, радио ва телевидениеда чиқишлар қилишимиз керак. Лекин ҳақиқий курашчилдан сохта курашчинини фарқлай билишимиз, барча тарихий шахсларни етмасига оқлаш ва алқаш йўлини тутмаслигимиз керак. Эркин Юсупович бу ерда жуда тўғри таъкиллаб утганидек, Мадаминбек билан Ҳолхужа қурбошини бир қаторга қўйиб бўлмайти. Еки бўлмаса, тарихий шахслардан Ҳусайн Бойқаро, Худоёрхон, Амир Саид Олимхонни уз халқининг овозлиги ва мустақиллиги учун астойдил курашган кишилар эди, деб айтиш ҳам қийин.

А. И. Эгамназаров: Ҳар бир даврнинг уз сиёсати, тарихий воқеаларга қараши булади. Одатда жамоатчилик фикри ҳам мана шунга қараб узтариб боради. Публицист еки тарихчи эса сиёсат оқимиға қараб сузмай, ҳақиқатга хизмат қилиши керак. Тарих ҳаққоний еритилгандагина келажакка хизмат қилади, акс ҳолда маддоҳликка айланади. Менимча, касбимизнинг энг қийин томонларидан бири ҳам мана шу бўлса керак.

Ҳамдам Содиқов истиқлол учун кураш тарихини Фарғонадаги Пулатхон қўзғолонидан бошланади, деди. Менимча эса Туркистондаги истиқлол учун кураш тарихи чор қўшинлари улқамизга бостириб кирганида, душманга қарши мардона курашиб, охиригача таслим бўлмаган ва Сибирга сургун қилинган тошкентлик Мулла Солиҳбек додхоҳ ва унинг ҳамфикрлари, бизга шу пайтгача номлари номаълум бўлиб келатган яна қўллаб овозлик курашчилари тарихидан бошланади. Бу кураш нҳояси эса 30-йилларнинг урталаригача эмас, балки кечаги кунимизгача — Республикамит Президентни Ислоом Каримов бундан тўрт йил аввал Узбекистоннинг мустақиллигини эълон қилган кунгача давом этди, дейиш мумкин. Тўғри, бу кураш 20-йилларда энг кескин тус олди, лекин ҳеч бир даврда тўхтагани йўқ.

Мамлакатда қайта қуриш бошлангач, матбуотда уруш йиллари Тошкентда маҳфий «Овозлик» ташкилоти мавжуд булганиги, унинг аъзолари варақалар тарқатиб, халқни Сталиннинг коммунистик мустабил тузумига қарши курашга чақирганиги, 1945 йилда бу ташкилот аъзолари узок муддатли қамок жазосига ҳукм қилинганликлари ҳақида ёзилди. Бу ҳам истиқлол учун курашнинг бир саҳифасидир.

Усмон Юсупов, Ҳабиб Абдуллаев, Нуриддин Муҳитдинов, Шароф Рашидов каби атоқли арбобларни ҳам халқимиз овозлиги ва мустақиллиги учун курашган кишилар, дейиш мумкин. Улар уз раҳбарлик маҳоратлари, ташкилотчилик қобилиятлари билан бутунги мустақиллигимизнинг мустаҳкам пойдеворини қўйганлар.

С. Ҳолбоев: Мен сўзимнинг бошида ушбу масала қўйилишининг узи жуда муҳимлигини, ҳаракат мафкурачилари ва Туркистондаги ушбу ҳаракат иштирокчиларининг гоъларини ифодалаш лозимлигини таъкилламоқчиман.

«Истиқлолчилик ҳаракати» деганда ҳозир 1917-1937 йилларни кўзда тутяпмиз. Алиназар айтганидек, бу ҳаракатнинг хронологик даврини кенгайтириш керак. 125 йиллик даврни истиқлолчилик ҳаракати даври сифатида урганишимиз лозим.

Тўғри, «Истиқлолчилик ҳаракати» хусусида матбуотда ҳар қандай ёндашишлар бўлди. Биз ҳозир «босмачилик» сўзини ишлатишдан чўчинаямиз. Тўғри, «босмачи» сўзи лўғавий маънода бир-бирини босади дегани.

К. О. Оқилов: Босмачилик ҳаракати инқилолдан олдин ҳам булган.

А. А. Асқаров: Йўқ, инқилолдан олдин босмачилик ҳаракати булмаган бўлса керак.

А. И. Эгамназаров: Инқилолдан аввал бойларнинг уйини тунда босиб, бойлигини талаб кетадиган қароқчи гуруҳлари (ҳозирги рэкэтта ухшаш) булган, шуларни босмачилар дейишган. Бу сўз 20-йилларда бирдан пайдо булган сўз эмас.

С. Ҳолбоев: Хўш, биз мунозара юритаётган «босмачилар» — қурбошилар кимни босган? Кимга қарши «босмачилик» булган? Булар миллатнинг ҳимоячиси булишган.

Ҳ. Зиёев: Сотимжон, Қизил армия бу сўзини босмачилик маъносида бировларнинг уйини босиб олиш, талон-тарож қилиш маъносида ишлатган. Яъни қароқчиликка яқин.

С. Ҳолбоев: Босмачилар Ватан ва халқ манфаатини ҳимоя қилиб, коммунистик мафкура ва Шуруларга қарши босмачилик қилишган.

А. А. Асқаров: Сиз бунақа қилиб масаланинг моҳиятини тушутира олмайсиз. Уни бутунлай чалқаштириб юбордингиз.

С. Ҳолбоев: «Босмачи» сўзини уша шуру тарихидаги босмачилар маъносида қўллаш лозим. Бу ҳаракатни менимча «фуқаролар миллий-озодлик кураши» термини билан аташимиз керак. Бу ҳаракат ҳақида гап кетганда босмачи маъносида ҳеч қандай қўштирноқсиз ҳам ишлат-сак булади... Сабаби... «босмачилик» атамаси жаҳон тарихшунослигига кирган. Уни чет элда, уз урнида, тўғри маънода тушунишади. Бизларга эса тескари маънода сингдириб келишди. Шунинг учун мен «босмачи» ва «босмачилик»ни истеъмолдан чиқариш учун булётган ҳаракатга қўшила олмайман. Аксинча, бизнинг вазирамиз уларнинг Москвадан бошқарилган армияга, шуру ҳукуматиға ва комфиркаға нисбатан босмачилигини тушунтиришдан иборат булмоғи керак. Бу ерда «босмачилар» узларини босмачи деб айтмаган деган гап бўлди. Менимча, масала-га бундай ёндашиш тўғри эмас. У бир томонламаликни билдиради.

Фашистлар ҳам «биз фашистмиз» деб айтмаган-ку?! Лекин тарих уларни уз номи билан фашист деб атади.

Яна бир гап. «Босмачилар»ни «истиқлолчилар» деб эндигина айта бошладик. Улар уларини «босмачи» деб айтмаганидек, ҳеч вақт «истиқлолчи» деб ҳам айтмаган. Бизнингча, «босмачилик» — миллий-озодлик, яъни истиқлол учун курашнинг шакл ва усулларидан бири, «босмачи» эса шу курашни олиб борувчи. Фарба булар «партизанчилик» ва «партизан» деб аталарди. Бу ерда «босмачи» ва «партизан» талаффузда фарқ қилса-да, мазмун, мақсад ва моҳияти жиҳатидан бир хил тушунча.

Коммунистик мустабид тузум ва мустамлакачилик даврида жуда кўп тўғри маъноли тушунча ва сўзлар тескарича сингдирилди.

Ҳозирда «миллатчи» — уз миллатини севувчи, байналминалчи, «аксилнқилобчи» — ҳақиқий инқилобчи (аслида эса коммунистлар аксилнқилобчи), «халқ душмани» — ватанпарвар, халқпарвар булганлиги ҳаммага аён.

Баъзи бировлар «босмачи»ни «босқинчи» маъносига тушунмоқда. Магбуотда ҳам бу анча тарғиб-ташвиқот қилинди. «Қандай қилиб, уз юртида босқинчиларга қарши курашганлар босмачи булади?» — деган саволлар уртага ташланди. Биз бунга истиқлолчилар четдан бостириб келган босқинчиларга қарши курашда, курашнинг босмачилик шакл ва усулларидан фойдаланган, шунинг учун ҳам улар «босмачи» номи-ни олди, деб тушунмоғимиз лозим.

Бу ерда ҳамма миллий-озодлик учун кураш даврини 1865-1991 йиллар деб белгилаш кераклигини тўғри айтди. Шундай экан, бу давр бир неча узига хос даврларга бўлиниб, уз номига эга бўлиши табиий. Бизнингча, ана шундай даврлардан бири булган «босмачилик»ни «Истиқлолчилар ҳаракати» даври, деб аташ манғиқан ҳам, мазмунан ҳам тўғри келмайди. Масаланинг нозик томони шундаки, «босмачи» ва «босмачилик» аслида салбий эмас, ижобий булган. Энди уларни шу маънода тушунмоқ керак. Шундагина уз-узидан атамабозликка ҳожат қолмайди. Шуро даврида «жадил» ва «жадилчилик» («жадилдизм») ҳам тескари маънода «буржуа идеологи», «буржуа идеологияси» маъносига тушунилди. Уларнинг уз асл маъносини эндигина англаяпмиз.

Энди миллий-озодлик ҳаракати ва унинг мафкураси тўғрисидаги масалаларга утаман. Ҳозиргина айтганимиздек, миллий-озодлик ҳаракати катта даврни уз ичига олади. Унинг мафкураси асосан ташқи босқиндан Ватанинг озод қилиш, халқни фаровон ва эркин турмушга олиб чиқиш бўлди. Аввало шуки, жадидчилик мустамлака тизими, жабр-зулмга қарши мудофаа кураши сифатида пайдо бўлди. Архив ҳужжатлари гувоҳлик беришича, босқинчилар мустамлакачилик сиссатининг асосини маориф ва маданият соҳасида уч тамойил ташкил этади. Бири руслаштириш, иккинчиси ислом динини бузиш, учинчиси эса маънавий ва ахлоқий узғаришлар қилиш. Шу йул билан улар енгилган маҳаллий халқнинг маънавий ва ақлий шуурини эгаллаб, тула буйсундириб, унга «катта оғаччилик» мафкурасини сингдиришнинг асосий мақсад қилиб олган. Шунинг учун рус-тузем мактаблари очилган, маҳаллий маориф тараққиётига қаршилик кучайтирилган. Мадрасаларда рус тилини ўрганиш жорий қилинган ва ҳоказо.

Мана шундай бир пайтда жадидчилик асосчилари жуда катта маъсулиятни ҳис этиб, миллатнинг диний иймони ва маънавиятини ҳимоя қилиш мақсадида оёққа турди. Улар мустамлакачилик мафкураси ва тамойилларига қарши янги жадид мактабларини ташкил этишга, мактаб, мадраса, маориф ва тарбияни ислоҳ қилишга киришдилар. Шу

йул билан улар халққа миллий-озодлик тушунчасини сингдирадидлар, халқни узлигини англашга, душманга қарши онгли уюнишга, диний мутаассибликни танқид қилишга даъват этадилар. Жадидчилик асосларини яратган Исмоилбек Гаспрали, Маҳмудхужа Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чулпон, Убайдулла Асадуллахужаев, Топшўлат Норбутабеков ва бошқалар уз даврининг энг онгли, мутафаккир ва ижодкор кишилари бўлишган. Улар оврунча замонавий ва шарқона исломий билимларни, шунингдек, замон талабларини яхши билишган.

Агар жадидчилик дастлаб миллий-озодликка тинч йул — маориф ва маданиятни юксалтириш, ижтимоий гафлат уйқусидан уйғотиш орқали эришиш мумкинлигини олга сурган булса, кейинроқ, инқилоб арафасида халқ қўзғолонларини уюштириш ва унга раҳбарлик қилишга ҳаракат қилади. Аммо катта муваффақият қозона олмайди.

Мунаввар Қорининг ёзишича, жадидларнинг асосий ижтимоий-сиёсий мақсади — «Озодлик, Тенглик, Адолат» булган.

Бу ерда энди жадидчилик миллий-озодлик ҳаракатининг мафкураси, ақл-заковати эканлигини бундан ортиқча исбот қилишга ҳожат булмаса керак.

Жадидлар 1916 йилдаги Жиззах қўзғолонида ҳам иштирок этишган. Ҳатто, халқнинг мардикорликка олинишида ҳам четда туришмади.

Энди «босмачилик» кураши ва жадидчилик масаласига тўхтаймиз. Аввало, шуни айтиш керакки, «босмачилик»нинг узи жадидлар Қўқон шаҳрида тапқил этган «Туркистон мухторияти» шуро ҳукумати ва большевистик фирқа томонидан қонга ботирилгач пайдо бўлди. Бу кураш жуда шошилинч, айтиш мумкинки, олдиндан мунтазам тайергарликсиз, узаро уюшмасдан туриб пайдо бўлди. Бунинг сабаби, жадидлар февраль инқилоби берган демократия, тенгликка ҳамда Ленин бошлиқ комфирқанинг ёлгон шиорларига ишониб, тинч демократик асосда мухторият учун курашга банд булдилар. Улар зиёлиларни шу мақсад йулида уюштириб, халқни ҳам шунга даъват этдилар. Дастлаб «Шуро-исломия» пайдо бўлди. Бу пайтда М. Бехбудий, Мунаввар Қори, Т. Рисқулов, Т. Норбутабеков, Мустафо Чўқай ва бошқалар халқ орасида, умуман Туркистонда катта обруга эга эдилар. Улар халқнинг раҳбари ва халоскори даражасига кутарилидилар. Яна бир кичик мисол. Бу пайтда Тошкент кучаларидаги катта халқ намоийиши ва митингларида «Янасин миллат! Янасин Мунаввар Қори!» деган ашулалар айтилар эди.

Қўқондаги миллий ва умуминсоний, байналминал ҳукумат тугатилгач, асосий раҳбарларнинг бир қисми отиб ташланди, бир қисми чет элга қочди. Шу йусинда жадидчиликнинг юқори қисми парокандаликка учради. Аниқроғи, шуро ҳукумати уларни парчалашга, парокандаликка учратишга муваффақ бўлди. Мана шундан сунг босмачилик ҳаракати бир муддат тарқоқликда қолади. Жадидларнинг қолган қисми тўғридан-тўғри очик раҳбарлик қилиш имкониятига эга булмайди. Бу пайтда комфирқа жадидларнинг бир қисмини уз таъсирга олишга, улар устидан кузатув урнатишга муваффақ булади. Шунга қарамай, жадидлар аввал Фарғона водийсида, кейинроқ Шарқий Бухорода босмачилик ҳаракатига раҳбарлик қилишга, босмачиларга мафкуравий ердан беришга улғуради. Аммо галабани таъминлашнинг иложи булмайди. Шуни айтиш керакки, жадидларнинг Мунаввар Қори, Заки Валидий Тўғон, Мирза Абдулқодирлар раҳбарлигидаги собитқалам қисми шуро давридан то 30-йилларнинг бошларигача яшарин ва ошқора иш олиб бордилар. Уларнинг асосий хизмати бадий

асарлар, матбуот ва яширин ташкилотлар орқали миллий-озодлик ва истиқлол мафкурасини тарбиялаш ва бу борада бутун туркий халқларни бирлаштириш соҳасида амалий жиҳатдан ташкилий ишларни уюштиришдан иборат бўлди.

Мен энди бу тугридаги баъзи ишларни санаб утиш билан чекланиб, сўз навбатини бошқаларга бераман.

1. Мунаввар Қорининг гоёвий раҳбарлигида «Иттиҳодий тараққий» (1917-1920 й.й.), «Иттиҳодий миллий» (1920-1925 й.й.), «Миллий истиқлол» (1925-1929 й.й.) каби яширин ташкилотлар тузилиб, фаол иш олиб боради.

2. 1920 йил Бухорода Заки Валидий, Мунаввар Қори раҳбарлигида бутун Марказий Осиёдаги миллий ташкилотлар Маркази ташкил топади. У 1921 йил августда «Туркистон Миллий бирлиги — Урта Осиё мусулмон миллий халқ жумҳуриятлари федерацияси» деб қайта ташкил этилади. Унинг умумқумитаси раиси бўлиб Заки Валидий сайланади. Умумқумитанинг Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда 7 та конгресси (қурултойи) бўлиб утади. Уларда «босмачилик»ка раҳбарлик қилиш, вакиллар юбориш масалалари муҳокама қилинади. Ташкилотнинг 24 бандлик Низоми, Туркистон Миллий истиқлол байроғи (1921 йил, 6 сентябрь) қабул қилинади. Туркистон Миллий бирлиги Марказий Қумитаси раиси Заки Валидий чет элга кетиши (1923 йил) билан бу ташкилот уз фаолиятини тухтатади.

О. С. Содиқов: Узбекистон ФА тарих институти «Босмачилик ҳаракати» деб номланган, лекин уз халқосига мустақиллиги учун курашганлар тарихини урганиш муаммосига доир суҳбатни ташкил қилишга яхши тайёргарлик билан келган.

Профессор Р. Ё. Ражабова уз маърузасида «босмачилик»ни урганишда энг муҳим, зарур булган янги йирик масалаларни уртага қуйди.

Тугри, биз истиқлолчилар ҳаракатини урганишда совет тарихчиларининг ишларидан бутунлай воз кечипшимиз мумкин эмас. Баъзи тадқиқотчиларнинг фикрича, миллий-озодлик ҳаракати бир томонлама ёритилган ёки мафкуранинг таъсири остида ёзилган. Мен бунга қўшила олмайман. Тарихий воқеалар давом этаётган ёки ҳали мафкура уз таъсирини утказиб улгурмаган даврда — 20-йиллар ва 30-йилларнинг бошларидаги асарларни тарихийлик нуқтаи назаридан урганишимиз зарур. Шу ерда яна бир масалага эътиборинларни жалб қилмоқчиман: архив ҳужжатлари атайлаб йўқотилган ёки сохта тузилганлари ҳам бор. Бу айниқса, марказга юборилган ёзма ишлар ва бошқа ҳужжатлар орасида учрайди. Шунинг учун биз чет элга кетиб қолган «босмачилик» ҳаракати интирокчиларининг ҳаётини урганишимиз керак. Иложи булса улар билан суҳбат утказиб, хотираларидан илмий ишларимизда фойдаланишимиз зарур.

Муаммонинг хронологик доираси ва даврлари тугрисида бу ерда айтилган фикрлар урилли: истиқлолчилар ҳаракати фақатгина 1917 йилдан 1937 йилгача булган эмас, балки XIX аср урталаридан 1991 йилгача давом этган. Масалан, айтишим мумкин, Хива хони Саид Муҳаммад Раҳим ва Матмурод Девонбеги генерал Кауфманнинг ҳарбий юриш қилмасдан хонлиқни Россияга қостамлака бўлишига рози булганлари йўқ ва мустақиллиқни сақлаб қўлиш учун қўлда қурол билан кураш олиб бордилар. Чор аскарлари Хива хонлигини босиб олгандан кейин Матмурод Девонбеги 1873-1890 йилгача Россияга (Калугага) сургун қилинди.

Оғир тугкишлик машаққатини курган Матмурод Девонбеги Хо-

размга қайтиб келгандан кейин мустақиллик учун курашни давом эттирди. Унинг уғиллари Шайх Назарбой, Омонкелдибой, Хусайнбек отасининг ишини давом эттирдилар.

Тажминан XIX асрнинг 80-90-йилларида ёзилган «Хоразм, Россиянинг қўлига айландинг» деган шеърда қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин:

Баҳорингда сайраб боғда булбуллар,
Буйинда осилиб қирмизи гуллар,
Хазон фасли етиб сулган сунбуллар
Очилган гул эдинг, сулдинг, Хоразм.

Мустақиллик учун курашнинг характери ва моҳияти тарихий давр тараққиётидаги қарама-қаршиликлар ва жамиятдаги ижтимоий гуруҳларнинг зиддиятлари, жаҳон миқёсидаги узгаришларга қараб узгариб турган. Шунинг учун Хоразмдаги мустақиллик кураши 1917 йилгача бир неча даврларни бошдан кечирди. 1917 йилдан 1924 йилгача ва ундан кейинги йилларда ҳам узига хос йусинда давом этди. Ҳаракатлангирувчи кучлари, йулбошчи ва раҳбарлари, ташкилий шакллари ҳам бир хилда, текис, доимий барқарор булган эмас. Буни «еш хиваликлар» ташкилоти фаолиятида куриш мумкин. 1910 йилгача бу ташкилотда маъмурий зиёдилар устушлик қилган булса, 1910 йилдан кейин диний зиёдилар, 1917 йилдан кейин эса сиёсат билан боғлиқ булган зиёдилар устушлик қилди. Бундай узгариш мусулмонлар дунёсидаги умумий узгаришлар ва жаҳондаги сиёсий-гоёвий узгаришлар таъсирида келиб чиққан эди.

Сизларнинг эътиборингизни яна бир нарсага жалб қилмоқчиман: Хоразмдаги сиёсий курашлар миллий курашлар билан чамбарчас боғланган. Масалан, Хоразм туркманларининг уз мустақиллиги учун кураши Жунаидхон, Шаммикол, Кучмуҳаммадхон, Фуломалихон, Шоҳмурод ва бошқаларнинг фаолияти билан боғлиқ. Узбек хўнарамдлари ва деҳқонларидан ташкил топган отрядларга Ота-Махсум, Мадраимбой, Саъдулла-бала, Шоқир-бала, Темир-Алихон, Мавлонбек ва бошқалар раҳбарлик қилган. Туркман отрядлари 200, 400 ва 1000 кишилик, узбек отрядлари 20-50 ва 100-200 кишидан иборат булган. Мустақиллик ҳаракатини куп сонли отряди чиқиши (беш-ун минг кишилик) 1915-1916 йилларда ва 1921-1924 йилларда содир булди.

Мустақиллик учун курашда ҳар хил усуллар қўлланилган. Биз бунда, профессор П. Шамсиддинов айтганидек, коммунистик партия сафига кириб ҳам кураш олиб борганларни айтмоқчимиз. Масалан, Хоразм республикаси вазирларидан Бекчон Раҳмонов, Одамоҳун, Жуманиёз Султонмуродов, Полвонхожи Юсунов ва бошқаларни курсатиш мумкин. Лекин бундай шахслар баъзи драма асарларимизда уз ватанининг хоини, сотқини деб қораланади. Улар сотқин эмас, балки уз Ватанининг озодлиги, истиқлоли учун ҳақиқий курашчилардир. Чунки бундай кишилар оқибат нимага олиб келишини тушуна олган, лекин бошқаларга уни тушунтира олмаган. Фақат Хоразмдаги «босмачилик» ҳаракати бир томонлама ёки Жунаидхон ҳаракати деб урганилган. Ваҳоланки, Қўҳна Урганч, Илалли, Тошауз районларида — Нодирҳақ, Мамад-бала, Ҳасан галди. Патали эшоннинг отрядлари фаолият қурсатар эди. Манғит, Қўшқўшир, Ғозивотда — Мадраимбой, Бекжон Назар, Чимбойла — Қиличев, Қўнғиротда — Темир-Алихон, Нукус, Турткулда — Хон Махсум отрядлари бор эди. Шунинг учун бу ҳаракатнинг фақат Хоразмдагина эмас, балки Бухоро, Сурхондарё,

Қашқадарё воҳаларидаги тарихини тула ва ҳар томонлама урганиш муҳим вазифадир.

Уйлайманки, бундай мунозараларни утказганда фақат олий мактаб ўқитувчилари эмас, балки урта мактаб директорлари ва тарих ўқитувчиларини ҳам йиғиш жуда зарур. Ҳозирги кунда урта мактаб тарих ўқитувчилари олдида катта муаммолар турибди. Шунинг учун кейинги давра суҳбатларига кўпроқ мактаб ўқитувчиларини ҳам жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Энди мен «Босмачилик ҳаракати»ни номлаш тўғрисида гапирмоқчиман. Халқ ҳаракати ёки истиқлолчилар ҳаракати ёки миллий-озодлик ҳаракати деса бўладими, деган савол қуйилди. Бу терминлар устида яна ўйлаб куриш керак.

Чунки, бир томондан иккинчи томонга утиб кетмайлик. Бу ерда айтиб ўтиладики, истиқлолчилар орасида уғрилар, талончилар ҳам учраб турарди. Биламизки, «босмачилар» орасида Сибирь каторгаларидан қайтиб келган уғрилар ҳам бор эди. Шунинг учун «босмачилар» олдин уғри бўлган, кейин «мустақиллик учун курашганлар» дейиш нотўғри. «Босмачилик» деганда мен миллий ва диний низо чиқариш, беғуноҳ одамларни хўрлаш ва қийнашни тушунаман. Яъни одамлар устидан зуравонлик утказди, талон-тарож билан шугулланади, унинг аниқ шиори ҳам, дастури ҳам йўқ, ғоясиз, қўп-қуруқ кураш натижасиз бўлади, деб тушунаман.

Демак, ҳар бир истиқлолчилик ҳаракати олдида шиори ва аниқ дастури бўлса, уни истиқлолчилик ҳаракати деса бўлади.

Мисол тариқасида, ҳозир Чеченистонда бўлаётган воқеаларни биздаги 1918-1920 йиллардаги воқеалар билан солиштириш мумкин.

Эсингизда бўлса, «босмачилар ҳаракати»га рус деҳқонлари армияси қўшилган эди. Улар ҳам уша даврда совет ҳукумати олиб борган сиёсатдан норози эдилар. Нима учун? Қизил Армия қишлоққа келиб текшира озиқ-овқат олар эди, деҳқонлар, хунарманлар босмачи томонга утар эди. «босмачилар» оч қолганда улар ҳам шундай қилса эди, деҳқонлар Қизил Армия томонига утар эди. Бунинг натижасида 1917-1924 йилларда Хоразм воҳасининг аҳолиси 20-25 фоизга қисқарди. Мана шундай ҳолисаларни илмий ишларимизда тўғри курсатиб берсак, натижада биз маълум бир мақсадга эришишимиз мумкин.

Сузимнинг охирида уртага ташланган фикрга қўшилмоқчиман. Яъни УзФНА Тарих институти қошида миллий-озодлик ҳаракатини урганадиган марказ ташкил этиш тарафдориман. Агар имконият бўлса, халқаро миқёсда яқин келгусида мутахассисларнинг бугунги давра суҳбатимизга ухшаган учрашуви утказилса яхши иш бўлади.

Керак бўлса хорижда яшаётган, мустақиллигимиз учун курашган шахсларни ҳам таклиф этиш керак.

И. А. Алимов: Мен бир масалага тўхталиб утмоқчиман. У ҳам бўлса, халқ «Босмачилик ҳаракати»га қандай муносабатда бўлган? Бу масала, менимча, урганилаётган муаммонинг асосий масаласи бўлиши керак. Архивдан топилган айрим ҳужжатларда биз ўзбек халқи Қизил Армияга қандай муносабатда бўлганлигини куришимиз мумкин. Бу ҳужжатлар коммунистлар, совет органлари ходимлари томонидан ёзилган бўлиб, Совет ҳукумати сиёсатини ҳимоя қилади. Лекин бу ҳужжатлар Қизил Армиянинг шаҳар ва қишлоқлардаги ҳатти-ҳаракатлари тўғрисида ҳам аниқ маълумотлар беради. Масалан, 1919 йил апрель ойида ёзилиб, «Андижон шаҳар аҳолиси вакилларининг Мусулмон коммунистлар ташкилотининг Туркистон улқаси бюросига маърузаси» деб номланган ҳужжатда айтиладики, Қизил Армиянинг жазо отрядла-

ри Андижон уездидаги қишлоқларни вайрон қилди ва аҳолини қириб ташлади. Яна бир жойда: «Сузак, Ҳаққулбод, Пойтуқ, Жалолобод, Қўқонқишлоқ, Бозорқўрғон, Қашғарқишлоқ, Хонобод каби унлаб қишлоқлар туллардан уққа тугилиб, ут қуйилиб, култелага айланттирилди», дейилган.

Яна бир бошқа ҳужжатда Қизил Армия Риштондан бошлаб, бир неча қишлоқдаги аҳолини қириб, мол-мулкни талаб, аёлларнинг номусига тегиб, гудак болаларни улдириб кетганлиги тўғрисида сўз боради. Нима учун Қизил Армия шу қишлоқлар аҳолисига бундай муносабатда бўлган, деган савол тўғрилади. Уйлайманки, Қизил Армия бу ишларни ўз-ўзидан қилган эмас, балки режалаштириб, ҳарбий операция сифатида амалга оширган. Шундан кейин маҳаллий аҳоли Қизил Армия ва Совет ҳокимиятига қарши чиққан ва уларга қаршилик курсатган. Оқибатда «босмачи»ларга қўшилиб, уларни қўллаб-қувватлаган.

Қизил Армия маҳаллий аҳоли «босмачи»ларга ён босганлигини билгандан кейин бу қишлоқларни туздан уққа туттирган. Яъни, қизил аскарлар совет раҳбарлари ва ҳарбий қўмондонлар буйруғи билан бу ишларни амалга оширишган. Қишлоқларга махсус жазо отрядлари юборишган.

Биз ўз асарларимизда «синфийлик» тамойилига асосланиб, «босмачилик» ҳаракатини аксинчиқлобий ҳаракат, деб баҳолаб келдик. Ва Қизил Армияни халқни ҳимоя қилган ва халқларвар армия, деб нотўғри тушунча бердик. Лекин фактлар халқ «босмачи»лар эмас, балки аслида истиқлолчилар сафига қўшилганлигини исботламоқда.

Уйлайманки, кейинги талқиқотларимизда истиқлолчилик ҳаракати бундай янги тошилган ҳужжатларга асосланиб ёритилса, бу ҳаракат ҳақиқий халқ ҳаракати, Совет тузумига қарши бўлган халқ қўзғолони эканлиги аниқ курсатиб берилар эди.

Бугунги суҳбатимизда истиқлолчилик ҳаракатининг саналари тўғрисида ҳам гап кетди. Ҳақиқатда чор Россияси Урта Осиёни зуравонлик билан, қон тукиб босиб олгандан кейин ерли аҳоли мустақилликка эришгунча кураш олиб борган.

Шунинг учун истиқлолчилар ҳаракатини урганганимизда бугунги мустақиллик қўлга киритилгунга қадар даврма-даврма ҳар хил шаклда олиб борилган курашни назарда тутишимиз керак.

«Босмачилик ҳаракати» курулми кураш бўлган, лекин сиёсий кураш ҳам олиб борилган. Ана шу сиёсий курашни ҳам биз ўз ишларимизда ёритиб боришимиз зарур.

Р. Т. Шамсиддинов: «Босмачилик» деган иборани қандайдир бир бошқа ибора билан алмаштиришимиз керак. 1989 йилдан бошлаб матбуотда ва айрим илмий асарларда бу ҳаракат қуйидагича номлар билан аталиб келиняпти: партизанлар ҳаракати, халқ ҳаракати, қаршилик ҳаракати, миллий-озодлик ҳаракати, умумхалқ ҳаракати, миллий қўзғалиш ҳаракати, миллий кураш ҳаракати, миллий истиқлол ҳаракати, фуқаролар ҳаракати (уруши), қўрбонилар ҳаракати ва ҳоказо.

Умумий миллий истиқлолчилик ҳаракатида «Босмачилик ҳаракати» қандай урин тутади? Буни чуқур урганишимиз ва узига хос бир ном билан аташимиз керак.

Қ. Ражабов: Ушбу уринда мен ҳам ўз мулоҳазаларимни билдирсам. Олиб борилган талқиқотлар шунини курсатмоқдаки, «босмачи» сузи аслида туркий «босмоқ» феълдан олинган. Туркияда нашр қилинган «Буюк турк сузи» («Катта турк луғати») да бу сузининг битта маъноси «бирдан ҳужум қилмоқ» дея ифодаланган. Аслини олганда Фарғона

вдийсида, умуман бутун Туркистон тупроғида подшо ва советлар Россияси ҳамда большевикларга қарши қуролли кураш олиб борган туркистонликлар ҳеч қачон узларини «босмачилар» дейишмаган. «Босмачи» деб халқ уртасида ҳарбий бирликка алоқаси булмаган жинойтчи унсурулар, «уғри» ва «безорилар» тупунилган.

Шермухаммадбекнинг хотираларида эса бу курашчилар «қурбошилар» деб тилга олинган экан. Унинг укаси Нурмухаммадбекнинг таърифлашича, улар — «Мудофааи ватан, мудофааи дин, мудофааи миллат» шиорлари остида кураш бошлаган юрт уғлонлари эдилар. Шарқий Бухоро ватанпарварларидан Мирзо Пирнафас «Биз «босмачи» калимасини кейин эшитдик. Бизлар бир-биримизни қурбонни дердик. Анвар Пошшо келгач, узаро мужоҳид дея муурожаат қилишимизни амр этди», — деб ёзади.

Бу ҳаракат ҳақида суз юритилган 1918 йилнинг бошидан то 1919 йилнинг урталарига тегишли архив ҳужжатларидан биронтасида ҳам мен «босмачи» сузини учратмадим. Ушбу уринларда «разбойник» (қароқчи), «шайқа», жуда булмаса «бандит» (босқинчи) иборалари қулланилган. 1919 йилнинг урталаридан бошлаб аввал вақтли матбуотда, кейинчалик эса айрим расмий ҳужжатларда «босмачи» сузига дуч келдим.

Ушбу давра суҳбатимизда бу ҳаракатнинг моҳиятидан келиб чиқиб, уни «Истиқлолчилик ҳаракати», қатнашчиларини эса «истиқлолчилар» деб номлаган хурматли олимларимизнинг фикрларига мен ҳам тула қушиланман. Шу билан бирга ёвқур боболаримизни мужоҳидлар, озодлик ва эрк курашчилари деб ҳам аташимиз мумкин.

Совет тарихчилари эса «қурбоши» каломини ҳам «босмачи» сузидай салбий маънода ишлатиб, унга алоҳида ургу беришган эди. Аслида «қурбошилар» нуфузли кишилар бўлишган. Истиқлолчиларга асосан беклар ва ислом дини намояндалари, урта табақа вакиллари ҳамда жасур ва ботир йигитлар сардорлик қилганлар. Қурбошилар номига юздан ортиқ турли сифатлар қушиб айтилганки, бу сузлардан биз уларнинг жамиятда тутган урнини, ижтимоий ҳолатини, касб-корини ва макенини билиб олишимиз мумкин. Исларига қушиб айтилган «бек», «хон», «мир», «саид», «бой», «бойвачча», «бий», «абдул» сузлари қурбошиларнинг ажодлари ким бўлиб утанидан дарак берса, «амирал-муслимин», «амирлашкарбоши», «лашкарбоши», «қурбоши», «пон-сод», «туқсабо», «тупчибоши», «мингбоши», «юзбоши», «дождоҳ», «де-вонбеги», «қоровулбеги», «парвоначи», «мирохур», «амин», «қумондон», «саркор», «пошшо», «човуш» унволлари уларнинг асосан йирик амалдор ва ҳарбий қушималарнинг бошлиғи булганлигини билдирган.

Р. Ё. Ражабова: Менимча, «босмачилик»ни умуммиллий-озодлик ҳаракатидан ажратиш учун уни «Истиқлолчилик ҳаракати» деб номласак мақсадга мувофиқ булар эди.

Р. Т. Шамсидинов: Гапингизга қушилишаман. Лекин 20-йилларда ҳам истиқлолчилик ҳаракати булган-ку. Масалан, «18 лар гуруҳи», «Иноғомовчилар гуруҳи», «Қосимовчилар гуруҳи»ни олайлик. Булар ҳам, менимча, истиқлолчилар ҳаракатига кирали.

Р. Ё. Ражабова: Гапингиз жуда туғри, биз ҳам «Истиқлолчилар ҳаракати» деганда 20- ва 30-йилларнинг охиригача булган даврдаги курашни назарда тутамиз.

Р. Т. Шамсидинов: Яна бир нарсани ҳисобга олишимиз керак. Хорижий адабиётда, масалан, Костанье асарларида ҳам бу ҳаракатга «босмачилик» деб ном берилган, лекин қушпирноқ ичида.

Лекин бу ҳаракатнинг бошқа миллий-озодлик ҳаракатларидан фарқи шунаки, у қуролли булган. Шунинг учун, балки «босмачилик ҳаракати»ни биз «Қуролли истиқлолчилар ҳаракати» деб атаганимиз маъқулдир.

С. С. Аъзамхужасев: Мен бир қушимча қилмоқчиман. Эсингизда булса, совет қушинлари Афғонистонга кириб борганда маҳаллий аҳоли уларни «босмачи» деб ҳисоблаган. Афғонларни эса совет матбуоти «душманлар» деб дунёга танитган. Афғон ватанпарварлари уларини «душман» эмас, «мужоҳидлар» деб аташган. Уларнинг тушунчаси буйича мужоҳид дегани Ватанини, ислом динини ҳимоя этувчи ёки муқаддас жиҳодга сафланган одамдир. «Босмачилар» ҳам уларини мужоҳидлар, ислом лашкарлари, ислом аскарлари деб аташган. Бу туғрида хорижий муаллифлар — Шаҳобиддин Яссавий, Муҳаммад Мусо Туркистоний ҳам уз фикрларини баён этишган. Улар уз асарларида «босмачилар»ни мужоҳидлар деб аташган.

А. А. Асқаров: Менимча, «босмачи» деган сузнинг урнига «Истиқлолчилар ҳаракати» деб ном беришимиз туғри булалади. Энди Эркин Юсупович айтдиларки, бу ҳаракатни «Миллий-озодлик кураши» деб номласак. Уйлаб кўрайлик, қайси бир ҳаракат уз дастури билан чиқди? Дукчи Эшон қўзғолони ҳам, 1916 йил қўзғолони ҳам ва ундан кейинги қўзғолонлар ҳам миллий-озодлик ҳаракати эди. Улар жалидларга ўхшаб уз миллий мафқураси, уз сиёсий талаби билан чиқди? Жалидлар мустақил давлат эркинлигини талаб қилиб чиқди. Кейин эса, большевикларнинг алдоқчилигини билишгач, ҳукумат олдига талаблар қўя бошладилар. Совет ҳукумати урнатилгандан кейин жалидлар совет органларида ишласалар ҳам, барибир Ватан озодлиги, мустақиллиги учун курашни давом эттирдилар. Агарда биз «босмачилик»ни «Миллий-озодлик кураши» деб аташсак, унда бу даврдаги ҳаракат характерини ва моҳиятини торайтириб қўйган буламиз. Шунинг учун «босмачилик»ни «Истиқлолчилар ҳаракати» деб номласак туғри булалади.

С. С. Аъзамхужасев: Давра суҳбатимиздан бир хулоса чиқаштики, «Босмачилик ҳаракати», яъни «Истиқлолчилар ҳаракати» — бу умум-халқ миллий-озодлик ҳаракатининг ажралмас қисмидир. Туғри, миллий-озодлик ҳаракати XIX асрнинг урталаридан бошланиб, мустақиллигимизни қўлга киритганимизча давом этган. Лекин бу ҳаракатнинг узига хос босқичлари булган. Мен бу босқичларнинг бирига, аниқроғи, 1917 йил февраль инқилобидан бошланиб, то 1918 йил март ойигача давом этган мухторият учун ҳаракатга тухталиб ўтмоқчиман. Бу вақтда миллий зиеларимиз ҳамда мафқурачиларимиз уша даврга лойиқ шиорлар билан чиқишли. Бу шиорлар ҳурриятга, адолатга, тенгликка қақирар эди. Яна асосий шиорлардан бири бу «Яшасин қушма халқ жумҳурияти!» эди. Миллий мафқурачилар демократия йўли билан, яъни шаҳар думасига ва Бутунроссия таъсис мажлисига сайловлар орқали, Туркистон халқининг озодлиги ва мустақиллигини таъминлайдиган муқаддас ҳуқуқларни қўлга киритмоқчи булдилар. Октябрь тунтаришигача бу талаблар тинчлик йўли билан қўйилган эди. Миллий-озодлик ҳаракатининг тинч босқичида тараққилпарвар зиеларимиз «Турон» ва «Шурои исломия» каби ташкилотларни туздилар ва бу ташкилотлар атрофида маҳаллий халқни уюштирдилар. Савол туғиладики, нега «Шурои Исломия» деб номланади? Аввалига Туркистоннинг мусулмон аҳолиси Советларни тузиш гоёсини қабул этди. Мусулмонлар Советларни халқ

ҳокимияти сифатида тан олдилар. Лекин мартнинг биринчи кунлари-даноқ ишчи ва солдат депутатларининг Совети тузилганда, улар орасида маҳаллий аҳоли вакилларидан бирор киши йўқ эди! Бу маҳаллий аҳолига нисбатан курсатилган ишончсизлик ва миллий камситиш эди. Бу — советларнинг биринчи йирик хатоси эди. Шундан кейин мусулмонлар биз ҳам узимиз орамиздан вакиллар сайлаб, узимизга шуро тузамиз ва унинг номини «Мусулмонлар Шуроси» ёки «Шуро Исломия» деб атаймиз, деган фикрга келишди. Шунга ухшаш йирик хато Октябрь тунтаришидан кейин Советларнинг III съезида қайтарилди. Бунда Туркистон Халқ комиссарлари Совети (Совнарком) тузилди. Ва яна бу «олий ҳукумат» ташкилотига мусулмон аҳолидан биронта киши киритилмади.

Шундан кейин Туркистон миллий-озодлик ҳаракатининг раҳнамолари тушунишдики, Тошкентдаги Советлар билан биргаликда ҳукумат тузиб бўлмас экан. Шунинг учун улар Қўқонга йиғилишиб, «Туркистон мухторияти»ни тузишди. 1917 йил 13 декабрда Туркистон мухториятини қўллаб-қувватлаш учун Умумтуркистон йиғилиши бўлиб ўтди. Шу кунги большевиклар халққа қарата уқ узишди ва натижада қон туқилди. Бу кун жуда катта сиёсий аҳамиятга эга.

1959 йил 17 июлда АҚШ Конгресси мазлум халқларнинг ҳафталигини утказиш тугрисида қарор қабул қилди. Ва бу қарор буйича 13 декабрь Туркистон халқининг Кунини деб эълон қилинди.

Лекин большевиклар тинчишмади. Қўқонга қуроли кучларни юбориб, шаҳарни қонга ботиришди. Ана шундан кейин Туркистон халқи қўлига қурол олиб қизил аскарларга қарши қўзғалди. Демак, 1918 йил февраль ойидан қуроли истиқлолчилар ҳаракати бошланди.

Р. М. Абдуллаев: Мен Р. Е. Ражабова ва бу ерда сузлаган бошқа уртоқларнинг фикрларини тула қўллаб-қувватлайман. Шубҳасиз, «Босмачилик ҳаракати» — Урта Осиё халқларининг миллий-озодлик курашининг давомидир, айни пайтда бу ҳаракатга кураш тарихидаги алоҳида босқич сифатида қараш керак.

Бу босқичнинг узига хос томони шундаки, озодлик ва мустақиллик учун кураш Совет ҳокимиятига қарши кучли қуроли қўзғолонга айланиб кетган. Қўқон воқеаларидан кейин миллий ҳаракатнинг долзарб муаммоларини тинч йул билан ҳал қилишга умид қилган ва большевиклар билан оқилона келишини мумкин, деб уйлаган раҳбарлари ҳар қандай умид ва ишончини йўқотган халқни тутиб туrolмадилар.

Дарвоқе, Мустафо Чўқай Лондонда чиқалиган «The Asiatic Review» ойнамасида 1928 йилда эълон қилдирган «Туркистондаги босмачилик ҳаракати» деб номланган мақоласида шундай деб ёзган эди: «Одамлар энди ҳеч қандай сиёсий дастурга қулоқ солмасдилар. Улар утириб олиб, келгусида қандай давлат тузишни эмас, балки большевикларга булган нафратларини тула ифодалашни истар эдилар. Уларнинг фикрича, автоном ҳукумат дарҳол қўлига қурол олиш урнига кутиб турганини, музокаралар олиб борганини ва режалар тузганини — мулақо бафойда ишлар билан шугулланганини учун енгилди».

Урта Осиё халқларининг бегона, қўпол ва тушунарсиз ҳокимиятга қарши кураши, кўпгина фожиали фактлар ва ҳодисаларига қарамай, адолатли, озодлик кураши эди.

Ҳаракатнинг бу фазилатини йўққа чиқариш учун интилиш, юмшоқ қилиб айтганда, асоссиздир!

«Босмачилик ҳаракати» ҳеч бир сиёсий мақсади бўлмаган қатлаке-

сарлар исёни эмас! Буни большевикларнинг айрим йирик арбоблари ҳам таъкидлаб утишган. Жумладан, М. Фрунзе 1920 йил май ойида Фарғона қўшинларига берган буйруқларидан бирида шундай деб таъкидлаган эди: «Босмачи шунчаки бир қароқчи эмас, агар шундай булганида уларни аллақачон тутатган булур эдик».

Янги ҳукуматдан мунтазам жабр қўрган халқ ҳаракатни қаттиқ қўллаб-қувватлаган. Бироқ кучлар нисбати исёнчилар фойдасига эмасди. Бундан ташқари аниқ, марказлашган раҳбарликнинг, сиёсий ва ҳарбий тажрибанинг йўқлиги, чет элдан дуруст моддий ёрдам курсатилмаганини, маҳаллий илгор кишилар ва эскича урф-одатларнинг ихлосмандлари уртасидаги дунёқарашда қадимдан мавжуд булган зиддиятлар, қурбошилар ва этник гуруҳлар уртасидаги зиддиятлар узининг салбий таъсирини курсатди.

Албатта, большевиклар уз сиёсатларини маҳаллий шароитга қараб айёрларча узгартириб бориб, ҳаракатнинг бу буш томонларидан усталик билан фойдаландилар. Уз даврида совет тарихий адабиётида октябрь тунтаришидан кейинги дастлабки даврда Туркистон большевиклари йул қўйган хатолар «Босмачилик ҳаракати»ни келтириб чиқарди, деган фикр тез-тез учрарди.

Туркистондаги маҳаллий миллат вакилларининг фикрича эса, бу большевикларнинг хатоси эмас, балки жинояти эди.

Иккинчидан, гап бу хатоларда эмас, балки туркистонликларнинг озодлик ва мустақилликка табиий интилишида.

Шу муносабат билан бошқа савол пайло бўлади: янги ҳукумат туркистонликларнинг талабларини қондиришга тайёр эдимиз, бу талабларни бажариш, шубҳасиз уларнинг Урта Осиёдаги таъсирини чеклаган буларди-ку?

Воқеалар маптки большевикларни икки йулдан бирини танлашга мажбур қилиб қўйди: ёки собиқ Россия империяси халқларига уз тақдирини узи белгилаш ҳуқуқини бериш керак, ёки шу томонга озгина интилишни ҳам таг-тути билан йўқотиш керак эди. Иккинчи йул танланиб, халқ қонга ботирилди, шон-шарафи тошталди.

Р. Ҳ. Каримов: Мен ҳам «Истиқлолчилар ҳаракати» деб номланган атамга қўшиламан. Элимизда XIX аср охири XX аср бошида ерли халқ уртасида кечган жараёнлар негизини истиқлол гоёси, истиқлолга интилиш ташкил қилган. Фикримча, масаланинг диққатга сазовор томони шундан иборатки, «босмачилик» деб номланган ҳаракат қатнашчилари довжорак фидойилар булган, ҳатто 1924 йил бошида ҳаракат қўлаи маълум даражада торайганида ҳам Туркфронт раҳбарлари бу қуроллган суворийларни «муғомбир, мард, ҳаракатчан, жасур»¹ кишилар деб таърифлашган.

Биз қўйидаги нарсани ҳисобга олишимиз керак: «ҳаракат» гоёвий-маънавий мазмунини миллийлик, мусулмончилик, инсонпарварлик, уз халқига, инсонларга меҳр-шафқат, беҳуда қон тукишдан сақланиш ташкил қилган. Мусулмончиликда зуравонликнинг ноҳуя ҳаракат саналгани, сабр-тоқат, муроса қилишнинг жамоатта хуш келгани маълум. Бу тушунчалар Узбекистонда руй берган истиқлол учун ҳаракатга ҳам хос булгани эътироз тугдирмайди, албатта.

«Ҳаракат»да асосан тинч меҳнат билан машғул бўлиб келган аҳоли қатламларининг вакиллари қатнашган. Улар уруш ва туқнашувлардан

¹ Сборник указаний по борьбе с басмачеством. Туркфронт босмахонаси, Т. 1924, с. 28.

зарар курганлар, тинч ва яратувчилик меҳнатига интилганлар, шуни қумсаганлар. Муаммо моҳиятининг шу томонларини ҳисобга олиб қарасак ҳаракат тарихидаги қатор масалалар ойдинлашади, тушунарли булади... «Ҳаракат»да қатнашганлар биринчи навбатда қонунбузарликка, халқнинг урф-одати, дини, асрий қадриятлари толғатишига чидаб туролмасдан кулга қурол олиб қурашганлар. Бу ҳаракатнинг стратегияси ва тактикаси булган. Стратегияси бу — истиқлол. Ватан равнақи. Тактика масаласига келсак, бу ерда ҳар хил йуллар қулланиб келинган. Аввало улар партизанлик усулларини қулланган. Улар бир жойда ҳақдақлар қазиб, душманини пойлаган эмаслар. Қизил армия қаерда жойлашганини билиб, жойларини тез-тез алмаштириб турганлар, кучли душман бостириб келганда қишлоқлардан чекинганлар.

Биз бу ҳаракатни фақат «Истиқлолчилар ҳаракати» деб номлаш билан чекланишимиз керак эмас, балки талқиқотларимизда матн мазмунидан келиб чиқиб, «Истиқлол ҳаракати», «Ватанпарварлар ҳаракати», «Фидойилар ҳаракати», «Қаршилик ҳаракати» ва шунга ухшаш бошқа атамаларни ишлатишимиз мумкиндир, албатта.

Мен сизларнинг диққатингизни яна бир нарсага жалб этмоқчиман. Баъзи нашр қилинаётган асарларда, айрим диссертацияларда бу «ҳаракат»га муносабат қисман қайта қуриб чиқилипти. Қатор талқиқотчилар бу «ҳаракат»га ижобий баҳо бериштиради, баъзилари эса бу «ҳаракат»ни бутунлай ижобий ҳаракат деб булмайди, маълум даврга ижобий булган, кейин эса реакциялашиб кетди, дейишади. Менинг фикримча, ушбу мураккаб ва узгарувчан даврда «ҳаракат» узининг фидойилик характерини йўқотган эмас. Бу «ҳаракат»нинг қуролли кучлари бир қупайиб, бир камайиб турди. Лекин бари бир, асосий гош — истиқлол учун кураш кун тартибда турган эди.

Большевиклар бу ҳаракатни босқинчилик деб эълон қилишган. Умуман, большевикларга қарши бош қутарган барча ҳаракатларга шундай ном беришар эди. Масалан, Сибирдаги деҳқонларнинг қузғолони ҳам босқинчилик дейилган, Тамбовда қузғолон булган, у ҳам босқинчилик дейилган, Кронштатдаги қузғолонга ҳам босқинчилик тағмаси босилиб, бу ҳаракатда қатнашганлар ғайри қонуний қароқчилар, деб курсатиб келинган. Бунинг мазмуни нимада? Агар қарши томонга муҳолиф деб қаралса, ушда бу муҳолиф томон билан музокара олиб бориш керак эди. Марказ музокаралар утказишга батамом қарши чиққан. Аслида ерли аҳоли вакиллари булган Туркистон раҳбарлари музокаралар утказиш тарафдорлари булганлар. 1922 йил октябрь ойида Самарқандда битта ҳаракат қатнашчисини ваълага бинотан ҳибсдан озод қилдирганлиги учун Туркистон Республикаси ҳукумати бошлиқлари, унинг раиси Қ. Отабоев ва бошқалар ишдан олинганлар.

Яна 1923 йилда қайси қурбоши уз йигитлари билан таслим булса, улар ҳар қандай жазодан озод этиладилар, деб муурожаатнома эълон қилинди. Бунга жавобан қурбошилар ва йигитларнинг қатор гуруҳлари таслим булдилар. Лекин қуп утмай қурбошилар қамоққа олинади. Қамоққа олишни Қизил Армия сиёсий ташкилотлари амалга оширади. Маҳаллий раҳбарлардан Хидиралиев ва бошқалар бунга қарши чиқишади.

Одилотна иш тутиб мурота йулидан борилганида қон туқишлар, вайронагарчилик, халқ азоб-уқубатларининг олди олинган булур эди.

Р. Т. Шамсиддинов: Бугунги давра суҳбатимиз ниҳоясига етиб қоляпти. Шунинг учун менинг таклифларим бор. Бундан буен ҳам вақти-вақти билан истиқлолчилик ҳаракатига бағишланган илмий ан-

жуманлар утказиб турилса. Москвадаги «Қизил Армия» архивини қайтадан урганиб чиқиш лозим. Ёзилган ҳужжатлар асосида кичкина ҳажмда булсаям туплам чиқаришимиз мақсадга мувофиқ. Қурбошиларнинг сиёсий қиёфаларини яратишимиз керак.

Р. Е. Ражабова: Рустам Темирович яхши таклифларни киритдилар. Бунга қушимча қилмоқчиман. Биз Бухоро ва Хоразмдаги истиқлолчилар ҳаракатини янада чуқуруқ урганишимиз керак. Яна қандай масалага аҳамият беришимиз лозим? Қурбошилар қурултойларига, турк зобитларининг тутган урнига, жадиладларнинг мафкуравий фаолиятига ва ҳоказо.

А. А. Аскарлов: Мен бугун давраимизда қутарилган айрим саволларга изоҳ бериб утмоқчиман. Биринчилан, мустақиллик учун қурашганларга ёдгорликлар урнатиш масаласи. Биз аввало уларга нисбатан муносабатни узгартиришимиз керак. Қупчилик халқнинг Эргаш, Шермухаммадбек, Мадаминбек, Холхужалар ҳақидаги фикри ҳалигача бутунлай узгаргани йуқ. Бизнинг вазифамиз бу қаҳрамонлар турисида батамом объектив тушунча ҳосил қилиш ва халққа етказишдан иборат. Бунинг учун, менимча, радио ва телевидение орқали ҳеч булмаса ҳафтада бир маротаба 5-10 дақиқали эпиттиришлар уюштиришимиз керак.

УзФА тарих институти қошида тузилган «Урта Осиёда истиқлолчилар ҳаракати»ни урганувчи гуруҳ республика миқёсидаги илмий-талқиқот марказига айлантирилса, ушда ушбу муаммо кенгроқ ёритилиши мумкин буларди, деган жуда яхши таклиф тушди. Уйлайманки, бутунги суҳбатимиз қатнашувчиларининг розилиги билан бу марказга пойдевор қуйилди, дейилса булади.

Шундай қилиб, бутунги суҳбатимиз қандай натижаларга олиб келди? Учрашувимиз истиқлолчилар ҳаракатининг дастурлари булганлигини, қурбошилар қурултойлари утганлигини, уюшган бир ҳаракат булганлигини, «босмачи»ларни истиқлолчилар дейишимизни ва бу ҳаракатнинг асосий мақсади озодлик, тенглик, мустақиллик эканлигини аниқлади.

Отамнинг энаси — Гулдона момоннинг алласи деб, Элбек бахши биз шогирдларига шундай алла айтиб бергич эди:

Ҳасмон Азим

ТОҒ ВА ДАШТ ҚЎШИҚЛАРИ

Ҳаким ат-Термизий мақбарасида

...Нажот сўраб йуқладилар,
анда қабрларидан «Тирикмиз»
деган садо келди. Айтадурлар-
ким, Термиз атоғлиқ шаҳар шу
садога боғлиқдир...

*Сим турлар чекинди. Агар Амуга
Қўлни чўзар бўлсам, йиқитмасми ўқ?
Бобо, бутун умрим мастлик тонгида,
Мана, жоним очиқ — қургонлари йўқ.*

*Упсам тупроғингни — макруҳ бўлмагай,
Тиз чўксам, тизимдан қочмагайдир ер.
Менинг тинчлигимга аммо кўпмагай,
Зимиллаб ёпишди қалб бугзига шеър.*

*Подшоҳлигим йуқдир шаҳар қурдурсам,
Ёхуд тош кўйдирсам оятлар уйиб.
Минг йиллик дардларинг жоним кўйдирса —
Қурбонлиғ этайми узимни сўйиб?*

*У ён — Чаганиён, бу тараф — Термиз —
Бешиқдай тебратар тупроққа ётсак.
Тарих қават-қават тушалган ермиз,
Қай аср кўмади ой каби ботсак?*

*Қалбимда қурилар ҳар дам минг шаҳар
(Қоғозга етади фақат шовқини).
Қурқоқлар имонин ютиб юборар,
Айтсак, вақтга йўлдош юрмоқ завқини.*

*Учиб бораётир — қалбим — Самандар —
Гоҳ кулман, гоҳ олов — йиғлайман из-из.
Асрлар қаъридан тасалли келар:
«Йиғлама, тирикмиз, болам, тирикмиз!..»*

*Бу бешиқнинг ичига
Юлдуз қўнгандай бўлди,
Эл — юртининг кўнглига
Кундуз қўнгандай бўлди —
Алла.*

*Бешигининг бошига
Фалак келиб эгилди,
Энасининг тилига
Юрак келиб эгилди —
Алла.*

*Қирқ фаришта соғиниб,
Хумордаин эгилди,
Давомчим деб бобоси
Чинордаин эгилди —
Алла.*

Энамнинг энаси — Ҳайитгул момоннинг алласи деб, Элбек бахши мана бундай кўшиқ айтгич эди:

*Бола йўргаклаш савоб,
«Тангрим» деб қилдим тавоб —
Алла-ё, алла.*

*Ой муралар эшиқда,
Тангрим ухлар бешиқда —
Алла-ё, алла.*

*Юлдуздай сўнмас бўлгин,
Элдаин улмас бўлгин —
Алла-ё, алла.*

Бу кўшиқлардан ҳамманинг кўнгли тўлиқиб турганда, нариги ўтовдан Элбек бахшининг келини Гулсумнинг алласи эшитилиб қолди:

*Дўмбиранинг тори бўл,
Нақши бўлмагин, болам.
Дўмбирани ерга куй —
Бахши бўлмагин, болам.
Алла-ё.*

*Бахши бўлсанг — эл ичра
Зоринг бўлади, болам.*

*Отаси: гунг дунёда
Рубобим, деб эгилди,
Барча мушкул саволга
Жавобим, деб эгилди —
Алла.*

*Момоси: атир буйли
Маъданам, деб эгилди,
Ватан ичида гузал
Ватаним, деб эгилди —
Алла.*

*Ватан ҳам сўйиб-сўйиб:
Полвоним, деб эгилди,
Менга тушар тошларга
Қалқоним, деб эгилди —
Алла.*

*Йиғласам ёшимда тур,
Ватандай бошимда тур —
Алла-ё, алла.*

*Оллоҳ — ёлғиз, юрт — ёлғиз,
Она берган сут — ёлғиз —
Алла-ё алла.*

*Турфа-турфади олам,
Сен ҳам ёлғизсан болам —
Алла-ё, алла.*

*Элнинг яхши-ёмони
Оринг бўлади, болам.
Алла-ё.*

*Бахши бўлсанг — эл ичра
Номинг бўлади, болам.
Номинг заққумга тула
Жоминг бўлади, болам.
Алла-ё.*

Бахши бўлсанг — сўз ичра
Коринг бўлади, болам.
Айтганинг ҳар ёлғон сўз
Доринг бўлади, болам.
Алла-ё.

Бир — бутуну, минггу бут
Каминг бўлади, болам.
Тангрим яратган дунё
Ғаминг бўлади, болам.
Алла-ё.

«Гулсум ёш-да, — деди келинининг алласини эшитиб Элбек бахши. — Бу дунёни битта деб уйлади... Ҳар кимнинг уз дунёси борлигини қаердан билсин?..»

Элбек бахши қўшиқларидан

Тилим суйлашга кетди,
Миям уйлашга кетди.
Тамогимнинг торлари
«Ҳақ» деб куйлашга кетди.
Овғим ишга кетди,
Оловим қишга кетди.
Керагага суяндим —
Хаёлим тушга кетди.
Лабим кулгуга кетди,
Кўзим уйқуга кетди.
Уйғонсам, жаъми омад
Айёр тулкида кетди.
Қулоқ гийбатга кетди,
Кучим гайратга кетди.
Жанг кунда — бечора
Қорним овқатга кетди.
Очлик ош билан кетди,
Ғамим ёш билан кетди.
Не гуноҳим бор эди —
Таним бош билан кетди?
Кўнглим зор билан кетди,
Юрак ёр билан кетди.
Кўкрагингга урмагин —
Дунё хор билан кетди.

Умрим вақт билан кетди,
Дустим нақд билан кетди.
Бебахт бўлиб мен қолдим,
Ҳамма бахт билан кетди.
Номард нолишда кетди,
Жоним ёнишда кетди.
Умрим зарра қолмади,
Умрим ҳар ишда кетди.
Куним ғам билан кетди,
Мудом кам билан кетди.
Шундай қуёшли феълим
«Милт-милт» шаъм билан кетди.
Шамолларда титилдим,
Бир «оҳ» урдим — битилдим.
Мен дунёнинг юзидан
Кўз ёшлардай ситилдим.
Дунё бунча майдадир,
Майда гаплар айтадир.
Бировга дунё қайтмас,
Биз ингрансак қайтадир.
Кетган кетди — йўқолди,
Қисмат йўқотиб толди.
Бошимизда айланиб
Бир фаришта — руҳ қолди.

Қўрбошининг ўлими

Чархланади аёзда совуқ —
Ўтмас қилич — ўтади ялаб.
Шоширмайман — жиловни юлқиб,
Отнинг ўзи борар йўргалаб.

Мусулмоннинг кўнглидай ёруғ,
Бошим узра рамазон ойи.
Ойдин. Қорсиз кечани ёриб,
От суришар тўртта ҳамроҳим —

Тўртта дустим — баробар ишчан,
Тўрттаси ҳам (худойим!) — эсли.

Тўрттаси ҳам мени сотишган —
Омад кетиб қолганин сезиб.

Хув, йироқда — кўз ёшдай — чироқ —
Артгим келар бармоғим билан...
Ярақлайди авғоний пичоқ —
Бир ваҳима отар отимдан!

Сесканмайди ҳеч ким «оҳ»имдан,
«Лип» учади умримнинг шами —
Утиб борар кекирдагимдан
Совуққина пичоқнинг дами...

Бойсун! Қатл овозасидан
Ким мусулмон, ким бўлди осий! —
Бозорингнинг дарвозасига
Кофир қўйди бошимни осиб.

Бозорингнинг дарвозасида
Бошим турар — найза қадалган,
Босқинчилар андазасида
Жим ўтишар ғариб одамлар.

Тўртта дустим раста оралар,
Тўртта дустим — тўрт эски ғавво —
Сара-сара молни саралар —
Қўллар силкиб этишар савдо.

Оёқлари титрагай бироқ,
Босишгандай гўё яшинни.
Тўртта дустим шу кечасиёқ
Ўғирлашар менинг бошимни.

Кўмадилар бошимни улар,
Йиғлайдилар чиндан беҳудуд...
Нурсиз қисмат измига кирар
Душманларга топширилган юрт.

Мардлик ҳақида баллада

Жаллод ханжарини қайрар берилиб,
Мулозим ҳукмини этади эълон —
Ун киши туради шундоқ терилиб,
Унта тақдирига тан берган инсон!
Навкарлар қичқирав:
— Тартиб сақланглар! —
Халойиқ устига суришади от.
Тошсупа устида босиқ одимлар,
Барчанинг тақдирин ҳал қилгувчи зот.

— Қайсинг гуноҳкорсан? — У берар савол,

Қурбонлар кўзига боқади бир-бир. —
Биринг деб тўққизтанг бўлма гуноҳкор,
Тўққизтангдан биринг гуноҳкор, ахир!

— Гуноҳкор — мен, тақсир!
— Йўқ, менман!
— Мен ҳам...

Ундан тўққизининг эгилар боши.
— Гуноҳим йўқ, — дейди унинг одам,
Ҳатто жилмайишга етар бардоши.

Салтанат ишонмас нима десанг ҳам...
Фақат орни асраш ўзингга боғлиқ,
— Гуноҳқормиз, — дейди тўққизта одам,
Унинг одамга тилайди соғлиқ.

Мен ҳам тўққизтанинг бириман, ё раб...
Унинг одам, ҳей, эшит арзимни:
Гуноҳинг бор бўлса — менга секин айт,
Тўққизта умрга айбинг арзирми?

— Гуноҳим йўқ, — дейди унинг одам,
Жаллод қузғалади ўрнидан шу он...
— Илоё, гуноҳинг йўқ бўлсин чиндан! —
Кундага бош қўяр тўққизта қурбон...

Сўнги баллада

Мен деворга юзма-юздирман.
Гар кўзимни қора румолда
Жипс боғлашган — сезиб турибман —
Девор ўша, ўша томонда.

Пайдо бўлди елкамда эса,
Икки фонус — икки улкан кўз.
Туппончанинг совуқ оғзига
Иккиси ҳам тикилган бесўз.

Туппончанинг оғзидан боқар
Улим — юзда йўқдир пардаси —
Ундан титроқ жонимга оқар,
Юрагимга ўтар шарпаси.

Ўлмоғи шарт, ахир, енгилган —
Қурашларнинг шудир сабоғи.
Икки елкам курар — тепкида
Қалтирайди дўстнинг бармоғи.

Жаллодликка дурустдур ғаним...
Дўст ҳеч хато қилмайди, ишон! —
Нақ мўлжалга уради. Маним
Жоним қайда — биледи аён.

* * *

Тоглар этагидан бошланади дашт.
Айланиб қўюнлар тушарлар садир.
Саратон. Утгандир апрелдаги гашт.
Адир. Сувсиз адир. Бақадр адир.

Мана яқин келдик... Мен туғилган жой —
Бағрини минг пора айлаган вужуд.
Шафақранг жарлару, минг чувалган сой,
Тобалар — иссиқдан йиқилган булут.

Тўғри чизиқларни ғижимлаб отган,
Йиртилган, қирқилган, буқилган шакл —
Бир учи мангулик ичига ботган,
Бир сўзи замондан айтади нақл.

Фалак чўчиб боқар сойлар тубига —
Булоқда титрайди ночор парчаси:
Осмон анграйганда ногоҳ тутилган —
Тубсизлик ютгандир шундан бошқасин.

Қанот қоқмас — қўқда қирғий муаллақ,
Тургун бу ҳолида ваҳшийлик пинҳон.
Чангали қалтирар — йўл берса барҳақ —
Қояни чангаллаб кутарар бу он.

Кетдик. Кетдик. Боқманг ҳеч ортингизга —
Йиғлатмоқ одатин бу жой яширди...
Мен уни тангрига топширдим. Сизга
Айтмадимми — мени кимга топширди?

Қўнғирот дашти

Қодир бахшига бағишладим.

Лайлиганиб ёғади;
Лайли қору, лайлак қор
Қишни юрак ёқади —
Отлиқ уқирар: «Эй, ёр!..»
Мажнунланиб ёғади;
Майда қору, мангу қор...
«Сўзим ерни ёқади,
Сўзим ерда қолди, ёр!»
От устидан сўз айтар,
Отлиқ айланар шеърга.
Сўз қўқдан ерга қайтар,
Сингийди муздай ерга.
Узун-узун аргамчи —
Узуқун ёғар ёмғир.
«Мен кўйингда тиламчи» —
Кўйлади отлиғ оғир.
Сағирланиб ёғади:
Сокин ёмғир, соз ёмғир.
«Даврон кимга боқади —
Ғалвир бўлди-ку бағир?!»
Дўмбира бир эмранар —

Отлиқ айланар шеърга.
Дашт бешикдай тебранар —
Сўз сингар юмшоқ ерга.
Кўйиб-кўйиб нур сочар,
Кўйган жонларга офтоб.
«Дунёни тинмай янчар
Тегирмонинг, изтироб!»
Уйиб-уйиб нур сочар,
Уйилмагур бу офтоб.
«Оҳ, даврон илдам қочар,
Дайри дун мендан — шитоб...»
Воҳ, ўлдирдинг!.. — Кўйлайди,
Отлиқ айланар шеърга.
Тупроқ «оҳ»га тўймайди —
Сўз сингар қаттиқ ерга.
Дунё — якка, дашт — якка,
Одам ёлғиздан-ёлғиз.
«Мен йиғладим фалакка,
Умрим — адашган ҳофиз...»
Қайгу — якка, куз — якка,
Ҳамма илинждан олис.

«Кулин чүзди юракка
Бир хасратли ялмоғиз» —
Думбира йиглаб турар,
Отлиқ айланар шеърга.
Куз хоргин тинглаб турар,
Суз сингар қора ерга.
Фаслар алмашади,
Йиллар утади тузиб.
Асрлар чалкашади —
Бири-биридан узиб.
Отлиқ утади якка,

Отлиқлар утар йиглаб.
Отлиқлар йиғлар ҳаққа —
Ерга киришар саф-саф.
Шеър сингар муздай ерга,
Шеър сингар куздай ерга,
Шеър сингар тошдай ерга,
Шеър сингар ёшдай ерга...
Улсам, тезроқ куминглар,
Қутлуғ саройим ерга...
Аммо, ётаман қандай
Шеърда, энг улуг шеърда?!»

Унгга қара — қоя фалак тоқида,
Сулга қара — тубсиз дарёгача жар.
Йулинг — икки қурқинч оралигида,
Умринг — тиг устида турганга ухшар.

Юриб ургангансан, тиг устидан сен,
(Изи қолган бўлса — пинҳон — юракда),
Бир ҳолни курсатай. (Қара, пастга эн.) —
Арча шамол сочин солди турмакка.

Арчалар, харсанглар... Тирикми, ё тоғ
Безанди — бу ажиб куйлакни кийиб?!

Пастга туш, тоғ узра юрмоқлик қийноқ —
Ҳолинга боқолмай, юз бурди кийик.
Унг тарафда — қоя, сул тарафда — жар,
Фурур — ортда девор... — куймас изингга.
Йул эса — ханжардай — совуқ, ялтирар,
Оёгингни ёриб — чиқди тизингга.

Утин териб келгин — ёқамиз гулхан,
Ёруғда қудрат бор — қалбга тегишли.
Мен яна бир сирни сенга айтаман —
Тиглар парчаласа, узни йиғишни...

Менинг Бойсунимда — туғилар булут,
Тоғларга қадалган — осмони яқин.
Менинг Бойсунимда — кук юзин юлиб,
Туғилиб-ўлишни машқ қилар чақин.

Менинг Бойсунимда тентақдур баҳор —
Селларни қувади сойдан ошириб.
«Эна» деб Алпомиш келар ҳар наҳор —
Эртақлар улашар дилга бош уриб.

Менинг Бойсунимнинг — кучалари тор.
Менинг Бойсунимнинг — кечалари кенг.
Менинг Бойсун берган битта дўстим бор,
Мени йўқотишда Қоражонга тенг.

Бойсунга етгунча сўнгагим чўлдир,
Йуллари сувсиздир, йуллари — энсиз.
Бойсунимда Бойсун тобора кўпдир,
Бойсунимда Бойсун тобора менсиз...

Наср

Шоғим Бўтаев

МУЮЛИШДАГИ УЙ

Қисса

Кеча кечқурун, иш куни тугай деб қолган бир пайт эди.

Бундай чоғда муҳаррирнинг шахсан узи очиқ хоналарга нигоҳ ташлаб утади. Итариб, қулфлоглиқ курса, ниманидир илкис топиб олгандек йўталади, томоқ қиради — эртаси куни... Бояқиш ходимни олиб бориб-олиб келади.

У мамлакат миқёсида фикрлайди: хўш, фалон милён одам ишдан беш-ўн минутдан олдин кетиб қолаверса, ҳаммаси қанча бўлади? Неча соат бўлади? Неча кун, неча ой, неча йил бўлади? Бу неча одамнинг умри?

Бояқиш ходимни қотилликда айблашига бир баҳя қолади: айрим пайтларда айтиб ҳам юборади — керак бўлса, айбини буйнига қўйиб қаматтириб юборишиям мумкин.

У мамлакат миқёсида фикрлайдиган, шунга яраша катта одам, деб айтдик-ку!

Хулласи калом, кеча кечқурун, иш кунининг тугаши арафаси эди. Йулақда муҳаррирнинг салобатли гавдаси кўриниши, тева-рак-атрофга ҳомийона қараш қилганча маъноли томоқ қиришлари қутилмоқдайди. Шояд, тезроқ чиқа қолса: жилла курса, унга бир қора курсатиб, бугунги ишдан кунгил тулса...

Лекин:

йулакни тарақлатиб;
атир ҳидини гуркиратиб;
котиба қиз хонама-хона бош суқиб чиқди:
— Иш тугади, ҳаммага жавоб! Ҳаммага жаво-об!..

Кейин хонасига шошилди.

Машинка устидаги ойнакка ўзини солиб:
қошларини териб;
лабларини бўяб...

...муҳим ташвишлар билан банд бўлди.

Ҳамиша ари уясидагидек ҳаёт қайнаб турадиган муҳарририят зум ўтмай сув қуйгандек сукунат оғушига чўмди.

Бурчак-бурчакларда сочилиб ётган қоғоз бўлақлари, папирос қолдиқлари бу сукунатга оғир руҳ бағишлаб турарди.

Ҳамма уй-уйига етиб борди-ёв!

Ота Суннатгина шошилмасди.

Гивирсирди.

Пенсияга чиқишига бир-икки йил қолганига қарамай, аксарият пайтларда Ота Суннат сабр-тоқатли бўлишни асти уйламас, худонинг берган кунни ишдан ярим соат-бир соат олдин кетиб қолиб, мажлис-машваратларда шу туфайли хангомаларга, гап талашиларга сабаб бўлар; хулласки, воизларни тартиб-интизом ҳақида кўпдан-кўп кучирмалар келтириб сузлашга мажбур қилгани-қилган эди. Унинг хулқ-атвори муҳолама қилинадиган бундай йигинлар ҳар гал ҳар хил кечар; бир гал яккаш Ота Суннатнинг узини дўппослашса, бир хил маҳалларда у мутлақо ёдларидан кутарилганча утлиқиб кетишарди.

Ота Суннат ҳамisha бир нарсани — жужабирдай жонлигини, бозор-учар қилиши лозимлигини рукач қиларди, холос. Келиб-келиб, ана шу одам, шунақа бир вақтда хушбардан эсанкирабми, бошқами — ишқилиб, каловланиб қолди. Бугун ҳукумат марҳамат курсатган, озгина шакар, бир-икки булак совун, гушт текканди. Ота Суннат бу нимарсаларни дури жавоҳир урнида қўлиб, алоҳида-алоҳида қозога ураб, ҳафсала билан турхалтага солгунча ҳам ҳийла вақт ўтди.

Кучага чиққанида ҳамма нарсанда қандайдир ўзгариш содир бўлганини сездди. Биноларнинг пештоқларига туғлар қадалганди, саранжом-саришталик, кимлардир сув сепиб, ҳамон супуриш-сидириш-ла машгул эдилар.

Ота Суннатнинг оғзи очилганича, ҳардамхаёл бораётди эди, нимагадир туртиниб кетди. Кайфи туйқус бошидан учган нашаванддек чучиб туриб қаради: қаршисида навқирон бир мелиса, қулида қора таёғи, ишшайиб турарди.

— Кудашпаш? — деди у ҳамон ишшайган кўйи, шу асно Ота Суннатни тариқчалик менсимай.

Ота Суннатнинг бум-буш бекатни курсатмоқдан ўзгасига ҳоли келмади.

Мелиса гапирмади. Қулини силкиб, у ёққа юриш мумкин эмас, ишорасини қилди.

Илож қанча. Ота Суннат ишхонасига қайтиб бориб, чала қолган шеърини ёзиб ўтиришни хаёл қилди, хавотирланмасликлари учун уйга сим қоқиб қуяди.

Ота Суннат ҳатто суюниб кетди. Ортига бурилиб, уч-турт қадам босгандики, яна нимагадир туртиниб кетди. Иккинчи марта кайфи туйқус учган нашаванддек чучиб туриб қаради: қаршисида бошқа бир навқирон мелиса, қулида қора таёғи, ишшайиб турарди.

— Кудашпаш? — деди у ҳамон ишшайган кўйи, шу асно ўзи сингари навқирон жўрасидай Ота Суннатни тариқчалик менсимай.

Ота Суннат тушими-унгими эканлигини ўзи ҳам билолмай қолди: атрофга аланг-жаланг қаради — бинолар пештоқида янги қадалган туғлар ҳилпираб турибди. Бош котиб шаънига битилган офаринларни чироклар ёниб-учиб билдиришяпти — ўнг, ўнги; ўнгилигига ишонгани кўнглини бир жиҳатдан тинчитса, бир жиҳатдан қўққитиб юборди. У қўллари қалтираганича ўзи ишлайдиган баланд бинони курсатди.

— Навбатчиликка... — дея, шароит тақозоси-ла қўллаган кўпдан-кўп ёлғонларидан бирини қўлади. Ва у бу ёлғоннинг таъсир кучиям катталигини билар, жилла курса, бош муҳаррирнинг масъулияти бу ишга лоқайдроқ ёндашганларнинг адабини қай тарзда бериб қўйишидан ҳам шундай хулосага келганди.

Мелиса гапирмади. Ўша одатни — қулини силкиб, у ёққа юриш мумкин эмас, ишорасини қилди.

Ота Суннат узини навбатчиликка ҳақиқатдан ҳам кеч қолаётгандек ҳис этдию қўққиб кетди. Мободо, эртага газит чиқмай қолса, бутун дунё остун-устун бўлиб кетмайдими? Ер шарни айланшидан тўхтаб қолмайдими?

Мелиса... ҳеч нарса бўлмайди, дегандек қора таёғини уйнаб, басма-бас хуштагини чуриллатгани-чуриллатган эди.

Энди у гудраниб сукинганича, икки ўт орасида қолиб, ҳалоқунинг итидек у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа югургилаб; одатига хилоф равишда умрида бир марта ишдан ўз вақтида чиққани боис узини-ўзи сўкиб, қулидан тугтанларга:

— Қўйворингла-ар... — дея илтижо қилганича, энди уйга ҳамisha барвақт қайтаман, деган мазмунда нималарнидир уртага қўйиб, қасам ичарди.

Бари бефойда эди.

Бечора... йиғламоқдан бери булиб турар, ақалли телефон ҳам қилиб қўймай, уйга кечикиб борсам хотиним яна уша ёққа борган дейди, деб уйлар; уша ёққа бормай туриб гап эшитишдан, бир сўз устаси айтиганидек, емаган сомсага пул тулашдан янада чидолмай кетарди.

Эҳ...

Гап шундаки, бу чоғда тайёрагоҳ ҳам байрамона тусга кирганди.

Махсус қўриқланиб келинган уоч қиллапояларидан битта-битта қадам ташлаб, Бош котиб туриб келарди. У «онгли оломон»га қўл силқий-силқий бетиним илжайр, биз сизлар билан, биз сизлар билан, дея бот-бот такрорлар; аксига олиб, теваарак-атрофини қўршаб олишган дароз-дароз, бақувват-бақувват қўриқчилари унинг самимийдек туюлган сўзларининг амалга ошишига монелик курсатаётгандек бўларди.

Қўл силқишлар давом этарди. Қўл силқишнинг йўриғини айниқса, унинг ёнида келаётган завжаи муҳтарамаси чамаси ўбдон эгаллаган, аёлнинг юз-кўзлари, бутун гавдаси бу улўғ юмушга кумақдошлик қиларди.

Ҳукумат бошлиғи бу ерга йўл-йўлақай, Ҳиндистонга кетатуриб, кўнганди. Агар калласига туйқусдан кўниш фикри урилмаганида, тўппадан-тўғри сеҳргарлар диёрига жўнайверганида, балки, кўпдан-кўп кўнглисиз ҳодисалар, дилхираликлар рўй бермасди.

Инчунун, Ота Суннат ҳам уйига етиб олган, бугун қўлга киритган нимарсалари-ла аҳли аёлининг бошини кукка етказган, эҳтимолки, хуш кайфиятда шу чоққача битолмаган шўқбайтларини яратиб ташларди.

Уоч ҳали ерга тушмаёқ, гилдираklarини чиқариш тараддуди-да эканлигидаёқ шаҳарнинг бутун мелисахоналари оёққа қалққанди. Улар байрамларда кийиладиган пўрим уст-бошларини қийиб олишиб, Бош котиб ўтадиган йўл четларига чунонам тизилишгандики, на у ёқдан-бу ёққа, на бу ёқдан-у ёққа одам туғул пашшам учиб ўтолмасди.

Мелисалар йўллардаги машиналарни, одамларни четга суриб чиқаришган, ҳаракатни тўхтатишган, чекка-чеккаларда катта-кичик машиналар тирбандлашиб ётарди.

Асабийлашган ким, сўккан ким — билиб бўлмасди; боласини олиш учун боқчага етиб боролмаган аёлларнинг қий-чуви, айниқса, дилни ўртарди. Булар ҳам майли-я, кейинчалик маълум бўлишича, бешта автомобил бир-бирига урилиб пачоқланган,

туққизта одам нариги дунёга кетишган, ун иккитаси касалхона-нинг оппоқ шифтига термулиб ётишга маҳкум этилгандилар.

Бош котибни одатдагидек шаҳар четидаги боққа олиб бориш мўлжалланганди. Тайёрагоҳдан бу боққа олиб бориладиган йўл бўлса, бутун шаҳарни айланиб ўтарди. Хукумат йўли дейишарди бу йўлни. Бунда ҳамиша ҳар қандай ҳодиса содир бўлиши эҳтимолдан холи саналмасди.

Совуқ кунларда иссиқ мамлакатни кўнгли тусаб қолганми ёинки ҳақиқатдан ҳам катта бир сиёсий масалани ҳал этишга чоғланганми — номаълум, ишқилиб, ҳали тайинли бир ишидан дарак бўлмай туриб, шунча ташвишлар туғдирган Бош котиб шаънига... болохонадор... тилга олиб бўлмайдиган сўкишлар ёғдирилганди.

Буларнинг ҳаммаси кечаги гаплар.

Энди, зарурати тугилмаса, Бош котибга қайтмаймиз. Қисса-мизга унинг нима алоқаси борлиги хусусида бош қотириб ўтир-манг.

Кеча кечқурун шаҳарга бизнинг асл қахрамонимиз ҳам кириб келганди. Тузиганроқ усти-бошдаги, кўринишидан тортинчоқ бу йигитча кечаги олатабирда, ғала-ғовурда қаёқдан ҳам кузга ташлансин? Биз ҳам уни қидириб тополмагач, эътиборимизни Бош котибга қаратган, эътибор бериш лозим бўлмаган нарсани вайсаб қуйиб, анча масъулиятни бўйинга олгандик.

Йўқ, мана, бизнинг ҳақиқий қахрамон. Ниҳоят, бугун тушдан сўнг у хиёбон ёнида кузга ташланди. Қаёққа боришини билмай, теварак-атрофга аланглаб, боши қотди ва шунгача бўлган воқеаларни дили хираланиб, бир-бир хотирлай бошлади...

2

Пода қайтиб, мол-қоллар эга-эгасиникига тарқаб кетганига ҳам чамаси ярим соатлар бўлиб қолганди. Қишлоқ устига енгил тумандек ёйилган чангу губорлар ҳам аста-секин босилиб, димоққа энди ёлғиз тутун ҳиди урилмоқда эди, холос. Ёрибекнинг хатти-ҳаракатларида аллақандай сустилик, қарахтликка мойил бир ҳолат намён эдики, уғлидаги ўзгаришни Ҳафиза бону пайқамай қолмади.

— Тобинг қочган кўринадимми, уғлим? — деб суради у, чамбаракдаги косаларга челақдаги сутни бўлиб-бўлиб солаётиб.

— Йўқ, тузукман, — деди Ёрибек шоша-пиша.

Майда-чўйда юмушлар саранжомлангач, улар ер супага, дастурхон атрофига йиғилиб утиришди. Ёрибек ниманидир айтишга чоғланар, саросималанар, лекин, имкон тополмаётгандек эди.

— Ажаб! — деди Ҳафиза бону ўзича, лабларини ҳаноти хотинлардек чўччайтириб, Ёрибекка ўғирилди: — Нима булди узи?

— Ишдан ҳисоб-китоб қилдим...

Бу гапдан Ҳафиза бону нари турсин, шу чоққача чурқ этмай ўтирган Назар ака ҳам чўчиб тушди:

— Ишдан нега ҳисоб-китоб қиласан?

Ёрибекни ўйлатиб-қийнаган, олдида тоғдай кўндаланг турган нарса ҳам ана шу савол эди, чайналди:

— Биласиз-ку, ота.

— Ҳеч нарсани билмайман, — Назар ака тусатдан газабланган

бўлса-да, уғлига ҳеч оғир гапирмаганидан ўзини босиб, елка қисди, товушидаги сокинликни йўқотмади. — Дарс бера бошлаганиннга ҳали бир йил ҳам булгани йўғу нега ҳисоб-китоб қиласан?

— Тошкентга кетмоқчиман. — Ёрибек энди гапни чўзиб ўтиришнинг фойдасизлигини сизди, пустиқалласини айтиб қуяқолди. — Бир-икки йил ишлаб кўрай, битта-яримта китобим чиқсин-чи, қайтиб келарман.

— Усмон Акрам бўлмоқчимисан? — Назар ака кулди, кулгусида жиндеккина истеҳзо, жиндеккина нафрат, жиндеккина жирканиш ва ниҳоят, жиндақкина ҳавас аломати бор эди.

— Ҳеч қаёққа бормайсан! — аюҳаннос солди Ҳафиза бону боласи абадул-абад бағридан ситилиб чиқиб кетадигандек. — Мактабда ишлайверасан. Одамлар қирқ кун-қирқ кун ўқиб келиб ҳам, катта-катта ойлик олиб ишлаб ётишибди. Сенгаям шу ойлигинг етади. Газет-пазетга ёзганиннга пулни ўзлари жўнатиб туришибди-ку, бошқа нима керак?

Назар ака бошини ҳам қилиб, индамай ўтирар, дам-бадам унғ қошини юлқиларди. Оғир ўйга чўмганида у ҳамиша шундай қиларди.

— Ахир тушунинг... — нимани тушуниш лозимлигини тузук-туруқ тушунтира олмаслигини ҳис этиб, Ёрибекнинг афти бужмайиб кетди. — Тез-тез келиб тураман, автобусда бор-йўғи тўрт соатлик йўл...

— Тошкентни мен билмагандек гапирма, бола! — авжланди Ҳафиза бону. — Одам дунёнинг нариги чеккасига чиқиб кетади-ю, кейин сен борадиган жойга етади ҳа-а... Мени десанг шу ерда қол. Ойлигиндан бир тийин бермасанг ҳам майлига. Пенсам етади. Ҳудога шукр, ҳукумат отанггаям, менгаям пенса тайинлаб қуйибди.

— Ахир...

— Ахир-пахирингни қуй, бола! Ёлғиз уғлимизсан-а, шуни ўйламайсанми?

— Мен сизларни ташлаб кетаётганим йўқ-ку?

— Ташлаб кетмай нима қиялсан, хўш? Очиқ мозорда қолдириб кетялсанми, а?! Гапим-гап, сўзим-сўз, яна мактабингга кириб ишлайверасан!..

— Бас! — Назар ака бир дўқайганди, яна нималарнидир айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтламоққа шайланган Ҳафиза бону писиб қолди.

Жимлик.

Назар ака ўзини тутиб, уша-уша хотиржамлигига тушди:

— Сўзинг чинми? — дея такрор суради.

— Чин, — бош ирғади Ёрибек.

Яна ноқулай жимлик чўқди. Бундан сиқилган Ёрибек:

— Йуригини топсам, кейинчалик сизларниям олиб кетаман, — деди.

Бояқиш: таскин-тасалли учун айтган бу гапнинг хомхаёл эканлигини ўзи ҳам яхши англаб турарди.

Назар ака хўрсинди:

— Бегона юртларда бизни сарсон қилишнинг кераги йўқ.

Ёрибек кучланиб, аламли-аччиқ кулди:

— Қанақасига бегона юрт бўлсин? Узимизники-ку!

Бу гап-сўзлардан Ёрибекнинг ниятига отасиям розилик бермаяпти, деб тушунган ва жуда тўғри хулоса чиқазган Ҳафиза бону ҳалиги дўқни унутиб, яна жавоб-саннади:

— Ҳо-ой!.. Қанақа эркаксиз узи? Йулдан қайтаринг унингизни.

Ёзувчилигини шу ерда қилаверсин, биров қўлидан ушлаб туриб-дими? Ана, уйга кирсин, ёзсин; уйда сиқилса, пешайвонга ўтириб ёзсин...

— Бас!..

Назар ака қандайдир оғир уй-хаёлларга чўмганди: майли-да, дерди ичида, эр етган йигитнинг этагидан ушлаб ўтиришнинг нима кераги бор. Шу заҳотиёқ бошқа бир фикр кўнглидан бош кутариб чиқиб, куздан нари кетишига монелик курсатарди. Ахийри:

— Мусофир бўлмаган мусулмон бўлмас, — деди.

Тамом.

Ҳафиза бону пича кўз ёши тукди-ю, кейин тийилди. Дардини ичига ютди. Болам ҳали нонни нанна деб юрибди, сал-пал қийинчилик курс қайтиб келади, дея ўзига тасалли берди. Чамаси, тақдирга тан берди. Бу, Тошкентга борсанг, албатта, тоғангникига кир, у сенга ёрдам беради, деганидан аён бўлди.

Ёрибекиннинг тоғаси катта ёзувчи, қалин-қалин китоблари чиққан. Қишлоққа кўпинча ёз ойлари келади. Машинаси билан тоққа чиқиб кетади. Утов тикади. Спортчиларнинг усти бошинию кроссовка кийиб олади. Қариндош-уруғлари қўй-пуй сўйиб ундан хабар олгани боришади, боришмаса гина қилади. Лекин, ўзи ҳеч кимникига келмайди, одамлар билан қандайдир оғриниб гаплашади.

— Ёзаяпти! — пичирлашади ўтовга кўзи тушганлар, имкони борича унга халақит бермасликка тиришиб.

— Ёзсин! — дейишади бошқалари: унинг бу хатти-ҳаракатидан, ёзув-чизувидан ҳол-аҳволлари яхшиланиб қолмаса-да, фахр-ланиб, номини тилга олиб юришнинг ўзини катта шараф деб билишади...

У ака бўлиб Ҳафиза бонуникига ҳам беш-олти йиллар бурун бир келгани. Хотинининг уруғларига тортиб кетган...

— Куй... ушани! — деди Назар ака.

— Ие-е! — дея хитоб қилган Ҳафиза бону ҳализамон ўзи уйлаган фикрига қарши улуроқ гап қилди. — Бугун бориб, эрта қайтиб келса, одамлар нима дейди: ўл-э, ҳолинг шу экан-ку, демайдами? Ундан кўра, кирсин — бегона эмас, ўз тоғаси!

— Йўқламасникига бориб нима қилади. Ҳотам бобо ўлди, Кумуш кампир ўлди, уста Қодир ўлди — ҳаммаси қариндошимиз эди. Ақалли фотиҳани лозим кўрмади.

— Ҳотам бобо улганида телеграмм жунатгандилар-ку! — Ҳафиза бону акасини оқламоққа топилган баҳонасидан ичида зил кетди.

Хайрият, эри индамади.

Туриб-туриб, Ҳафиза бонунинг ори келди:

— Нимаики бўлса жигар-жигар, дигар-дигар! Бу ерга бир-ярим келганида уйимизга кирмаган бўлса ҳам, Ёрибек борса яхши кутиб олади — мана кўрасиз!

Назар ака нимадир деб, тўнғиллади. Бироқ, ўглининг сафари олдидан товоқни косага, пивёлани чойнакка уриб, жанжал чиқаришни истамади ва:

— Билганингни қил, — деди.

— Бориб, албатта, тоғангни топ, — маслаҳат берди Ҳафиза бону. — Бегона жойларда сандироклаб юрма.

— Об-бо... қанақасига бегона жой бўлсин.

Ҳафиза бону ўглининг сузига аҳамият бермай, уксинибгина қўшиб қўйди:

— Бир-бирларингни суяб, қўлтиқлашиб юрсаларинг кошки

эди. Тоғанг ҳам якка йигит-да — хотини шаҳарлик, йуригига солиб, калласини айлантириб ташлаган...

Масала пишди; Ёрибек эртага саҳар кетаман дегани учун, онаси ул-бул пиширмоққа тутинди.

— Кераги йўқ, — деди Ёрибек. — Кутариб юраманми...

— Кутариб юриши бор эканми?.. — айтганидан қолмади у.

Тонг отди.

Ёрибек кетди.

Унинг ортидан биров яна ўқишга кетди деб; биров шоирликка кетди деб; биров мол духтиримизга ўхшаб катта бўлмоқчидир-да, деб ҳар ким уз билганича, уз дидича, уз фаҳму фаросатича гап туқиди ва бир-икки кундан сўнг унутиб, яна уз ишларига андармон бўлиб кетишди...

3

Ёрибек тоғасининг уйини осон топди-ю, у ёқда унинг ўзини тополмади. Йул-йул енгил матодан кенг-ковул халату шолвор кийиб олган ун етти-ун саккиз ёшлардаги оппоқ юзли, лорсиллаган йигитча чиқиб унга беписандлик билан назар ташлади ва:

— Отца нету! — деди.

Ёрибек гарчанд тоғасини тузуқ-қуруқ танимаса-да, бу тасқара унинг ўгли эканлигига ишонмади. Бироқ, онасининг бир гал: тоғангнинг шундай-шундай ўгли бор, исми қандайдир ...иддин, ушанинг тўйига айтганда пагиру варақиларни пишириб, уруғ-аймоғига сарупо қилиб боргандим, бетини сиқиб қонини ялаган янгамиз бизни қуппа-қуруқ жунатганди. Кела-келгунча қорнимгамас, қадримга йиғлаб келгандим, дегани ёдига тушдию оҳиста товўшда:

— Исмизим нимаиди? — деб сўради.

— Садриддин, — йигитнинг малолланиб берган жавобидан Ёрибек қаноат ҳосил қилди: ҳа-а, бу худди уша тоғасининг ўгли, қариндоши! Деразаларига ҳарир пардалар тугилган икки қаватли қуркам уй ҳам тоғасиники, теварак-атрофи темир панжаралар билан уралган, анови мевали боғча ҳам тоғасиники! Чарм қоплаган мусти мустаҳкам эшикнинг нариги томонида қондошининг умри бардавом кечади, унинг қишлоқ-ла уланган ришта-томирлари алақачонлар узилиб вужудига уралиб қолган. У кимнинг кимлигини танимайди: яккаш ёзади, ёзади...

Ёрибек иккиланиб, тараддулланиб, савол устига савол бериб, отасининг қаёқдалигини сурасаммикин-йўқмикин, деган андиша-да эди, хайриятки, шунқорчанинги ўзи мушкулни осон қилди:

— Он на даче, — деди.

— Ёзувчиларникидами? — беихтиёр қувониб сўради Ёрибек, чунки у чекка вилоятда, пединститутда ўқиб юганида бу боққа бир марта борганди, қаёқдалигиниям яхши биларди. Шу боис, ипидан-игнасиғача суриштириб ўтирмай, хайр-хушлашди.

У боққа тушдан сўнг етди. Темир дарвозадан ичкари кираркан, юраги ҳаяжондан дук-дук урарди. Йўқ, фақатгина тоғасининг қандай кутиб олишини уйлаб эмас, балки, бир кўришни орзу қилиб, сиртдан таниб, баъзи бирларига ҳатто сиғиниб юрган шоир-ёзувчиларни шу ерда қуриб қолиши мумкинлигини уйлаб ҳам ҳаяжонланарди.

Беш-ун қадам юргач, хушбўй гуллаган улкан жўка дарахти

остида, ариқ буйига куйилган сўрида ёнбошлаб ётган бир кишига дуч келди ва тортибингина салом берди. Унинг қайси ёзувчи эканлигини турк-тароватидан, афт-башарасидан билиб олишга ҳарчанд уринмасин, ҳаракатлари зое кетди — билолмади.

— Ваалайкум... — деди ҳалиги кимарса ва ёнбошидан кўзгалиб куйишни ҳаёлига ҳам келтирмаган ҳолда зерикканнамо оҳангда: — Йул булсин, йигитча? — деб сўради, Ёрибекни бошдан-оёқ бир сидра назардан утказиб.

— Усмон Акрамни шу ердан топсам бўладими?

Номи тилга олинган кимарсага ёнбошлаган кимарсанинг хурмати чандон зур эканми ёинки аксинча, кургани кузи йўқ эканми, ҳарҳолда, ана шу икки ҳолнинг биридамас-бирида руй берадиганга ухшаб, ўрнидан саросар турди ва:

— Ҳозир у кишининг олдиларига кириш мумкин эмас!.. — деди, «мумкин эмас»га алоҳида ургу бериб.

Ёрибек унга ҳайрон бўлиб қаради. Кимарса англади.

— Тушлик қиялтилар, — деди тамшанганча.

Ёрибек бош ирғади.

— Одат-да, одат! — ўз-ўзича, чамаси, кўп гапириб ўрганиб қолган кимарса тилини тиёлмади. — Тўғри, катта ёзувчи, гап йўқ; лекин, ҳозир тушлик қиялтилар — олдиларига нақ волидаи муҳтарамаларини ҳам йўлатмайдилар. Тўғри, машҳури олам, гап йўқ; лекин, кун тартибларига қиттай бўлса-да, халақит берган зотни асло-асло кечирмайдилар. Ҳалиям, сизнинг худога бир айтганингиз бор экан, салкам вақти-соатида етиб келдингиз. Ҳу-ув ўриндиқда пича утириб туринг, чиқадилар. Шунда этақларидан шаппа ушланг: қурқманг, тортинманг.

Ёрибек кимарса кўрсатган жойга утириб, қута бошлади.

Кўп ўтмай паст бўли, эғнида четларига оқ чизик тортилган спорт кийими, оёғида кроссовка, кун иссиқ бўлишига қарамай, кузлик оқ шапкани пешонасига довуз илхос билан бостириб кийиб олган эллик беш-олтмиш ёшлар атрофидаги, бироқ, кулча юзига бирорта ҳам ажин тушмаган киши боғнинг уртасидан кесиб ўтган йул саҳнида пайдо бўлди. Ҳали ёнбошлаган, энди эса туриб ўтирган кимарса уни аввал кўрди ва шоша-пиша:

— Ана-а, Усмон Акрам! Тез бориб ушланг. Имоним комилки, на бирорта ҳикоянгизни ўқиб беради, на ёрдам қўлини чўзади. Унинг этагидан тутмоққа жаҳд қилган экансиз, омадсизлик сизга ёр бўлсин. Энди боринг, боринг, ҳозир ҳовлисига етиб олиб, уйига кириб кетса, кейин на ташқарига чиқара олмасиз, на ичкарига кира олмасиз.

Ёрибек ҳаяжонланиб ўрнидан турди. Унинг ана шу Усмон Акрамдан бўлак тоғаси йўқ. Шунинг учун тоға билан жиян қай тариқа, қандай муомала қилиш кераклиги ҳам унга ноаён. Яқинлашгач, худди бегоналарга ухшаб салом берди. Овози қалтираб чиқди.

Тоғаси угирилиб ипакдек майин товушда алик олди ва шу асно йигитчанинг аҳволига назар ташлаб, албатта, қандайдир ҳожатини чиқаргани келган, деб ўйлади. У ҳузурига қадам босган кимсаники ҳожатини чиқариш илинжида дерди. Ҳожатманддан тезроқ қутулиб олишга жаҳдлангандек шоша-пиша сўради:

— Ҳуш, хизмат?

— Ме-ен... ме-ен... Ёрибекма-ан... — деди у, жиянингизман, дейишга асло тили бормай.

Усмон Акрамнинг қувваи ҳофизаси кучлилигига атрофдагилар ҳамиша тан бериб келишган. Барибир, ишониб бўлмас экан-да,

панд берди, шу кунларда тарихий бир асар билан машғуллигидан бўлса керак, учкур ҳаёли дарров мозийдаги Ёрибекларга кетди. Шунда қулоғига тўсатдан:

— Қишлоқдан келдим, — деган нохуш садо урилди.

— Ҳа-а!.. — Усмон Акрам оғир уйқудан уйғонгандек Ёрибекка қаради. — Қайси қишлоқдан?

— Шотутлидан.

Усмон Акрам заррача ажабланмади, фақат:

— Биз ҳам Шотутлидан-ку, — деб қўйди ва нимадир ёдига тушгандек қўққисдан Ёрибекка қаттиқ тикилди. — Шошманг-чи, Ҳафизанинг ўғлимисиз?

— Ҳа.

Лекин у на қиёфасини, на узини тутишни заррача ўзгартирмай:

— Қани, юринг-чи, уйга кирайлик, — деди йул бошлаб.

— Мен кетмоқчиман... — тоғасининг таниб-танимасликка олиши Ёрибекка анча малол келганди.

— Кетиш қочмайди, ҳамма нарсанинг ўз қонун-қондаси бор-да! — Усмон Акрам шуниям билмайсанми, дегандек, унга бир қараб қўйиб, йул бошлади.

Узундан-узун йўлақдан беш-олти юз одим юришгач, алоҳида-алоҳида қурилган оқ уйларга етишди. Уларнинг бири олдида устига чодир ташланган «Волга» турарди. Ҳовлининг атрофи ҳам бошқаларникидек панжарали эмас, гиштин девор билан уралган — хулласки, ҳамма-ҳамма нарса эгасининг бадастур одам эканлигини эслатиб турарди.

Усмон Акрам тикка ана шу ҳовлига йул бошлади. Ичкарига киргач, бунинг тагидаги турибдими-йўқми, дегандек машина ёпинчиғининг бир четини кўтариб қараб ҳам қўйди.

Уйга киришди. Стол тузатиб қўйилган экан.

— Утиринг, — деди Усмон Акрам курси курсатиб.

Ёрибек омонатгина чўқди.

Усмон Акрам ҳам утирди.

— Ҳу-уш, қалай энди. Уйдагилар соғ-омонми?

— Дуруст, салом айтишди...

— Тузук, тузук, саломат бўлишсин. Бугун келганмидилар?

— Ҳа-а.

— Тузук, тузук, яхши қиптилар. Меҳмонхона-пехмонхонага жойлашиб олдиларми ёинки бугуноқ қайтмоқчимилар...

— Бугун... — деди Ёрибек унинг бу хилдаги муомала тарзидан ажабланишни ҳам, нафратланишни ҳам билмай, бироқ томоғига нимадир тикилганча.

Бу гапдан сўнг тоға сал тинчигандай бўлди, силлиқ юзига хотиржамлик дорида, ҳатто баъзи бир уруғ-аймоғлари ёдига тушди, сўраб-суриштирди.

Ёрибек шифти баланд бу кошонанинг йўлагида утирганини, ичкарида яна ўн иккита хона борлигини билмасди, уйладикки, йўқ, тоғамиз қишлоқни унутиб юбормаган, мана аймоқдошларини сўраяпти, менга бу хил муносабатига келса торикчи қолганидан бўлса керак.

— Биз ҳам мана дала ҳовлида турибмиз, — негадир ноилож илжайганча сузлади тоға. — Баъзан шаҳарга тушиб-чиқишга тўғри келиб қолса, киши анча озор чекади. Уюшмага арза бериб қўйгандик, яқин уртада уй бериб қоламиз, дейишяпти.

Ёрибек, нариги уйингиз-чи, деб сўрамоқчи бўлиб турувди, унинг узи айтиб қолди:

— Уйимиз йўқ эмас, бор эди. Унисиниям уюшмадан талашиб-тортишиб олгандик. Баъзилар бор: бир йилнинг ўзида ҳам мошин, ҳам уй, ҳам дача олиб, иккинчи йилиям ана шу нарсаларга даъвогар бўлиб туришади. Ҳар йилда битта-битта бўлса-да, ул-бул нарса олиб турмасак, уюшмага аъзо бўлиб нима қилдик? Раис сайлаб нима қилдик? Шунақа қилиб денг, у уйни ўғилчанинг номига ўтказиб қўйдик. Шаҳарнинг шарт-шароити оғир-да! Одамлар ун беш-йигирма йиллаб очират кутишади. Уйни ўтказдик, уйлантириб қўйсак, мошинниям берамизу ташвишидан кутуламиз. Бир шойир укамиз бор, Шерали Журоевни тўйга олиб келаман деб ваъда бериб юрибди. Майли, шу сенинг туёнанг бўла қолсин, дедим. Анча камхаржроқ бўлиб юрибмиз, дедим...

Шу гапларни эшитиб булгач, Ёрибек мен турай, дея ўрнидан қузгалмоқчи эди, Усмон Акрам уша-уша майин товуш-ла уни тўхтатиб:

— Шошманг-да! Ҳали етиб оласиз! Ҳамма нарсанинг ўзини қонун-қоидаси бор. — У секин ўрнидан турди ва ошхона эшигини қия очиб, ўзи берида туриб қақирди:

— Хони-им!..

Акс-садо булмади.

У овозини сал баландлатди:

— Хони-им!..

«Ҳа-а!» деган овоз эшитилди ичкаридан.

— Чой бериб юборсакмикин!..

Шу заҳотиёқ Усмон Акрамнинг қўлида чойнак пайдо бўлди.

У жойига утиргач, Ёрибекка совуб қолган чойдан бир пиёла қуйиб берди-да, унинг ичиб тугатишини пойлаб турди. Сунгра салом айтадилар, дея ўзи кетишга даъват этди...

Ёрибек темир дарвозадан чиқмасидан яна ҳалиги кимарсага дуч келди. У энди ўрнидан туриб олган, жүканинг сергул шохчасини бармоқлари орасида тугганича ҳадеб айлантирар, ўзи ёнбошлаганча баайни қаёққадир қочиб кетган уйқунинг келишини асабий тарзда кутарди.

У Ёрибекни қўриши биланоқ негадир ҳаяжонланиб кетди ва:

— У-ху-у! — дея хитоб қилиб юборди. — Сиз Усмон Акрамнинг уйига кирдингизми?

— Ҳа.

— У-ху-ху! — янада қузиброқ хитоб қилди кимарса ўзини қўярга жой тополмаётгандек. — Қандай забт этдингиз-а унинг кунглини?! Сиздек чулқуварга... йўқ, йўқ, кунгилқуварга шон-шарафлар бўлсин! Нимаики бўлса эътироф этиб қўйиш керак, тан бериб қўйиш керак. Иқтидорли экансиз, иним! Эҳтимол, сиз у билан суҳбат қургандирсиз? Йўғ-э? Қўзларимга ҳеч-ҳеч ишонма-япман-да! Шошмай туринг-чи, қараб туринг-чи, ҳали сиз унинг аҳволи ночорлиги... зур-базур кун кечираётганлиги ҳақидаги ҳикоясини ҳам эшитган чиқарсиз? Эҳтимол, «хоними»нинг яхнала-тиб қўйган чойидан бир пиёла-ярим пиёла сипқоргандирсиз?

Кимарса тўлиб-тошганча сўзлар экан, барча тахмину гумонларнинг тўғри нотўғрилигини билиб олмоқчидек, тўсатдан оғзига «қулф» солди ва Ёрибекка синчиклаб назар ташлади. Сунгра томдан тараша тушгандек:

— Ҳа-ҳа, ҳа-а, айтганим булган, сиз яхна чойдан ҳўплагансиз — тусингиз ўчиб кетибди. У хоним, иккинчи қадам босмасин деб, чойга иссиқ-совуқ қилиб қўяди, дейдилар. Лекин, барибир, бир марта бўлсам қадам босдингиз-ку, бир марта бўлсам чойидан ҳўпладингиз-ку, мени тўғри тушунинг, бунга ҳаммаям мушарраф

булавермайди, ахир. Абу-д Давоник¹ деганини эшитганмисиз? Яшанг, уша-уша! Ана уша қайта тирилиб келганида ҳам бу киши бир қўқишда қочирадилар. У-ку кейинчалик бўлса ҳам тантилланган-ку, Усмон Акрам деганлари шу туришда қолади, фақат ёзади, ёзади, ёзади! Шундайин ёзувчини забт этибсиз, офарин! Уҳ, сиз-ей.

Ёрибек унинг гапларини базўр чидаб эшитди, агар тоғаси сал-пал ёнига кирганида бундайин ичи қоралар билан қандай ҳисоб-китоб қилишни ўзи билардику-я!

Кимарса ўзи билан ўзи андармон бўлиб ётганида, у хайр-хўшни ҳам насия қилиб жунаворди...

Шаҳардаги меҳмонхоналарга бир-бир кириб чиқди: жой йўқ. Унинг боши қотди. Борай деса бирор таниши йўқ. Битта-яримтадан бир кечагина тунашга (у негадир эртага ҳаммаси яхши бўлиб кетишига ишонарди) жой сўрай деса, узидан-ўзи гумонси-раб, қўрқиб яшайдиган бу кимсаларнинг кунглини ийтиш тошни терлатишдек мушкул.

Тақдирга тан беришдан булак илож қолмади.

Боши оққан томонларга санқий бошлади.

Ярим кечагача ҳам кучалардан одам аримади: ана шу жиҳати билан шаҳар Ёрибекка ёқди. Бу одамлар ҳам баайни шу қишлоқи йигитчадек ўйсизу жойсиз вақтни ўтказиш учун бетиним у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа бориб келишаётгандек эди.

Ёрибек қандайдир бекатга келиб, ўша ердаги уриндиққа утирганча тонг оқартиришни хаёл қилаётган чоғда бу ҳаракат абас топиб, чумолидек изғийтган оломон тинчиган эди.

Ёрибек ҳардамхаёл... нима қилиш кераклигини ўйларди. Иссиққина жойи, тинчгина иши бўла туриб, бундай санқиб юриши ўзига эриш туюларди. Яна узича уй суриб айтардики: эй, жура, ижод деганлари шунақа машаққатли бўлади-да, Байрон лордлигидан, Толстой графлигидан кечиб юборишаётган-ку, ахир. Бу чоғиштиришдан кулгиси қистаб, димоғида «гулга чулганиб ётибди Байрон, фахрлини лордлиги учун» сатрларини мингирлаб қўярди. Кейин яна заминга қайтар, бунинг боду ҳавоси на сатрларга, на сажъга сигар; эртагаёқ ўзимга мос бирорта ижара топмасам бўлмайди, деб ўйларди.

Йулнинг нариги бетига гандираклай-гандираклай келаётган уч-туртта маст-аласт йигитчалар кўринишди. Кейин йулакай «чоптирганча» беш-олти қадам наридан утиб кетишди. Шоввозлар қоронғида ўтирган Ёрибекни пайқашмади. Йўқса, албатта, тирғалишган, бирон қору ҳолни бошлаган булишарди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, бир-бирларини болохонадор сўзлар билан сийлашаётгани шундан далолат бериб турарди.

Ёрибек нафасини ичига ютганча утираверди.

Йигитчалар кўздан ниҳон бўлишгандан сўнг қандайдир дузахий сукунат чўқди. Шаҳар туни қишлоқ оқшомларига сира ўхшамас, қандайдир темир қонунларга риюя қилаётгандек, кишининг утакасини ёриб юборгудек бўларди.

Қишлоқда... одамлар тинчишдими, бас, пойлаб туришгандек бирин-кетин қурбақалар, чигирткалар... турли-туман нағмаларини бошлайдилар.

¹ Дониқ — чақа. Куплиги — давоник. Айтишларича, Аббосийлар халифаси ал-Мансур бениҳоя бахил бўлиб, ҳиммати ана шундай чақалар ҳади қилишдан ошмас экан. У бу лақабдан мосуво бўлиш учун кейинчалик милёнлаб олтинларни ҳади қилган.

Ёрибек хаёл билан бўлиб ёнига кимдир келиб утирганини пайқамди. Тиззасига бировнинг қўли теккандагина чўчиб тушиб, кескин ўгирилди. Ёноғига ёноғи ёпишиб кетган малла бир аёл. Уттиз-уттиз беш ёшларда, афсурда ҳол, сочлари тузиган... лабла-рида зўрма-зўраки хунук бир табассум зоҳир.

Ёрибекнинг қўриқиб кетганини кўриб, у сассиз қулди ва Ёри-бекка тушунарли бўлган тилда:

— Қўрқма-а, — деди.

Ёрибек ўзини четга тортди.

— Кетма-а... — деди у ҳамон ўша оҳангда.

Ёрибекнинг бутун вужудини қандайдир жирканч тур ўраб ол-гандек бўлди-ю, у скамейканинг нариги бурчагига бориб ўтирди.

— Мастман, — деди аёл.

— Уйингиз йўқми?

— Уйим бор... эрим йўқ!

— ...

— Хоҳлайсанми?

— Нима?

— Уйимга бориб ётишни хоҳламайсанми?

Бундай очик-ойдин таклифни Ёрибек хоби хотирига келтир-маганди. Ҳайрон бўлди, кўнглига қўрқув ҳам оралади.

— Йўқ! — деб ёлғонлади: — Бировни кутаётгандим.

Аёл бош чайқади:

— Алдама.

— Рост...

— Бечора... қўрқоқ йигит.

Ади-бади айтишиб утиришни Ёрибек узига эп кўрмади.

— Истасанг, шу ердаёқ розиман, — аёл хунук бир қилиқ кўрсатганди Ёрибек сапчиб туриб кетди ва қатъият билан:

— Йўқол! — деди.

— Нега йўқоларканман? — аёл утириб олди. — Хоҳласам кучада юраман, хоҳласам уйда утираман...

Дарвоқе... Ёрибек тескари ўгирилиб утирди. Аёл энди ўз-узича шундай тез чуғурлай бошладики, шу чоққача унинг гаплари-ни тушуниб турган Ёрибек энди нима деяётганлигини англамай қолди.

У қарганарди. Эркакларни сўкарди. Ниҳоят, Ёрибекдан садо чиқмаслигини англаб етди шекилли, сузлай-сузлай туриб кетди.

Ёрибекнинг қалбини маҳзун кайфият чулғади...

4

Мана, ўша хиббон! Ойнаи жаҳонда ҳамиша кўрсатиладиган, дунё гўзал, йўллар ойдин эканлиги ҳақидаги гап-сузларнинг тасдиғидай товланган ўша хиббон.

Ҳамманинг қилар иши, кўзлаган манзили шунчалик аниқми — шошилиб-ошиққанча у ёқдан-бу ёққа, бу ёқдан-у ёққа ўтиб тури-шар, бетиним бу оқимнинг охири қаер, деган савол уйғонарди киши кўнглида.

Қақат бир йигитгина талмовсираб, бу оқимга қўшилишга ҳайиқиб-ҳадиксираб турарди.

У йўгон темир панжаралар билан қўршалган майдонда қан-дайдир оломоннинг қайнаётганини, бир-бирлари билан дилкаш бўлмаса-да, ишқилиб, одоб доирасидан чиқмай суҳбат қўришаётганини кўрди.

— Анаву ёқда нима бор? — Ёрибек азбаройи қизиққанидан, узини асти тийелмай, бир йўловчидан сўради.

— У ёқдами... — уйланиқираб қолди йўловчи; сўнгра бирдан жонланиб деди: — Ҳа-а, эсимга тушди, ижара олувчилару ижара қўювчиларнинг бозори ана шу-да!

Ёрибекнинг юраги ҳаққориб кетди. У узи қидириб юрган жойни суриштириб-нетмай устидан чиқиб қолганига ажабланди. Дарвоза орқали майдонга ўтди. Бу ерда ҳар турли ёшдаги, ҳар хил миллатдаги эркагу аёл байналмилалликнинг ёрқин намунаси сифатида ҳаракат қилишар, уй-жой қидиришар, бировларни ижарага қўйиш учун нақ осмондан келишар, кўкракларига «Иккита боламиз бор. Ижара керак», «Турт кишимиз. Алоҳида уй сўраймиз» сингари ёзувларни тақиб олишиб, ўтган-кетганларнинг кўзларига мўлтайиб қарашарди. Юртларига жўнашга чоғланган кишилар уй-жойларини сотиб қолишга шошилишар, нарҳини эшитгандаёқ одамнинг эси оғиб қоларди. Ана шу жойларга ҳам оларманд чиқиб қолар, кейин уй эгаси билан бошлашиб кетишар-ди.

Ёрибекнинг нигоҳи кўксига «Бурчакка ижара қўяман» деган ёзув осиб олган кампирга тушди. Кампиршонинг нафақат қўлла-ри, балки бутун танаси «қалт-қалт» титрар, суник кўзлари атроф-дан нажот кутар, кўксигадаги бир парча қоғозни базўр кўтариб турганга ўхшарди.

«Бурчак» дегани нимаси экан?» деб ўйлади Ёрибек ва биров-дан сўрашга истиҳола қилиб, кампир томон юрган эди ҳамки, елкасига кимдир қўлини оҳиста қўйди.

У ўгирилди.

Ортида сочи тўкилиб пешонасининг олди очилиб қолган, озгин бир киши табассум қилиб турарди.

— Салом, — деди у.

— Салом, — Ёрибек унга ҳайрон бўлиб тикилди.

— Йул булсин, йигитча? Э-ҳа! — номаълум киши қўл силта-ди.— Уйининг бурчагини ижарага қўярмиши? Бурчакда ит ҳам турмайди — акиллавериб безор қилиб юборади, одам чидарми-ди?

Ёрибек хаёлидан ўтган саволга жавоб топганди. Бу жавоб уни ҳақиқатан ҳам таажжублантирди.

— Қани, мен билан юринг-чи! — деди унинг янги таниши. Бу одамнинг сўзлаш оҳангида ҳам, хатти-ҳаракатларида ҳам одамни ўзига жалб қилувчи аллақандай ўта қудратли қатъият мавжуд эди. Шунданми, қаёққа, деб утирмади.

Улар чеккага чиқишди.

— Танишиб қўяйлик, — деди номаълум киши қўлини узатиб. — Исми Тошқувват.

— Ёрибек.

Тошқувват қошини учирди:

— Яхши-и!

Сўнгра улар йўлнинг нариги бетига ўтишди.

— Ёрибек, кўриниб турибдики, шоир ёки ёзувчисиз, — деди.

— Тўғри, — Ёрибек ҳаяжонланиб кетди. — Машқ қилиб тура-ман. Сиз қаёқдан билдингиз?

Киши табассум қилди:

— Жуда осон!..

Сўнгра Ёрибекнинг ҳайрон бўлиб қараб турганини кўриб, изоҳ берди:

— Мен ҳам шеърлар ёзаман-да!

— Тахаллусингиз нима? — Ёрибек таниб қоларман, деган илнжда қаради.

— Э, овра бұлманг, тополмайсиз. Бир сатр ҳам чоп қилдирган эмасман.

— Узингиз учун ёзаркансиз-да.

Тошқувват кифт қисди:

— Ким билсин? Балки, шундайдир. Сизнинг ижодкорлигингизни билиб олганимга келсак... рости, бу ёққа ижара қидириб дукондор ё фирқа ходими эмас, шоир ёки талаба келади.

— Демак, сиз ҳам ижара қидириб келибсиз-да?

— Э, йуқ. Менга фақат битта ҳамроҳ керак эди. Ишонаманки, ҳамроҳгина эмас, дуст ҳам бўлиб қоламиз. Барча ишлар унгланиб кетишига юз фоиз булмаса-да, ҳарҳолда, кафолат бераман. Менинг қулимда хат бор.

— Қанақа хат?

— Шошманг-да, кейин. Ҳозироқ бирорта қулайроқ, ҳашаматлироқ меҳмонхонага бир-икки кунни мулжаллаб, жойлашиб туришимиз керак.

— Меҳмонхонада жой йуқ... — Ёрибек бўшашди. — Кеча ҳаммасига кириб чиққанман.

— Жой бор. Булмаса биз учун топиб беришади. Қани, кетдик.

Улар шаҳарнинг энг машҳур меҳмонхонасига йул олишди. Ёрибек, барибир жой тополмайди, деган уйда эди. Тошқувват бўлса навбат кутиб ҳам утирмади, унга шу заҳотиёқ иккинчи қаватдаги уч кишилик шинам хоналарнинг биридан икки кишига жой топиб беришди. Учинчиси хоразмлик бир йигит экан. Икки кундан буён шу хонада турибди, халақит берса бошқа жойга утқазамиз, деди меҳмонхона хизматчиси тавозе билан.

— Қуяверинг! — Тошқувват беписанд қул силтади. — Бир душ қабул қилайлик, сунгра рестаранга тушамиз.

— Рестаранга? — деди Ёрибек ҳанг-манг бўлиб.

Тошқувват кулди:

— Нима қипти? Биз ҳам мунда-ай одамларга ўхшаб бир овқатланайлик-да, ахир.

Ёрибек ювиниб чиққач, ўзини қушдек енгил ҳис этди.

Рестаран меҳмонхонанинг остида жойлашган экан.

Тошқувват официантканинг белидан қулини утказиб, ўзини эмин-эркин тутганча, у-бу нарсаларни буюрди. Кетгач:

— Одам бундай жойларда ҳам ўзини қандай тутишни билиши керак? — деб куйди.

«Шу билан мақтанмаса буларди», хаёлидан кечирди Ёрибек.

— Нима учун ичамиз? — Тошқувват қадаҳларни тўлдирди.

— Танишганимизга, — Ёрибек ўзининг олдидаги қадаҳни қулига олди.

— Бупти, танишганимизга!

Уткир ароқ экан, Ёрибек пешонасидан совуқ тер чиқиб кетганини ҳис этди. Тошқувватнинг кузлари чақнади:

— Ҳозир бир жойга борамиз.

У ичиб олганда ўз-ўзидан қандайдир мамнун бўлиб кетаётгандек илжайиб, юз-кўзига қувонч югурарди.

— Қаёққа? — сўради Ёрибек ўзининг ҳам сархушланаётганини ҳис этиб.

— Сиз доврўғини эшитиб юрган булбулигўё бир хонанда билан сўхбатламиз.

— Ким экан?

— Шошманг, ҳаяжонланманг, эсанкираманг. Билсангиз уша

хонандаю созандалар ҳам, шоиру ёзувчилар ҳам сизу бизга ўхшаган одамлар, — у негадир Ёрибекнинг кимлигини, насл-насабини тузук-қуруқ суриштирмай, яккаш қаламкашлигини билганидан ўзини бот-бот у билан тенг қўя бошлаганди. Ҳолбуки, ёш жиҳатидан ҳам, юриш-туриш ва иш тутиш жиҳатидан ҳам уртада хийла катта тафовутлар бор эди.

— Шунчаки сурадим-да, — деди Ёрибек изза тортиб.

Тошқувват эътибор бермади.

— Бироқ, уларда энг улуг, энг муҳим бир фазилат бор, била-сизми қандай фазилат бу? — дея, ҳамроҳига зингил солиб қаради. Ёрибек елка қисди.

— Уларда пул куп! — тантанали оҳангда эълон қилди Тошқувват.

— Йуғ-эй! — Ёрибек сапчиб туриб кетаёзди. — Гап фақат пулдасадир?

Тошқувват кулди.

— Офарин!

— Тугриси-да!

— Ана шу фикрнинг ўзиёқ, гарчи думбул бўлса ҳам, сизнинг кунглингиздан дарақ бериб турибди.

— Жудаям пастга уриб юбормадингизми?

Тошқувват қуллари билан ҳавода аллақандай шакллар чизиб, галати ҳаракатлар қилди:

— Аксинча, аксинча. Мен иккита министрнинг бир камерада утирганини курганман.

— Қамоқдами?

— Албатта, қамоқда-да! — бепарволик билан тасдиқлаб қўя қолди Тошқувват. — Уларнинг гапирадиган гапларини бир эшитганингизда эди...

— Қилмишларига тавба-тазарру қилишларини айтасиз-да! — Ёрибек топдимми, дегандек Тошқувватга бир кўзини қисиб қаради.

Тошқувват лабларини чўччайтириб, ҳуштак чалиб юборди:

— Бе, қаёқда?

— Унда нималарни гапиришади?

— Маишат, ейиш-ичиш, хотин-қизлар... Улай агар, бошқа мавзуларда тариқчам фикр юрита билмайдилар...

— Ошириб юбормадингизми?

— Куйинг-э, сизга ёлгонлаб нима баҳра топанам.

— Гапларини ўзингиз эшитганмисиз? — Ёрибекнинг қалбида Тошқувватга нисбатан ҳурмат уйғониб келаётган эди, энди бунга кўрқув ва ҳайқиш ҳам аралашди.

— Булмасам-чи!

— Уларнинг олдига қандай кира олдингиз?

Бу саволдан Тошқувватнинг юзи бўздай оқарди. Кузлари аллақайси нуқтага термулганча бир муддат қотиб қолди. Кейин ўзини унглаб, сохта тиржайди.

— Ҳамма нарсани бирданига билиб олсангиз булмайди, — деди танбеҳ оҳангида.

Ёрибекнинг қалбини чулганган ваҳм кучайиб, бу орада мусиқа бошланди. Анча ширақайф бўлиб қолган Тошқувват икки стол наридаги малласоч бир маржа билан кўз уриштириб утирган эди. Дарров ўрнидан туриб унинг олдида борди: ўзини гоятда назокатли тутиб, унга енгилгина таъзим қилди ва қулидан тутиб уйинга олиб чиқди. Тошқувват ундан кўз узмас, нималарди дер, у кулар эди. Хийла уйин тушишди.

Уз жойига келиб утирганида Тошқувватнинг кайфияти ниҳоятда соз эди. Унинг эс-ҳушини бояги аёл тамоман олиб куйганга ухшар, ўша ёқдан кўз узмас, жилмаяр, турли-туман қилиқлар қиларди.

- Жуда қиммат экан, — деди ниҳоят Ёрибекка қараб.
- Нима қиммат экан? — Ёрибек унинг гапига тушунмади.
- Анаву-да!
- Сиз билан ўйин тушганми?

— Ҳа... Эрталабгача ихтиёрларингиздаман, фақат айтганимни берасизлар, дейди...

Бир қарашда олийҳимматдек кўринган бу оламнинг ҳали-замон ўзи танқид қилган кимсалардек булишга интилаётгани Ёрибекни ажаблантирди. Тошқувватнинг кўз қарашларидан, кўл ҳаракатларидан, гап-сўзларидан — борингки, бутун вужудидан айширатга, роҳат-фароғатга чексиз ташналик ёғилиб тураётгандай эди.

— Кўйинг ўшани... — Ёрибек норози булаётганини яшириб утирмади.

— Бўпти, бўпти! — Тошқувват дарров унинг кўнглига қараб куна қолди. — Униям касби шу-да!

Улар ҳали ташқарига чиқиб улгурганлари ҳам йўқ эди, Тошқувватнинг рупарасида ҳалиги аёл пайдо бўлди. Кузларини сузиб, узини қандайдир ноқулай аҳволга тушгандек кўрсатиб, уралаша бошлади. Тошқувватдан садо чиқмагач, у очиқ хужумга утди:

- Бирга кетмаймизми? — деди навозиш-ла.
- Тошқувват қўли билан «йўқол» ишорасини қилиб:
- Йўқ! — деди.

Аёл лабини буриб, нари кетди.

Катта йўлга чиқишлари биланоқ Тошқувват такси ушлади-да, орқа ўриндиққа ўзини ташлади. Ёрибек унинг ёнига утирди.

Шофёр ортига угирилиб, индамас йўловчиларга ҳайрон булиб боқди:

— Қаёққа?

Тошқувват чуқур нафас олгач, хотиржамлик билан фармойиш берди:

— Иваново-Петровск кучаси, тўққизинчи уй!

5

Катта кучанинг чорсусида жойлашган ҳовлининг ғарб томони-да ҳам, шимол томонида ҳам эшик булиб, ҳар иккаласи ҳам бир хил — кук тусда эди, ҳар иккаласида ҳам «Иваново-Петровск-9» деган бир хил темир ёрлиқ бор эди. Устига-ушар ҳам иккала эшик ҳам ичкаридан занжирланган, бироқ уйда барча чироқлар чарақлаб ёниб ётар эди. Қолаверса, ҳар иккала эшикнинг тирқишидан мўралаб ҳовлидаги у-бу нарсалар ҳақда билиб олса буларди. Кўчага номи кўйилган фамилиядаги кишининг бу ёруғ оламда булган-булмаганини ҳеч ким билмас, чамаси, бу рамзий маънода эди шекилли.

Тошқувват дам у ёққа, дам бу ёққа бориб-келганча иккала эшикни ҳам қанчалик тақиллатмасин, ичкаридагиларнинг қулоқлари том битган эканми, ҳеч ким чиқмади.

— Кўнғироғи ҳам йўқ экан лаънатининг! — тўнғиллади Тошқувват.

Сунгра бориб, деразани черта бошлади.

Дераза пардаси шитоб билан сурилиб:

— Ким керак? — деган қўпол жавоб эшитилди.

— Бир минутга! — Тошқувват кўрсаткич бармоғи билан имлаб, ойна ортидаги йигитни чақирди.

Ахийри ғарб томондаги эшик очилиб, ташқарига ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги, бир хил кийимдаги, усти бошлари, гап-сўзлари ҳам бир-бирлариникига ўхшаб кетадиган, баайни бир онадан туғилгандай, бироқ биттаси қорача, пачоқ бурунли, иккинчиси оқ-сарикдан келган қирра бурунли — иккита йигитча чиқиб келишди.

— Ким керак эди? — дея иккаласи ҳам баб-баравар сўради. Улар кимларгадир тақлид қилиб гапиришга уринаётганга ўхшашар, зўр бериб, овозларини йўғон чиқаришга жаҳд қилишарди.

— Отажон уйдаими? — сўради Тошқувват.

— Ота акам бу ерда турмайдилар, — деди биринчи йигитча машҳур хонанда исмининг иккинчи қисмини ичига ютиб юбориб.

— Анча бўлди, Жон акам хабар олгани ҳам келмадилар, — деди иккинчи йигитча чала айтилган исми тўлғазиб кўйиш учун жаҳд қилгандай.

— Ҳўш, нима қилдик энди? — Тошқувват у ёқдан-бу ёққа асабий юра бошлади. Сунгра кескин тўхтаб: — Қаёқдан бўлса ҳам уни топиб келасизлар, биз уйга кириб кўтиб турамыз, — деди.

— Ота акани шу маҳалда топиб бўларканми? — деди биринчи йигитча пунғиллаб, сунгра Тошқувватга ким бўлибсанки, фармо-йиш берасан, дегандек беписанд қаради.

— Жон ака тўй-пўйга кетганларми, ким билиб утирибди? — иккинчи йигитча ҳам узатган оёғини асти йигиси келмаётган эди.

— Биров келиб кўтиб турибди десак, югуриб келаверармикин-лар? — биринчи йигитча илжайганча жўрасига қаради.

— Ҳар куни юзлаб одамлар у кишини йўқлаб келишади, ҳар бирига югуриб келаверсалар оёқларида оёқ қолмайди-ку! — иккинчи йигитча ҳам бўш келмади.

Тошқувват, чамаси, ниманингдир хаёли билан қаттиқ банд эди, гап-сўзларга эътибор бериб ҳам утирмади:

— Болабекнинг олдидан одам келибди, дейсизлар, — деди.

Ёрибек биргина гапда шунчалик катта қувват бўлади, деб ҳеч уйламаганди. Ҳоз турган йигитчалар бирданига пусиб қолишди. Дарров икки томонга ажраб, йўл бўшатишди:

— Қани, қани, ичкарига кириб туринглар!

Олдинма-кетин ҳовлига киришди. Уч-тўрт сотишча келадиган чоққина ҳовли экан. Атрофи баланд девор билан қўршаланган. Уйларнинг ланго-ланг очиқ эшиклари бу ерда бирон-бир оиланинг муқим турмаслигидан дарак бериб турарди. Айвондаги каттагина стол атрофида яна уч-тўртта йигитчалар. Уларнинг баъзилари отнинг тақасидек мўйлов кўйиб олишган, баъзилари гажақларини занжирдек ўстириб юборишган, баъзилари полвонсифат, баъзилари аксинча, нимжон қуринишарди. Лекин, ҳаммаларини боғлаб турган ягона жиҳат, томоқларига зўр бериб, йўғон гапиришга урнишар эди. Баъзи бир сўзларни ўша машҳур ҳофиз Отажонга ўхшатиб талаффуз этишарди. Стол атрофида утирганлар орасида жинси шим кийган иккита қиз ҳам бор эди. Улар шалоғи чиқиб кетган телевизордан қандайдир фильмни томоша қилишар, аҳён-аҳёнда бир-бирларининг биқинларига туртишиб, завқланаётган-ликларини намойиш қилишарди.

Улар Тошқувват билан Ёрибекни куриб уринларидан қўзғалиб

ҳам қўйишмади, қуришгани қўл ҳам узатишмади. Чамаси, ҳар кун бу ерга ҳар хил одамлар келавериб, «охурча» қилиб юборишган, ҳар қандай кишининг қадам ранжида қилиши янгилик эмасга ўхшайди.

— Энди... пича утириб турасизлар-да! — йигитчалар уларни ичкари хоналарнинг бирига бошлаб киришаркан, илтифот-ла сўз қотишди.

Тошқувват курс оҳангда:

— Бупти, бораверинглар, — деди.

Бу уй олти ёки етти хонали эди. Хоналарнинг деворлари гарчи яхши оқланиб, турфа гулларнинг шакллари солинган бўлса-да, қандайдир совуқлик уфуриб турарди. Бир пайтлар олиб килган жиҳозлар ҳар ёқларда сочилиб ётар, файсизлик ҳукмрон эди.

— Ота акамни қаёқдан бўлса ҳам топиб келамиз, — мингирлади биринчи йигитча.

— Жон акам Болабекнинг номини эшитишлари биланоқ етиб келадилар... — дея иккинчи йигит гап қўшаётувди, Тошқувват урта бармогини лабига босиб, сирли оҳангда:

— Тш-шс!.. — деди. — Гапни купайтирмай, жунанглар!

Уларнинг туслари ўчганча чиқиб кетишди. Йул-йўлакай телевизор қаршисига мук тушганларга нимадир дейишган эди, улар саросималаниб, дарров телевизорни учуришди ва бирин-кетин гойиб бўлишди.

Тошқувват оромкурсига ялпайиб утириб олди.

— Қалай? — деб, англаб бўлмас бир маънода Ёрибекка кўз қисиб қўйди.

— Емонмас...

— Отажон келсин-чи, гаплашиб оламиз. Бу уйга сунгра узимиз эгалик қила бошлаймиз. Анаву санқиларни битта қўймай йўқотамиз.

— Булар кимлар?

Тошқувват қўл силтади.

— Қаланги-қасангилар-да!

— Куп ҳам унақага ўхшашмайди-ку?..

— Отажоннинг шогирдлари, доирачи, уйинчи, микрофончи...

«Гаҳ» деса, ҳаммаси қўлга қунади.

— Уй Отажонникими?

— А, йўқ.

Ёрибек кифт қисди.

— Ҳеч нарсани англамадингиза? — илжайди Тошқувват. — Бу уй аслида Болабекнинг бир-ярим қўниб утадиган маскани бўлган. У ёққа кетгач, Отажонга қолган. Вақтинча-да!

— Қаёққа кетгач?

Тошқувват Ёрибекка очикдан-очик ҳайрат билан қаради:

— Ҳали сиз Болабекнинг қаердалигини билмайсизми?

— Йўқ.

— Э-ҳа! Бунга етти яшардан етмиш яшаргача билади-ку!

Ёрибек кулди:

— Фақат мен билмай қолибман-да. Айтаверинг, қаёққа?

— Қаёққа буларди, қамоққа-да!

Сунгги совуқ сўз Ёрибекни бир сескантириб юборди.

— Ҳали сиз хатни ўша ёқдан олиб келяпсизми?

— Ҳа-да! — Тошқувват кулди. — Сиз нима деб уйловдингиз?

— Ҳарқалай, энди...

— Болабек мен чиқиб келаётганимда тушиб қолди. У барибир чиқиб келади.

— Жинояти оғирмасми?

Тошқувват қаҳ-қаҳ уриб, асабий кулди:

— Қанақа жиноят? — Ёрибекдан худди жавоб кутаётгандек, ўқдек нигоҳини қадади у. — Ким айтади қамоқларда фақат жиноятчилар утирибди деб? Купчилик узини одам санаб юрганларингиз у ердаги танти ва ҳалол инсонларнинг тирноғига ҳам арзимайди...

Хайрият, Тошқувват нутқини бошлаб юбормади, дарров ўзига келиб:

— Болабек чиқса, ишларимиз юришиб кетади, — деди. — Отажонлар нари турсин, ҳар қандай министрни ҳам ўйнатади у...

— Қандай қилиб тушиб қолган? — Ёрибек, сиз нега утирганингиз дея сўрамоқчи бўлганди, малол келмасин деган ўйда гапни буриб юборди.

— Газет ҳам ўқимас экансиз-да! — деди Тошқувват упкалангандек. — Бу ҳақда жуда куп ёзишди-ку! Болабекнинг бўйнига ҳар хил жиноятларни қўймоқчи бўлиб уннаб ётишибди. Бари беҳуда!..

Оромкурсида беозоргина утирган одамнинг кечагина қамоқдан чиққанини уйласа, Ёрибек даҳшатга тушарди.

— Ҳамма нарсани билиб қўйган яхши, — худди унинг ичига кириб чиққандек луқма ташлади Тошқувват.

— Ҳа, албатта.

— Унда нега кўрқасиз?

— Йўғ-э?!

— Бупти-бупти...

Тошқувват диван бурчагида ётган қандайдир модалар журналинга олиб, варақдай бошлади — ўзи билан ўзи бўлди. Айни дамда ички бир туртки Ёрибекни Тошқувватдан узоқроқ бўлишга ундарди. Бошқа ички бир садо бўлса, аксинча, тайинли борадиган жойининг йўқлигини, кўча-қўйда сарсон юргандан, хайрихоҳ одамдан ажралмаслик лозимлигини ўқдирадди.

Ёрибек Тошқувватга ўгринча қараб қўйди. Журнални томоша қиларкан, унинг қорамасми юзида гоҳ шодлик жилваланади, гоҳ қовоғи уюлар — ҳолатию хатти-ҳаракатларида табиийлик устивор эди. Ҳар гапида узининг «утиргани»га шама қилаётган бўлса-да, кўринишидан унақа одамга ўхшамасди.

— Тошқувват ака... — Ёрибек хаёлланиб утирган ҳамроҳига мурожаат қилишга қилиб қўйди-ю, у ёғига чайнаиб қолди.

— Қулоғим сизда.

— У ёқда неччи йил утиргансиз?

Тошқувват илкис у томон угирилди. Бу мавзуда очиқ-ойдин сўз бошлагани уни заррача ҳам хижолат чектиргани йўқ, аксинча, юз-кузларига хотиржамлик дунди.

— Анча-а... — деди қузиб. — Ун етти йил!

— У-ху! — Ёрибекнинг эсхонаси чиқиб кетаёзди ва бундан уялиб қизарди, сир бой бермасликка интилди. — Баъзи одамлар қамоққа тушишни орзу қилишади.

Тошқувватнинг қошлари оқори кутарилди.

— Ёлгон! — деди шартта.

Сунгра бирпас уйланиб турди-да, сўзида давом этди:

— Қамоққа тушишни ҳеч ким орзу қилмайди. Баъзи бир сафситабозларгина бойғозилик қилиб айтишгани билан, икки кун қамаб қўйишса, ҳаммаёқни сотиб юборишга тайёр туришади...

— Бир вақтлар ҳамма виждонли одамлар эрта-индин келиб опкетишларини кутиб утиришган-ку?

— Тўғри, лекин, ушандаям фақат молиҳулиёларгина панжара орасига уз ихтиёрлари билан кирганлар...

Тошқувват оғир уйга чўмганча оғзидаги папиросни лабининг у бурчагидан-бу бурчагига, бу бурчагидан у бурчагига ўтқаза бошлади. Ёрибекка тутун орасидан кўзларини қисиб қараркан, худди унинг ич-ичини ағдариб кўраётгандек эди. Ёрибек бундан нуқулайлик сеза бошлади.

— Бир чўпчак айтиб берайми? — сураб қолди Тошқувват.

— Нима ҳақда?

— Бир ёзувчи ҳақида... — Тошқувват истеҳзоли табассум қилди.

— Майлингиз...

Лекин шу орада ташқаридан қадам товушлари эшитилди.

Тошқувват кўзини қисиб кўйди:

— Ота келяпти!

Ёрибек ҳам табассум қилди:

— Жон биланми?

Улар шу тариқа суҳбатлашиб утиришса-да, иккаласи ҳам ҳаяжонда эдилар.

Остонада узун бўйли, қотма хонанда кўринди. Унинг одмигина усти бошидан узига бино кўймаганлиги билиниб турар, лекин, хатти-ҳаракатларида, суз оҳанглирида қандайдир саркашлик мавжуд эди.

— Э, келсинлар! — салом беришни атай «унутиб», Тошқувват томон юрди у ва унга кўлини узатди.

Улар куришишди.

Отажон Ёрибек билан ҳам куришиб, унга илтифот-ла, айни дамда ҳеч кераксиз матоҳга қарагандай қараб кўйди ва чамаси, шундан сўнг унинг бор-йўқлигини унутди.

— Бу киши бизнинг укамиз, — Тошқувват унинг борлигини яна бир қарра эслатди. — Узлари шойир.

Отажоннинг юзига мужмал бир ифода қалқиди-ю, уям шу захотиёқ сунди.

— А-ҳа! — деб кўйди.

Сунгра Тошқувватнинг қаршисидаги оромкурсига омонатгина чуқиб, уйланқираб қолди.

— Болабекдан купдан-куп салом! — деди Тошқувват сўзни чувалатиб утирмай.

Отажон ўрнидан туриб кетаёзгудек бир ҳаракат қилди:

— Узи қандай? — деди қад ростлаб.

— Ёмон эмас! — Тошқувватни Болабекка мутлақо тааллуқли бўлмаган бошқа бир нарсалар қизиқтираётгани аён кўриниб турарди. — Биз бир-биримизга қаттиқ суяниб қолгандик.

— Ху-уш?! — Отажон Тошқувватга зингиб солиб қаради.

Тошқувват сукут сақлаб, Отажоннинг кўзларига қаттиқ тикилиб туриб қолди. У бу тарзи билан ҳамсуҳбатининг куч-қувватини, нималарга қодирлигини чамалаб олмоқчидек кўринарди. Отажон бошини эггандагина Тошқувватга забон битди:

— У сиз ҳақингизда куп гапирарди!

Отажоннинг ранги кум оқариб кетди. Ундан кўзларини узмай утирган Тошқувватнинг лабларида истеҳзоли табассум пайдо бўлди, таскин оҳангида айтди:

— Қурқманг, фақат менгагина гапирарди...

— А, йўғ-а!..

Шундай деса-да, унинг қиёфасини туйқусдан қоплаган хавотирлик аломатлари буткул йўқолиб кетмади. Узига-узи гапирётгандек паришон товушда:

— Болабекнинг тушгани яшши бўлмади, — деди. Ва тусатдан сергақ тортиб суради: — У сизга ҳеч нарса бериб юбормадимми?

— Қандай нарса?

— Ақалли бир оғиз суз ёзилган хат-пат...

— Нега бериб юбормас экан, албатта бериб юборди-да! — Тошқувват шундай дея, ички чўнтагида асраб-авайлаб келаётган мактубни олиб, Отажонга тутқазди.

Отажон тўрт буклоглик қоғозни кўллари хиёл қалтираганча очди. Атрофидагиларни батамом унутди. Узоқ ташналикдан сўнг ҳовузга дуч келган жонзоддек чанқоқлик билан, сатрма-сатргина эмас, ютоқиб-симириб ўқиб чиқди. Уқиб чиқди-ю, ранги мурдадек оқариб кетди. Ўрнидан даст туриб, Тошқувватга таъзим-ла:

— Мен сизга куллуқ қиламан! — дея хитоб қилди.

Тошқувватнинг юзига камтарона табассум югурди.

— Қўйсангиз-чи, дўстим, — деди машҳур хонандани «дўстим» деб аташга энди ўзини тула-тукис ҳис этганча. — Болабекка қулимиздан келганича ёрдам беришга ҳаракат қилдик. Омонлик бўлса, яна ҳаракат қиламиз, чиқиб кетади.

— Мендан нима хизмат лозим бўлса тортинмай буюраверинг, — деди Отажон, узидан қандай хизмат лозимлигини очиқ-ойдин англаб турса-да, буни ҳамсуҳбатининг ўз оғзидан эшитишни ис-таб.

Тошқувват уша-уша, одамнинг ичини ағдариб кўраётгандек қараши билан Отажонга тикилиб қаради.

— Айтинг...

— Узингиздан қолар гап йўқ... — Тошқувват бироз чайналиб, сукут қилди. Акс-садо бўлмагач, очигига кучди: — У ёқдан одам ёлғиз бошини эсон-омон кўтқариб чиқса, шунисига шуқр қилади. Аввалги ҳаётим батамом барбод бўлди, деб айтишга асосларим бор. Шунинг учун, янгитдан ҳаёт бошлаб, ўзни тиклаб олиш учун анча-мунча маблағ зарур бўлади.

— Қанча?

Отажонда пул кўплиги Тошқувватга беш қўлдек аён эди. Шу боис, инсоф қилиб утирмади:

— Ун беш-йигирма мингча бўлса, амаллаб ўзимни тиклаб оларман, — деди лоқайд оҳангда.

Отажон жойига ўтирди. Чўнтагидан бир даста эллик сўмлигу юз сўмликларни чиқариб, Тошқувватнинг олдига кўйди.

— Ҳозирча буни ишлатиб турунг, қолганини эртага жунатаман. Тортинманг, булар у ҳисобга кирмайди. Бугун тузук-қуруқ меҳмон ҳам қилолмадик, — деди. Сунгра ташқарига юзланиб:

— Муса! — деб чақирди.

— Лаббай, Ота ака! — дея, икки йигитчадан бирови хонага шитоб кириб келди.

— Бу кишининг айтганларидан чиқмайсан! — деди кўрсаткич бармоғини Тошқувват томонга чўзиб. — Уқдингми?

— Уқдим.

— Сизга шу хона буладими? — Отажон саволни Тошқувватга берган бўлса ҳам жавоб кутиб утирмай, хонанинг у ёқ-бу ёғини палапартмиш назардан ўтказиб, йигитчага қараганча давом этди. — Бу ерни саранжом-сарийшталаб кўй. Деразаларнинг чанг-чунгларини арт, супуриб-сидир. Уқдингми?

— Уқдим.
— Бор энди.

Йигитча зипиллаганча чиқиб кетди.

— Шунақа экан-да! — хурсинди Отажон, сунгра Ёрибекка ҳам қия назар ташлаб кўйиб, — энди бизга жавоб берасизлар! — деди. Урнидан тураётди: — Бугун бир жойга боришим керак эди, маъзур кўрасизлар. Ҳали бафуржа сўхбатлашармиз, — деб қўшиб қўйди. Тошқувватнинг ҳам кўзгалаётганини кўриб:

— Шу ерда қола қолинглар, бемалол дам олиб... — деди.

— Йўқ, йўқ! — шоша-пиша эътироз билдирди Тошқувват, худди Отажон зўрлаб олиб қолаётгандек. У пулларни аллақачон чўнтакка уриб қўйган эди. — Меҳмонхонага боришимиз керак...

Отажон қолишга ундамади. Фақат:

— Қайси меҳмонхонага? — деб сўради.

— «Шабада»га.

— Яхши, ташлаб ўтаман.

«Волга» рулига Отажоннинг ўзи утирди. У машинани анча чапдастик билан бошқараркан. Меҳмонхонага етиб боргунча бир оғиз ҳам сўз қотмади.

Меҳмонхонага ҳаш-паш дегунча етиб келишди.

— Хуп, хайр! — машинадан тушишга чоғланган Отажоннинг елкасидан босиб қўйиб, Тошқувват унга қўлини узатди. — Тушиб утирманг, шусиз ҳам йўлдан қолдирдик.

— Ҳечқиси йўқ. Майли, хайр.

Бир-икки соат мобайнида рўй берган воқеалар Ёрибекни анча довдиратиб қўйганди. Тошқувватнинг булса оғзи қулоғида: унга бу ҳодиса жуда-жуда қонуний ва табиийдек эди. Яна ҳалиги маржа ёдига тушиб, юзига шоён ифодалар югурди. Ёрибекнинг ҳай-ҳайлашларига қарамай ресторанга кириб кетди. Анча фурсат кутдириб, сунгра суппайиб чиқди.

— Кетиб қолибди, — деди афсусланиб ва қўшиб қўйди. — Утирармиди.

Хонага чиқишдан ўзга иложлари қолмаганидан Ёрибек суюнди. Аммо, хонада қанақа кургиликлар кутиб турганини хаёлига ҳам келтиролмасди. Йигиштирилмаган урин устида хўппасемиз бир йигит... майкачан ҳолда ўтирар, тинимсиз пишиллар, дамбадам бурнини тортиб қўярди.

— Шамоллаб қолибман, — деди у ҳамхоналари билан қуришиб қўйишни хаёлига ҳам келтирмай.

— Кўйлак-пўйлак кийиб утириш керак-да! — танбеҳ берди Тошқувват.

Шамолламиш йигит ёстиқ устидаги куйлагини олиб кияркан:

— Э, мен ётувдим! — деди.

— Халақит берибмиз-да...

— Ҳечқиси йўқ. Меҳмонхона ўз номи билан меҳмонхона-да! Шамоллаганим чатоқ бўлди-да, аммо-лекин...

— Давоси осон, — бунақалар билан учрашавериб-учрашавериб, эти қотиб кетган эканми, Тошқувват қисиниб-қимтиниб утирмасдан деди: — Қани, юринг-чи, ароқ-пароқ олиб келайлик.

— Баттар бўлмасмикан? — хавфсиради у.

— Тузаласиз, — Тошқувват унинг бошқа мулоҳазаларини тинглаб ҳам ўтирмай, ташқарига йўналаркан: — Бугун бир эрийлик-да! — деб қўйди.

— Сизми? — деди ҳамхона ҳайратланиб.

— Албатта-да! — Тошқувват кулди.

Ҳамхона апил-тапил урнидан турди.

— Майли, бориб келсак, бориб келайлик, ичиш бўлса, ичиш-да!

Сунг икковлон чиқиб кетишди, ҳаял утмай бир қучоқ нарса кўтарганча ва чамаси ана шу кўтарган нарсасидан оғзи қулоғига етганча ҳамхона олдинда, унинг ортидан Тошқувват, нималарнидир сузлай-сузлай, хуш-хандон кириб келишди.

Ярим тундаям тиниб-тинчимаган, на нафслари, на ўзлари ором билмаган бу одамларнинг хатти-ҳаракатларидан гаши келган Ёрибек урнига кириб ётиб олган эди. Унинг бу ҳолатда ётганини кўриб, Тошқувват қошларини керди. Қўлларини икки томонга ёйганча, ажабланганини билдирди:

— Ие, ие?! Бу қандай ётиш? Туринг-э, зиёфатни энди бошлай-миз-да!

— Қорин тўқ...

— Ҳамманиям қорни тўқ, — нималарнидир валдирагиси келиб турган ҳамхона дарҳол гапни илиб кетди. — Ҳеч ким очдан улаётгани йўқ. Улмайти ҳам.

Ёрибек билдики, беш-ун минутдаёқ топишиб, бир-бирларини худди минг йиллардан бери танийдигандек ош-қатиқ бўлиб кетишган бу шоввозлар баттар авжланса авжланадики, асло паст тушмайди. Ноилож туриб утирди.

Сотимбой — йигитнинг исми шундай эди, шамоллаганини ҳам унутиб, чаққон-чаққон ҳаракат қиларди: ўртадаги стол устига бир зумда газит тушаб, ҳалтадан қоврилган жужаларни, қазиларни чиқара бошлади. Дастурхондан кунгли тулғач, шишани олди. Ҳамроҳининг сабр-тоқатини синаб қурмоқчи бўлгандек, пича қисталанг ҳам қилиб турди.

— Э, очсанг-чи! — деди ахийри Тошқувват.

— Қалай буларкан?

— Олтин булади, очавер!

Сотимбой пиёлаларни яримлатиб-яримлатиб ароқ қўйди. Тошқувват ҳеч рад қилмасдан олди. Ёрибекка булса, зурлаб тутқазди.

— Ичмасангиз ҳам майли, — деди у лабларига ним табассум кўндириб. — Олдингизда турсин.

Ёрибекнинг олдида пиёланинг туриши унга катта наф келтирадигандек, шу сўзни қайта-қайта такрорларди. У Умар Хайёму бошқа буюклар ҳам май нуш этишганини айтиб, чамаси, узиниям ушаларга теппа-тенг чоғлаб, теварак-атрофга қирғий қараш қилиб оларди.

Кўп утмай Тошқувватнинг кайфи ошиб қолди. У бир булак шўр бодринг тамшанганича пешма-пеш ароқни урарди. Сотимбой эса, овқатдан бош кутармасди. Оғзи банд булгани учун камдан-кам гапирар, шунга яраша эс-ҳуши, агар у бор деб гумон қилинса, жойида эди.

Тошқувватнинг жон-жон деб воизлик қилгиси келиб турарди. Ахийри, у чидолмади, дабдурустдан урнидан турди-да, чайқалиб кетди. Столнинг қирғоғини ушлаб, узини унглаб олганча, томоқ қириб, бошлади:

— Мен ҳаётнинг роҳат-фароғатларини энг сунгги томчиларига-ча сипқоришни истайман. Қани, соқий, қўйинг! Ун етти йил зах камеранинг темир илгаки эшикларига боқиб ётиб, шундай уйлардим, тарбия мактаби кўпдан-кўп ёмон хислатларни йўқотадиган жой деган хаёлда эдим. Кейин қуриб билдимки...

Тошқувват пиёлани кўтариб бушатди. Баландпарвоз нутқи ҳали олқишланмай туриб, ҳеч бир қутилмаган натижа топди.

— Бизнинг умримизни хароб қилишди! — деди у столга муштлаб.

Сотимбой столга яна бир мушт тушиб қолишидан ва ундаги нарсалар тукилиб кетишидан ховотирга тушиб:

— Секин-секин! — деди кўзлари жовдираб. — Ҳаммаси ўрнига тушиб кетади!

Тошқувват унга ўқрайиб қаради:

— Сиз товўқни енг, оғайни!

—

— Нимани ўрнига тушиб кетади деяпсиз?

— Ҳаммаси яхши бўлади, яхши бўлиб...

— Азбаройи худо, мен сизга тушунолмадим, — деди

Тошқувват. — Гапингизнинг тутуруғи йўқ.

Сотимбой кифт қисди:

— Раҳматли отам ҳам шундай дердилар.

— Билиб қўйинг, менинг ҳеч нарсам ҳали ўрнидан чиқиб кетгани йўқ...

— Ме-ен...

Тошқувват сўзлатмади:

— Мана бу ерим оғрийди, тушунасизми? — у кўкрагига муштлади.

Сотимбой беўхшов тиржайиб қўйди, ҳеч вақо тушунмади.

Тошқувват жойига ўтирди. Ҳамон ўзини тиёлмасди. Безгак тутгандек қалт-қалт титрарди.

Уртага ноқулай жимлик чўқди. Столни йиғиштириб, гап-сўзсиз ўринларига чўзилишди. Сотимбой беш-ун минут чўзилиб ётди-да, узига-ўзи гапирётгандек:

— Кайфнинг тарқашиям ҳеч гапмас экан, — деб қўйди. Сунгра ўрнидан туриб, тунчироқни ёқди.

— Тинчликми? — тунгиллади Тошқувват, унинг бу қилигидан норози бўлганлигини яшириб ўтирмай.

Сотимбой қўргур парво қилмади. Телефон аппаратини тўшақ устига олди ва Тошқувват томон илкис ўгирилиб:

— Хоразмга бир телефон қилай, — деди.

— Эрта... кун йўқми?

— Саҳардан министрликка боришим керак.

— Мунча.

— Одам кўпаяди. Очират олиб қўймасам бўлмайди. Кечаям, бугун ҳам ҳеч кимни қабул қилмади.

— Падарига лаънат уша министрнингизни, — деди Тошқувват шартта. — У ёқда қулимга тушганида нима қилишни ўзим билардимку-я!

Тошқувватнинг сўнгги гапини Сотимбой эшитмади. У тешкари ўтириб олганча рақам терар, қардошларининг овозини эшитишга интиқланиб, қўлогини тобора дастакка жипслаштирарди.

— Аллу-ў! — букириб қолди бир маҳал у. — Отамурод, сенми-са-ан? А-а?! Уф-ф, уф-ф!.. Эшитяпсанми? Ме-ен Тошкентда-ан, ҳа-а, Сотимбойма-ан!.. Нима қилиясиз дейсанми? Майиша-ат қилиб ётибмиз-да! Аллу-ў, аллу-ў!..

Тошқувват нариги томонга ағдарилди. Нималарнидир гўдра-ниб қўйди.

Сотимбой овозининг борича букирарди:

— Эшитяпсанми, ҳо-ов Отамуро-од, Хўжамурод қани? Нима?..

ГАИнинг чўнтагига бирор нима тикиб юбормабдими? Ёнида бори-ни берибдими? Мошин мингандан кейин кўпроқ олиб юрсин-да! А-а?! Саидмурод қатта экан?

Тошқувват устидаги чойшабни бир четга улоқтириб, турсикчан ҳолда туриб утириб олди.

— Уф-ф... уф-ф!.. — теварак-атрофни бутунлай унутганча овозига зўр берарди Сотимбой. — Аллу-ў!.. Ичиб мошин ҳайдаманглар деб неча марта айтганман-ку!

Сотимбойнинг гапи оғзида чала қолди. Тошқувват заранг ерга зарб-ла урилган коптокдек сапчиб ўрнидан турди-да, унинг қўлидан гушакни юлқиб олиб, четга улоқтириб юборди.

Сотимбойнинг оғзи анг-танг очилиб, Тошқувватга бақрайиб қолди. Тошқувват қўлларини икки томонга ёйган, наинки ёноқлари, бутун бадани асов тойникидек дир-дир учар — важоҳати ҳақиқатдан ҳам кўрқулик эди. Унинг кўзлари чақчайган, бурун катаклари керкиб-керкиб, ҳансиради.

— Кул қилиб ташлайман, хўжамурод-пўжамуродларингга қўшиб! — деди у қўлига аллақайқдан тушиб қолган бўш шишани таҳдидли айлантириб.

— Ие, ие!.. — Сотимбойнинг тили айланмай қолди.

Ёрибекнинг ҳам ҳуши бошидан учди. У орага тушиш-тушмасликни билмасди. Сирасини айтганда, билаклари чилчўлдек орик, елкалари туртиб чиққан Тошқувватнинг Сотимбойдек сўлқиллаган эркакни кул қилиб ташлашига ҳечам ақли бовар қилмасди. Ранги гезариб, қалтирарди.

— Бўлди-да! — деди у ниҳоят шишани бир четга улоқтириб. — Ҳадеб итдек ҳураверадим одам деган...

Сўнг чироқни учирди-да, жойига кириб ётиб олди.

Ёрибек алла-паллагача ухломмади. Ахийри, Тошқувватдан эртагаёқ ажраб кетмасам бўлмайдиган қурнади, деган хулосага келди. Аммо, ажраб қайқаям борарди? Хўрлиги келди. Кўзларини юмаркан, бу ҳаммаси туш, деб ўйлади.

6

Каллаи саҳарлаб, хайр-хўшнияма насия қилганча, Сотимбой жўнаб қолибди. Тошқувват керишаркан, кўзлари очиқ ҳолда чўзилиб ётган Ёрибекдан:

— Бу қани? — деб сўради.

— Билмадим.

Кўзлари чақнаб, Тошқувват иблисона табассум қилди:

— Хафа бўлипти-да?!

Ёрибек индамади. Тошқувватнинг юзига шу заҳотиёқ қувноқ бир ифодалар югурди:

— Қани шойир, туринг, бугун қиладиган ишларимиз кўп! — деди тунги воқеаларни буткул эсдан чиқариб.

— Тошқувват ака...

— Хў-ўш?

— Энди мен ҳам...

— Хўш-хўш?!

— Хайрлаша қолайлик. Бошингизни шунча қотирганим етар, — деди овозида қандайдир иккиланиш зўхурланиб.

Тошқувват ҳайрон бўлиб тикилди:

— Иул бўлсин, шойир?

Тошқувватнинг ҳайрон қолаётганлиги бежиз эмасди. У Ёрибекнинг тайинли борар жойи йўқлигиниям, прописка қилинмаганиям (шаҳарда пропискасиз одам одам саналармиди?) ҳали-

вери иш-пишдан дарак булмаслигиниям яхши биларди. Шунинг учунми, энди мулойимлик билан саволини такрорлади:

— Билсак бўладими?

— Бош оққан ёққа, — чайналди Ёрибек ва шу гапни айтиш баробарида кунгли лиммо-лим тулди, ич-ичидан бир хурж бостириб келди, узини базур тийди. — Узим уриниб курарман...

— А-а, йў-уқ! — бошини кескин чайқади Тошқувват. — Сизни Болабекиннг уйига прописка қиламиз, ишни ҳам ўзимиз гаплашамиз. Яшайверасиз ҳам-да! Мен у ерда ойлаб турмайман. Турсам нима бўпти? Ога-инилардек яшайверамиз-да! Рост гап, икковимизнинг тасодифан учрашиб қолишимиз тақдирнинг менга кўрсатган ҳиммати. Бир-икки кун орасидаёқ мен сизни кўп йиллардан бери биладигандек яхши куриб қолдим. Менда ҳамма эзгу ҳис-туйғулар аллақачонлар ўлиб булган деб ўйлаб юрардим.

Тошқувватнинг кўзлари намланди, юзида қандайдир маҳзун, ёруғ чизиқлар белгиланди. Унинг тошдек қаттиқ, мажхул қиёфасидаги йиллар пардаси сидирилиб тушгандек булди. Ажинларни эътиборга олмаганда, унинг юз-кўзи айна лаҳзада бебаҳо болалик даврининг самимияти ва бегуборлигига қайтганди. Ёрибек буни яққол куриб турди.

— Қани шойир... — деди ўзига келиб Тошқувват.

Ундаги лаҳзалик самимий узгариш Ёрибекиннг кунглидаги барча шубҳа-гумонларни қувиб юборган, ҳаттоки, Тошқувватни ана шу самимиятга қайтариш фикри уни чулғаб олганди.

— Ҳози-ир... — Ёрибек ўрнидан сакраб турди-да, кийина бошлади. — Ювиниб олай.

Тошқувватнинг юзи ёришиб:

— Була қолинг! — деди.

Ёрибек ювиниб-тараниб чикди:

— Кетдикми?

Меҳмонхонадан чиқишди. Қуёш чарақлаб турар, теваарак-атроф нурафшон эди. Меҳмонхона ҳовлисидаги катта-катта тувакларда ўстирилган печак гуллар фурсат ғаниматига куртакларини ёзиб юборишган, туваклар устида тўп-тўп ранг-баранг капалаклар қанот қоқиб тургандек эди.

Тошқувват кўзларини бироз қисиб, теваарак-атрофга қирғий қараш қилиб олди. Кейин йўл бошлади.

— Сиз ҳар хил тушкун кайфиятларга берилаверманг, — деди у йўл-йўлақай Ёрибекка насиҳат йўсинида. — Ҳали келажагингиз олдинда, ишларингиз юришиб кетади. Мободо, Болабек қиқиб келса бир оғиз, шундай-шундай укамиз бор десам, оғзининг ҳоври билан барча шарт-шароитларни муҳайё қилиб ташлайди. Сиз фақат ҳақиқатни ёзсангиз, бас. Шу чоққача чиққан китобларнинг аксарияти оловга итқитилишини биласизми, укам. Мен у ёқда утирганимда «Иблисинг исёни» деган драма ёзганман. Куну тун юриб чиқардим: юрардим ва юрардим, юрагимдан мисралар қуюлиб келаверарди, кўз ёшларимдан қоғоз хул бўлиб кетарди. Нари борса, икки ёки уч соат ухлардим, холос. Инсон руҳиятини урганиш бўйича махсус таълимот ҳам яратмоқчи бўлганимни айтсам, ичингизда мендан куларасиз.

Тошқувватнинг оғзи куруқшаб қолди. Бироқ, унинг кўзлари ловуллаб турар, фикрларини ифодалашга тили ожизлик қилаётгани шундоққина билиниб турарди.

— Ҳаёл отингиз учқур экан, — кулимсиради Ёрибек. У, гарчанд Тошқувватнинг сўзларидан мутаасирлангандай бўлса-да, мияси-

нинг бир четидан «Таги пуч гаплар, хомхаёл», деган фикр ҳам «Йилт» этиб утди.

— Унақа деманг, дўстим, — деди Тошқувват худди Ёрибекиннг ичига кириб-чиққандай. — Бу гапларимнинг асоси бор. Уша лаънати пайдо булмасидан аввал ҳам тараққиёт бор эди: наҳотки, бу тасқара жонзод дарахт шоҳларида думини ликиллайтиб ўнатиб юрмасидан илгарироқ ҳам тайёрагоҳлар булганига ишонмасангиз? Фанга маълум: Ҳиндистонда шунақа тайёрагоҳнинг изларини топишган. Бу ёғига нима дейсиз? Ёинки тараққиёт жонларига текканидан одамлар дум тақиб, дарахт шоҳларига ўрмалаб кетишганми?..

Ҳа, укам, — Тошқувватнинг ёдига туйқусдан сузини нимадан бошлагани тушиб қолди. — Энг аввал инсон ҳақида ҳақиқатни ёзиш керак. Мабодо, бордию мана бу гулгун замона ҳақида ул-бул ёзаман десангиз ҳам мен сизга баъзи бир нарсаларни айтиб беришим мумкин: ушандагина сабъ-ҳаракатларингиз одамларни бу замона ботқоғидан чиқишларида ёрдам беради, деб ўйлайман.

Кеча кечқурун Сотимбой билан улфатчилик қилиб утирган Тошқувват билан ҳозирги Тошқувватнинг наинки гап-сўзлари, балки қиёфалари орасида ҳам ер билан осмончалик фарқ бор эди. Фикру уйига қандайдир юксакликдан қуйилаётгандек туюлган ҳаёллар унинг юз-кўзларига ажиб бир нур бахш этганди. Шундай одамнинг меҳмонхонадаги ҳолати, Отажон билан муомаласи, қандайдир Болабекка чексиз ҳурмати Ёрибекни беҳад ҳайратга солмоқда эди.

Улар Отажоннинг уйига яқин жойга, сой бўйидаги чойхонага киришди. Чой ичиб, шовуллаб оқаятган сойга гап-сўзсиз термулиб утиришди. Тошқувватнинг қиёфаси энди бошқача тусда, кўзлари маъюслашиб, қандайдир дилгирликни ифодаларди.

— Паспортигизни менга беринг, — деди у нимадир ёдига тушиб. Сиз ўн йил уринсангиз ҳам бу шаҳарга прописка қилолмайсиз.

Улар кўзғалишди. Отажоннинг уйи томон кетишди.

Кеча Ёрибек тўрт-беш сўтихлар атрофидаги бу ҳовлига тузукроқ разм сололмаган эди, ўрвин-туда бир жой экан. Уртадаги каттакан ёнғоқнинг айрим шоҳлари қуриган, қолгани супуриб-сидирилмаган ерга олачалпоқ соя ташлаб турибди. Бурчакда уюлиб ётган нарсаларнинг нима эканлигини бир-бир айтиб бериш амри маҳол. Чамаси, қўлга илинган кераксиз нарсаки бор, уша ёққа итқитилаверган. Хизматини утаб булган ички кийимлардан тортиб, муқовалари титилиб кетган китобларгача бор эди. Ҳар жой-ҳар жойда тўп-тўп ёввойи супургилар ўсиб ётар, улар куриб-қовжирашса-да, бировнинг иши булмасди. Латта-путталар, қоғоз парчалари истаганча топиларди.

Уларни Муса кутиб олди. Кеча кўрган одам бугун уни қийинчилик билан таниб оларди, нега деганда, Муса тушмагур соч тарашдан тортиб кийим-кечагигача мутлақо узгартириб юборганди. Фақат гап оҳангигина унинг кечаги Мусалигидан дарак бериб турарди.

— Кириб бемалол жойлашаверинглар, — деди у. — Мен бир жойга бораётгандим, бугун қайтмасам керак.

Унинг қаёққадир кетаётганлигидан Ёрибек ичиди суюнди. Жилла қурса, томоғини қириб, аллақандай бошқача оҳангда гапиришини эшитмай тураман-ку, деган ҳаёл миясидан ярқ этиб утди.

— Уйда ким бўлади? — сўради Тошқувват.

— Узларингиз, — хотиржам жавоб қайтарди Муса. — Битта-

ярымта Ота акамни кидириб келиб қолиши мумкин, қаёқдалигини билмайман, дейсизлар.

Муса кетиб, улар уйга киришди. Кеча кечқурун беш-олти ёш-яланг телевизор куриб утиришган айвоннинг чап томонидаги эшикдан ошхонага кириларкан. Унг томондаги икки табақали эшик эса, йулакка очиларкан. Йулакнинг икки томонидаги тўртта эшик мустақкам қулфланган, бу хоналарда нималар бор-йўқлиги, шубҳасиз, бу иккала кўноққа ноаён эди. Уларга аталган хона ана шу йулакнинг энг түрида жойлашган эди.

— Бизга бу хоналарнинг керагиям йўқ, — деди Тошқувват эшикларни бир-бир тортиб кўргач, уларнинг очилмаслигига ишонч ҳосил қилиб. — Эмин-эркин яшаб кетишимизга ўзимизнинг хонамиз етади.

Ёрибек ҳам шу уйда эди. У, қанийди бу эшиклар ҳеч-ҳеч очилмаса, деган фикрни кўнглидан кечириб кўйди. Чунки, бу эшиклар очилса, хоналарда ҳам кимлардир яшаши мумкинлигини ва улар атай томоқ қириб, йўғон товушлари билан безорижон қилиб юборишлари мумкинлигини қандайдир ички туйғу-ла сезиб турарди.

Тошқувват узини худди шу уйда киндиги кесилгандек тутарди. У гуё узок сафардан сўнг уйга қайтиб келган-у, қадрдон хонадонидан ҳеч нарсанинг узгармаганлигидан бироз таажжубга тушгандай эди, холос.

— Ана-а!.. Қозон ҳам шу ерда экан! — хитоб қилди у ошхонада кўймаланаётиб.

Тошқувват ҳеч тортиниб-нетиб ўтирмас, буни хаёлига ҳам келтирмас, айна пайтда Ёрибекни ҳам шундай бўлишга даъват этарди.

— Нега тортиниб турибсиз? — деди у музхонадан олиб чиққан гуштни турраш учун стол устига қўяркан, Ёрибекни курсининг бир четидан утирганлигидан ажабланиб. — Билсангиз, бу бизнинг ўз уйимиз. Хоҳласак сотиб кетамиз.

Тошқувват бир зум уйланқираб қолди-да, фикридан қайтди:

— Йўқ, сотмаймиз. Уз уйим — ўлан тушагим, деган гапнинг қадр-қимматини яхши биламиз.

Тошқувват қўлларини сочиққа артди, ёнчиғидан учта ўн сўмлик чиқазиб, Ёрибекка тутди:

— Магазинга чиқиб келасизми?

— Нега?

— Эсон-омон жойлашиб олганимиз учун бир маишат қилайлик. Бораверинг, мен гушт қовуриб тураман.

Беш-олти ҳовли нарида ичимлик дукони борлигига Ёрибекнинг кўзи тушганди. Лекин ҳозир қонун қаттиқ. Тушгача ароқ сотишмайди. Наҳотки, Тошқувват шуни билмаса?

Ёрибек Тошқувватга саволомуз қаради:

— Ҳали барвақт эмасми?

— Айна вақти, айна вақти! — деди у бошини силкий-силкий. — Аста-секин майдалаймиз. Сухбатлашамиз. Гийбатлашамиз, олди-қочди гаплардан гаплашамиз...

Ёрибек фикрини очиқ-ойдин айтди:

— Ҳозир ароқ сотилмаса керак.

— Э-ҳа! — чузиб хитоб қилди Тошқувват. Сўнг кулди: — Сотади, нега сотмас экан? Биз ўн беш сўмдан беряпмиз-ку, ҳар бирининг устига беш сўмдан «шапка»сини ҳам қўяпмиз-ку, нега сотмас экан? «Шапка»сини қўйсангиз наинки ароқ, бошқа нарсаларни ҳам сотиб юборишади. Ҳамма гап шапкасида!

Тошқувват ўттиз сўм бериб, иккита ароқ олиб келасиз, деганида, Ёрибек қолган ўн сумини газак учун деб уйлаганди, ундай эмас экан.

— Ароқ дукони ҳозир ёпиқ, — ипидан игнасигача тушунтира бошлади Тошқувват Ёрибекка. — Унинг ёнидаги озиқ-овқат магазинига кирасиз. Бир хотин утирибди чек уриб. Ушанинг қўлига пулни тутқазиб, иккита бармоғингизни курсатасиз. Оёғи остидан дарров бир халта олиб беради. Уша халтани олиб келаварасиз.

Тошқувват пайдар-пай сузлаганча ошхонага йўналди. Ёрибек бўлса, магазинга жўнади. Тошқувватнинг айтгани тўғри чиқди, озиқ-овқат магазинида — шиша тусиқ ортида бир хотин чек уриб ўтирарди.

Ёрибек унинг ёнидан одам аришини кутиб турди. Ниҳоят, кутилган дам етиб келди. Ёрибек бориб, унга пулни тутқазди. Иккала бармоғини кўрсатди. Шу заҳоти қўлига қоғоз халта келиб теғди.

Тошқувват стакан ва иккита пиёз келтириб кўйди.

— Олифтагарчилик қилиб ўтирмаймиз, — деди қўлларини бир-бирига ишқаганча. — Пиёз билан элликта-элликта олиб турайлик, унғача гушт ҳам пишиб қолади.

Ёрибек қаршилик кўрсатмади. Стаканларни чўқиштиришди. Соғ-саломатлик, ижодий муваффақиятлар тиланди ва ичишди. Кейин Тошқувват ўзи қовурган гуштни олиб келди, анча кўйдириб юборибди.

— Буйдоқчилик-да, буйдоқчилик! — деди у худди узини оқлаётгандек. — Майли, ҳозирча шунисиғаям шукр. Кейин-кейин буниям бир йўлини қиламиз.

Тошқувват ниманинг йўлини қилишини Ёрибек тушунмади. Бироқ, сўраб-суриштириб ҳам ўтирмади. Нима аҳамияти бор? У сархуш ҳолатда бўлса-да, узини қандайдир жарлик ёқасида муаллақ осилиб қолгандай ҳис этар, уч-тўрт кун орасида кўрган-кечирганлари ҳам қандайдир воқеалар оқимиға қўшилиб, ана шу жарлик тубида оқар, номаълум ёқларга сингиб кетарди. Бу оқим ҳамон, ҳамон давом этаётганлигини у сезиб турарди.

Тошқувват бу чоқда уз таъбири билан айтганда, «камерада ўтириб тўлғазган» дафтарларини кутариб чиқаятганди.

— Менинг тахминимча, бизнинг аждодларимиз кўёш одамлари бўлишган, — деди у ўз жойига келиб ўрнашгач, ҳаммаёғидан кўйилаётган шаррос-шаррос терларга заррача эътибор бермай. — Ҳа-а, уларнинг сочлари худди шафақ рангидай қип-қизил булган. Мен бу гапимни исботлаш учун баъзи бир далилларни...

Тошқувват сузлаётиб, йулакнинг чап томонидаги иккинчи эшик шикирлаётганини туйқусдан пайқаб қолди. Гапи оғзида, серрайганча қотди. Буни Ёрибек ҳам пайқади. Менга шундай туюлаётгандир, уйлади Тошқувват.

Ёрибек донг қотди.

Эшик шарақ этиб очилди!

Икки улфат қаттиқ сесканишганидан товонларигача музлаб кетгандай бўлишди.

Йулакда ўн етти ёшлардаги, унчалик одми ҳам эмас, унчалик пурим ҳам эмас, ҳарҳолда, кўрса буларли даражада кийинган бир қиз пайдо булди. У айвон томон юриб келди. Эшикка етгандагина бошини кўтариб қаради, шунда нигоҳи икки улфатга тушди. Чамаси, ўзи учун сира кутилмаган ҳолдан ҳийла довдиграб қолди, дув қизариб кетди. Орқага қайтишни ҳам, олдинга юришни ҳам бил-

магандек, иккиланиб турди. Унинг катта-катта қора кўзлари қандайдир соддадилликдан, шу асно ақллиликдан дарак бериб тургандай эди.

Ерибек... Бир лаҳзанинг орасида унинг хаёли минг бир кучага кириб чиқди, йигитчаларнинг уйнашларидан биридир-да, устидан қулфлаб кетишгану бу қиз аввалроқ қалитлардан бирини бебилски умарган, деган уйғаям борди. Ёинки ижарада турармикан? Аф-ангоридан ҳеч унақага ўхшамас, унинг ташқи кўринишида ҳам ақсарият қизларниқига асло ўхшамайдиган нималардир бор эди. Юз-кўзларида жилваланаётган ифодалар кишини саросимага солиб кўяр, қандайдир жуда-жуда қайғулими, жуда-жуда ҳасратлими — дабдурустан бир нарса дейиш ҳам мушкул эди.

Дастлаб Тошқувват ўзини кўлга олди. Қизнинг қутилмаганда пайдо булиши табиий ҳолдек, бунинг сира ажабланадиган жойи йўқдек, тиржайган кўйи:

— Салом, — деди.

— Салом, — қиз шундай деркан, юзларига қизиллик тепди ва бошини эгди.

Тошқувват, суз оҳангидан англинишича айнан шу қизни кутиб тургандай эди. Умуман олганда, ўзини эмин-эркин тутиш, исталган шароитда вазиятга мослашиб кетиш борасида Тошқувват устаси фаранг қуринади.

— Раҳмат, — қизнинг овозида шикасталик зоҳир эди. — Кечирасизлар, борлиқларингизни билмабман...

— Ҳечқиси йўқ, ҳечқиси йўқ! — сузлади Тошқувват. — Қаранг-а, сизнинг шу ердалигингизни ҳеч ким айтмабдиям! Ҳамма айб Мусада, ҳа-а, Мусада!

— Ким у — Муса? — қиз атрофга аланг-жаланг боқди.

— Наҳотки, танимасангиз?

— Йу-уқ...

— Ана холос! — Тошқувват тиззасига шапатиллаб, негадир хоҳолаб кулиб юборди-да, ўзича ҳазил қилмоқчи бўлди. — Унда сиз осмондан тушдингизми, ердан чиқдингизми?

Қиз жиддий тарзда:

— Бу нима деганингиз? — деб сўради.

— Бу деганим... бу дегани-им... — Тошқувват айтган гапим малол келди деган андишада, дудуқлини қолди-да, сўнгра: — кўнглингизга келмасин, ҳазил эди, — деди.

Қиз кифт қисди:

— Бундай нарсалар борлигини билмасканман...

Ерибек сергақлиниб қолганди. Тошқувват бўлса... тиззасига ура-ура куларкан:

— Ие, ана, ие, ана! — дерди нуқул. — Узингиз ҳазиллашаётган экансиз-у, жиддий туриб одамнинг ўтақасини ёриб юборай дейсиз-а!

Қизнинг қиёфасида... заррача на ҳазилга мойиллик, на алдов бор эди.

Ерибек ҳангу манг бўлиб қолганди. У, қизнинг қандайдир бошқача ҳилқат эканлигини, ёруғ олам мавжудотларидан фарқ қилишини бир ҳис-ла идрок қилиб турар, айни чоқда мияси гувиллар, тилига бирор калима келмасди.

Қиз индамай ўгирилди. Ичкари кириши биланоқ очиқ турган эшик ўзи-уздан «шарак» этиб ёпилди.

— Ана-а холос! — хитоб қилди Тошқувват иккинчи шшанинг тикинини тиши билан юлқиб олиб, туфлаб ташларкан. — Муса ҳеч ким йўқ, девди-ку!

— Ҳеч ким йўқлиги шуми? — Ёрибек кўргани унги эканлигига ҳамон ишонгиси келмасди.

— Эшиқларни қаттиқ-қаттиқ тортиб кўрувдик, йўлақда шовқин солиб юрувдик, бу қизнинг борлиқларингизни билмабман дегани қизиқ.

— Ухлаб қолганмикан?

— Балки... — Тошқувват кифт қисди. — Аммо-лекин, кўхликкина экан...

Ерибек бу эътирофни ичида тасдиқлади. Сўнг у ҳақда бошқа гап-суз бўлмади. Бошқа мавзуларга утлаб кетишди. Дунёда гап кўп экан. Бош котибларга китоб ёзиб берадиган шуаронинг қулоғи хуп қизиди. Бу Тошқувват уларнинг нима деб ёзганликларини Бош котиб хонасига қандай кирганликларига — миридан сиригача биларкан, қайдан билиши эса, ёлғиз узиғаю худога аён, оқизмай-томизмай айтиб берди. Бош котибларга дастхат ёзмаган, буни ўзларига гўё ор билганларнинг бошқа қатор-қатор аблаҳликлари ҳам унга беш қўлдай аён экан. Инчунин, биттаси бечораҳол бир кимарсаннинг тўрт ярим минг сум она сутидай ҳалолу покиза пулини алдаб олиб, қайтариб беришни хаёлига ҳам келтирмай еб кетганлигини Тошқувват худди ўзи кўргандай, бу шармандали олди-бердининг бошида ўзи тургандай суйлади.

— Йўқ! — деди Ерибек беихтиёр.

— Яшанг, жуда тўғри гап, йўқ! — илҳомланди Тошқувват. — Лекин у қуруқ хаёлнинг ўзи ёинки осмондан тушган нарса эмас. Жуда-жуда умидсизликка тушиб турганингизда...

Тўсатдан унинг кўзи ўзининг дафтарларига тушиб қолди. Хаёли бўлинди. «Бу дафтарлар нега бу ёқда ётибди экан?» — дегандек талмовсиради...

— Аждодларимиз ҳақида ҳам гапирётувдингиз... — эслатди унга Ерибек.

— Ҳа-я... Эсимдан чиқай депти-я. Аждодларимизнинг сочлари шафақ тусида бўлган... — Тошқувват у одамларни кўз унгида гавдалантирмоқчи бўлгандек, бир зум уйланқираб қолди-да, сўнгра тўсатдан яшин ургандек сапчиб тушди.

— У-у-у-у!.. — дея олди.

— Ҳа, нима гап?

— У-у-у...

— Айтсангиз-чи...

Тошқувватнинг ранги паға бўлиб кетганди.

— Қаранг, қаранг... — шипшиди у. — Яхшироқ қаранг...

Ерибек кифт қисди.

— Ана-а, қуряписизми? Иккаламининг оёқ изларимиз бору уники йўқ...

— Нега бўлмас экан? — Ёрибек Тошқувватнинг кайфи унча-мунча ошиб қолдимикан, деган шубҳага борди.

— Уники йўқ, уники йўқ! — тўтиқушдек такрорлади у.

Ерибек чанг қоплаган полдаги изларга кўз югуртираркан, ҳозироқ қизнинг оёқ изларини топиб курсатаман, деган ишончда эди.

Бирдан юрагини ваҳм чулғади:

— Ие?!

— Индаманг, индаманг! — бидирлади Тошқувват. — Бу дунёда ҳар хил муъжизалар рўй бериши мумкинлигини мен тасаввур этардим, аммо бунақасини...

Тошқувват ўзини босиб олишга уринар, бироқ, бунинг ҳеч уддасидан чиқолмасди.

— Рув... — пичирлади Ёрибек.
— Иккимизга бир хил тарзда куриниши мумкин эмас. Ажина-пажинмикан...

Тошқувват аянчли тарзда кулди. Кузларини бир нуқтага қадаганча уйга толди.

— Мен қаердадир ўқигандим ёки эшитгандим, — дея сўз бошлади Ёрибек. — Дунёда кузга куринмай юрадиган одамлар сон-саноксизмиш. Улар бизнинг ҳар бир хатти-ҳаракатимизни куриб-билиб туришаркан, баъзан қалтис вазиятлардан қутулиб қолишга ёрдам беришармиш. Баъзи воқеалар ҳақида олдиндан огоҳлантиришаркан-у, лекин биз...

— У кузга куринмас одамлар демоқчисиз-да...

— Ҳа.

— Йўқ. Ахир, биз уни курдик-ку. Тузуккина кийиниб ҳам олган-ку...

— Кийим-бошнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. У кузга куринишни истаган экан, ҳар қандай кийим-бошда курина олиши мумкин.

— Қойил-е!

Ҳақиқатдан ҳам Ёрибекнинг ич-ичидан бир пўртана туғён урар, у қаттиқ ҳаяжонланарди. Айтаётган мавҳум-номавҳум сўзлари ҳам тилига уз-ўзидан оқиб келарди.

— Юринг, — деди Тошқувват. — Хонамизга кирамиз.

Қолган-қутган нарсалар йиғиштирилди. Тошқувват билан Ёрибек ошхонага кириб-чиқишса ҳам, ичкари йулакка назар ташлашса ҳам бир хил ҳолатни ҳис этишар, бурчак-бурчакларда уларни қандайдир жуда сирли бир Нигоҳ кузатиб тургандек эди.

Тошқувват олдинда кетди, Ёрибек эргашди. Тошқувват туғри турдаги оромкурсига бориб, беҳолгина чўқди. Ёрибек булса... эшикни ёпаркан, йулакка куз ташламасликка уринарди, барибир, шундаям, хаёлидан кетказа олмасди, у ёқда қандайдир шарпалар изғиб юргандек туюлаверарди.

Кунглидаги ҳадик-қурқувни аритиш учун булса керак, Тошқувват руҳият ҳақида яна сўз юритмоққа чоғланган эди, гап-гапга қовушмади.

— Энди ухлаймиз! — Ёрибекка мултираб қаради Тошқувват.

— Майли, ухлаймиз.

Чироқ учди. Тошқувват диванда, Ёрибек пастда — ҳар ким уз урнига қузилди. Қаёқдандир, бирор бурчакданми «тиқ» этган товуш эшитилсаям, иккаласиям бирдан сергак тортишарди. Хонада қандайдир куланка-шарпалар кезиб юргандек туюларди.

— Ухладингизми? — Тошқувватнинг товуши Ёрибекка ёнгина-сидан эмас, узоқ-узоқлардан эшитилаётгандек туюлди.

— Йўқ... Сиз нега ухламаяпсиз?

— Чеқким келяпти, — шундай деб, Тошқувват урнидан турди. Елкасига чойшаб ташлаб, дераза олдига борди. Папирос тутатди. Ташқарига тикилганча узоқ вақт сўзсиз туриб қолди. — Ҳа-а... — деди сунгра чузиб. — Умр утаверар экан-да! Мана, қирқ олтига қараб кетяпман. Ортга қарашга юрагим бетламайди. Беҳуда азоблар...

— Унчалик ҳам беҳуда эмасдир, — деди Ёрибек.

— Туғри... Бу гапингизда ҳам жон бор.

Тошқувват чироқ ёқди. Сунгра бурчакда турган жомадониға бир зум тикилиб турди-да:

— Ёрибек!.. — деди хаёлчан товушда.

— Ҳ-ов, лаббай!

— Бир одамнинг мураккаб, чалкаш ҳаёт йули, орзу-умидлари битта кичкинагина қутига жо бўлиши мумкинми?

Ёрибек Тошқувватнинг нима мақсадда бундай деяётган-лигининг сабабини тушунмади.

— Битта қутичага бутун ер шарининг ҳаёти боғлиқ бўлиб турибди-ку! — деди ҳазил аралаш.

— Буям туғри, — тасдиқлади Тошқувват. — Эртақларда бор-ку... Фалон девнинг жони фалон дарахт қавагидаги фалон жойда деган гапга ухшаш-да буям. Бу дегани уша қавакда девнинг сир-асрори яширинган. Бутун хатти-ҳаракатларини ана шу нарса бошқариб туради... Шунақа!

Тошқувват шошилмай бориб, бурчакда турган жомадонини олди ва уни тиззасининг устига қўйиб кавлай бошлади. Ҳаял утмай сариқ муқовали бир дафтарни топиб, суюнганидан:

— Аҳ-х, а, мана-а! — деб қўйди.

Тошқувват ўзининг шу дафтарини анчадан буён курмаган эканми, пича тикилиб турди, у ер-бу ерини варақлаб, бир кур назар ҳам ташлаб қикди. Ёрибекка:

— Ухламаётган булсангиз, шуни бир эрмак қилинг-чи, — деди.

— Нима ҳақда?

— Уқинг, биласиз.

Ёрибек дафтарни олди. Ёнбошлаб, биринчи саҳифани очди. Гапнинг сирасини айтганда, биринчи синф ўқувчиси ҳам бунақа дафтар тутмасди. Кир-чир, сиёҳ чаплашиб кетган. Баъзи бир жойларига ҳар хил булмағур нарсаларнинг расмлари чизилган. Саҳифанинг уртасига қизил қалам билан сарлавҳа битилган эди: «Ҳаётим йуллари». Ёрибек кулиб қўйди. Тошқувват зингил солиб турган экан.

— Ҳа-а, нега куласиз? — деди.

— Шунчаки...

— Сиз шунчаки куладиган одам эмасдингиз, шекилли.

— Сарлавҳа жа-а баландпарвоз экан. Кейин айтилишиям галати — ҳаётим йуллари... Ҳаёт йуллари дейилса, туғрироқ булармиди...

Тошқувват қовоғини уюб олди:

— Ҳаёт йуллари деганингиз, бу — обший, умумий. Унинг йули қаёққа қараб кетса кетаверсин, ишим йўқ. Мен уз ҳаётимнинг йулини биламан. Тушундингизми? Одамнинг устидан кулманг-да!

— Мен сизнинг устингиздан кулганим йўқ, — изза булганидан қип-қизариб кетган Ёрибек нималарнидир узича тушунтирмоққа уринарди. — Баъзи бир нарсалар ёдимга тури-иб...

Ёрибекнинг ёдига нималар тушганини Тошқувват сўраб-суриштирмади. Лекин, дарҳол юмшаб:

— Мабодо ўқишни хоҳламаётган булсангиз қайтариб бера қолинг, — деди.

— Йўг-ей?! — Ёрибек ҳақиқатдан ҳам қўрқиб кетди. У Тошқувватни хафа қилиб қўйишни ҳеч-ҳеч истамасди. Дафтарни биров зўрлаб тортиб олаётгандек, бир қулини унинг устига қўйиб турарди.

Тошқувват индамади. Яна битта папирос тутатди-да, дераза ёнига бориб турди. Пардани суриб, қоронғи осмонда хира милтираётган юлдузларни томоша қила бошлади. Уз хаёлиға фарқ бўлди.

Ёрибек «Ҳаётим йуллари»ни ўқишга тутунди.

Сарлавҳанинг остидан «Биринчи китоб» деб ёзилган, кейин

«китоби» учирлиб, «қисм» деб узгартирилган эди. Сал пастроқда... кук қалам билан шундай сатрлар битилган эди:

«Мени менда дема, менда эмасман,
Бир мен бордир менда — менинг ичимда»¹.

Ёрибек диққат-этиборини бир жойга жамлаб, дафтарнинг «сири»ни очишга астойдил киришди...

«Мақтабни битириб, ўқишга борганимдан бошлай қолай. Нега деганда, шаталоқ отиб юрган болаликни эслаганда, бўзгинга нимадир тиқилиб, калланга бир-биридан чиройли, бир-биридан ширин жудаям кўп гаплар келаркан. Ёзаман десанг... Епирай! Ҳеч бири тутқич бермай қочади. Қоғозга «Болалик» деган биргина сўздан булак ҳеч вақо туширолмакансан. Яна, устига-устак, ёлғиз шу сўзнинг ён-атрофида аллақандай суратчалар, эгри-бугри чизиқлар шунақаям кўпайиб кетадики... узинг ҳам қандай суратлар солиб, нималар чизаётганингни фарқи-сарқига унчалик бормай қоласан. Жуда-жуда ажабланарли ана шу хира хотиротдай туюлган суратчалару чизиқлар уртасига зўрга кўриниб турган, балки, узингдан бошқа одам ўқий ҳам олмайдиган «Болалик» деган сўзга боққанча утираверасан-утираверасан ва хаёлингдан бутун бир ғаройиб оламнинг манзаралари қай тарзда ўтиб кетаётганлигини, кузларинг қачон намланганини ҳам пайқамайсан. Сен булсанг... шу ҳолатда суратчалар устидан чизиқлар тартаётганингни, чизиқлар устидан суратчалар солаётганингни ҳамон пайқамай, тобора мавҳумлашиб бораётган фикру ўйларинг оғушида қимирлашгаям ҳолинг булмай, юрагинг ортга тортиб кетганча... ҳа, ҳа, юрагинг ортга тортиб кетганча, ахийри, бу сўзни ўқиб булмайдиган даражада буюб ташлайсан.

Шу билан кунглинг тинчиса қанийди: йўқ, йўқ, яна бу Сўзни излашга тушаю, уни минглаб мавҳум чизиқлар орасидан сугуриб олишга жаҳд қиласан. Жаҳд қиласан-у, қурбинг келмайди. Шунинг учун, дунёдаги энг бахтиёр одамлар узида болаликни, унинг ҳис-туйғуларини, унинг табиийликларини сақлаб қолганлардир, деган фикр мияннга чақмоқ каби урилади. Ана шу биргина тасодифий фикр сенинг бахтсизликларинг фожияларинг моҳиятини очиб ташлайди. Энди... ҳалиги... кўзларинг намлинишию ширин хаёлларингдан ном-нишон ҳам қолмайди. Юрагинг исканжага олиб сиқа бошлайди. Модомики, у сўзни абадулабад мавҳумот қаърида қолдирган экансан, сен узингнинг ким эканлигингни, қандай мавжудотлигингни билгинг келиб қолади. Нималар деяётганимни, албатта, сал-пал бўлса-да, фаҳмлаб тургандирсиз, биз ҳаммамиз ҳам, албатта, узимизни кучли ва ақлли катта одамлар деб ҳисоблаймиз-у, аммо, кимлигимизни... аслида узимиз ҳам билмаймиз. «Катта одам» дегани бу ҳали ҳеч нарса эмас, бу ҳали ҳеч нарсани аңлатмайди. Лекин... сиз кўпинча назарга илмаган, оёгингиз остида уралашаверганидан гашингиз келади-ган анави чурвақа Сиздан минг чандон кучли десам, уйламай-нетмай кула бошлайсиз. Кулманг, ҳақиқатдан ҳам шундай, у узинг кимлигини билади: «Бола» деган сўз кўп нарсаларни аңлатади мен сизга айтсам.

Тасаввурингиз ва шуурингизга узингиз ҳам аңламаган ҳолда бу Сўздан битмас-туганмас қувват оқиб кира бошлайди. Қалбингиз-чи, қалбингиз? Агар у сизда сақланиб қолган бўлса, асло

¹ Атоқли турк шоири Юнус Эмро сатрлари.

мақтанмай кўя қолинг, у ҳам уша сиз кўп ҳам назарга илавермайдиган болалик... Шу боис, мен хаёлимни мавҳумот чулғай бошлаган чоқдан, мақтабни битириб, катта шаҳарга ўқишга борганимдан сўзимни бошламоқчийдим. Ким билсин, балки, мавҳум нарсалар ҳақида сўзлаш осонроқ ва қулайроқ бўлганидан шундай қилаётгандирман? Болалик ҳақида китоб ёзадиганларни ҳам ҳеч иккиланиб утирмай, дабдурустдан икки тоифага бўлиш жудаям ҳайрон қоларли эмас. Ё жуда баланд, ўзлигини сақлаб қолганлар сабийлик ҳақида ёза билишади ёнки икки пулга арзимайдиган қалам соҳиблари ўзларича нималарнидир туқиб-чатишади. Бу ҳақда энди сафсата сотиб утиришнинг ҳождати йўқ. Хуллас, узимда пайдо бўла бошлаган сохта гурурни ҳисобга олганда, ғирт гудак эдим. Шу тариқа олий мактаб деб аталмиш даргоҳга ўқишга бордим... илк даъфа мавҳумот қаърига шунгидим. Ҳар бир урингга беш-олтитадан талабгор бўлишига қарамай, негадир мен узимга-узим жуда-жуда ишонардим.

...Институт олдидаги майдончада юриб бўлмас, кўпчилик йигит-қизлар ота-оналарини, қавму қариндошларини ҳам эргаштириб келгандилар. Узимни уларга солиштириб, уст-бошим ҳам бошқаларникига қараганда юлунроқ эканлигини пайқардим. Кичкина қишлоқчада яшайдиган ота-онам мени кузатиб кўйиш нари турсин, аксинча, ўқишга бориб нима қиласан, сенга берадиган пулимиз йўқ, пода боқ, деб туриб олишганини, ҳатто, уйимизда бошланган каттакон жанжал-туполонлар орасидан базўр қочиб келганим ҳам негадир шу фурсатда ёдимга тушиб қолар, бирдан... нима десамикан... ичкибми, уксинибми кетардим. Ҳаттоки, мен билан ўқишга кирмоқчи бўлганларга қандайдир кўролмастик назари билан қарай бошлаганимни сезмай қолардим. Шунақа бўларкан-да! Сен узингни, ҳа-а, ўзингни узингча фидо айлаб, қандайдир ишга чоғлабсан-у, худди ана шу ишни бошқалар парвои фалак, хандон-хушонлик билан сендан аввалроқ бажариб кўйишса, бошингни деворга ургинг келмайдими, ахир? Табиатидаги одамовиликми ёхуд турқи тароватимда одамларни итариб ташловчи қандайдир нуқсон бормиди, ишқилиб, шунчалик оломоннинг орасидаям якка усган дарахтдай сўппайиб, биров билан сўзлашмай, сўзлашолмай юрардим. Тўғри, бир гал... Имтиҳонлар баҳоси ёзиладиган варақлар тахтаси ёнида найнов йигит кўзларини уйнатганича, урушқоқ хўроздай буйинини чўзиб, нималарнидир валақлар, унинг атрофини қуршаб олишган беш-олтита йигит-қизлар оғизларини ланг очишганича, уни берилиб тинглашарди. Уям эгнига шарти кетиб, парти қолган эскигина катак кўйлак, ранги унгиған шим кийиб олганди. У узинг кўринишидан торгиниб-истиҳола қилиб утирмай, даққилик қилаётганига ҳайрон қолдим. Қизисиниб қулоқ тутсам — бемаъни бир гап.

— Бир ой, ярим ой ўқимасимиздан бизни пахтага олиб чиқишади, — дерди у. — Пахта теришин билмаганларнинг ҳолига вой! Нормани бажармаганларни кечасиям тиндиришмайди. (Ҳали кирмай туриб, ташлаб кетишимга тўғри келади, шекилли).

— Сиз узингиз моҳир теримчимизсиз? — деб луқма ташлаганимни билмай қолибман.

Ҳамма мен томонга ўгирилди. Уялганимдан сочимнинг учигача жимирлаб кетди. Найнов ҳам бир зум аңқайиб қараб турди-да, сунгра хоҳолаб кулиб юборди. Унга қўшилиб бошқаларнинг кулаётгани, қизларнинг негадир қош чимиришаётгани, лабларини буришаётгани газабимни кўзитиб юборди, лекин, тишимни-тишимга босганимча қараб туравердим.

— Узим ҳам шундай савол берилишини билувдим-а, ҳа, ҳа, — деди у кула-кула, куз ёшларини артиб, тўсатдан жиддий давом этди. — Лекин, ростини айтсам, дўстлар, бу соҳада омадим чопган. Э-хе... Учинчи синфдан олиб чиқишган бизни. Теравериб-теравериб, пишиб кетганмиз. Мен белимга биратуласи учта этак боғлаб оламан, биттаси тўлдими, шу жойда қолдириб, иккинчисига — териб кетавераман, кейин учинчисига...

— Нима учун? — деб савол ташлаб қолди нозик-ниҳолгина бир қиз. Кейин уялибми, шолғомдай қизариб кетди...

— Теримда ҳар дақиқа олтинга тенг, — найнов муҳбир саволига жавоб бераётгандек тантанали суратда давом этди. — Агар мен биттагина этак пахта терганимда қанчадан-қанча вақтларни беҳуда ўтказиб юборардим-у... Э-хе... Пахтани ерга тўк, этакка сол, бу орада яна биров ўғирлаб қўймайдими, дея ортингга қарай-қарай эсинг кетади.

— Китоб ёзсангиз буларкан, — дедим ачитиб. Аммо, бу кесатиқни сезмаганга олдим, ҳарқалай:

— Китоб ёзолмайман-у... — дея чайналиб туриб: — Умуман... тўғри. Бирорта газетга мақола ёзиб берсам бўлади, — деди қандайдир уйчанлик билан. Аммо-лекин шеър... ёзганман. Ҳа-ҳа...

— Бирданига ёзиб кетавердингизми? — ҳаяжондан типирчилаб сўради ёнида турган қизалоқ.

— Э, йуқ, — деди найнов негадир қизариб, — икки-уч соатда базур ёзганман.

— Қани, ўқиб беринг-чи, — деди аллаким.

Найнов, бир зум шеърини хотирга олмоқчи бўлгандай, хаёлга чумди. Эслолмади шекилли, қўйинлар, нима кераги бор, деди.

Найновнинг опқочиши менга ёқмаётган бўлса-да, унинг сўзамоллигига тан бердим.

Икки кундан кейин биринчи имтиҳон эди. Туни билан мижжа қоқмай китоб ўқиб чиқдим.

Эрталаб ижара эгаси, ҳамма нарсага биттагина соғ кузи билан қарашга одатланиб қолган чол:

— Қоринни туйғазиб олинг, болам, — деди. — Қоринни туйғазсангиз калла яхши ишлайди, дадил бўласиз, гапларингиз ҳам бурро-бурро чиқади.

Сирасини айтганда, каталакдай бу ҳовличада чол иккаламиз ҳам ижарачидай турардик. Суққабош бу чол ҳам худди мендай бир уюм курпа-тушакни кечаю кундуз йиғиштирмас, ўрвин-туда булиб яшарди. Чол қанчалик қичаб-қистамасин, томоғимдан бир пиёла чой ҳам ўтмай имтиҳонга кетдим. Имтиҳон топширувчиларни қўлидаги ҳужжатига қараб, битта-битталаб ичкарига киргизишяпти. Мендан аввал сўзамол найнов бўғриққанча, йиғламосираб чиқиб кетди. Иши чаппасига олган қуринади...

Стол ортида икки ўқитувчи — бири узун бўйли, бурни танқайган адабиётчи, иккинчиси пакана, ранги заҳил, тилшунос утиришган эди. Сўрайиб қолганимни кўриб, тилшунос сичқоннинг чийиллашидай овоз чиқарди:

— Билет олинг!

Билет олиб, саволларга куз югуртирдим. Ҳаяжоним сал-пал босилгандай бўлди. Жавоб қайтара олишимга инондим. Бамайлихотир утириб, тайёрлана бошладим. Сулақмондай бир йигит ўқитувчиларнинг олдига патнисда нон-чой келтириб қўйди. Ранги заҳил тилшунос чой қайтара бошлади.

Менга навбат етди. Чиқиб, биринчи саволни ўқидим. Жавоб

бераверинг, деди адабиётчи. Кейин яна тилшуносга ўғирилди. Иккаласи чойлашиб-сузлашиб утираверишди. Гаплашиб булишсин, кейин бошларман, деб сукут сақладим.

— Сизга айтилди-ку, жавоб бераверинг, — чийиллади тилшунос.

Аввалига овозим қалтираброқ чиқди, бора-бора равонлаша кетди. Биринчисини тугатдим, улар ҳамон гаплашиб-чойлашиб утиришарди. Иккинчи саволга ўтдим, улар қиё боқиб қараб ҳам қўйишмайди, Фурқатнинг «Бир қамар сиймони кўрдим балдаи Кашмирда» деган ғазалиям қўлоқларининг ёнидан ўтиб кетди, «Отангни ўлдирганга онангни бер»ни қора тахтага ёзиб, таҳлил ҳам қилиб қўйдим, уларнинг суҳбатлари ҳамон қизигандан қизиб борарди. Нима қиларимни билмай, жим туравердим. Аудиторияда мен билан бирга имтиҳон топширгани кирган беш-олтита йигит-қизлар утиришувди, улар ҳам ҳайрон. Бир маҳал адабиётчининг кузи менга тушиб қолиб, ие, бу нима қариб турибди экан, дегандай бошдан-оёғимгача зингли солиб қараб чиқди, сўнгра:

— Қани, бошламайсизми? — деб қолди.

— Айтиб бўлдим! — дедим тепа сочим тик бўлганча.

Ҳар иккаласиям бир-бирларига «Ие, шунақа бўптими?» дегандай қараб олишди. Қора тахтадаги «Отангни ўлдирганга онангни бер»ни кўриб чиқиб, тилшунос «тўғри» деб қўйди. Кейин бунга неччи баҳо қўйса экан, дегандай уйланиб қолишди, пичирлашиб олишди, сўнгра адабиётчи, баҳойингиз уч, деди. Тутаб кетдим.

— Нега уч?

— Дастлабки иккита саволга берган жавобингиз биргаям арзимайди. — адабиётчи тап тортиб утирмай тўхматга ўтди.

— Жавобимни эшитганингиз йуқ-ку! — дедим тишимни тишимга босганча.

Адабиётчи курак тишларини курсатиб, кинояли кулди:

— Ҳаммасини эшитиб турибман, азизим. Сиз жаҳл устида оғзингизга келганини гапираверманг. Қаерда турганингизни унутманг...

Ҳазабу ҳаяжондан қалт-қалт титраганча, на қайтадан жавоб беришни, на жавоб берганимни исботлашни билолмай, тилимга бирор калима келиш у ёқда турсин, йиғламоқдан бери булиб турардим...

— Ана-а кўрдингизми! — тантана қилди адабиётчи. — Чамамда, Фурқатнинг кимлигини билолмай турибсиз... Эҳ, шу чоқ дарбадарликда умрини хазон қилган бечора шойир тилириб келсан, нима деб уйлари-я! Майли, майли, узокдан, қишлоқдан келган қуринасиз, сизга қайишамиз, «уч» қўямиз. Аммо-лекин, айтиб қўйяй, кўриб турибсиз, танлов катта бўлади — у ёғини уйлаб кўринг...

Кўзларимдан ёш чиқиб кетди.

— Боринг, кўнглингизни ташқарига чиқиб бушатинг! — деди тилшунос тиржайган қўйи, унинг башарасида шу қадар совуқ ифодалар уйнардик, беихтиёр сесканиб кетдим. «Келтакесак» деб уйладим ва уйлаган уйим қандай тилимга чиқиб кетганини ҳам пайқамай қолибман.

— Нима дедингиз?

— Калтакесак!..

Иккови ҳеч вақо тушунмай бир-бирига қараб қолишди. Қараб қолишларидан билдимки... жудаям ундай эмас. Нималарнидир англагандай, нималарнидир пайқагандай ҳам эдилар.

Тилшуноснинг юзи янаям заҳиллашди.

Адабиётчи нимадандир хурсандай курунди ҳатто.
Яна оғиз-қулоқ булишди.
Маслаҳатларининг натижасини адабиётчи эълон қилди:
— Ножоииз сузни тилга олганингиз, яъни қуполлик қилганин-
гиз учун баҳойингиз «ик-ки»!..

Бу кутилмаган натижа менга ҳеч қандай таъсир қилмади.
Бу пайтга келиб қалбим бум-буш булиб қолгандай эди.
Ичу ташимни аллақандай совуқлик қуршаб олгандай эди.
Калтакесак-тилшунос кетишимга изн берди:

— Сизга жавоб!

Индамай чиқиб кетдим.

Ҳайрона-ҳайрона кетдим.

Ажаблана-ажаблана кетдим.

Миямда шундай саволлар чарх урарди:

Бу ерга узи нега келувдим?

Нима кераги бор эди?..

Қаники, бирортасига жўяли жавоб тополсам...

Ташқарига чиқиб қўйиб сузамол найновга дуч келдим. У деворга суянганча беҳол-бемажол турар; рангида ранг қолмаган, аҳволи паришон, ҳуши ўзида эмасга ухшарди. Тунов кунга хандон-хушон, сузамол йигит шу эди, деса, улай агар, биров ишонмасди. Мени куриб, кузларида ёш гилтиллади. Ичим ачиб:

— Парво қилманг, бўлади-да, — дедим.

Ҳолбуки, ўзимнинг ҳолимга... маймунлар йиғларди! Бунинг-ку овунса буладиган пахтазори бор: бир сум-ярим сум ишлаб, ҳаминқадар эса-да, узини-узи эплаб кетар. Мен-чи?! Қишлоққа қайтиб бориб нима иш қиламан? Устига-устак, ўқишга бораман деб, икки оёғимни бир этикка тикиб олганимдан отамнинг обдан газаби кўзиган: шунча йил боқдим, едирдим-ичирдим, кийдирдим, энди пул топишнинг йўлини қилиш урнига билганингча иш тутар экансан, иккинчи қорангни кўрмай деб, орани очди қилган. Узингиз уйлаб курунг, чекка бир қишлоқда пул топишнинг қанақаям йўли булиши мумкин?..

Найновга менинг тасалли беришим баттар таъсир қилиб кетди шекилли, унинг кузларига ёш қуйилди.

— Тамом! — деди у энг сўнгги умидидан ҳам айрилган бир қиёфада. — Энди мен учун яшашнинг заррача ҳам қизиғи йўқ... Йўқ, уйгайм қайтиб бормайман. Қайтиб бориб нима қилардим? Ҳеч бўлмаганда, ўқиш баҳонасида эркин одам бўлмоқчийдим. Энди-чи... Тонг саҳар, соат бешдан раис радиоузел орқали уйғотади, қулоққа пахта тикиб ётганларни эса мелиса... Э, оғайни, шу ҳаётми? Айтинг, узингиз!..

Мен анг-танг булиб қолдим. Унинг бу «нутқи» илгаригисига сира ухшамасди: демак, бечора...

Унинг ҳовлиққанлари сиртга қалқиб турган кўпик экан!

Кўпикнинг остида...

Деворга суянганча беҳол-бемажол туриши:

рангида ранг қолмагани,

аҳволи паришонлигию ҳуши ўзида эмаслиги —

кўпикнинг остида...

Меники ҳолвага ухшаб қолди-ку!

Ижара эгаси — чол бува омадани келмаганини эшитиб кўп афсус чекди, бошини сарак-сарак қилди: э, болам, пул булса чангалда шурва дейдилар; ман сани каллангни зўрлигини билардим-у, шу болам камбағаллигидан барибир панд ейти-да, деб уйлардим; ахийри айтганим келибди-да, дея илгари уйлаб қўйган

башоратларини айта кетди. Менинг эса кузларимга ёш қуйилиб келди. Чол бова кузёшларимни куриб, янада мутаассирланиб кетди, узининг бошидан ўтказган кургиликларни қистириб кетди. Бечоранинг бошига кўп кулфат-жафолар тушибди — Магаданми, Саганданми деган худо қарғаган жойларда умрини адо қилибди. Мана шу утирган жойлари илгарилари уларнинг сайисхоналари булган экан, ҳовли-жойларини тортиб олишайтганида худо кунгилларига инсоф солиб, шуни қолдиришибди. Анаву деворнинг нариги томонидаги пионерлар саройининг ўрнида уйлари булган экан: чол бова буни жудаям яхши эслармиш, лекин яхши эслашини шу чоққача бировга айтмаганмиш, дунёда ҳар хил одам бормиш, уша кунларни кўмсаепти, деб етказиб боришса, шу кўрган куниям ҳолва бўлиб қолармиш.

Чол бова дунёни унутиб, бир бурчакка паришон тикилиб қолганида фурсатдан фойдаланиб, секин сўрадим.

— Оила қўрмадингизми?

Чол бова бош чайқаб, жимиб қолди. Анча вақтдан сўнг:

— Узимни зурга тирик қолдиришди-ю, оила дейсан-а, болам... деди. Кейин нималардир эсига тушиб бўғриқиб кетгандай бўлди... Томоғи ҳирқираб аламли тиржайганча, шу сўзларни тишлари орасидан тўкди:

— «Уқол» еганмиз-да!

Аграйиб қолдим:

— Нима?

— Уқо-олл!..

— Қанақа уқол?

— Одамми ишини қилади... Бебилиска, билдирмай...

Мени даҳшат чулғаб олди: айниқса... айниқса... чол бова узининг ерпарчин қилинган номуси, шаънига тушган ҳақорат ҳақида ҳеч нарса бўлмагандай, бамайлихотирлик билан сўзлаши галати эди. Орага нуқулай сукунат чўкди.

«Бундай азобда яшагандан нима фойда?» — деб уйладим.

Чол бова, ҳаёлимдан кечган фикрни илғаб олгандай, хўрсиниб қўйди. Кейин изоҳ бераётгандай бир қиёфада:

— Эртаю кеч жонимни ол, деб Оллоҳга ёлборардим, ётганим-даям, турганим-даям ҳаёлимда шу эди, йўлдами, чулдами, очми, яланғочми сафарга тайёр эдим — начора, nasib этмади... Мана, ҳамон сафар тадоригини куриб юрибмиз, болам, — деди.

Ушанда, чол бованинг сўзлари унчалик етиб бормаган экан. Кейин-кейин билдимки, тўсатдан ўз жонига қасд қилиб, у ёққа отланмоқ бошга тушган кургиликлардан минг чандон азоблироқ, мислсиз қийноқ экан. Чол бованинг кузларида ёш милтиради, ёноқларида ялтираб турган томчилар унинг Рухидан дарак бераётгандай эди. Шундан сўнг у бир сўз ҳам айтмади, ўз ҳаёлларига ғарқ бўлиб кетди...

Эртаси кўни чол бова билан хайр-хўшлашиб, йўлга отландим. Фикри ҳаёлим амаллаб поездга чиқиш эди.

Бу ёқдан поезд кечқурун йўлга тушиб, туман марказига эрта-лаб етади. У ёғи — қишлоғимизгача беш-олти қақирим.

Амаллаб, умумий вагонга чиқиб олдим.

Йуловчи кўп: ҳадеб изгишади. Нега бунча саросималик — худо шохид, узларим билишмайди.

Вагон дим. Пашша. Уфунат.

Бир кишилик уринга икки-учовлашиб жойлашиб олганмиз.

Поезд ўрндан жилгунча буларимизча бўлдик: ахийри, у

тарақ-туруқ қилганча юриб кетди — деразадан кираётган тоза ҳаво уфунатни ситиб чиқарди, жонимизга аро кирди.

Ташқарини томошалашнинг ҳам, вагонма-вагон изгишнинг ҳам мен учун қизиғи йўқ эди.

Эрта тонгда поезддан тушдим.

Қишлоғимизга бир кунда бир маҳал автобус қатнарди.

Шуни пойлаб утирдим.

Мазбут муаллим келиб қолди: елкасига хуржун ташлаб олган, кўзлари киртайган, соқоллари тиканакдек ўсиб ётибди.

Куришдик.

У менга бошдан-оёқ қараб чиқди-да:

— Ҳа-а, бумадимми? — деб сўради.

Бош чайқадим.

— Шунақа-да... — деб кўйди у негадир хурсиниб.

— Қишлоқлар тинчми?

— Тинч бўлса... автобус қатнарди-да!

— Қатнамаяптими?

— Бир ҳафтадан бери... Карантин қилиб ташлашган.

— Қанақа карантин? — қишлоқнинг карантин қилинишини эшитганим йўқ эди, ҳайрон бўлиб сўрадим.

— Карантиндақа карантин-да! — деди Мазбут муаллим. — Раис Қозоғистондан фермага алланечта сигир олиб келганди, зотдор деб. Уларда «Сибирский язва» деган бир касаллик бор экан. Тириши-иб, жизганаги чиқи-иб, ўлиб қолаверар экан. Аввалига билмай, бир-икки сигирнинг буғзига пичоқ тортиб, ўзларича ҳалоллаб юборишибди, арзон-гаров нарх кўйишган экан, одамлар талатала қилиб олиб кетишибди. Анаву тул хотин бориди-ку... Тўлабойнинг аммаси, ўшанинг оёқ-кўли бир кечадаёқ шишиб кетиб, нафас ололмай кўйналиб улди: язванинг микроби тушган эмиш. Зокирвой ҳам улди, Кумак чолнинг кампири, икки ўғли улди...

Кунглим алагда бўла бошлади. Муаллим мендан ниманидир яшираётгандай айтишга ботинолмаётгандай эди.

— Бошқалар тинчми? — сўрадим базур юрак ютиб.

— Тинч-тинч, — деди у шоша-пиша ва кўзларини бошқа томонга олиб қочди. Кейин... «Тезроқ кетмасам бўлмайди, зарур ишларим борида», деб шоша бошлади.

Бекатда яккам-дуккам кирачи мошинлар бор: ҳайдовчилар аввал узларига чорлашар, қани, кетмаймизми, деб куз қисшар, қишлоғимизнинг номини эшитишлари биланоқ дарров рад қилишар, у ёққа боришни иштасмасди.

Биттаси очикдан-очик:

— У ерда нима қиласизлар, фалокатдан эсон-омон қутулиб олибсизлар, аригунча юравермайсизларми, — деди.

Аён бўлдики, қишлоғимизга қадам босишга одамлар ҳазар қиладиган бўлиб қолишибди, номини эшитгандаёқ қандайдир жунжикканча кўл силтаб кетадиган булишибди.

Мазбут муаллим бир ҳайдовчини амаллаб кундирди. У карантин эканини билмасканми, раҳми келдими, ҳар ҳолда:

— Неччи кишисизлар? — деб сўради.

— Икки киши, икки киши!.. — шоша-пиша такрорлади суюниб кетган Мазбут муаллим. — Ана... анави студент иккаламиз!

Ҳайдовчи менгаям бир кўр назар ташлади-да, яна Мазбут муаллимга мурожаат қилди:

— Йигирмадан бўладими?

Тайсаллай бошловдим, Мазбут муаллим қулимдан судради:

— Юр, юр!..

Чайналдим:

— Бошқаси келиб қолар...

— Келмайди, келмайди... Юравер, кўрқма, мен тулайман.

— Куйсангиз-чи...

— Гап қайтарма!

Машинага утирдик.

Кетдик.

Йўл, борган сари ўнг томондаги жарлик чуқурлашиб, чап томондаги тепалик юксалади. Ҳавонинг ўзгаргани, хушбўйлашгани дарҳол сезилади. Айрим жойларгагина кум тушалган, куп қисми уйдим-чуқур, чанги чиқиб ётибди. Ҳайдовчи «йўл териб» машинасига ҳам, бизга ҳам имкон қадар озор етказмасликка уринади.

Ярим йўлда бир пиёдага дуч келдик. Кун иссиғига қарамай у ямоқ-ясоқ гулли чопон кийиб олганди. Четланиб турди, кўл кутармади.

— Қаёққа бораркин? — сўради шу чоққача индамай келаётган ҳайдовчи.

— Узидан сўраймиз-да! — деди Мазбут муаллим.

Машина тўхтагач, муаллим туйқусдан:

— Кумак бсбо-ку! — деб хитоб қилди.

— Ким? — шофёр ортига угирилиб қаради.

— Бир ҳамқишлоғимиз... — Мазбут муаллим гапни калта қилиб, чолни чақирди. — Ий, Кумак бобо!

Чол угирилди. Ё, худо! Унинг авзойига қараб булмасди, соқол-муйлови оппоқ оқариб, пала-партиш ўсиб кетган, кўзлари қип-қизил гушга айлангандай эди.

У бизни танимади, нима учун чақирганимизни ҳам унчалик англамади, қаққайиб тураверди.

— Эси кирди-чикиди бўлиб қолган, — деди Мазбут муаллим худди кечирим сўраётгандай, сўнг машинадан тушиб, чолнинг олдига борди. — Юринг, мошинда кетамиз!

Чол индамай Мазбут муаллимга эргашиб келаверди ва у курсатган жойга — орқа уриндиққа, менинг ёнимга чукди. Муаллимнинг ўзи олдинга утди.

Қишлоқ уйлари яккам-дуккам кўрина бошлади, бир километрча масофа қолганда ҳайдовчи туйқусдан машинасини тўхтатди:

— Энди-и... кечирасизлар, мен шу ердан қайтсам, — деди у тутила-тутила, икки бети қизариб.

— Майли, майли! — худди ҳайдовчидан қишлоққача борол-маслигининг сабабини эшитишдан кўрққандек, Мазбут муаллим дарров машинадан тушди. — Бу ёғи — мана, бир қадам!

Ҳайдовчи индамади.

Мазбут муаллим Кумак бобониям қулидан етаклаб тушди.

Йўлқирани тулади: мен чўнтагимдаги бори — ўн сўмни узатувдим, олмади.

Машина қайтиб кетди.

Кумак бобо қайси томонга юришни билмагандек куймаланиб қолди.

— Кетдикми? — Мазбут муаллим унга савол назари билан қаради.

Чолнинг кўзлари жавдиради.

— Бирор юмуш билан чикувдингизми?

Чол бошини қимирлатди.

Мазбут муаллим овозини баландлатди:

— Айтсангиз-чи, нима қилиб юрувдингиз?

—Уғилчаларни... — чолнинг кўзлари намланди, — қарай деб... Далага кетишганди... — чол нигоҳи билан бир-бирига мингшиб кетган тепаликлар томон ишора қилди. — Қайтишмади... Уларни онасиям қидириб кетган, келиб қолишади...

Кумак бобо уч-турт қадам босиб, тўхтаб қолар, узича нималарнидир гўлдирар, юзи туйқусдан қаҳрли тус олар, шу заҳотиёқ кўзларида меҳр жилваланарди...

Уйга яқинлашаверганим сайин юрагимнинг уриши тезлашди. Калламда минг хил хаёл чорх уради: қандай кутиб олишаркин, отам олдига солиб қувиб юборса-я!

Дарвоза олдининг саранжом-саришталиги, супуриб-сидирилганлигини куриб юрагим шув этиб кетди. Аям пешайвонда, пустак устида тиззаларини кучоқлаганча утирган экан. Мени куриб ҳушидан кетиб қолаёзди. Анча фурсат бағридан қуйвормай турди: уқишдан йиқилганимгаям хурсанд булиб кетди. Аям нуқул бағрига босар экан, сўрашишни ҳам унутиб қуйгандек эди. Аслида, унинг юз-кўзлари, хатти-харакатлари тил билан ифодалаб бўлмас ҳолатларни акс эттираётганди.

— Рангингда ранг қолмабди, болам, — аямга ахийри забон битди. — Шаҳар сени сиқиб ташлабди... Яна кетасанми?

— Йўқ, бутунлай қайтиб келдим.

Аямнинг суянганини курсангиз. Дарров қўлимдан етаклаб ичкари олиб кирди. Отам касал ётган экан. Унинг ўрадек ичига тушиб кетган ёноқларига, кўрпа устида шалвираб ётган қўлларининг чивикдай буртиб турган томирларига қараб туриб, астойдил ичим ачиди. Отам «сибирский язва» билан уелган молнинг ёнидан утганми ёинки ҳидини шамол димоғига келтириб урганми — ишқилиб, кунглига бир гап келган, хавотирланган, шу-шу тушакка миҳланиб ётган экан.

У шу ҳолида ҳам мени кургач, юз-кўзларига нимадир соя солиб ўтгандай булди. Аям бўлса нуқул:

— Ана-а, айтмовдимми, гапингизни икки қилмайди, қайтиб келади, демовдимми, — дея орага тушар, «отамнинг гапини икки қилмаганим» учун қувончдан узини куярга жой тополмасди.

Отам ҳаммасини билиб-тушуниб турган бўлса-да, барибир, сал-пал ийигандай булди, кўз қири билан менга тушак ёнидан жой курсатди. Чўк тушдим.

— Рузғорга қара, — деди ҳоргин товушда отам. — Китоб ўқиб, умрингни беҳуда ўтказиб юрма...

Ичимни нимадир тирнади.

Рузғорнинг юки дейишарди, демак, бу юкнинг ҳаммаси бўлмаса-да, бир қисми менинг елкамга тушди. Рузғор менга сирли куринди, рузғор мен учун улуг булди, мен унга тобе тушдим. Рузғор саф-саф забардаст одамларни тоб ташлаттиргангани, йиқитганини билардим. Рузғор қоп-қора сочларни оппоқ оқартириб, ут қақнаган кўзларни хиралаштирганини кургандим — отамнинг сузида сирли ва ваҳмкор бир нарсаларни англадим. Отам, гўёки, ана-а, ҳу-ув катта тоғ сенга, секин-секин тимдалаб ташиб келавер, адо қилолмаслигини уйлаб, парвойинга келтириб утирма, барибир, уни ҳеч ким ташиб адо қилолмайди, дегандай булганди. Шу заҳотиёқ юрагимдаги оруларим ҳам қайгадир йўқолиб, бир зум ичида қандайдир оғир-босиқ бўлиб қолган эдим. Отам сўник кўзлари билан менга қараб турарди. Жавоб кутарди. Узи эпллолмаган бир юмушни, менинг ҳам эпллолмаслигимни билган ҳолда, менга топширганча жавоб кутарди.

Овозим базур қалтираб чиқди:

— Ҳу-ўп...

Отам енгил нафас олди:

— Каттиқ бул... Тошдай!

Тош ҳам уваланиб кетаркан-ку, демоқчи бўлдим-у, дарров тилимни тийдим. Отам сузини хулосалади:

— Рузғор дегани оғир...

Сухбатимиз тугади.

Уйдан чиққанимда руҳим ҳақиқатан ҳам шунчалик оғир эдики, бошим торс ёрилай дерди.

Майда-чуйда ишларни бажариб юрдим, одатим буйича, буш вақт топдим дегунча китобга ёпишаман-у, биринчи саҳифани оч-масимданоқ отамнинг сузлари ёдимга тушади: «Китоб ўқиб, умрингни беҳуда ўтказиб юрма...» Секин жойига қуйиб қуяман.

Тирамоҳ ҳаддига етди.

Тоғ этагида, беш-олти чақирим келадиган жойда қишлоғимизнинг тирамойи бугўдйозори бор эди.

Урим бошланибди.

Беш-олти киши юк машинасида ўша ёққа жўнадик. Сомон-похолларни пресслаш, машинага юклаб колхоз фермасига жўнатиш бизнинг зиммамизда эди. Бизни жўнатаётиб, раис йўғон бармоғи билан мўйловини бурай-бурай айтдики, сизлар озик-овқат программасига ўз ҳиссаларингизни қўшгани кетяписизлар, шунинг учун масъулиятни унутманглар, кечалари ҳам навбати билан қуриқчилик қилиб чиқинглар, мабодо битта-яримта сомон ўгрисини тутиб олсаларингиз, аяб утирманглар, зудлик билан хабар берингизлар, закунга солиб қаматтириб юборамиз, деди.

— Ишлаганимиз ҳақи қанақа булади? — деди Неъмат деган йигит иягини қаший туриб. Унинг юзи сап-сарик, кўзлари кум-кўк эди. Шунинг учун «Неъмат урис» ҳам дейишарди, ўзи бирортаям ўрисча сўз билмасди. Унинг чўрткесарлигию юзингда кўзинг борми демай гапириб юборавериш одати борлигидан шундай чақиришарди. Ҳозир ҳам саволни Неъмат берди-ю, раис бошқаларга ола-ола қараб, ахийри менга хўмрайганча тикилиб қолди.

— Аввал ишни бажаринглар, ҳақи бир гап бўлар. Албатта, сизларни сомонсиз қолдирмаймиз, — деди.

— Еб-ичишимиз-чи? — яна сўради Неъмат сарик.

Раис у томонга илкис угирилди-ю, бу саволларни Неъмат сарикнинг оғзига бошқалар солиб қуйгандай, яна ҳаммага қараб чиқди.

— Дала шурва-да!

Бошқа гап-сўз, савол-жавоб бўлмади. Машина ўрнидан жилди. Ҳадемай қишлоқдан чиқиб кетдик. Бийдаш дашт ястланиб ётибди. Узоқ-узоқларда қорамтир тепалар бир-бирининг ортидан мўралаб қараб туради. Тушдан кейин этиб келиб ишга киришдик. Пресслайдиган машина шақир-шуқур ишлаб ётипти: ҳаммаёғимиз чанг. Кун ботганда ишни тўхтатдик. Овқат раис айтгандай, дала шурва бўлди. Битта ёғоч товоққа ўн беш кишининг қули баббаравар бориб-келади. Аммо, умримда бунақа лаззатли таом емовдим.

Похол ичига кириб ётдик.

Тонг саҳарда совуқдан жунжикканча уйғониб кетдим. Неъмат кўкси очиқ ҳолда, бемалол хуррак тортяпти, кўкрагининг жунлари оппоқ қиров бойлапти. Бироздан сўнг яна иш бошланди — исиб кетдим.

Тушдан сўнг Неъмат анча вақт йўқ бўлиб кетиб, кечга томон

кайтди. Дала шурвани тушириб, похол ичига кираётганимизда, мени туртиб секингина шипшиб куйди:

— Катта пул ишласа буладиган бир жой бор экан, билиб келдим...

— Қанақа жой экан?

— Э... секинроғ-ей! Чанг ютиб, похол совуришдан улса улиги ортиқ.

— Бу ердагиларга нима деймиз?

— Ишинг булмасин. Узим гаплашаман. Бизнинг сомонда булмаганимиз раисгача етмайди, етсаям ҳеч нарса қилолмайди...

Неъматнинг катта пул ҳақидаги гапи юрагимга гулгула солиб куйди. Гуё отам айтган рўзгор масаласини бир зарб билан ҳал қилиб қўядигандай эдим.

...Неъматнинг таклифи кўнглимда турли хавотир-тахликаларни уйғотар, борсамми-бормасамми, деб иккиланардим. Ахийри, иккилана-иккилана ухлаб қолибман.

Субҳи козибда Неъмат мени туртиб уйғотди:

— Кетдик!

Мен ҳам, шунча иккиланганимга қарамай, унинг ортидан индамай-нетмай эргашиб кетаверганимга ҳали-ҳануз ҳайронман.

Бу ерларга энди келишим эди. Мен кузда ҳамма усимликлар уз-узидан қуриб-қовжирай бошлайди, деб уйлардим. Ундай эмаскан. Тоғ этаги худди баҳордагидай кум-кўк эди. Кўкаламзорда қушлар чугурлаб учиб юришар, киши бир лаҳзанинг ичида худди бошқа мамлақатга бориб қолгандай ҳис этарди узини. Уч соатча йўл юрдик. Бир-бирига ёндош талай тепаси бўлган бир жойга етдик. Тепаликларни кум-кўк ажриқлар қоплаган эди. Кичикроқ қабристонга ўхшайди — фарқи, тепалар улкан-улкан эди. Неъмат чеккадаги бир тепанинг олдига етаклади. Уни айлана-йўтиб, пастга олиб тушадиган зинага дуч келдик. Неъмат ҳеч иккиланмай зинадан туша бошлади, ортидан эргашдим. Кенг йўлакка тушдик. Йўлак деворлари дид билан безатилган, ҳар хил суратлар осилган, ҳар жой-ҳар жойга шамдонлар қўйилган эди. Ана шу шамдонларда ёниб турган шамлардан йўлакка хирагина ёруғлик уфурарди.

Йўлак адоғида локланганидан бўлса керак, ялтираб турган пастакина эшик бор эди. Бундай жойларда эшикнинг пастлигидан ажабланмасаям булади, аммо, эшик ёнида турган, яъни эшикоғанинг ҳам буйи худди эшикка мослангандай пастлиги кишини ажаблантирарди. Бу одамнинг буйи нари борса бир метр келар, митти қули билан муйловини бураб, кўзларини қаттиқ тикиб туришидан бир метр буй билан ҳам киши анча ишлар қила олиши мумкинлигини кўрсатарди. Шу буйи билан у анча-мунча одамни назар-писанд қилмаслиги эшик ортида ўтирганининг салобатини янада ошириб, бўрттириб кўрсатарди. Эшикоғанинг турқтароватига, афт-ангорига қараб, унинг белгили бир ёшини дабдурстан айтиш қийин эди: бир қараганда, йигирма ёшли миттивой деса ҳам бўларди, қирқни қоралаб, олтмишни уриб қўйган-ов, дея уйлаш ҳам мумкин эди.

Неъмат унга қандайдир кўз қисгандай бўлди.

— Ассалому алайкум, Ушоқвой ака, — деди сўнгра бироз эгилиб.

Неъматнинг эгилганими, ўзининг вазифаси катталигини — ишқилиб, Ушоқвой акани беҳад талтайтириб юборди. У муйловини бураб, ишшайди.

— Қоратарош сизларни кутяпти, — деди кўзлари

юмалоқланиб, қандайдир чийиллаганга ўхшаган овоз чиқарганча.

Ушоқвой тегар-тегмас эшик «ғийқ» этиб очилди ва остона ҳатлаб, оғзим ланг очилиб қолди. Бу ер ертулага эмас, чароғон қасрга ўхшар, мрамар устунлар ёнига учта-учтадан, тўртта-тўрттадан юмшоқ ўриндиқлар қўйилганди. Турдаги диванда қоп-қора юмалоқ бир киши чўзилиб ётар, оёғи остида юзига чачвон ташлаб олган бир аёл чўк тушиб, унинг товонларини уқаларди. Ертула-уй қанчалик ҳашаматли ва улўғвор булмасин, барибир қандайдир зах иси ўтириб қолгандай эди. Хонадон соҳибининг товони ҳар уқаланганда, унинг кўзлари юмилиб-юмилиб кетаётганининг ҳам сабаби шу — унда энди-энди бод бошланаётганди.

Қоратарош қаршидаги курсиларни кўрсатди. Биз иккилана-иккилана, ҳайиқа-ҳайиқа бориб утирдик. Бир имо қилганди, чачвонли аёл тезгина ўрнидан туриб, қайгадир йўқолди. Мен шундагина бу ертула ўйнинг теварак-атрофида ўнлаб эшиклар борлигини пайқадим. Демак, хужралар ҳам куп экан-да!

Қоратарош бизнинг ҳурматимиз учунми, ёниб ётавериб ўзи зерикканими — ҳарҳолда, ўрнидан туриб утирди. Шундагина мен унинг қовоқлари ости халтача-халтача бўлиб, ранги захил тортиб кетганини пайқадим. Унинг кўкиш бит кўзлари теварак-атрофга лоқайдлик билан, назар-писанд қилмаётгандай боқар, худди ҳаётга қизиқиши ҳам аллақачонлардир сўниб булгандай қуринарди.

— Келдиларингми? — у Неъматга қараб калта савол ташлади-ю, кейин хаёлига қандайдир муҳим бир нарса тушгандай, кўзларини бир нуқтага тикканча уйланқираб қолди.

Неъмат базур сас чиқарди:

— Ҳм-м...

— Ҳайронман, — деди Қоратарош бир қошини учириб қуйиб.

— Шунча катта жойларга бугдой экиб, ярим чақалик фойда кўришармикан?

Биз бугдойзорга сомон учун келиб ишлаётгандик. Шунинг учун қишлоғимизнинг қарияларидек салмоқ билан:

— Биз учун фойда сомони-да! — дедим.

Қоратарош менга бир зум серрайганча қараб қолди-да, кейин қутилмаганда шу қадар қаттиқ қаҳ-қаҳ уриб кула бошладики, бу айтган гапининг нимаси кулгили экан, деб ўзим ҳайрон қолдим. Аммо, Қоратарош кулгидан тўхтаб демасди, тиззаларига ура-ура куларди. Ним қоронғида тилла тишлари ялт-юлт товланарди. Кула-кула ахийри, юмалаб қолай деди. Узини амаллаб қулга олволга:

— Ана бу зўр гап бўлди! — деди. — Бугдойни эмас, сомонни эланиб-ёлвориб оласизлар, — шундай дея Қоратарошнинг юзи бирдан жиддийлашди. — Эшитганман, эшитганман шунчақалигини, шуям ҳаёт бўлди-ю!

Мен оғзимни ланг очганимча унга қараб қолгандим. Ҳақиқатдан ҳам, унинг ертуладаги қасри билан қишлоғимиз уйлари ни солиштириб, еру осмончалик фарқ борлигини кўриш қийин эмасди.

— Агар ана шу бугдойзорга бизнинг экинлардан экишса, бутун дунёни сотиб олса бўларди, — деди мақтанчоқлик билан. Лекин, у «бизнинг экинлар» деганда нимани назарда тутганини билолмадим.

Қоратарош кичкина стол устидаги қандайдир тугмани босган-

ди, қаршимиздаги бурчак чарогон ёришиб кетди. У ерда ер шарининг акси — каттакон глобус айланиб турарди, глобуснинг баъзи-баъзи жойларида кук чироқчалар милтиллаб ёниб турарди. Бу чироқчалар шу қадар сон-саноксиз эдики, уларни санаб ўтириш бефойда эди.

Қоратарош ер шарининг кук чироқчалар ёнаётган ҳамма жойида уларга хайрихоҳ кишилар борлигини, дунёнинг ҳамма дарвозалари улар учун очиқлигини энди тушунтираётган ҳам эдики, ертўла-хонадоннинг қайсидир, чамаси, биз кирган эшикнинг мутлақо қарама-қарши томонидан «ғийқ» этган товуш чиқди, худди бизни бу ерга йуллаган эшикогага ухшаган пакананинг каттакон боши кўринди.

— Оқбош келди! — деди у худди бизга таниш эшикогадай хирилдоқ товушда. — Тез кираман дейди!

— Кирсин! — деди Қоратарош кесикинлик билан.

Шу пайт эшикдан нақ илондай урмалаб оппоқ бошли бир киши кирди ва ортига ўгирилиб, бу томонга ўтиб олганига тамомла ишонч ҳосил қилганидан кейин қад тиклади. Унинг буйи шу қадар новча эдики, ортидан эшикни ёпиб олаётган пакана эшикога худди симёгочга қараётгандай унга бир қараб қўйди-да, сунгра, шунақаям бесунақай одам бўладими, дегандай эшикни шарт ёпиб олди.

— Нима гап? — Қоратарош диванга ястаниб олиб, осмонга тикилгандай унга қаради.

Новчакул биз томонга хавфсираб қараб қўйди.

— Нима гап? — Қоратарош худди бизни пайқамай-қўрмай қолгандай саволини такрорлади.

Новчакул энди бизниям уз одамларимиздан бўлса керак, деб ўйладими, дардини ошкор қилиб қўя қолди:

— Вагонимизни пайқаб қолишган...

Қоратарош урнидан сапчиб туриб кетгудай бўлди.

— Қайдан эшитдинг? Ким айтди?

— Болабек хабар қилди.

— Ҳм-м... Яна нималар депти Болабек.

— Бу хабарни хўжайинга ҳам етказган экан.

Қоратарош урнидан турди:

— Қани, хат?

Новчакул ялтироқ конверт тутқазди.

Қоратарош конвертни ён томонидан йиртиб, ичидан хатни суғуриб олди ва конвертнинг ўзини бизнинг олдимиздаги столчага ташлади. Қоратарош хатни берилиб, товду чиқармай ўқий бошлади. Новчакул бўлса, аҳён-аҳёнда столчадаги конвертга хавфсираб-хавфсираб қараб-қараб қўярди. Мен ҳам конвертга, аниқроғи бузилмаган муҳрга кўз қиримни ташладим. Каттакон муҳрнинг айланасидаги хатни ўқийлмаган бўлсам-да, уртадаги «Ё. У.» деган босма ҳарфларни бир қарашдаёқ илғаб олдим. Ўзим жуда ҳафсала билан ишланган ҳарфлар экан-да! Лекин, ҳарфларнинг қандай маъно англатиши мени ўйлатиб қўйди. Бирор корхонанинг яширин номими? Ёинки уша хўжайин исм-шарифининг бош ҳарфларидир?

Ҳархолда, иккинчи тахминим ҳақиқатга яқинроқ қуринар, нега деганда, Новчакулнинг айтишича, мактуб ҳам хўжайиндан экан-да!

— Яхши! — деди Қоратарош хатни ўқиб булғач, ишчан қиёфада. — Составдан юкимиз ортилган вагонни чиқариб, саҳронинг бирор бурчагига киритиб қўйинглар.

— Қуриқчи қуямизми? — қўрқа-писа савол ташлади Новчакул.

— Албатта! Қурол-яроғлари билан...

— Вагон номери-чи...

— Саҳронинг ичкарасида ким номерга қараб ўтирипти? Ундан кейин гумон қилинган составга албатта, узимизнинг вагон номери билан вагон кўшинглар...

— У вагонга қанақа юк ортамиз?

— Похол! — Қоратарош хоҳолаб кулди. — Бир похол титкилашсинчи!

Бу сирли-жумбоқли гап-сузлардан менинг юрагимни ваҳима чулғай бошлади. Айниқса, улар бу гапларни биз Неймат иккаламизнинг олдимизда айтишидаям сир бордай эди.

— Кетаверайми? — Новчакул-оқбош бошини энкайтириб турарди.

— Боравер!

Новчакул-оқбош ортига бурилмай тўғрига юра бошлади ва пастак эшикларнинг бирини олдига етиши биланок, ўз-ўзидан «ғийқ» этган товуш эшитилди. Новчакул-оқбош дарров узала тушиб, илондай буралганча эшикдан чиқиб кетди.

— Сомоннинг ғамини емай қўя қолинглар, — деди Қоратарош. — Истасаларингиз, вагонлаб элтиб берамиз. Сизлардан битта нарса талаб қилинади, — Қоратарош шаҳодат бармоғини кўзининг олдига келтириб, ўздан айлантриб курсатди. — Фақат битта нарса!

Ҳатто, юрагимизнинг уриши эшитилгудек сукунат чўкди. Бу сукунатиям Қоратарошнинг овози бузди. — Биласизларми, уша нарсанинг нималагини?

Биз Неймат иккаламиз илкис бир-биримизга қараб олдик. Қоратарош худди бугўздан суғуриб олаётгандай тишлари орасидан битта сузни аранг суғуриб уртага ташлади:

— Садоқат!

Ҳанг-манг бўлиб қолдим. Мен бизнинг олдимизда Қоратарош нима учун Оқбошга ўз сирларини суйлашга изн бериб қуйганининг сабабини ҳам англагандай бўлдим.

Қоратарош ўрнидан оғир кўзгалди. Оёқлари увишиб қолганиданми, урнидан турганидан кейин ҳам энкайганча анча вақт бир жойдан қимирламади. Уф тортиб, узича арз қилди:

— Ўзи дунёда кетмончига маза-да! Кетмонини уради-уради, ухлайди, ҳеч қаери оғримайди... Биз камҳаракат бўлиб қолдик-да! Бугинларим қақшаб оғрийди. Утган йили Аштга — туз конига бориб бир ой узимни тузга қўйиб келдим. Сал-пал энгиллашгандай эди, мана яна бошлангпти. Майли, буям ўтиб кетар! — Ана шу сузларни айтаётиб, Қоратарош анча-мунча одамшаванда бўлиб қолди. Ҳаттоки, аввалги ҳайиқош-қўрқувларимиздан асар ҳам қолмади, юмшоқ курсига бемалолроқ жойлашиб ўтириб олдик.

Ўзини унглаб олиб у ёқ-бу ёққа юра бошлаган Қоратарошнинг оддийгина ҳийласи экан одамшавандалик!

У, ҳали айтган сузини урнимни, урни эмасми — уйлаб ўтирмай, ҳеч қандай тушунтиришсиз-изоҳсиз икки-уч такрорлади:

— Садоқат! Садоқат! Садоқат!

Шунда бизни тарк эта бошлаган қўрқув яна ёприлиб келди. Ялпайиб ўтириб олганимиз учун ҳозир беҳисоб пастак эшиклардан беҳисоб паканалар устимизга бостириб келаётгандек эди.

Қоратарош устун ёнига келиб, совуқ мрамарга кафтини босди. Кафти қизиб турган эканми, ҳузурланганидан кузлари қисилиб кетаёзди.

— Сизлар менинг экин майдонимда нари борса бир ой ишлай-

сизлар, — деди Қоратарош асосий мақсадга кучиб. — Оғизларингга сиққанини айтаверасизлар — берамиз. Лекин, бу ерда курганларинг, эшитганларинг ҳақида бирон жойда оғиз очмайсизлар. Ҳачон чорласак, етиб келасизлар. Тушунарлими?

Мен бу ердан ҳозир жон-жон деб чиқиб кетишни истардим. Аммо, олдимда Новчақул-оқбош билан узининг баъзи бир сирларини очиб куйган Қоратарош мени қандай келган бўлсам шундай жунатиб юбориши, албатта, даргумон эди.

— Сизлар адирдан чиқиб келганларингиз учун дастлаб курганимдаёқ ишониб қўя қолдим, — бамайлихотирлик билан давом этарди Қоратарош. — Кенг адирларда яшайдиганларнинг кунгиллари ҳам кенг бўлади — ҳар нарсани сиғдириб, яшириб кетаверишади. Тоғликлар эса, аксинча, ичи тор, шубҳа-гумонларга тез берилувчан бўлишади. Уларнинг мақтовга лойиқ жангариларининг ҳам сабаби шунда. Лекин, бир-бирларини сотиб қуйишлари ҳам эҳтимолдан холи эмас. Ҳа, айтгандай утган йили бир йигитимиз жаврона ўлиб кетди, тоғлик эди; ҳали айтган хислатларимиздан унда ҳам йўқ эмас экан. Узи жуда яхши, билимдон, ҳар нарсадан хабардор йигит эди. Ҳар нарсадан хабардорлик куп ҳам фойда беравермаслигини айтиб қўйсам сизларга кони фойда-ку!

Эшик «ғийқ» этиб очилди.

— Ушоқвой ака, бу йигитларни профессор Мирсолмон Мирқориевичга учараштиринг, — деди Қоратарош.

— Хуп!

Биз эшикдан чиқар-чиқмас чачвонли аёл диванга узанган Қоратарошнинг оёғи остида пайдо бўлди ва уз хизмат вазифаси — уқалашга киришди.

Ушоқвойнинг ортидан йулакка чиққанда анча енгил нафас олдим. Шунинг учун бўлса керак, Ушоқвойга ҳам нимадир дегим келди.

— Қоратарошнинг уйига кирадиган ҳамма эшикларнинг йўлаги шунақами? — дея сурадим.

Ушоқвой менга аввал ҳайрон бўлиб қаради, кейин ҳўмайиб олди.

— У ёққа йул битта! — деди негадир жаҳл билан. — Мана шу эшикдан бўлак эшик ҳам йўқ, тешик ҳам!

Ий, товба?! Ҳозир ўзим кўриб чиқдим-ку! Шу ерда ишлаб, Ушоқвой наҳотки буни билмаса...

Мен уни сўроққа тутмоқчи ҳам бўлдим Қоратарошнинг оғоҳлантириши ёдимга тушиб, индамай қўя қолдим. Кейинчалик маълум бўлишича, жуда тўғри қилган эканман: орамизда булаётган ҳар битта гап-суз Қоратарошнинг қулоғига етиб борар экан.

Биз ташқарига чиқиб, кунботар томондаги бошқа бир тепаликка йул олдик. Бу тепаликнинг бошқаларидан фарқи тап-тақирлигида эди. Энди зеб-зийнатсиз, ҳақиқий ертулага тушди: йулак шу қадар қоронғи эдики, кўзимиз куниккунча бир фурсат кутиб турдик. Кўзимиз куниккач, шу нарса аён бўлдики, қоронғилигидан ташқарида бу йулакнинг шифтларига тамоман ургимчаклар ин қўйиб ташлаган экан. Зах деворлар орасидан ҳар замон-ҳар замонда нималардир йилт-йилт кўзга ташланиб қоларди. Кейинчалик Мирсолмон Мирқориевич ҳар қандай суякда фосфор мавжуд, айниқса, одам суяги ёнарқуртдай атрофни ёриштириб юбориши ҳам мумкин деб айтди.

Ушоқвой тўхтади. Қоронғилик қаърида пайпасланиб нимадир қилди: чамаси, эшик кунғироғининг тугмасини топиб босди. Кўп

утмай аллақаяёқлардандир, худди девор орасиданми, шифтданми — қаёқданлиги номаълум бўлган товуш чиқди:

— Ё!

Ушоқвой хирқироқ товушда унга жавобан қичқирди:

— У!

Бу уларнинг ўрони бўлса керак. Қизик, ҳалиги муҳр ўртасидаги ҳарфларни айтишяпти-ку!

Товуш тўғридан чиққан экан.

Ваҳимали шарақ-шуруқлар билан темир эшик очилгач, уша томондан кучли ёруғлик устимизга ёпирилди. Остонада оқ халатли, каттакон калласининг орқасидаги бир тутамгина оппоқ сочи елкасига дову осилиб тушган, қалин кузойнак таққанидан бўлса керак, кўзлари пешонаси остидаги иккита чуқур-чуқур горнинг тубидан кузатаётгандек куринган паст бўйли гулабир киши пайдо бўлди. У, борим шу, дегандай қўлларини икки ёнига осилтириб турарди.

— Қани, кинглар! — деди у бизга.

Ушоқвой ортига бурилиб кетаверди. Неъмат иккаламиз остонадан ичкари ҳатладик. Ертулада қандайдир ачимсиқ ҳид анқиб ётарди. Бундай уфунат орасида Мирсолмон Мирқориевич қандай утиргани мени ажаблантирди.

Эшик шарақ этиб ёпилди. Мирсолмон Мирқориевич ҳар хил шишалар, лаборатория ашёлари батартиб терилган стол устидан битта қуриган кўкнори олиб, бизга курсатди.

— Бунинг нималигини биласизларми?

Қишлоғимизнинг ҳар бир хонадонда беш-унтадан кўкнори яшириб қўйишади. Шамоллаганга, айниқса, йўталга ундан зур даво йўқ. Бидамиз, дегандек бош иргадик.

— Яхши! Нима учун ишлатилади?

— Йўталга даво...

Мирсолмон Мирқориевич мийғида кулиб қўйди.

— Тўғри, — деди фикримизни тасдиқлаб. — Лекин, бу фақат йўталга даво бўлганда эди, мен бу ерда ўтирмасдим.

Мирсолмон Мирқориевич нима учун бу ерда утирганлиги ҳақида фикр қилаётгандай, бир зум жим қолди. Сунгра калаванинг учини топиб олганига ишонч ҳосил қилди шекилли, салмоқ билан сўз бошлади:

— Бу ўсимликнинг инсониятни катта балодан қутқарувчи зур хусусияти ҳам бор...

Инсониятни кўкнори қанақа балодан қутқариши мумкин экан, деб бошимиз қотиб турувди, Мирсолмон Мирқориевичнинг узи айтиб қолди:

— Ҳа-а, ақллилик балосига гирифтор бўлган инсониятни фақат шу ўсимлик қутқариши мумкин. Бундан олинадиган дорининг бир чимдими ҳам ҳаётни жуда хандон-хушон қилади, рўхни юксак-юксакларга парвоз эттиради. Одамзоднинг ҳаёли бир-бирини қирувчи, улдирувчи қуроллар ишлаб чиқаришни эмас, аксинча, энг романтик манзараларни гавдалантиради бу чокда...

Мирсолмон Мирқориевич энди ҳақиқий профессорларга хос нутқ ирод қила бошлади, аммо, унинг гапларида ҳам узи айтган ақллилик балоси уфуриб турарди. Унинг айтишига қараганда, инсонга куп нарса керак эмас экан: ана шу оз нарсаларнинг орасида хурлик, озодлик янада аҳамиятли, биринчи ўринда турувчи экан. Шунинг учун милёнлаб одамлар озодлик деб жонларини қурбон қилишса-да, барибир, бу ҳол улар учун сароб бўлиб қолаверар экан. Мирсолмон Мирқориевичнинг кўкноридан ола-

диган дорисигина инсониятни руҳий хурликка олиб чиқаркан. Бу доридан истеъмол қилган кишининг танидан руҳи ажралиб, хурлик нашидаларини сураркан. Бу дорининг мисқолчаси ҳам ҳар қандай жамиятнинг қонун-қоидаларидан устунроқ экан.

Мирсолмон Мирқориевич Менделеев жадвалига янги элемент қўшишга аҳд қилибди — бу элемент бошқаларидан фарқланиб, фақатгина моддий оламнинг эмас, балки, руҳий оламнинг ҳам асосини ташкил этиши керак экан, кўкнори таркибидан топилиши лозим бўлган бу элементга бизнинг ҳам ҳиссамиз қушилар эмиш.

— Сиз уни қандай ном билан атайсиз? — деб сурадим кизиқиб.

Мирсолмон Мирқориевич худди айтаётган элементини аллақачонлар топиб қўйгандай қошларини кериб, гурур-ла:

— У «Е. У.» ҳарфлари билан белгиланади, — деди.

— Нима учун «Е. У.»? — деб юбордим.

У менга бир мuddат нимадандир шубҳаланаётгандай, ишончсиз нигоҳ билан қараб турди.

Кейин, чамаси, шунча гап-сўзлардан сунг бун яширишнинг холати йўқдир, деб уйладими, паст товушда:

— Албатта, ўз исм-шарифимнинг бош ҳарфлари билан белги-ланса ҳам буларди. Лекин, бу улуг юмушнинг бошида турган улуг инсоннинг номи ҳали тарих саҳифаларида фахр билан тилга оли-нади, ушанда кимё соҳасида ҳам унинг ҳомийлиги туфайли буюк ишлар амалга оширилганлигини элементнинг белгисига қараб билашади.

Мирсолмон Мирқориевич кўкнори чизилган катта-катта сурат-плакатларни уртага ташлаб, бизнинг юмушимиз унчалик қийин эмаслигини, фақат, бировгина зеҳн талаб қилишини тушунтирди. Кўкнорининг қайси томонидан қай вақтда тилиш лозимлигини таёқча билан суратдан курсатиб, уқдирди. Асосан тонг сахарда ва кечкурун тилиб, кечкурун тилинган жойдан сизиб чиқиб қотиб қолган шираларни махсус қутичаларга йиғиб оларканмиз.

Бизга шинам жой, яхши шароит яратиб беришди.

Тепаликлар қуршовидаги бийдай далада бизга ухшаб ишлов-чилар кўпчилик экан: аммо бир-бири билан беҳуда гап сотишга рухсат йўқ эди. Ҳар замон-ҳар замонда Мирсолмон Мирқориевич келиб, ишимизнинг кам-кустини курсатиб берар, ундан булак буйруқ берувчи бошлиқ йўқ эди. Қоратарошнинг диванда ётиб телевизордан кузатиб турганининг ўзи кифоя эди.

Сомонда эса, ишловчидан буйруқчи кўп. Бир ойдан сўнг сомон-похолдангина эмас, бошқа ташвишлардан ҳам қутулдик.

Қоратарош ўз қули билан биттадан конверт берди. Очиб қарасак, ичида тушимиздаям кўрмаган катта пул бор экан.

— Бу сизларнинг иш ҳақларингиз, — деди Қоратарош тиззаси-нинг кўзини уқалаб утираркан. — Бошқа бирор ёрдам керак бўлсам, бемалол сўрайверинглар. Энди сизларга жавоб, қачон керак бўлсаларингиз, ўзимиз топиб оламиз.

Биз яна сомончиларга қўшилиб, қишлоққа жунадик.

Кувончимнинг чеки йўқ эди.

Аммо, бу кувончим узоққа чўзилмади...

Тошқувватнинг дафтарида «Аммо, бу кувонч узоққа чўзилмади...» деган жумладан сўнг аллақандай ажи-бужи, тушун-кисиз сузлар ёзилган эди. Чамаси, у яна нималарнидир ёзмоқчи бўлган-у, ҳафсаласи келмай, ташлаб қўйганга ухшарди.

— Кейин нима бўлди? — суради Ёрибек.

— Икки мавсум уша ерда ишладик, — деди хотиржамлик билан Тошқувват. — Қоратарош-ку уша-ўша эди, лекин, Мирсол-мон Мирқориевичнинг юзи кундан-кунга тундлашиб борар, у энди янги элемент ҳақида оғиз ҳам очмасди. Ҳатто, бир куни, «Мен умр буйи ҳақиқатни излаб топмоқчи бўлдим, аммо у сароб бўлиб чиқди», деди алам билан. Борган сари унинг кўзига Қоратарош ёмон кўриниб қолаётган эди. Энди уйласам, бу табиий ҳол экан: Мирсолмон Мирқориевич кимсан — ўз соҳасида кашфиёт қилмоқчи булган профессор, Қоратарош эса, жоҳил бир наша-ванд... Мирсолмон Мирқориевичнинг қилмоқчи булган кашфиётю Қоратарошнинг жоҳиллиги касрига кўп одам қолиб кетди, мен ҳам ушалардан бири эдим...

Тошқувват уйланиб қолди.

Кейин сигарет тутатиб, сузида давом этди:

— Мирсолмон Мирқориевич билан Қоратарош ўртасидаги ке-лишмовчилик шу даражага етдики, биз қишлоқдалигимизда қат-тиқ отишмалар бўлибди, иккаласиям ер тишлабди. Худди шунинг устига орган ҳодимлари вертолётларда етиб келишибди. Шу баҳонада улар ён-атрофидаги қишлоқларнинг ҳаммасини тит-пит қилиб юборишибди: қулларида рўйхат бор экан, анча-мунча одам-ни олиб кетишди, Неъмат сариққа негадир тегинишмади, менинг қулларимга ҳам кишан солишди. Кўпчилик қамалиб кетди. Лекин бу ишларнинг бошида турган «Е. У.» нинг кимлигини билолмай қолавердим.

Қамоқда Болабек билан танишдим.

У кейинроқ, бошқа бир иш билан тушди, лекин, Қоратарош билан ораларидан қил ўтмаскан. «Е. У.» нинг кимлигини қанча сў-рамайин айтмади. Билсангиз, бу ердан чиқиб кетолмайсиз, деди...

Отам қанақа ишга аралашиб қолганимни билиб, ортимдан ёмон қаргабди, қамоқда йўқ бўлиб кетсам майли, депти. У ҳар куни обрезага чиқиб, бармоғини ҳалқумига тиқиб қусармиш, онам-нияям, укаларимнияям шунга мажбур қилармиш; қонимиз бузилди, деб эртаю кеч йиғлармиш...

Тошқувватнинг мижжаларида ёш йилтиради.

У кафтини иягига тираб, хаёлга чўмди.

Ёрибек ухлаган-ухламаганини билмади. Устидаги кўрпани кимдир шитоб тортиб олди. У хона уртасида оппоқ либосга уран-ган аёлни курди. Деразадан тушаётган ой шуълалари унинг унг елкасини хиёл ёритиб турарди. Ёрибек анқайганча унга термулиб қолганди.

— Қўрқасизми? — аёлнинг заҳил юзидан совуқ шуълали табассум сирғалиб утди.

— Йу-ў...

— Унда нега қалтирайсиз?

— Қалтираганим йўқ.

— Қани, тулинг.

Ёрибек унинг амрини бир зумда бажо этди.

— Ортимдан юринг!

Ёрибек эргашди.

Аёл сас-сабарсиз, шарпасиз юрарди, имо-ишоралар ҳам қил-масди. Ёрибек унинг айтганидан чиқмасликни, ортидан эргашиш лозимлигини қандайдир ички туйғу билан англаб етар, ажралиб қолишнинг ҳеч қандай иложи йўқ эди.

Остонадан ўтиши биланоқ анг-танг бўлиб қолди: йўлак йўқ

эди. Йўлак ўрнида икки чети ойнаванд, кўз илғамас даражада юқори кутарилган зинапоя. Ёрибек тепага қараб, унинг қоп-қора туйнукка туташиб кетганлигини кўрди.

Ёрибек биринчи зинага қадам қўйди. Оёқ олишлари шунчалик енгилки, худди учиб кетаётгандек. Ҳарвақт кўтариб юрадиган оғир юкидан халос бўлиб, енгил нафас олган сайёҳ каби ҳис этди у узини. Иккинчи, учинчи... Бу одимлар унга илғари ҳеч вақт туолмаган роҳат бахш этди. У йўлак ўрнида зинапоя пайдо бўлиб қолганлигини ҳамон бовар қилолмас-да, қўшдек эди. Борган сайин қинидан чиққудек дукурлаб ураётган юраги бир маромга тушиб олди, шундагина у чап томондаги ойнага кўз ташлади.

Ойнанинг нариги томонида бус-бутун бир мамлакат — гаройиб олам акс этарди. Олис-олислардан шарқирок сойларнинг товуши қулоққа чалинарди, гармсел тўлқинларнинг ҳавода кезиб юрганлигини бемалол кўриш мумкин эди. Қоп-қора, ярим яланғоч, шир яланғоч одамлар издиҳоми. Улар чумоли уясидагидек гоҳ гуҳ булишади, гоҳ туйқус тузиб кетишади. Бир болакай қоқшош қўлларини олдинга чўзганча, денгиз бўйида тиланчилик қилиб юрибди. Унга ҳеч ким эътибор бермайди, денгиз бўлса узининг улкан вазни остида қолиб кетган қўлларини тортиб ололмай кучанади, увлайди, кўкка сапчийди. Агар у узининг остида қолиб кетган қўлларини чиқариб ололганида эди, болакайга сув тубидаги жавоҳирдан чиқариб берармиди? Ёхуд уни азод кутарганича ўз кучоғига олиб кетармиди?

Агар денгизда онг бўлгандайди... у бунчалик ичдан тўлғониб қийналмаган, баъзан украб, оҳ тортмаган бўлармиди?

Болакайнинг қўлида кичкинагина кўзача. Қандайдир хунарларни кўрсатиб, одамларни жалб қилмоқчи бўлади. Унга ким ҳам эътибор берарди? Танга-чақа ташлаб кетиш бировнинг хоби хотирига ҳам келмайди. Мамлакат аҳолисининг фикри-уйини булак муҳим бир воқеа банд этган: узининг улкан мамлакатида қайтадан инқилоб қилмоқчи бўлган Бош котиб хотини билан бу ерга келиши керак эди.

«Э-хе! — хаёл қилди Ёрибек ўзича. — Бош котибни кузатишаётганда кўзлаган еримга етолмай мен кўчада қолиб эдим. Энди бўлса... Кўтиб олишларининг касрига анаву бола қолади шекилли...»

Ёрибек жойидан жилмай, ҳайкалдек қотиб қолганди. Қизнинг имосидан у ўзига келди. У яна юқори кўтариллаверди. Чап ва унг томонда ер юзининг манзаралари акс этиб турарди. Бунда уммонлар шовқинининг уфқ тафтини ҳис этиш мумкин эди. Ёрибек гоҳ жунжикар, гоҳ сесканар — унги эканлигини ҳам, туши эканлигини ҳам бовар қилолмасди. Тепадаги қора туйнук тобора кенгайиб борарди.

Ахийри қиз тўхтади. Ундан таралаётган оппоқ нур қоронғилик қўйнига сингарди. Қиз қандайдир супачага ўхшаган бир жойга чиқиб ўтирди.

Ёрибек... етиб олишга жаҳд қилди.

Уч-тўрт қадам қолганида қизнинг:

— Пастга қаранг, — деган таниш овозини эшитди. Ёрибек угирилиб, чиқиб келган йўлига назар ташлади-ю, баттар ҳайратланди, на зинапоядан, на-да ойнаванд девордан, на турфа манзаралардан ном-нишон қолганди. Ҳаммаёқни тубсиз зулумот чулғаганди. У юриб келган йўлидан қайтиб тушиш мумкин эмаслигини англади.

Пастга қарашга ҳам юраги бетламади.

— Ё, тавба?! — оғзидан чиқиб кетди Ёрибекнинг.

Тепадан қизнинг синик товуши эшитилди:

— Ҳайрон бўляпсизми?

— Ҳайрон бўлмай буладими? — тан олди Ёрибек. — Бунақа муъжизани энди кўриб туришим...

Қиз кулди.

— Наҳотки кўрганларингизни муъжиза деб ўйласангиз?

— Йўқса, нима?

— Буларнинг ҳаммаси рўё, ёлғон. Фақат мана шу қора туйнуккина ҳақиқатдир. Қора туйнук сиз кўрган манзараларнинг минглаб, миллинабини бир кунда ютиб юборади. Улар куланкалар, шарпалардир...

Ёрибек чучиб бошини кутарди.

Деразадан хира милтиллаган юлдузлар куришиб турарди. Устидаги кўрпанинг ярми қайрилиб, оёқ томонга бадастур тахлаб қўйилганди. Шу боис босинқираб кўрпани улқотириб юборганига ишонгиси келмади.

7

Муса эртаси куни соат туққизларда келди.

Унинг кечаги тетиклигию дадиллигидан асар йўқ, кўзлари киртайиб лаб-лунжи сулжайиб кетганди.

— Қалай? — у янги ҳамхоналарига бепарво нигоҳ ташлади, томоғини қириб йўғон гапиришга ҳоли келмади.

— Утирибмиз, — Тошқувват лабларига кулги қўндириб, кўзларини йилтиратди.

Муса бошқа индамади, гаплашгиси йўқ эди. У йўлакнинг унг томонидаги биринчи эшикни очиб, ичкарига кириб кетди ва зум утмай қайтиб чиқди:

— Тошқувват ака, чекишдан борми?

— Бор-да! — Тошқувват чўнтагидан «Радопи» чиқариб, қўтининг остига бир-икки чертганди, чекилгиси келган сигаретлар сарғиш бошчаларини чиқаришди.

Муса улардан бирини сўгуриб олди.

— Чарчаб ўлай деяпман-у, уйку йўқ, — деди у. — Кучага чиқиб кетгим келяпти.

Мусанинг чеҳраси сал-пал ёришганини кўрган Тошқувват баттар илжайди ва унга яқинроқ келиб:

— Кеча кенқурун... — дея энди сўз бошлаётувди, кўча эшиги басма-бас тарақлаб қолди.

— Об-бо! — хуноб бўлди Муса. Кейин қадамини судраб босганча бориб эшикни очди.

— Салом! — деган ўқтам товуш эшитилди.

Муса алик олмади. Фақат бош тебратиб қўйди.

— Сиз Муса, а?! Шундаймасми?

Муса бўлса сенга нима, дегандай яна истар-истамас қаради.

— Жуда соз! — деди яна ҳалиги ўқтам овоз. — Айбга буюрмайсиз, дўстим, дарвозани сал каттароқ очсангиз, мен бешикни олиб кирсам.

— Қанақа бешик? — Муса астойдил ҳайрон бўлаётган эса-да, томоғини қириб, овозига зеб беришни унутмади.

— Жуда оддий бешик, — номаълум кишининг товушида заррача узгариш сезилмади. — Каттамиз туғилганида Қимматхоннинг ота-онаси олиб келишганди. Мен унинг ота-онаси, яъни қайнота-

қанонам билан кейинчалик, албатта, Сизни таништираман — жуда ажайиб одамлар, жуда ажайиб одамлар!..

Муса ҳеч балони тушунмай елка қисди-да:

— Сизни узи бу ёққа ким юборди? — дея кескин оҳангда суради.

— Э-ҳа, кечирасиз, кечирасиз, менинг келишимдан хабардор-сиз деб уйлабман. — Мен Отажон ака ҳақида катта-катта мақолалар ёзган Саид Мавлавийман.

— Мен газит уқимайман, — деди Муса беписандик билан.

— Ана холос! — чамаси, нима қиларини билмай каловланиб қолган Саид Мавлавийнинг ёдига нимадир тушиб, суюниб кетди. — Э, дўстим, менга ишонишингиз керак, мени Отажон акамнинг шахсан узлари юбордилар, мана, ишонмасангиз, калитни ҳам бериб юборганлар!

Муса калитни унинг қулидан олиб, у ёқ-бу ёғини айлантириб курди-да:

— Бупти! — деди юмшаб. — Келинг, хонангизни курсатай, бешик-мешигингизни кейин олиб кирасиз.

Айвонда уларнинг суҳбатини тинглаб утирган Тошқувват билан Ёрибекнинг қизиқшлари баттар кучайди. Ҳар иккаласининг ҳам кунглида бир хил савол айланарди: «Мухбири тушмагурнинг узи қайси хонанинг калитини олиб келган экан?»

Саид Мавлавий уларга қуюқ салом бериб, Мусанинг ортидан пилдираганча йулакка ўтди. Муса эса калитга яна бир қур назар ташлаб, йулакнинг чап томонидаги эшик оғзида тухтади.

Ёрибек ранги оқарганча, Тошқувватга қаради.

Тошқувват кифт қисди.

Нигоҳлар тўқнашди: «Бу ёғи нима бўларкин?» Муса инглиз қулфига калит солди ва шикирлатиб икки-уч буради. Эшик кеча кечкурун қай тарзда овоз чиқарган бўлса, шу тариқа овоз чиқариб очилди. Ва Муса Саид Мавлавий билан хонага кириб кетди. Беш минут утар-утмас қайтиб чиқди.

Саид Мавлавийнинг оғзи қулоғида эди.

Унинг биттаям қизиқ тушмаган кенг пешонаси, ясси бурни, жайноқланиб турувчи кўзлари ҳовлиқмалигидан далолат берарди. Ҳозир ҳам иши унгидан келганиданми, босар-тусарини билмай қолди.

— Биз ҳали тил топишиб кетармиз, дўстим, — дея Мусага қайта-қайта уқтирарди.

Муса унинг сўзларига заррача эътибор бермай хонасига кириб кетди.

Саид Мавлавий дарвоза томон шитоб юриб, шанғиллаган товушда:

— Қимматхон, булинг, болаларни ҳовлига олиб кириб, — деди ҳозирок олиб кирмаса кейин ҳамма нарсадан қуруқ қолади-гандек бир аллозда.

Тунғичи — беш-олти ёшлардаги, кенжаси — икки-уч ёшлардаги болаларни етаклаб, елкалари бироз олдинга туртиб чиқиб букчайган, унгузи билинар-билимас гилайроқ ўттиз ёшлардаги аёл дарвозадан кирди. Саид Мавлавий гайрат отига минганди. У ҳаш-паш дегунча лаш-лушларни битта қолдирмай айвонга ташиб кирди. Пешонасидаги терни кафтининг орқаси билан сидириб ташларкан, хотинига:

— Қимматхон, хонани бир артиб-суртиб чиқинг, анчадан буён биров кирмаган кўринади, ургимчаклар ҳаммаёққа ин қуриб ташлабди, — деди.

— Пу-ўшт, пу-ўшт!.. — Торгина йулакда бошпурт столига тир-банд навбатда туришган қурама оломон орасида Ёрибекнинг қулидан етаклаб, Тошқувват узига йул очиб борарди.

Навбатда турганлар анойи эмасдилар. Анча-мунча одамни узларидан олдинга ўтказиб юбормасдилар. Лекин унга булса... беихтиёр йул беришарди.

Кўз тегди-ёв!

— Қаёққа? — барзанги бир йигит кўрагини қалқон қилиб, унинг йулини тўсди. — Навбатда туриш керак, гражданин!

— Мен сенга гражданин эмас, милисия майориман, йигитча! — Тошқувват девдай йигитни назар-писанд қилмай гапираркан, шу заҳотиёқ чўнтагидан чиқарган, устига йигирма тийинлик тангадек герб тасвири туширилган гувоҳномасини унинг тумшуги остига келтириб қадади. — Қуряпсанми бунга?

— Кечирасиз, — гўлдирди довдираб қолган «Йигитча».

— Нега кечирарканман? — буш келмади Тошқувват гувоҳноманинг кучи қанчаликка етишини санаб қуришга чоғлангандай. — Қуриб туриб навбатга туриб дейди-ю, яна кечирасиз эмиш.

«Йигитча»нинг ранги паға бўлиб кетди.

— Яна бу пойтахтга узини прописка қилдирмоқчидир?! — тахминининг туррилигига юз фоиз ишонган ҳолда шанғиллади Тошқувват. — Йуқ, керакмас бизга бунақа одобсиз, саводсиз қушнилари!..

Ёрибек игна устида ўтиргандай бесаранжом эди. Уятдан қиза-риб бузарбарди.

Навбатда турганлар қисқа тўқнашувдан воқиф бўлишгач, «пушт-пушт»лашга ҳожат ҳам қолмади. Улар «милисия ходими» билан орани бузиб қуйишдан қўрқишиб девор остига қисилишганча йул бушатиб туришарди.

— Гап бундоқ бупти! — деди Тошқувват қаноатланиб ва «паспорт столи» деган ёрлиқ ёпиштирилган эшикка шитоб етиб келди.

Тошқувват Ёрибекнинг қулидан тортқилаганича узини ичкарига урди. Ва ортидан эшикни зичлаб ёпди.

Турдаги столда хўппасемиз аёл ўтирарди.

— Битта-битта кирилсин! — деди у уз тилида.

— Кечирасиз, ўртоқ майор, мен мана бу укамни олиб келдим. Ўзимга ҳеч нарса керакмас, сизни безовта қилмайман...

— Қани домовой? — деди аёл миқти қулини олдинга чўзиб.

Тошқувват Ёрибекнинг қулидан дарров сумкани олиб, ундан ҳужжатларни чиқарди.

— Мана, марҳамат қилсинлар, буниям, уй эгасиниям аризаси ана шу дафтарнинг ичида.

— ЖЭКдан справка борми?

— Ҳа-да, бор-да! Керак бўлар, қийналиб юрмайлик дея ЖЭКдан дейсизми, БТИдан дейсизми — справка олиб келганмиз.

— Иш жойидан-чи?

Тошқувват тараддудланди. Нима деярини билмай сукут сақлади, бироқ, бу сукутни салгина чўзса, барча ҳужжатларнинг қулига қайтарилиб берилишини ўз вақтида пайқаб, сумкадан қоғоз халта чиқариб, стол устига қўйди.

Аёлнинг кўзлари чақчайди:

— Нима бу?

— Арзимаган... шампан... яхшисидан, тозасидан...

Аёл узини жуда-жуда ҳақиқатпарвар, покиза деб биларди, шунинг учун бу ҳол шаънимни таҳқирламасмикин деган уйга борди. Шундаям:

— Нима, нима-а? — дейишдан булакка тили айланмади.

— Тш-ш!.. — Тошқувват шухлик билан бош бармогини лабига босди. — Яқинда Францияда бўлгандим. Қайтишда беш-олтита шампан келтиргандим. Сизнинг олдингизга кирарман, деган уйда бир жуфтими, бир жуфтгинасини олиб қуювдим.

— Оҳ-ҳо! Францияда ҳам бўлганмисиз? — аёл бу киришимли ҳамсухбат маъқул тушди шекилли, ҳалиги саволи ёдидан кутарилди. — Ёқдими Франция?

— Ёққанда қандай! — хитоб қилди Тошқувват. — Париж!.. Бульварлар, ресторанлар... Бир куни бафуржа вақт топсам эди, хузуригизга келиб, хотираларимни айтиб берардим...

— Майлингиз... — аёлнинг кепчикдай юзига кулгу ёйилди. — Франция ҳақида у ёққа бориб келган кишининг хотираларини тинглаш, албатта, кунгилли бўлса керак.

— Америкада шамоллаб қолганим учун сафар ҳам унчалик татимовди. Жентельменлар, сеньорлар, сеньориналар олдида ҳадеб бурун қоқавериш кишини анчайин хижолатга солиб қуяркан.

— Ҳали Америкада ҳам бўлганман денг? — аёлнинг юз кузларида энди ҳайрат ифодалари балқиди.

— Хизматчилик-да! — камтарона бош эгди Тошқувват.

— Хизматлари қаерда? — беихтиёр савол ташлади Майорой.

— Бу — ҳозирча сир?! — Тошқувват маъноли куз қисди. — Кейинчалик, насиб этса билиб оласиз.

Аёл аллақачон билиб олдим дегандай маъноли илжайди.

— Яқинда Германияга боришим керак, бу укамдан кунглим тинчиб кетади деб ўзим етаклаб келавердим, узр, энди.

— Яхши қипсиз, — деди Майорой паспортга муҳр босиб, қул қуяркан. — Яхши бориб келинг!..

У ҳатто эшиккача кузатиб қуймоқчи эди, Тошқувват урнидан қўзғалгани куймади. Елкасидан майингина босиб, ҳатто ёноғидан упиб ҳам куйди.

Ташқарига чиқишгач, Тошқувват яна овозини аввалгидек баралла куйиб, узига-узи йул очиб борди: «Пў-ушт, пў-ушт!..»

— Дунё азалдан катта-кичик ёлгонларга қурилган, — деди Тошқувват бу ерни тамоман тарк этиб, катта кучага чиқишгач. — Мана, иккитагина кичкина ёлгонни қўлловдикки, ишимиз хамирдан қил суғургандек осонгина битди-куйди.

Улар сой буйидаги ошхонага тушишди. Салқин, хушманзара жой. Соининг унчалик тиниқ бўлмаган суви шошқалоқлик билан қайларгадир ошиқади, ҳар замон-ҳар замонда купуриб-тошади, узини метин қирғоқларга уриб, иложсиз чекинади. Шунча куч, шунча шиддат тор ўзанда тўлғона-тўлғона бадар кетади.

Ошхона шинам. Юсак аргувонлар соя ташлаб турар, лекин, ўтириш учун жой йўқ эди, кимдир чойнак, кимдир пиёла қидирган, устига устак лағмонгаям, сомсагаям очират катта эди.

— Овқати яхши-и! — Тошқувват навбатга тураркан, тамшаниб куйди. — Шунинг учун одамлар шаҳарнинг турли бурчакларидан бу ёққа келишади.

Ёрибек утирганларга разм солди, ҳар тоифа одам бор эди. Ёш-ёш йигитчалар жононлари билан хиринглашиб, шакарғуфторлик

қилиб ўтиришар, айна дамда нима еб, нима ичаётганликларининг ҳам фарқига унчалик боришмасди.

Ёрибекнинг кузига бир киши айрича қуринди. Унинг сочлари жингала-жингала, унча-мунча оқ ҳам тушган, калтабақай, бугдойранг эди. Олдидагини биров тортиб оладигандек шошиб-пишиб чой ичарди. Ёрибек уни қаерда кўрган эканман, деб уйланди, қанчалик уринмасин, эслолмади.

— Анави ким бўлдийкин? — деди ниҳоят уни куз қири билан Тошқувватга қурсатиб.

— Мен ҳам қаердадир кургандайман, — тиржайди Тошқувват, кейин қушиб қуйди. — Ҳаммаям уни қаердадир курганде-ку, лекин ҳеч эслолмайди.

— У — шоир! — суҳбатга қушилди уларнинг ортига келиб турган талабанамо йигит, овозига сирли тус бериб.

— Булди-булди! — Ёрибекнинг чеҳраси ёришиб кетди. — Ахир, бу Ота Суннат-ку!

— Ота-а Суннат? — чучиб тушгандек бўлди Тошқувват. — Наҳотки?!

— Тўғри айтяптилар, — талабанамо йигит, чамаси, узи курган билган нарсасини кимларгадир тезроқ айтгиси келар, унар-унмасга сўз қушишдан асти узини тиёлмасди. — Шойирлардан Ота Суннатгина шу ерга келиб овқатланади.

— Уҳ-ху! — Тошқувват қошларини кериб, лабини чуччайтириб, тантанали равишда эълон қилди. — Бу тарихий ошхона экан-да!

— Ошхона-ку тарихий, — йигит энди узини эски танишлардай тута бошлаб, эмин-эркин сузлади. — Ота Суннатнинг адабиёт ҳақидаги нутқини эшитгансизлар-а.

— Йу-уқ...

— Уям тарихий...

— Тарихдан ҳам ургилдим...

— Қани, қани, эшитайлик, нима деган экан.

— Биз — ҳақиқий шоир-ёзувчилар, образ-побразини билмай-миз, туппадан-туғри ёзаверамиз...

— Ҳа-ҳа-ҳа...

— Қойи-ил!..

— Сиз уни қаердадир кургандайман дедингиз, бирор нарсасини уқиганмисиз? — қизиқсинди йигит, Ёрибекка қараб.

— Билмади-им... Ёдимда қолмаган.

Йигит афсуслангандай бош чайқади:

— Уқимагансиз-да!.. Уқиганингизда албатта ёдингизда қоларди.

— О-ҳо! — Тошқувват яна қошларини кериб, лабини чуччайтирди.

— Рост айтяпман, — гапини тасдиқлашга шоша-пиша киришди йигит. — Мана, узимга келсак, унинг «Олтин балиқча» деган достонини бир уқигандим, ҳамон унутмайман.

— Зур экан-да!

— Достон уч қисмдан иборат, — талабанамо йигит Тошқувватнинг сузини бўлиб, фикрини давом эттирди. У ҳам бир суз бошладими, охиригача етказмаса қуймайдиганлардан экан. — Биринчи қисм, яъни дебочада балиқчининг уйидан чиққани ва сув буйига боргани тасвирланади.

— Латтачайнар, — Тошқувват бу сузни Ота Суннатга нисбатан қулладими, йигитчага қарата айтдими — номаълум.

— Иккинчи бўлимда унинг турига олтин балиқча илинади, — йигит ҳам Тошқувватнинг сузи кимга қарата айтилганини билол-

май қолганидан, уни узидан соқит қилиб гапираверди. — Эй, балиқчи, тила тилагингни, бажо келтираман, дейди у...

— Пушкиннинг узи-ку!

— Йук, йук, шошмангизлар, ошиқмангизлар. Пушкин эмас. Хулоса муҳим. Сўнги булим узини оқлаган, бу Пушкиннинг етти ухлаб тушига ҳам кирмасди...

— Қани-қани...

— Бу ердаги чол Пушкиннинг исқирт чолига ухшамайди. Бу чол олтин балиқчанинг сўзидан хафа бўлади. Совет ҳоқимияти мени ҳар жиҳатдан тула-туқис таъминлаб қуйибди, сенинг марҳаматингга муштоқмасман, дейди...

— Ва-ҳа-ҳа!..

— Қойи-ил!..

— Тугайдими?

— Йук, айтяпман-ку, чолнинг бағри кенг, раҳмдил. Замонавий. У олтин балиқчани бизнинг сойларда яна қармоққа илингу-дек бўлсанг бу сўзни такрорламайсан, деган шарт билан қуйиб юборади...

— Ҳа-ҳа-ҳа...

— Қойи-ил!..

— Тамомми?

— Йук-йук, — шу чоққача жиддий тарзда гапираётган талабанамо йигитнинг ҳам лабларига кулги ёйилди. — Яна нишонга теккан бир жойи бор. Олтин балиқча чаппор уриб сойга шунғиркан, мени озод қилган компартияга минг раҳмат, дейди.

Тошқувват билан Ёрибеккина эмас, навбатда туришган бошқа одамлар ҳам қаҳ-қаҳлаб кулишди. Бу билан уларнинг хуп бинойликларини, узгаларнинг гап-сўзларини ҳеч тортинмай эшита-веришларини намоёиш этишди.

Навбат етди. Овқат олиб, утиргани жой излаб кетишди. Ёрибек зимдан Ота Суннатга назар ташлади, у шаррос тер қуйилаётган пешонасини, буйнини дам-бадам даструмол билан артиб, ҳамон хуриллатиб чой ичар, нафси ором олаётганидан юз-кўзларидан шоён мамнун ифодалар барқ урарди. У бу хузур-ҳаловатнинг лаззатини сўнги имконга қадар тортгиси келар, жуда хотиржам, бемалол утирарди.

Ёрибек унинг бу ҳолати узига келиб олиш учун қилинаётган ҳаракат эканлигини билмасди. Нега деганда, уша куни Ҳиндистонга жунаб кетаётган Бош котиб туфайли анча-мунча азиятлар чекиб, уйига ярим тунда етиб борганида аёли эшикни очмай турган, қаердан келган бўлсанг уша ёққа бор, дея аюханнос солган, у эшикни тепа-тепа, бир амаллаб уйга кирганда жанжал айниқса авжига чиққан, иккаласи жиққамушт булишиб, бир-бирларига айтмаган сўзлари қолмаганди.

Ёрибек Ота Суннатдан кузини олиб қочди ва унга булак эйтибор бермай қўйди.

Улар овқатланиб уринларидан туришганда ҳам Ота Суннат чой ичиб утирарди. Йулда уларга талабанамо йигит етиб олди.

— Адабиёт улди акалар! — деди у дабдурустдан. — Ана шунақаларнинг қўлида қолиб кетди!

— Мумкинмас! — деди Тошқувват қатъий. — Бунақаларнинг қўлида ҳеч нарса қолгани йук. Бир чойнак чой, ярим коса лағмон қолган, холос. Узларини ўзлари алдаб юришаверади.

— Ҳар йили китоби чиқади-да!

— Ҳар ойда чиқмайдими, бунинг аҳамияти йук.

Талабанамо йигит кифт қисди. У яна нималардир демоқчи эди

шекилли, бироқ, Тошқувват бунга изн бермади. Шундан сўнггина хайр-хушлашиб уз йўлида кетишга мажбур бўлди.

...Саид Мавлавийнинг эғнида йул-йул халат, айвонда тимирскиланиб юрарди. Димогида «Замон-замон бизнинг замон...» дея, қайта-қайта бир жумлани хиргойи қилар, нималардандир боши осмонда эканлиги билиниб турарди.

— Саиджон, қалай энди, яхши ўтирибсизларми? — деди Тошқувват айвонга қадам қўйиб, у ён-бу ёнга саросар назар ташларкан.

— Дуруст, — хушламайгина жавоб қайтарди Саид Мавлавий, кайфиятию хиргойи қилаётган қушигига ҳеч-ҳеч мос келмайдиган бир оҳангда.

Ошхонадан Қимматхоннинг товуши келди:

— Адаси-юв, бу ёққа қаранг!!

— Ҳозир-ҳозир!.. — гарчанд айвон билан ошхонани битта эшик ажратиб турган бўлса-да, Саид Мавлавий шошиб, ҳовлиқиб қолди. Икки ҳатлашдаёқ ошхонада ҳозир бўлди.

— Бу исқотларни нима қилай? — шанғиллади Қимматхон тарелкаларни шарақ-шуруқ бир-бирига уриштирганча. — Яхшилаб ювишмабди ҳам!

Саид Мавлавийдан садо чиқмади. Модомики, Қимматхон «исқотларни» нима қилишни билмас экан, шубҳасиз, Саид Мавлавий ҳам билмайди. Сирасини айтганда, Қимматхон эрини муаммони ечиб бериш учун эмас, узининг зиммасида нечоғли қийин юмуш турганлигини курсатиб қўйиш учун чақирганди.

— Нима қилай? — қаттиқроқ шанғиллади Қимматхон ва тарелкаларнинг шақир-шуқур овози баландлашди. Бу савол икки-уч яна шу йусинда такрорланса, «исқотлар»ни нима қилиш кераклигининг ҳожати ҳам қолмайди, шекилли.

— Ҳм-м... — Саид Мавлавий бўлажак фожеани олдиндан сезгандек, унга дош беришга тайёргарлик кураётгандек, қунишиб, кўзларини пирпиратиб турди.

Хайрият...

Тошқувват ошхона эшиги оғзида пайдо бўлди.

— Қизил жумракни бурасангиз иссиқ сув келади, нима қилардингиз, яхшилаб ювиб қўйинг-да!

Ранги уча бошлаган Саид Мавлавий узига келгандай бўлди, аммо, тилига ҳеч нарса кўчмади. Муаммонинг айнан шу тарзда ҳал қилинишини аввалдан билгандек, Тошқувватга миннатдорона боқди.

— Овқат еган одам идишни тозалаб ювсин-да! — тунғиллади Қимматхон.

— Идиш-оёққа аёл киши қарагани тузук, у ошхонага узукка кўз қўйгандек ярашади! — Тошқувват Қимматхоннинг чиранишларини бир қақага ҳам олмади.

Фурсатдан фойдаланиб Саид Мавлавий айвонга чиқиб олди.

— Улсин! — овоз эшитилди ошхонадан.

Саид хиргойисини давом эттирди: «...қўлимизда еру осмон, имкон бизники...»

— Еру осмонни тутиб турган кучингга балли-е! — деб қўйди Тошқувват Ёрибекни имлаб, хонага кирайлик, дея ишора қиларкан.

Улар ҳали ечиниб ҳам улгуришмаганди, ташқаридан қандайдир шовқин-сурон эшитилди. Ғала-ғовур кучайиб, бора-бора маънили сўзларга айланди.

— Ҳо-ой, ким бо-ор? — деб чийиллаган овоз эшитилди.

— Ҳа, ҳа-а! Мана, биз бормиз! — жавоб қайтарди Саид Мавлавий уқтам товушда, бироқ унинг овозида қандайдир хавотир-тахлика сезилиб турарди.

— Биз денг-а! — батарроқ чийиллади овоз. — Мумкинми, «биз»нинг ким эканлигини билсак?

— Мен — Отажон ака ҳақида мақолалар ёзган санъатшунос Саид Мавлавий...

— Э, бўлди-бўлди, бас! — Саид Мавлавийнинг гапини қоқ белидан бўлиб ташлади овоз. — Отажон ҳақидаки ёзибсизми, яхши одамсиз!.. Мени танийсизми? — дабдурустдан сўраб қолди у.

Бундай кундаланг савол ҳар қандай яхши одамни ҳам эсанкиратиб қўйиши табиий эди. Саид Мавлавий каловланиб қолди:

— Билмади-им...

Бу «билмаслик» кутилмаган меҳмоннинг бошини кўкка етказди.

— Ана-а! — деб хитоб қилди. Сунгра: — Сизларни ким санъатшунос мухбирлар дейди! — дебон надоматга ўтди. — Мен Отажонга беш йил скрипкачилик қилганман-ку?!

Тошқувват Ёрибекка илкис нигоҳ ташлади. Унинг қарашида Отажонга беш йил скрипкачилик қилган шоввознинг афт-башарасини куришга чексиз қизиқиш ётарди.

— Чиқамизми? — бош ирғаб, ташқарига ишора қилди у.

Ёрибек кифт қисди:

— Ихтиёрингиз.

Тошқувват ўрнидан қўзғалди:

— Юринг-чи.

Улар чиқишганда, скрипкачи Саид Мавлавийни қаршисига тик турғизиб қўйиб, чийиллаганча алланималарни уқтирарди. Унинг кайфи борга ўхшарди. Гавдаси чиранишларининг акси уларок, кичкинагина, уч-тўрт яшар боланинг бошидай боши тинимсиз лиқиллар, шу бошдаги сочларнинг оқарганига киши ажабланмай иложи йўқ эди. У Ёрибек билан Тошқувватни кўриб, бир зум ҳайрон бўлиб турди. Кўзларини очиб-юмиб қаради. Салом-аликни ҳам бир чеккага йиғиштириб қўйиб, томдан тараша тушгандек:

— Бу ерда сизлар нима қилиб юрибсизлар? — деб чинқирди.

Икковининг ўрнига Саид Мавлавий жавоб берди:

— Булар ҳам шу ерда яшашади.

— А-а?! Ким узи булар, нега бу ерда яшашади? — У пешмапеш бераётган саволларига жавоб ҳам кутмай, ошиқиб-тошиқарди: — Менинг уйимни карвонсаройга айлантириб олганмисизлар дейман-а! Хабар олмаса шу экан-да! Қаланги-қасанги дайдиларга худо бериб қоларкан-да! Йўқ, бунақаси кетмайди. Бугуноқ, шу бугуноқ уйни бушатиб қўясизлар...

— Қани, бир кўришиб қўяйлик, — Тошқувват ўзини унинг гапларига мутлақо эътибор бермагандек кўрсатиб, скрипкачига қўлини узатди. Шу асно алланечук ғалати тиржайиб қўйди. Унинг тиржайиши остида ҳар қандай одамни эсанкиратадиган, довдира-тиб қўядиган нимарсалар ётардики, буни суз-ла тасвирлаш қийин. Оғайничалиш, ичу ташингни бир ағдариб қўрайлик-чи, сендан нималар чиқаркин, дегандай бўларди бу тиржайиш.

Скрипкачи скрипкадан булак ишга ярамайдигандек кўринган кичкинагина қўлини Тошқувват томон қўзганини узи ҳам билмай қолди.

— У-ху! — хитоб қилди у бир куришдаёқ одамларнинг касбу корини ҳам билиб оладигандек. — Бу ерда фақат мухбирлар яшаяптими дейман!..

Тошқувват парво қилмади.

— Бу йигит — шойир! — деди Ёрибек томонга ишора қиларкан, скрипкачининг хатосини тузатиб.

Скрипкачи Ёрибекка бир кўр назар ташлади: таассуротининг ифодаси башарасида сезилмади.

— Узларидан сурасак? — деб Тошқувват мурожаат қилди.

— Э, ёзиш-чизиш қаёқдаю биз қайда? — деди Тошқувват, кўзлари йилтираб.

— Йўқса, сиз ҳам мендай скрипкачимисиз?

— Йўғ-э! — Тошқувват чучиб тушди. — Ҳали-ҳозирча бекорчикужа бир одамман...

— Ҳамма гап бекорчикужалардан чиқади-да! — деди тантанали суратда скрипкачи ҳеч тап тортмай. — Сирасини айтганда, ҳамкасб эканмиз? — мен ҳам шунақаларданман. Скрипкачилигимни айтяпсизми? Э, собиқ деяверинг. Беш йилдирки, қўлимга бу матоҳни ушлаган бўлсам улай агар! Касбу коримиз жуда-жуда ўхшаш экан, танишиб олсак буларди... Менинг исмим Асад, Асаджон...

— Тошқувват.

— Зур-ку!

Тошқувват унинг бу хитобига эътибор бермади. Чехрасида ҳеч қандай ўзгариш сезилмади.

— Сизлар менинг меҳмонимсизлар, — чийиллади Асад. — Шундай экан, учрашганимиз, танишганимиз учун қиттай-қиттай қиламиз...

Тошқувватнинг юзи ёришди. Саид Мавлавий нима қиларини, нима деярини билмай каловланиб қолганди. Унинг асабийлашаётгани ошкор кўриниб турарди. Асад бу уйнинг қайси бурчагида нима борлигини ипидан-игнасиғача биладигандек, шитоб ошхонага кириб кетди ва у ерда захрини сочишга тайёр турган Қимматхонга туқнаш келгач, дарров қайтиб чиқди. Асад лом-мим демасдан кўлтигидан шиша чиқарди ва Саид Мавлавийга «Пиёла берасизми?» дегандай қаради.

Саид Мавлавий пиёла келтирди.

Улар ароқни тик турганча, газаксиз ичишди.

— Шундай-шундай бўлиб тургани яхши-и! — чийиллади Асад. — Эсда қолади-да! Бунинг завқи-шавқи булакча-да! Сизлар билмайсизлар... бу уйда бунақа шишаларнинг неча-нечаси бўшаган! Э-хе... Бу сочлар беҳуда оқармаган. Ҳа-а... Туриб ҳам ичардик, ётиб ҳам ичардик, доира чалиб ичардик, скрипка чалиб ичардик, ҳар замон-ҳар замонда, шундай бир йўли тушганда, кўнгли тусанганда келиб турадиган ҳужайиннинг кўнглини олаолсак бўлди эди.

Асад тусатдан жимиди.

— Сиз албатта, ҳужайин ҳақида эшитган чиқарсиз? — деб сўраб қолди Тошқувватдан.

— Ким у? — бепарво оҳангда сўради Тошқувват.

— Э, ундай деманг, ундай деманг! Ёши Узоқ аканинг кимлигини ҳали ҳеч ким сўрагани йўқ. Ҳа, ҳали ҳеч ким ботиниб, хоҳ олдида, хоҳ ортида унинг кимлигини сориштиролмайти, кимлигини кўрсатиб қўйса, кимлигини сўраганнинг ҳолига вой...

Тошқувват сапчиб туриб кетди, лекин қандайдир ҳаёлда:

— Ҳа-а, Ёши Узоқ аками? — деб қўйди, худди биладигандек. Лекин, кўзлари бесаранжом, ранги-кути учиб кетганди.

Асаднинг тили ечилиб борарди:

— Ёши Узоқ акам қанчалик катта одам бўлмасинлар, баъзи-

баъзида Отажоннинг кўшиқларидан эшитиб ҳам турардилар. Кўп гапирмасдилар. Эшитиб-эшитиб «Буниси бўлади, буниси халту-ра», деб кўярдилар... Баъзи-баъзида битта-яримта катта ёки чет эллик оғайнилари билан келиб қолардилар: ана ўшанда базми жамшидни кўринг. Раққосаларнинг ҳамма ансамбллари шу ерда репитисна утказадими-ей, деб ўйлардингиз.

Сирасини айтганда, Асад оғзи бушлиги учун скрипкачиликдан ҳайдалган, панд еявериб; панд еявериб озурда бўлиб қолганди. Ҳозир «юзта»нинг кучи билан кўпчиликнинг авра-астарини ағдариб юборишига ози қолди.

— Ёши Узоқ ака анчадан буён кўринмадиларми? — усмоқчилади Тошқувват.

— Икки йилдирки, биз ҳам йўлларига кўз тикамиз, зора шу ердан ўтиб қолсалар, зора бизнинг кўчадаям байрам бўлса дей-миз. Йўқ-йўқ, бошқа машиналар утади, катта-катта одамлар салом бериб илтифот кўрсатишади, лекин ҳечки, у кишининг «Чайка»лари кўринса... Икки йил бўлди, икки йил бўлди.

— Балки бошқа машинада юргандирлар?

— Йўқ-йўқ, — кескин рад қилди Асад. — У киши «Чайка»дан булак машинада юрмайдилар, «Чайка»дан бўлагини тан олмайди-лар.

Тошқувват қандайдир бошқача кайфиятга тушиб қолди: энди у Асаднинг ғналарини диққат билан тинглар, бирор сўзниям қўлогининг ёнидан ўтказиб юбормасликка уринади.

У, бахти қаро Мирсолмон Мирқориевич Менделеев жадвалига киритмоқчи бўлган, Қоратош каби ўнлаб кишиларни узига бўйсиндирган «Ё.У»нинг маъносини энди англаб етган эди.

Бу Ёрибекка ҳам аён бўлганди.

Шунинг учун бўлса керак, Асад сўзлаётганда, худди бизга тааллуқлиси ҳам чиқиб қолармикин, дегандай тез-тез бир-бирлари билан кўз уриштириб қўйишарди.

Ҳеч қандай шубҳа-ғумон қолмаганди.

Уша! Ушанинг ўзгинаси!

Демак, бу ўй ҳам... унинг йўл-йўлакай кўнгилочар жойлари-дан бири бўлган-у, кейин-кейин унга кўшиқлар айтиб бериб турувчи Отажон билан келиб-кетувчи қаланги-қасанги мусиқачилар, ўйинчилар астойдил маскан қуриб олишган.

Тошқувват ўйланиб қолди: энди у «Ё.У» — яъни, ҳозир билиб олгани Ёши Узоқни кўришдан умидини узсаям бўлаверади. Бола-бек Отажонга мактуб бериб юбораркан, бу ерда Ёши Узоқнинг бўлмаслигини албатта, билган.

— «Волга»ям зўр машина! — дея мингирлади Саид Мавлавий, шу тариқа Ёши Узоқ каби бузрукворлар яккаш «Чайка»да эмас, «Волга»да юриши ҳам мумкинлигига писанда қилганди.

Асад бу гапни эшитмасликка олди. У негадир кўзларини ола-кула қилганча Ёрибек томонга ўгирилди. Юзида беписанд ифода-лар ўйнади, Ёрибекнинг қўлоғи остига шивирлади:

— Бу ўйда нечталарнинг боши кетган!

Ёрибек сесканиб тушди.

— Каратэ, каратэ-до усулларидан хабардормисиз? — сўраб қолди Асад шивирлашда давом этиб.

— Йў-ўқ...

— Афсус... Ҳа, айтганча, — Асаднинг туйқусдан кўзлари чарақлаб кетди. — Истайсизми, ҳозироқ сизга шу усулларни ўргатсам.

Бироқ, катта ниятдаги Асад Ёрибекнинг жавобини эшитишга

ҳам улгурмади. Куча эшиги тақиллаб, ҳаммининг фикрини бўлиб юборди. Саид Мавлавий эшик томон юрмоқчи бўлганди, Асад қўлочини ёзиб, уни тўхтатди:

— Э, шошманг, биродари азиз, ўзим кўрай-чи, ўзим! — деб гап оҳангидан ўйининг эгаси ўзи эканлигини эслатиб-билдириб, эшик томонга юра бошлади. Саид Мавлавий унга эргашишни ҳам, эргашмасликни ҳам билолмай, серрайиб қолди.

Асад эшикни очди. Ташқарида жинси шим-кастумдаги, елка-ларига катта-катта сумкаларни осиб олишган йигирма беш-уттиз ёшлардаги уч йигит туришарди. Улар бошдан-оёқ бир хил кийи-нишган, устига-устак, юз ифодалари, туришлари, ҳатто ингичка мўйловларигача бир-бирларидан унчалик фарқ қилмас, чамаси, бир ниятдаги кишилар эди. Асад беписандлик билан уларга бош-дан оёқ бир бир қараб чиқди. Улар ҳам, майли, пича томоша қилиб, курмаган бўлса қуриб олсин дегандек, салом-алиқниям унутиб, миқ этмай туриб беришди.

— Нима керак? — суради Асад дағдаға аралаш.

— Саидқул... ҳаминжа истиқомад мекунад? — қошлариниям савол аломатидек юқорига керганча, уртадаги йигит бир одим олдинга чиқиб, суради.

— Нима-а?

Йигит саволни такрорлади.

— Ғужуллашингга қараганда Саид Мавлавийни сураяпсан чоғи, жиян, — деди Асад сал-пал мулоийим тортиб.

— Ҳо-о, Мавлавийхон, Мавлавийхон! — унг томондаги Асад гапидан таниш исмни тутиб олиб, қидириб юрган одамлари шу эканлигини билдириб қўймоқчи бўлгандек тез-тез калласини қимирлата бошлади.

Сул ёкдаги бўлса... Асаднинг ортидан келиб, нуқул ташқарига мўралаётган Саид Мавлавийнинг калласини қуриб қолди. Қувон-ганидан иргишлай кетди.

— Вай, вай! — деб чинқирди қўлини олдинга чўзганча. — Саидқула ман дидам.

Сунгра Асадга ҳам қараб утирмай узини ичкарига урди. Қолган ошналари ҳам таклиф-мулозаматни кутиб утиришмади.

Чамаси, Саид Мавлавийни кўрганларидан сўнг қаршиларида Асаднинг турганини ҳам эсларидан чиқариб юборишди. Ичкарида гала-говур бошланиб қолди: Саид Мавлавийнинг ошналари чуғурлашиб, уни ҳар томондан қучоқлашишар, упишар, ваҳима кўтаришарди.

— Во-ой, баччағарлар-ей! — деди Асад бош силкиб, сунгра узиям ичкарига кириб борди.

Меҳмонлардан бири дарров Саид Мавлавийдан хонасининг қаердалигини сўраб олди ва икковлашиб сумкаларни жойлаб чиқишди. Маълум бўлишича, улар Афғонистондан келишаётган экан. Уша ерда тилмочлик қилишибди, урисчаниям балодай били-шаркан. Буёққа ҳаммалари биттадан «Волга» олгани келишибди. Улар таклиф-такаллуф кутиб утирмай, айвондаги стол атрофига жойлашибди ва бошқаларни ҳам таклиф этишди:

— Шинит охи!

Асад Ёрибекни туртди:

— Нима деяпти?

Ёрибек кифт қисди, сўнг тахминини айтди:

— Утиринглар деяпти, шекилли.

— Э-э... Сурбет-э!

Ярим соатлардан кейин айвон тамаки тутунига тулиб кетган

ди. Улар шишаларни пешма-пеш бушатишар, Асад магазинга бориб келишдан чарчамасди.

— Вой-бу, булар тилла йигитлар экан-ку! — дерди меҳри ийиб кетганча. — Ичишларини қаранглар! Жа-а бизга улфат буладиганлар экан-ку! Афғонни кўриб келишган: эркак-да эркак!

Саид Мавлавийнинг қорни шишиб, пишиллаб қолган, калласини солинкаратиби утирарди. Тошқувват ҳамма нарсага сергак боқар, тиржайган кўйи сигарет тутатганча булаётган воқеаларни кузатаётганга ўхшарди.

Ахийри, Асаднинг пули тугади. У ёғини кавлади, бу ёғини кавлади — ҳеч вақо тополмади.

— Ту мардак буд! — деди улардан бири ва Асаднинг елкасига бошини куйганча хунг-хунг йиглашга тушди.

Асад бу йигининг сабабини билолмай Саид Мавлавийга қаради:

— Нима деяпти?

— Эркак экансиз деяпти, — гўлдиради Саид Мавлавий, шундан сунг боши янада пастроққа тушиб кетди.

Асад йигининг сабабини барибир билолмай қолган булса-да, бу жавобдан қаноат ҳосил қилди.

— Одам катта ашулачи буладими, скрипкачи буладими, онадан бир марта туглади, — дея донолашди у. — Шундай экан, мард булиш керак!

Энди у мардлигини намойиш этиш учун ўрнидан туриб, ҳамма чунтақларини ағдариб қаради: бир тийин ҳам тополмади.

Елкасига бошини куйиб йиглаётганга угирилиб, бармоқларини бир-бирига ишқаб, пулдан чиқар, меники тугабди, деган ишорани қилди.

Меҳмон илкис хушёр тортди:

— Манба ягон тин нест-ку? — деди.

Асад Саид Мавлавийни туртди:

— Нима деяпти?

— Бир тийин ҳам йўқ деяпти.

— Нима-а? — кекирдагини чўзди Асад. — Мен буларни уйимга куйиб, уч юз сўмимни совуриб юборайин-у, ярамаслар шундай яримта ароққа лойиқ куришмаса-я? Пул йўқ эмиш-а! «Волга» оламан деб турган одамларда яримта ароққа пул топилмасмиш! Йўқ! Менинг номимни Асад дейдилар. Уйнатиб бупсанлар!

У кафтига туфлаб, ўрнидан турди, очиқ жойга чикди:

— Буёққа чиқ олифта! — йиглаб-йиглаб кунглини купроқ ийитиб юборган йигитга қичқирди у. — Каратэ, каратэ-до... Учириб юбораман! Ия, ия! — Асад телбавор қичқириб, сакраб-сакраб қуяр, гоҳ умбалоқ ошиб йиқилар, кайфининг тароқлиги ноёб санъатини намойиш этишга изн бермасди.

Йигитларнинг учаласиям ўринларидан туришди. Асад узини ҳар мақомга солиб, гоҳ у ёни билан, гоҳ бу ёни билан уларнинг қаршисидан чиқиб, моҳир каратэчи эканлигини кўрсатиб қуймоқчи, сал-пал имкон туғилиши биланоқ уларнинг учаласиям ер билан яқсон қилмоқчи эди. Лекин, меҳмонлар унга умуман эътибор беришмади. Улар бурчақда турган пианинонинг олдига боришди: уни ҳар томондан томоша қила бошлашди. Уқтин-уқтин Отажон келиб бу пианинода машқ қилиб турарди.

9

Ёрибек каттакон бир газетга корректорликка ишга кирди. Буям Тошқувватнинг ҳаракати, гайрат-шижоати билан

булди. Қаёқдандир таниш-билиш топди, кимларнидир уртага қуйди.

Тасодифни қарангки, илгари бир-икки тилга олганимиз — Ота Суннат ҳам шу ерда ишларкан. У гоят сертавозе, ҳаммининг, айниқса, янги келганларнинг кунглини олишга астойдил уринаркан. Янги келганлардан битта-яримтаси кейинчалик катта давлат арбобими, сиёсий раҳнамоми бўлиб кетишини ўйлаб, узи ҳақида яхши хотира қолишини жуда-жуда истаркан.

Бир гал у бир даста қоғоз кутариб келди. Янги шеърлар ёзган экан. Ёрибекнинг эшитиш хоҳиши борми-йўқми эканлигини суриштириб ўтирмай, бир чеккадан ўқий кетди. Шеърларнинг бирортасиям Ёрибекка ёқмади. Фикрини айта бошлаганди, Ота Суннат шоша-пиша:

— Майли майли, ука, ҳамма фикрларингизга қушиламин. Ҳали буларни қайта ишлаш ниятимиз бор, — деб, эшитишдан узини олиб қочди. Ёрибек билдики, бу одам узини-узи ҳеч қачон хафа қилмайди, бундан ҳатто кўрқиб юради: қандай йўл билан булмасин, кунглига таскин-тасалли беришга имкон топади. Унинг «Яна икки йил чидасам, кейин пенсага чиқиб кетардим», деган гапига қараганда, ёши эллик саккизда.

Бир куни у корректорлар хонасига кириб, жудаям катта ишни дўндиргандек, тамшана туриб деди:

— Қодирийни ўқидим, эй, бу ҳақиқатан ҳам, катта ёзувчи экан-да, вой-бу!

Ёрибек ҳайрон булди:

— Илгари ўқимаганмисиз?

— Уқигандик, ука, уқигандик. Ёшлик қилиб унча мағзига етмай ўқиганмиз-да! Вой-бу, э, жуда катта ёзувчи экан!

Унинг бу эътирофини бошқалар ҳам эшитишган экан, қайта-қайта «Кимни ўқидингиз?» деб сураб кулишди. Майна қилаётганларнинг купчилиги эса Қодирийдан бир сатр ҳам ўқишмагани шундоққина кўриниб турарди...

Ота Суннат Ёрибекнинг ҳеч қандай синов-пиновсиз, келган заҳотиёқ ишга олингани туфайлидан ҳам, узини унга жуда яқин кўрсатишни истарди, шекилли.

— Сизнинг у ёқда одамнингиз бор-а! — деб қолди у бир куни «ҳи-ҳи»лаб.

Ёрибек кифт қисди:

— Қаёқда?

— Юқорида-да!

— Қанақа юқорида?

— Об-бо! Узингизни гўлликка солманг-да, иним! Биламиз, биламиз, ҳо-ов тепада одамларингиз бўлиши керак!

— Йўғ-э!

— Ана, кўзингиз айтиб турипти.

Ёрибек индамади. Уйга қайтгач, бу гапларни кула-кула Тошқувватга айтиб берди. Тошқувват эса кулиш ўрнига жиддий тортди, сунгра Ёрибекдан жудаям ҳафсаласи пир булгандай, қўл силтаб пайдар-пай сузлай кетди, э, мен сизни туппа-тузук, ақли-хуши жойида йигит десам, тозаям бўш-баёв экансиз-ку, одам деган ҳам шунақа буладими, шунақаям буладими, ахир, қўлай фурсатни бой бериб ўтирадим, ким билсин, бундай фурсат ё қайтиб келар, ё қайтиб келмас, яна оғзингизни ланг очиб қарайсиз-а, ҳайрон бўласиз-а, сўрайсиз-а, ахир, Ота Суннатнинг гумонини камсуқумлик билан, гўёки ҳеч нарса билмагандай, узингизни ҳеч нарсадан хабари йўқдай кўрсатиб, секингина тасдиқлаб

қўймайсизми, э, ука, ёшсиз-да, ёшсиз, жиндаккина имо-ишора ёки писанда билан обрў-этиробингиз қўтарилиб, бўлим мудирини булиб кетардингиз, бу гаплар Ота Суннатнинг олдида қўлиб кетармиди, уша куниёқ муҳаррирнинг қулогига етарди, муҳаррир типирчилаб қолиб... э, ука-я!

Тошқувват шафдан яшириб қўйган ароғини оларкан:

— Ичамиз! — деди.

Ёрибек кейинги вақтларда бир нарсани — ҳамроҳининг фақат «ичамиз» дегандагина қиёфаси биров майинлашиб, кузларига қандайдир ички нур балқиб чиқишини пайқаб қолди. Қолган вақтларда бўлса... у узининг ёвуз ақли билан ҳамма нарсанинг авра-астарини ағдариб қураётгандек бир қиёфада юрар, одамлар на ташқи қуринишлари, на ниқобланишлари билан уни алдай олишарди. У ҳамма нарсанинг моҳиятини билиб турарди.

Тошқувват ошхонага чиқиб, кичкина тарелкада шур бодринг келтирди. Улар полга тушалган қурпача устига утирдилар.

— Олин! — Тошқувват бир кўзини қисиб қўйди-да, Ёрибекка қараб ҳам ўтирмай пиёлани бўшатди.

Яна бир-икки пиёладан сўнг, Тошқувватнинг кўнгли бузилиб, дунёнинг ўткинчилигию умрнинг бебақоликлари ҳақида бир қараганда киройи эшитса арзигулик, аммо, аслида сафсатабозликнинг узгинаси бўлмиш нутқи бошланди. У уз нутқида гоҳ Хайём томон от сурар, гоҳ мавзунини Наполеон томон буриб юборарди.

Туйқусдан унинг кузларига нам инди:

— Бу дунёда мени тушунадиган ёлғизгина бир киши бор! — дебон надоматга ўтди. — Ҳа-а, фақат бир киши!

«Ким экан?» деб сўрашга Ёрибекнинг юраги бетламади. Нафсиламрини айтганда, бундай саволнинг ҳожати ҳам йўқ экан.

— Онагинам... — ўзига хос булмаган синиқ товушда шивирлади Тошқувват ва аввал Ёрибекнинг, сўнгра узининг пиёласига ароқ қўйди:

— Олсинла-ар!

— Онангиз ҳозир қаердалар? — суради Ёрибек, борган сари унинг Тошқувватга ичи ачишмоқда эди.

— Билмадим... — Тошқувват кифт қисди. — Укаларнинг бирор-тасиникида юргандир...

— Кургани бормайсизми?

Тошқувватнинг ҳуши бошидан учгудай булди:

— О, йуқ!

— Нега?

— Дардларини янгилаб нима қиламан?

— Ахир сизни қуриб...

— Бўлди-бўлди! Мен дафтарда ёзмаган гапларниям сизга айтиб беришим керакми ё? Қишлоққа қайтиб борсам, қариндош-ўғларим, укаларим номусдан бошларини кўтаролмай қолишади — чеккада юрганам маъқул. Қуришмайдиам, қуйишмайдиам! Отам менга нисбатан қаҳри қаттиқлик қилди — ахир, мен одам ўлдирмадим, у лаънати дориларни уйлаб толган ҳам мен эмас, фақат тирикчилик учун ҳаракат қилдим холос. Барибир, қандай одамга айланмайин онагинам мени англаб олаверадилар...

Тошқувват тусатдан тўхтаб, тин олди. Унинг юзи бўғриқиб, шишиб кетганга ўхшар, кузлари бўлса... қип-қизариб, алланечук хавотир-ла боқарди.

— Ёки нотўғрими? — деб суради у хўмрайиб.

— Йуқ... Тўғри.

Тошқувват жимиб кетди. Чамаси, хаёлларга берилди.

Ёрибекнинг бошқа ичгиси келмади, силласи қуриб, кузлари ўз-ўзидан юмилиб кетаётганди.

— Чарчадим, Тошқувват ака, кириб ётай, — деди урнидан тураётиб.

— Бемалол, бемалол! — Тошқувват худди Ёрибекни зўрлаб олиб ўтиргандек хижолат чека бошлади. — Дамингизни олаверинг. Мен ҳам ҳозир кириб ухлайман.

Ёрибек урнидан турди.

...Хона эшиги одатдагидек сассиз очилди ва Ёрибекка таниш қиз кириб келди. Ёрибек алаҳсираяпман, алаҳсираяпман, мен уйғонишим керак, деб уйлар, унга сайин уни кўрқув босар, хонанинг турли бурчакларига саросар назар ташларди.

Ана-а, нарироқда Тошқувват қотиб ухляпти...

Ана-а, Отажондан қолган ашёлар ҳам жой-жойида...

Ана-а, деразадан оининг хирагина шуълалари хона ичига тўкилади...

Қиз дераза остида турган стулга келиб оҳиста утирди. Унинг ёноқлари ичига ботган, кўз остлари қорайиб қуринарди. Нозик қўлларини дераза рафига қўйиб утирар, бармоқларининг учи салпал титраётганини пайқаш мумкин эди.

У Ёрибекка хотиржамлик билан тикилиб туриб:

— Нега қўрқасиз? — дея тусатдан суради.

— Ме-е-ен?...

— Агар ўзим истаган тақдирда ҳам, мен бировга зиён-заҳмат етказиш имкониятига эга эмасман-ку...

— Наҳотки?

— Ҳа, мен жонсизман!

— Ҳаракатларингиз...

— Ҳаракат — нисбий. Мавжуд нарсаларнинг ҳаммасиям ҳаракатда бўлади...

— Си-из...

Қиз, Ёрибекнинг нима демоқчи бўлаётганини суз бошлаши-даёқ билиб олиб, шунга яраша суҳбатни давом эттирмакда эди.

— Ҳа-а, нима, сиз менинг мавжудлигимга шубҳаланасизми?

— Йу-уқ...

— Билиб турибман, билиб турибман... Сиз фақат менинг мавжудлигимни ҳис қилолмаяпсиз, холос...

— Ахи-ир...

— Чунки, сизнинг мавжудлик ҳақида уз тушунчангиз бор.

Қузингиз унгидаги нарсаларгагина ишонасиз, узингизни кундуз кунларгина уйғоқ деб ҳисоблаганингиздан бунга шубҳаям қилмайсиз...

— Ҳози-ир...

— Ҳозир, албатта, уйғоқсиз-да! Бу имконни рўҳингиз ўзи излаб топди... Соангиз бўлса, ана-а, усти очиклигича ухламоқда. Унга барибир, қор-ёмғирми, жазирамами — ухлайверади...

Дарвоқе, Ёрибек эшиқдан кираверишда, унғ томонда жойлашган, сиртига оқ сурп тушалган диванда утирарди. Бу диванда ухлаб, бир гал у обдан таъзини еган, эртаси куни аъзои бадани қичишавериб-қичишавериб, уни хунибийрон қилиб юборган, ҳадеб қашийверганидан бадани худди эшакем тошгандек буртқабуртқ қизил тошмаларга тулиб кетганди. Қуйлагининг ости-қу майли-я, ҳаттоки, қўлларини буйнигача, юзию пешонасигача бу тошмалар билар безанган, бировга, ҳаттоки, Тошқувватга қуринишга ҳам Ёрибек орланди. Унинг аҳволини қуриб Тошқувват қотиб-қотиб қулган, кула-кула:

— Бу — диваннинг иши! — деганди.
— Қанақа диваннинг иши? — хайрон бўлганди Ёрибек.
— Кеча сиз ухлаган диваннинг иши-да! Тахтаканалар бу юмшоқ уринни ишғол қилиб олган куринишади. Мен бир гал озгина ётиб сезиб қолганман, ҳатто, биттасини ушлаганман, узиям, лаънати, устига чарм қоплагандек, юришлари фашистнинг танкидек!

— Биларкансиз, нега индамайсиз?
— Эсда йўқ, шойир. Устига-устак анча-мунча отворибмиз... Шу-шу улар диваннинг устига оқ мато ёпиб қўйишганди. Мободо, тасодифан утирганда ҳам тахтакана чиқса кўринсин, деб. Ёрибек дивандан адабини егандан кейин нарироқ юрадиган бўлувди. Ҳозир... қандай утириб қолганини узиям сезмади, шекилли.

Қизнинг гапидан сўнг... у, ишониб-ишонқирамай ўзи ётган жойга — полга тушалган уринга қаради.

Қаради-ю... Донг қотиб қолди, не куз билан кўрсинки, устига ёпилган аёл оёқ томонига бадастур тахланган, тушақда... усти очиклигича унинг ўзи ухлаб ётарди!

Ҳа-ҳа, узининг ётиши! Бир оёғини йиғиб, бошини болишга буркаганча ухларди! Нафас олишигача яққол сезилиб турарди.

— Мен ухлаб ётибман-ку! — деб юборди Ёрибек ўзи ҳам сезмаган ҳолда.

Бу маҳал тажрибасиз бир тахтакана секин-секин силжиб келиб, қаеридан қақсам маза буларкин, дегандай, унинг ёнида туриб қолган эди.

— У — Сиз эмас! — тушунтирди қиз. — У сизнинг вужудингиз, соянгиз, холос!

— Наҳотки?
— Сиз ерга тушиб утиринг, — деди қиз. — Сизга қандайдир қурт яқинлашмоқда. Мен бундай қуртларни қаердадир кургандайман, — қиз хаёлга чўмди.

— У ҳолда... — Ёрибек чайналди.
— Йўқ! — деди қиз шартта.
— Сиз...
— Илгари булган. Аммо, мен ўз соямдан ажралганман...
— Қандай қилиб?
— Эсимда йўқ. Менинг соям йўқолган...
— Йўқолга-ан?
— Ҳа.
— Тушунмаяпман...
— Ана шундай тушунмаслик мени ҳам ҳамиша безовта қилиб келади...

Ёрибек бирдан ўйғониб кетди. Саросар теварак-атрофига назар ташлади. Қора терга ботган. Узича, касал-пасалга чалиндим-микан, дея кўркүв-ла уйлади.

Уйқуси тамом учди.

10

Пешайвонда утириб чой ичишарди.
Тошқувват қандайдир журналдан кўз узмаётгани учун қулидаги пиёла бушамай, узоқ вақт туриб қоларди. У баъзан бармоғининг учини лабига теккизиб — хўллаб, журнални varaқлаб қуярди.

Ёрибек Тошқувватга нимадир демоқчи бўлиб, эндигина оғиз жуфтлаётганди, кўча эшиги тақиллаб қолди. Улар бир-бирларига қарашди: эшик янада қаттикроқ тақиллай бошлади.

— Жонга тегди-ку! — Тошқувват асабий қўл силтади. — Узиям, карвонсарой бўп кетган экан-да!

— Яна ким бўлдийкан?

— Бирорта бекорчихўжадир-да...

Ёрибек урнидан қузғалаётди:

— Қарайми? — деб сўради.

Тошқувват қандайдир бошқа хаёлларга банд бўлиб кетганича:

— Қаранг-чи... — деди оҳиста...

Ёрибек уч-тўрт қадам юрганди, Тошқувват уни тухтатди:

— Отажонними, Мусаними — ишқилиб, бировини сураб келган бўлса, йўқ деб айтинг. Анави муҳбирни сурасаям ичкарига йўлатманг, тунов куни унинг афгон ошналарининг одамгарчилигини кўрдингиз — скрипкачини қон қақшатиб кетишди.

— Хўп!..

Ёрибек илгакни пастга туширганида эшик ўз-ўзидан очилиб кетди ва остонада пайдо бўлган йигирма ёшлардаги, қош-кўзи ҳар хил бўёқлар билан обдан бўялган, урта бўйли бир қиз торти-ниб-негиб утирмай ичкарига қадам ташлади. Шу асно, ўз уйида бегона одамни учратиб қолганидан ниҳоятда ажабланаётгандек Ёрибекни бошдан-оёқ кўздан кечира бошлади. Бу тарзи билан бояқиш қаҳрамонимизни бироз хижолатга ҳам солиб қўйди.

— Ву-уй, Сиз кимсиз? — деди қиз ниҳоят, худди қурқиб кетгандек.

Ёрибек унинг диркиллаб турган кўкракларига, калта кўйлагига қарамасликка уриниб, хаёли чалғиб турган чокда, қиздан «кимсиз?» деб сўраши лозим бўлган бир фурсатда бундай саволнинг берилиши уни бутунлай доводиратиб қўйди.

Ахийри, тили базур айланиб:

— Ме-ен... шу ерда тураман. Ўзингиз кимсиз? — деди.

Жавоб урнига қиз қаҳ-қаҳ уриб қулди. Чамаси, жуда маза қилиб, яйраб-йайраб қулди. Чунки, орқага қараб силкиниб-силкиниб кетаётган бошини тухтатиб ололмас, қуларидан ҳам ёш чиқиб кетганди. Узини амаллаб қўлга олди-да, худди янги тушган келинчак гўдак қайниси билан муомала қилаётгандек, қошларини чимириб, узини ажабланаётганликка солди:

— Наҳотки?

— Ҳа...

— Унда менинг кимлигимни билмайсизми?

— Йўқ.

Қиз қошларини чимирди:

— Во-ой, ростданми?

— Ҳа.

— Унда нега шу уйда тураман деб ёлғон сўзлайсиз?

— Ёлғон сўзлаганим йўқ...

Қизнинг юзи тусатдан жиддий тортди:

— Билмасангиз билиб қўйинг, бу уй менга қарайди! — деб, Ёрибекни ниҳоятда ҳайратда қолдириб, эълон қилди.

Бахтга қарши, нима гап экан, деб худди шу маҳал чиқиб келган ва қизнинг сўнги сўзини эшитиб қолган Саид Мавлавий бир зум шамдек қотди. У кейинги пайтларда бир нарсани — бу хонадонга узининг эга бўлиб қолишини тез-тез уйлайдиган, орзу қиладиган одат чиқарганди. Қалласига қаердан бир урнашиб қолган бу телба хаёли бора-бора Саид Мавлавийга шу қадар ёқиб

кетгандики, у ҳақиқатдан ҳам ўзини хонадон эгасидек тута бошлаган, ҳаммасларига, таниш-билишларига ҳеч тортишиб-нетиб ўтирмай, бизниқига ўтинлар, бизнинг ҳам бир пиёла сариқ чойимизни биргаликда баҳам кўринлар, бизнинг қулбаи вайронга қадам ранжида қилсалар бошимизни кўкка этказган бўлардилар...

Қулогига чалинган қизнинг сўзи Саид Мавлавийни арши аълодан ерга қулатди, ҳушини жойига келтириб қўйди, шундаям, отдан тушсаям эгардан тушмас қабилида иш тутиб, бу хонадонга узиниям ҳаққи борлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлдими, ҳартугул, томдан тараша тушгандек:

— Кучадан кириб келадиган ҳар бир шаллақи бу уйга ўзини хужайин деб аташга ҳаққи йўқ, — деди.

Балога қолди.

Ўз ҳаддини билиб остона устида турган қиз туйқусдан қутуриб, Саид Мавлавийнинг устига қоплондек сапчиди, унинг ёқасидан бўғиб:

— Сен ҳезалак кимсан узинг, мени шалаққи дейдиган, — дея аюҳаннос сола бошлади. — Тилингни суғуриб оламан, тилгинангни суғурибгина оламан...

Саид Мавлавий ранги кути учганча, худди шу лаҳзанинг ўзида қиз унинг тилини суғуриб оладигандек оғзини маҳкам юмиб олган, қизнинг сапчиб-сапчиб қилаётган ҳужумларидан ўзини базур ҳимоя қилар, нажот истаб теварак-атрофга аланларди...

— Мен Отажоннинг қонуний хотиниман, сен келгиндини қорангни бу ердан учириб юбормасан Назокат исмида бошқа қўяман... — қиз Саид Мавлавийни талаш баробаридан ўзининг кимлигини ҳам биратула айтиб, таништириб кетди.

Саид Мавлавийнинг аҳволини тасвирлашга қалам ожиз, буларича бўлганди: бечора дағ-дағ қалтирар, бунчалик бўлишини кутмаганидан аросатда қолганди.

Оний лаҳзада кечмиш бу ҳодисадан Қимматхон ҳам гангиб қолганди. Назокат қарсиллаб, нималарнидир валдираб, инчунун Ёши Узоқни ҳам таниганлигини, қушбеги билан ош емаслигини, Отажоннинг алдовларига учиб умрини хазон қилганлигини айта-айта, саннай-саннай ҳовлида чарх уради.

— Бечора Саид Мавлавий! — Тошқувват буни астойдил ичи ачигланидан айтдим, ёки шунчаки мазах қилдим — Ёрибек англолмай қолди.

Унга қараб:

— Бизчи? — деб сўради.

— Биз-ку, амаллаб тилини топармиз, келишармиз. Ваҳоҳатиға қараганда, Саид Мавлавийни ҳақиқатан ҳам қуритмас қўймайдиганга ухшайди...

— Шўрлик... Бола-чақаси билан қаёққа бораркан?

— Буни энди-и унинг ўзи ҳал қилади!

Назокат шу кунгёқ ҳаммаёқни ағдар-тунтар қилиб чиқди. Қаёқлардандир ўзининг «қолиб кетган» кийимларини, қаёқлардандир «қолиб кетган» хатларини қидирди. Саид Мавлавийни ошхонага ёндош кичкина уйчага қувиб чиқариб, устига-устига бу билан унга катта марҳамат курсатаётганини, иккита боласини уйлаганини эслатиб, у жойлашган хонани узиники қилиб олди.

Назокат «Иваново-Петровск» муюлишидаги тўққизинчи уйда ўзининг мутлоқ ҳокимлигини урнатиш учун астойдил киришди.

...Кундузги тус-туполонлар гиниб, иккала томоннинг ҳам жанговар қўшинлари оқ байроқларни кўтаришди, чироқлар учириб, тинчишди.

Ховлининг кунботиш томонида, кекса ёнғоқ дарахти остидаги курсида Ёрибек хаёл суриб утирарди. У кейинги вақтларда вужудини тез-тез чулғаб олаётган ваҳимаю кўрқинчли сукунат ичра янада теранроқ англаётгандек бўларди.

У нималарни ўйларди — қишлоғини, онасини, отасини... Дала-даштлар, тепаликлар хаёлида тикланганида юраги орзиқиб-орзиқиб тушарди.

Тўғри, ишга кирганидан кейин уйга бир-икки марта бориб келди. Аяси ҳар доим шоша-пиша Усмон Акрамни суриштира кетади:

«Уагинам яхшигина юрибдим? Нега келмай кетди? Ишқилиб, бир-бирларингга қора бўлиб, бир-бирларингни қўллаб-қувватлаб юрсаларинг яхши-да! Сан унинг уйида турибсанми? — худди саволига бошқача жавоб олишидан кўрққандек, ўзи қушиб кетади. — Албатта, Усмонжонникида турасан-да! Бошқа қаёққа ҳам борардинг? Уйида бўлса, қарашгин, ўзингни тоғанг, нима-а бегонамиди...»

Аясини хафа қилмаслик учун, Ёрибек қаерда турганлигини, Усмон Акрам уни қандай кутиб олганлигини ҳам аниқ-таниқ айтмайди...

...Унинг ёнига Тошқувват келиб утирди. Сигарет тутатди.

Суради:

— Нималарни ўйлаб қолдингиз?

— Қишлоғимизни...

— А-ҳа... Бу — яхши! — деди Тошқувват унинг фикр-ўйларини баҳолаётгандек. — Лекин, вақт утгани сайин ҳамма туйғулар ўтмаслашиб-тўмтоқлашиб боравераркан. Жумладан, соғин ҳам...

— Билмади-им...

11

Сўнги пайтларда Тошқувват учун кунни қандай кеч қилиш ҳам бир муаммо бўлиб қолди. Бирон-бир иш-юмушнинг этагидан тутишни у хаёлига ҳам келтирмас, бу ҳақда сўз кетгудек бўлса:

— Йўқ-йўқ! — дерди кескин бош чайқаб. — Менинг ишим ҳақида қайғурмай қўя қолинглар. Энди мен фақат ўйлаш, хаёл суришгагина ярайман, холос. Қолгани қўлимдан келмайди, асаб чидамайди қолганига. Ҳукумат ишларида бақувват, хаёли жойида одамлар бўлмаса бўлмайди-да!

Ана шунақа баҳоналар, ваз-қорсонлар топишга Тошқувват устаси фаранг бўлиб кетган, уни бир гапга кундириш амри маҳол эди. Кун буйи куча-қуйда сандироқлаб юрар, қўлига қаёқлардандир пул тушиб қолар, шунда ресторонларни гуллатар, хумордан чиққунича ичар, пули соб бўлгач, хонага қамалиб олиб, ётгани ётган эди.

Баъзи-баъзида у Ёрибекнинг ишхонасига бориб қолар, газеталарнинг эски сонларини варақлаб ўтиришни яхши кўрарди.

Ҳозир ҳам Ёрибекнинг ишга отланаётганини кўриб:

— Кетяпсизми? — деб сўради.

— Ҳа.

— Бўпти, бораверинг. Мен ҳам утаман.

— Қачон?

— Соат бирларда. Билла-билла тушлик қилармиз.

— Яхши буларди.

Ёрибек уйдан чиқди. Пешайвонда пахмоқ халат кийиб олган

Назокат пианино устига ойна қўйиб, энгашганча узига оро берар ди. Ёрибек эшитилар-эшитилмас салом бериб, четлаб утиб кетмоқчи эди, унинг узи гап ташлаб қолди:

- Бу ерга Асад деган бир жувонмарг келдими-йўқми?
- Скрипкачими?
- Ҳа-ҳа, худди уша?
- Келувди.

Назокат сергакланди:

- Нима деди у?
- Ҳеч нарса...
- Ёлгонламанг. У гапирмай туролмайди.
- Тугри, куп гапирди.
- Нималар деди, ахир?
- Каратэ билан шуғулланганини айтди...

Назокат қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди:

— Балониям билмайди! — деди худди Асаднинг балониям билмаслигидан хузур қилаётгандай. — Тирноқдай жони бор, чумчуқ зир этса, ичи шир этади. Яна нималар деди?

- Эсимда йўқ...
- Эсланг, эсланг...
- Қандайдир хужайинни гапирди.
- Еши Узоқними?
- Ҳа, ушани!
- У билан таниш эканми?
- Ота-боладай булиб кетишган экан...

Назокат асабий ҳолатда, девоналарча бошини орқага ташлаб кулди.

— Ва-ҳа-ҳа! Уламан-э, улиб қоламан-э!.. Гирт ёлгон гапларни айтиб, бошингларни роса қотирипти-да, а? Вой, улиб қоламан-э! Еши Узоқ мендан булак ҳеч кимни яқинига йўлатмасди. Қизим, қизимка, деб мени ўзига яқин тутарди. Баъзан топиб келганларим ёқмаса, арпа дуқи қилиб қуярди... — сўнгги жумла, чамаси, Назо-катнинг оғзидан беихтиёр чиқиб кетдими, у тилини тишлаганча жим қолди.

— Топиб келганларингиз ёқмай ҳам қолармиди? — нимани топиб келишини Назокат аниқ-таниқ айтмаган бўлса-да, Ёрибек узича фаҳмлаб, савол ташлади.

— Албатта-да! Катта одам, таъби нозик...

Назокат чўгдай ёниб турган кузларини Ёрибекка ўқдай қада-ди:

— Яна бу гапларни ағ-бағларга ёйиб юрманг-а, бошингизга ташвиш орттириб...

Ёрибекнинг юраги ортга тортиб кетди:

— Йўғ-э! Улибманми?

Кейин чиқиб кетди.

* * *

...Муҳарририятда одатдаги кайфият ҳукмрон эди. Ота Суннат «Кавказ хотиралари» деган туркум ёзган экан, шуни ўқиб бергани Ёрибекларнинг хонасига кирди. Уч-тўрт йил бурун у Кавказга курортга борган экан, шуни айтиб, ширин-ширин хотираларга берилди. Шеър ёзсанг курортда ёз экан, каллага мисралар шариллаганча қуйилиб келавераркан. Курорт баҳона-ю, дийдор ганимат қилиш ҳам жуда-жуда мумкин экан-да!

Ёрибек эсмай бошловди, у урнидан турди:

— Майли ука, бориб, бизам пича ишлайлик, ўзингиз ҳам мундо-оғ айланиб, бизни хоналарга чиқиб тулинг, хупми?

— Хуп.

Ота Суннат чиқиб кетиши биланоқ эшик қия очилди ва тирқишда... Ёрибекни ҳайратда қолдирганча Сотимбойнинг калласи кўринди. Сотимбой мусичаи беғуноҳ булволган, юз-кузларида ҳам қандайдир сомеъ ифодалар барқ урарди.

— Мумкинми? — сўради у юз-кузлари ифода қилаётган майинликдан ҳам майинроқ товушда.

Ёрибекнинг оғзи очилиб қолди: урнидан туриб, эски танишини қарши олишни ҳам унутгандек эди. Фақат:

— Мумкинми? — деган товуш иккинчи дафъа қулоғига урилгандагина «дик» этиб урнидан турди.

— Э, келинг Сотимбой ака! — дея уни ичкарига таклиф этди. — Қандай шамоллар учирди?

— Бир иш билан редакцияга келувдим... — чайналди Сотимбой. — Коридорда туриб, шу хонага кириб кетаётганингизни ортингиздан кўриб қолдим. Узимизнинг эски таниш-ку, деб суюниб кетдим. Қачон бўшасангиз кирарман, деб эшигингиз оғзида қараб турдим-да!

— Э, киравермайсизми?

— Қабулингизда одам бор экан...

Ёрибек кулиб қуйди:

— Ишқилиб тинчмисизлар?

— Тинч, тинч! — Сотимбой бу сўзни олазарак булиб, қандайдир нотинч тарзда айтди. — Фақат бир иш чиқиб қолди...

— Нима гап?

— Энди-и... — Сотимбой чайналди. — Бошимизга оғир ташвиш тушиб қолди-да!

— Қанақа ташвиш?

Сотимбойнинг кузларида ёш халқаланди:

— Укаларимни қамаб қуйишди!

— Ие, нечтасини?

— Ҳаммасини, ҳаммасини! — Сотимбой Ёрибек унинг нечта укаси борлигини билмаслигини эслаб қолиб, сўзини тўғрилаб кетди. — Учталасиниям! Энди-энди оёққа туриб, ўзларини унглаб, одам қаторига қушилишаётувди...

— Чатоқ бупти-ку, Сотимбой ака! Улар қаерда ишлашарди?

— Чатоқ дедингиз-кўйдингиз-а, иним! Жигар-бағримиз эзилиб кетди-ку! Пахта пунктида ишларди. Шу-у... Хўжамурод укамиз дириктири эди, Султонмурод укамиз Хўжамуродга зам эди... Зам эди-ю, бутун иш ушанинг қулида эди-да! Бизнинг сўзимиздан чиқмасди, калласиям Хўжамуродникидан зурроқ ишларди! Дўст-душманнинг кузига энди-энди ташланиб, қатордан жой олишувди-да...

— Учинчиси-чи?

— Отамурод укамиз шофёр эди. Шофёр сирингни олади деб, битта ўртоқлари маслаҳат берган экан, Хўжамурод хомлик қилиб, Отамуродни узига шофёр қилиб олганди. Униям олиб кетишди. Дўстларни куюнтириб, душманларни суюнтириб кетишди-да! Энди-энди қаторга киришувди...

Илгари атиги бир мартагина учрашишган бўлса-да, Ёрибекнинг Сотимбойга астойдил ичи ачиди. Сотимбой бояқишнинг юзлари ҳам сулгин, кузлари ичига ботган, аввалги қариллашларидан асар ҳам қолмаганди.

— Сиз билан биз қиёматлик биродар, ака-укамиз, — деди у суз маъносини қиёматга элиб. — Иложини қилсангизу, ёрдам берсангиз.

— Бажонудил ёрдам берардим-у... — Ёрибек тутилиб қолди.

— Айтинг-айтинг, харажатидан уялманг...

— Йук, мени тушунмадингиз...

— Сизни уялтирмаймиз!

— Сотимбой ака, мен бир корректорман холос, ёрдам бериш қулимдан келмайди.

Сотимбой энди ҳалиги тортинчоқлигини бир четга йигиштириб қўйиб, астойдил киришди:

— Қулимдан келмайди деманг, иним, қулимдан келмайди деманг. Хужамурод, Султонмуроддай, Отамуроддай жигаримсиз. Жигар жигарга шу маҳалда ёрдам бермаса, қачон ёрдам беради? Хужамуроду Султонмуродни пора олган, қўшиб ёзган деб айблашмоқда. Олган бўлса жиндаккина олгандир, қўшган бўлса жиндаккина қўшгандир. Аммо-лекин, бошқалар олдида уларники ҳеч нарса, ҳеч нарса... Биз биламиз, редакцияда гап куп...

Шу чоққача ичи ачиб турган Ёрибек совуққина қилиб:

— Афсуски, иложим йук, — деди.

Сотимбой астойдил тавалло қила бошлади:

— Иложини топинг, инижон. Майли, қанча десангиз берамиз, газетингизга бир энликкина уриб чиқсангиз, бас. Шундоқ-шундоқ, Хужамурод, Султонмурод, Отамурод Тошмуродовлар нимаики қилишган булайша халқ учун, элу юрт учун қилишди, ватанимизга ана шундай ишбилармонлар керак, деб бир энликкина уриб чиқсангиз...

Ёрибекнинг фикри-зиқри Тошқувват келмасдан аввал Сотимбойни қиқариб юборишда бўлиб қолди. Тошқувват Сотимбой айтган ишга жон-жон деб бош қушишига Ёрибек ишонар, унинг пулини олиш учун ҳаракат қилган буларди.

Хайрият, тушликка ҳали бир срат бор.

Сотимбой ахийри Ёрибекни «Ёрмурод» деб атай бошлади.

— Ёрмурод иним, сиздан нима кетди...

— Айтдим-ку, Сотимбой ака!

— Озод қилишмасаям майли, бир уриб чиқинг!

— Кўрмай, билмай, мен қандай ёзаман?

— Ҳамма сарф-харжини кутараман, мен билан билла-билла юринг. Судлар билан узингиз суҳбат қилинг...

— Бундай қилишга ҳаққим йук.

— Редакция бўлади-ю, ҳаққи булмайдимми?

— Суд ҳукмидан кейин аралашин мумкин.

— Унда нима керак?

— Тартиб шунча.

Сотимбой Ёрибекдан ёруғлик чиқмаслигини англаб етгач, хайр-маъзури ҳам насия қилганча, эшикни шарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Зарб билан ёпилган эшик яна очилиб кетди. Ёрибекнинг қулоғига Сотимбойнинг узук-юлуқ сўзлари чалинди:

— Хе-е, редакциянгни ҳам... Қулингдан ҳемири иш келмаса, кабинетда утириб нима қиласан?!

...Тошқувват бироз кечикиб келди. Ранги оқаринқираган эди.

— Тинчликми? — сўради Ёрибек унга синч солиб.

— Тинчлик, тинчлик... — Тошқувват бош силкиди. — Анаву лавнатилар курк товукдай бир-бирларига ташланиб қолишганди, ажратиб қўяман деб, ўрта ичида хомталаш бўлиб кетишимга бир баҳа қолди.

— Кимлар?

— Назокат билан Қимматхон-да!

— Саид Мавлавий йўқмиди?

— У ишда-ку...

— Ҳа-я... Қочиб қолмабсиз-да!

— Шундай қилишим керак экан. Арзимаган нарсдан жанжал чиқариб утиришибди-я...

— Нимадан?

— Назокат чой қўйиб, унутиб қолдирганми, ишқилиб, қайнаб кетганидан кейин ошхонага тасодифан кириб қолган Қимматхон газни учириб қўйган. Назокат чой дамлагани кириб қараса, газ учириглик. У нега учирасан, атай қилгансан, деб Қимматхонга ёпишган, Қимматхон ҳам жим турмаган. Қарабсизки, бир маҳал гирт қиёмат қойим кўпиб ётибди-да!

— Шаллақилик қилишибди-да!

— Э-ҳа! Айтдингиз-қуйдингиз. Шаллақилик ҳам гапми? Қимматхоннинг буш келмаганини. Лекин, Назокат унинг утакасини ёриб юбораёзди-ёв!

— Йўғ-э?! Нима деди?

— Дунёда неки ҳақорат бўлса, барини ёғдирди. Ҳали менинг совунимга кир ювмабсан деди. Ер юзидан қорангни учириб юборишим мумкин деди...

— Ҳ-у! Даҳшат-ку!

— Ҳа-да! Ундан кўрқиб керак, қулидан ҳар бало келади унинг.

— Қаёқдан билдингиз?

— Турқи тароватидан. Турқи айтиб турибди, турқи манаман деб ўзини намойиш қилиб турибди. Ажабланманг, гапимга ишона-веринг, менинг бу кўзларим алдамайди, куравери-куравери пишиб кетган...

12

«Иваново-Петровск» кучасидаги тўққизинчи уйда ҳаёт ҳамиша алғов-далғовли кечса-да, бу жой бир-бирига сира ўхшамайдиган воқеа-ҳодисаларга тўлиб-тошиб ётса-да, кейинги пайтлардаги — Назокат келганидан сўнг рўй берган воқеаларни янаям алоҳида кўрсатиш жоиздир. Бундаги ҳукмпармонлик батамом Назокатнинг измига утди. Бир жиҳатдан бу яхши бўлди, утган ҳам, кетган ҳам бош суқиб, кўнглига келганини қилиб кетадиган бу уйда тартиб-интизом ўрнатилди. Вақт-бевақт эшикни тақиллатиб келадиган ҳурматли жанобларга ташқарининг ўзида жавоб бериб юборила-диган бўлди. Кимки ичкарига бегона одамни эргаштириб киради-ган бўлса, Назокатнинг қовоқ-тумшугига гирифтор этилиб, оёғи куйган товукдек типирчилаб қоладиган бўлди.

Назокат кучага камдан-кам чиқар, қуриқчи итдек хонанишин-ликни одат қилиб олганди. Аслида-ку... унинг ичи сиқилиб, юраги торс ёрилай дер, қаёқларгадир чиқиб кетгиси келарди-ю...

У сабру қаноат, чидам-ла Отажоннинг келишини кутарди.

Ҳар замон-ҳар замонда ўз-ўзича алжиб қоларди:

— Отажон акамлар хотинлари билан орани очди қилиб кел-синлар, ҳаммаларингни қувиб юбораман. Уйларни бошқатдан ре-монт қиламиз, эшикларни янгилаймиз — дуб эшиклардан гапла-шиб қўйганман, ана ундан кейин кўрамиз, бу уйга қандай қадам босаркинсизлар...

Баъзан у тўнини чаппа кийиб олиб, айтганларидан тонар,

ҳозиргина гапираётган гапларининг мутлақо тескарисини жаврарди:

— Отажон акам келсинлар-чи, маслаҳат қилайлик... Хотинларини қуйвормаган бўлсалар, кундош булиб ҳам яшайвераман. Нима кипти? Илгари замонда ҳамманиям кундоши булган, ҳозирги ҳезлар бундай қилишолмайди. Отажон акам ҳеч кимдан қурқмайдилар... Ана ундан кейин бу ўйни елкаминг чуқури курсин.

Шундай деб, у телбаёна кула бошлар, кўзига балойи қазодек куринаётганларнинг бошлаб таъзирини бердим деган хаёлда тантана нашъасини сурарди.

Аксига олиб, Отажоннинг қораси куринмасди. Бунга сайин Назокатнинг фиғони фалакка урлаб, ҳужумга келаётган захарини атрофдагиларга сочарди.

Назокат эмин-эркин, уз хоҳишича юрар, гоҳида шарму ҳаёниям йиғштириб қўйиб, истаса ошхонада, истаса ҳовлида — ич куйлақда юраверарди.

Бир гал Асад ғирт маст ҳолда келди. У оёқда базур қалқиб турарди. Қўлларини ҳавода ярадор қушдай айлантирарди-ю, тили сузга айланмасди.

Ахйри, бир амаллаб шу сўзларни булиб-булиб ҳавога сочди:

— Менинг уз ҳовли-и-имга-а кир-ишга-а ҳаққим борми-и?..

У йўл-йўл иштон куйлақдаги Саид Мавлавийнинг қаршида гоз турмоққа уринар, лекин гавдаси узига буйсинмай қийшайиб кетар, қулини пешонасига теккизиб, «чест» бермоққа уринарди.

— Хужайи-ин... Ҳиҳқ... Ёши Узоқ ака-а... буюринг... чалгаан куйларим ҳиҳқ... маъқу-ул тушмаса-а... ҳиҳқ... скрипкамни синдириб ташлайман! Синдирамаан! Синдара-аа... ҳиҳқ...

У нималарнидир гўлдираб турганди, ичкаридан ўқ илондай отилиб чиққан Назокат қўлларини тўлгаб, уриша кетди:

— Э учир-э, пияниста! Скрипканг билан қушмозор булиб кетгур, менинг уйимга яна нега қадам босдинг, а?

Асад қошларини кериб, кўзларини очмоққа уринарди. Унинг тишлари орасидан шу сўзлар тукилиб тушди:

— Сени... ҳиҳқ... уйинг...

— Меники, меники, меники! Ҳаммаси меники, ҳаммаси меники! — Назокат қулочларини ёзиб, асабий тарзда чарх урарди. — Энди сени узингга ҳам, скрипкангга ҳам бу ерда бир қарич ҳам жой йўқ. Йўқол!

Асад узини Назокат томонга отмоқчи бўлди. Бироқ, кайфнинг зуридан мункиб кетди. Назокатнинг шаънига айтилган бу галги сўз аниқ-таниқ, равшан жаранглади:

— Фоҳиша!

Зарба қутилганидан ҳам зиёдроқ куч-ла тушди! Назокатнинг тусатдан лаблари гезарди, бурун катаклари керкиб, пир-пир уча бошлади, кузлари жайноқланиб, Асаднинг юрагини сугуриб оладиган, вужудини хунғарқоб қиладиган сўз ахтара бошлади. Ниҳоят, топди шекилли, кўзлари йилтираб, қаҳ-қаҳ урди, қаҳқаҳасида телбаёналик, шайтоний эҳтирос, алам ути — барибари мужассамлашди. У ҳақоратни шунчаки айтмади, у ҳақоратни вишиллади, у ҳақоратни инсон юрагини, ор-номусини, шаънини топтайдиган захар-ла қориштириб, Асаднинг юзига урди:

— Сен кимсан? Ёши Узоқ аканинг баччасини-да!

Ҳуши узида бўлиб-булмаб турган Асад худди ўзини журттага мастликка солиб ётган ҳушёр одамдай урнидан сапчиб турди-да,

ўзини Назокат томонга отди. Тилиям қалдирамади, сўзлар ҳам аниқ-бурро жаранглади:

— Қанжиқ! Ҳозироқ бугиб улдираман! Майли, қамашса қамаб юборишсин, отишса отиб юборишсин — сен ярамасни фош қилмасам Асад отимни бошқа қуяман! Ҳо-ой, билиб қуйинглар, бу қотил бу, бу одам ўлдирган, ун гулидан бир гули очилмаган, ўн олти яшар қизнинг жонига зомин бўлган...

Асад Тошқувват билан Саид Мавлавийнинг қўлидан зур бериб чиқиб кетишга уринарди.

Узини четга олган Назокатнинг ранги қум оқарди, шахдидан тушиб, айюҳаннос солмаса-да, базур шу сўзни айтди:

— Тухмат!

— Тухматми? — Асаднинг кўзларида қасос ўти ёна бошлади. — Тухматми? Йў-уқ! Сен у қизни қаерлардандир алдаб-сулдаб олиб келиб, Ёши Узоққа қўшганинг эвазига нима олувдинг? Кейин бечора қизни зиндондан қўтариб баҳонасида уйдан олиб чиқаётиб худди мана шу ерда, ҳовлининг уртасида бошига белкурак билан уриб ўлдирмовмидинг? Сен сириг фош бўлишидан, у қиз бир кунмас-бир кун ўчини олишидан қурқардинг, ўлдириб, қутилиб қўя қоламан, деб ўйлардинг, йў-уқ, қутулолмайсан...

Тўққизинчи уй аҳли бу машабадан хангу манг булиб қолишганди.

Назокатнинг Назокатлиги қолмаган, қалтираб турарди.

— Ушанда мен кечкурун келиб, маст-аласт ҳолатда ошхонада ухлаб қолгандим. Менинг уйдалигим сенинг хаёлингга ҳам йўқ эди. Не хаёлда урнимдан туриб, деразадан қарагандим, сен аллақачон бечора қизнинг жонини жодугардай сугуриб олгандинг...

Асад телба-тескари ҳаракатлар билан ёввойи супургилар говлаб ўсган ҳовли бурчагига қараб югурди. Супургиларнинг шохлари силкиниб, анчадан буён утириб қолган чанг-чунглар дувва-дувва тўкилди. Асад усти бошининг тупроққа беланаётганига, ифлосланаётганига парво ҳам қилмай, ниманидир ахтара бошлади. Ниҳоят, ахтарган нарсасини топди, қаддини тиклади. Унинг қўлида дастаси чирий бошлаган, занглаб кетган белкурак турарди. Асад худди муҳим бир хатни ўқиётгандек белкуракка синч солиб тикилиб қолди.

Уртада дахшатли сукунат ҳукмронлик қиларди. Назокатнинг ҳам дами ичига тушиб кетганди. Қиммат бўлса, негадир бир чеккага чиқиб олиб, тескари турганча «пиқ-пиқ» йиғларди.

Асад худди ўзига-ўзи гапираётгандай, шивирлаётгандай овоз чиқарди:

— Топди-им! — деди у. — Мана-а, топди-им!

У белкуракни худди автомат ушлагандай маҳкам кўкрагига босганча, Назокат томон кела бошлади.

— Мана-а, қон юқи... Ҳамон қип-қизариб турибди... — шивирлади яна Асад.

Назокатнинг кўзлари жайноқланиб кетди.

— Қани, юр! — амр этди унга Асад. — У қизнинг жасадини қаерга кўмганлигини ўзинг кўрсат, ҳаммага билдириб қуй кимлигини!

Назокат тусатдан чинқориб юборди:

— Йў-уқ!!!

— Ие, нега йўқ дейсан? — Асаднинг кайфи тамоман тарқаб кетган, пешонасидан, юз-кўзларидан шаррос тер қуйиларди. — Юравер! Юр, юр!

Назокат қўлларини кўксига қовуштирганча ортга чекина бошлади. Асад шоввоз аскардай ҳамон унинг устига бостириб келарди:

— Юр, дейман...

Назокат тисарилиб келиб, деворга суюнди-ю, яна бир карра қаттиқ чинқириб, «шилқ» этиб қулаб тушди...

Беш-ўн минут ўтар-ўтмас «Иваново-Петровск-9» ўйни мелисаю духтирлар, ҳар хил қаланғи-қасанғи томошабинлар босиб кетди, уларга ким хабар етказганини ҳеч ким билмасди.

Мелисалар бу ерда яшовчиларнинг ҳужжатларини бир-бир кўриб чиқишди.

Ўйнинг ҳужжатларини сурашди.

Шундагина, бу уй меники, дея катта даъволар билан чиқувчиларнинг ҳам бирортаси ҳужжат-пужжат ҳақида умуман ўйлаб қуришмагани аён бўлди.

Духтирлар Назокатни ўзига келтиришгач, мелисалар жанжал сабабларини ургана бошлашди. Кейин гувоҳлардан булак ҳамма-ни ҳайдаб чиқаришди.

Уч оқ халатли киши бир зумда Асад кўрсатган жойни кавлаб ташлашди.

Ҳовлини шу қадар бадбўй ҳид тутиб кетдики, ҳалигилар дарров противогаз кийиб олишди.

Кавланган жойда ириб-чириган жасад ётарди.

Уни шундайича, усти боши билан чуқурга ташлаб, устидан тупроқ тортиб қўяқолишган экан — қиз бола эканлигини ҳам кийимига қараб билмаса, фарқлаб бўлмасди. Майитни оқ латтага ўраб, замбил билан «Тез ёрдам»га солишди.

Назокат билан Асад мелиса машинасига чиқишди.

— Сизларни ишхоналарингиз орқали гувоҳликка чақириб турамиз, — деди ёшгина лейтенант Саид Мавлавий билан Ёрибекка қараб. — Тушунган одам экансизлар, чақирганимизда бу кишини-ям эргаштириб борасизлар, — дея Тошқувватни кўрсатди, аммо, Ёрибек Тошқувватни гувоҳликка эргаштириб бориш билан тушунган одамликнинг нима алоқаси борлигини англамади.

— Энди ҳозироқ бу уйдан кетишларингизга тўғри келади, — деди лейтенант уларга ўз идорасининг манзилжойи ёзилган қоғоз тутқазаркан. — Уйларниям, ҳовлиниям қўлфлаб, муҳрлашга тўғри келади.

Тошқувват билан Ёрибек қандай келишган бўлишса, шундайича салтисвой чиқиб кетишди.

Саид Мавлавий дастлаб бешикни олиб чиқди. Қимматхон ҳам кўрққанидан ранги паға бўлиб кетган, турмушдан нолиб қарғанишни ҳаёлигаям келтирмай, мусичадай беозорлик билан нарсаларни кўчага таширди.

Исмоил Шўхтаммишев

НОМА БИТДИМ СОҒИНЧЛАРИМ ҚИЛИБ ЖО

*Юксакка чорлаган тоғлар беғубор,
Сайрга бошлаган боғлар беғубор,
Дунёни унутган чоғлар беғубор,
Мен бу кун сиз билан хайрлашурман!*

*Ўзимча пинҳона ўртандим фақат,
Бу ҳаёт бўлмаса мунча бешафқат,
Дилимни куйдирган асов муҳаббат,
Мен бу кун сиз билан хайрлашурман!*

*Висол деб ёнмоқлик эриш туюлар,
Ҳузурдан тонмоқлик эриш туюлар,
Ғам, дарддан қонмоқлик эриш туюлар,
Мен бу кун сиз билан хайрлашурман!*

*Дилимни бир умр ёндирди ҳижрон,
Ҳеч қачон айролик бўлмаган осон,
Исмоил дегайдир: дилрабо жонон,
Мен бу кун сиз билан хайрлашурман!*

*Қушлар сайраб боғда олмагайлар тин,
Баҳор келиб эшик қоқайтир чин,
Ҳаёт гўзал, шивирладим, мен секин,
Дединг: дардим севги, муҳаббатингму?!*

*Нома битдим соғинчларим қилиб жо,
Ҳам ёлвордим, қилдим сенга илтижо,
Мактубимга назар ташлаб бепарво,
Дединг: дардим сенинг ёзган хатингму?!*

*Ҳисларимни кўрмоқ бўлдим, мен баҳам,
Қувончимдан йилтиради кўзда нам,*

Аҳволимга ҳайрон боқиб, ушбу дам,
Дединг: дардим сунмаган ҳайратингму?!

Ҳиларингни банд айламиш бойлик, зар,
Низоларни эшитмассан, қулоқ — қар,
Ишқда ёниб десам; дунё мунаввар,
Дединг: дардим вафо, садоқатингму?!

Унутмагин, бир кун қайтар дунё бу,
Надоматин ёниб айтар дунё бу,
Ногоҳ чекса дилим ғам ила қайғу
Дединг: дардим чеккан дард, ҳасратингму?

Дунё ташвишлари куйгайдир эзиб,
Ҳолу аҳволингни юрибман сезиб,
Юзларинг силасин насимлар эсиб —
Саболар уйғотсин, жонгинам, сени.

Ўртада зил ҳижрон, кўнгуллар туташ,
Висолни истаб чин диллар тортар ғаш,
Юракдан ёғилган ҳарорат, оташ —
Наволар уйғотсин, жонгинам, сени.

Беҳуда интилдим, талпиндим ҳориб,
Тунлар нола чекдим кўкка ёлвориб,
Аксини топгуси тоғ-тошдан бориб —
Садолар уйғотсин, жонгинам, сени.

Мунчалар бепарво, бераҳм фалак,
Вақтга дош беролмай ёш жоним ҳалак,
Бугун бераётган баҳордан дарак —
Ҳаволар уйғотсин, жонгинам, сени.

Нигоҳим — дарчангдан нур бўлиб оққан,
Сочларинг тараган, энтиккан, боққан,
Ҳар лаҳза уртаган, вужудни ёққан —
Нидолар уйғотсин, жонгинам, сени.

Ҳижрон юкин билмай ё билиб,
Армонларда бағримни тилиб,
Қора тунлар қаърига елиб,
Олислашиб борар бир гўзал.

Хира тортиб хотираю ёд,
Орзуларим айлаб у барбод,
Ўз ишидан хафами ё шод,
Олислашиб борар бир гўзал.

Дунёда кўп чигил нақадар,
Кўзларига чўкқандир қадар,
Севишимни билмай жон қадар,
Олислашиб борар бир гўзал.

Жамолига боқиб кўз туймас,
Усиз ҳаёт маъносиздай, бас,
Ёлборишга гурур йўл куймас,
Олислашиб борар бир гўзал.

Кўзларимдан аримайди нам,
Зада олар кўксимда ярам,
Айлаб куйиб бир умр қарам,
Олислашиб борар бир гўзал.

Мухтарома Шўрқон

БИР НУРЛИ ҚЎШИҚҚА АЙЛАНДИК...

Нигоҳлар тўқнашди, қалблар тўқнашди,
Онгимда чатнади чақмоқ, гулдурак.
Диллар бир-бирини унсиз йўқлашди,
Топишди юраклар, топишди тилак.

Беҳушдай беҳиштга йиқилган жонни,
Ором аллалайди, юзда табассум.
Зумда тарк айлади соғинчлар танни,
Армон суратидан узиди кузим.

Нигоҳлар тўқнашди, чақинлар аро
Ёнаётган аёл — кўнгул куладир.
Қисмат кул, ҳижрон кул, ғам мотамсаро,
Бағрим бушлиқлари куйга туладир...

Нигоҳлар тўқнашди, тўқнашди ҳислар,
Сўзсиз, таржимонсиз тиллашдик икков.
Бир нурли қўшиққа айландик бизлар,
Ҳеч ким йўлимизга қура олмас ғов.
Нигоҳлар тўқнашди...

Деразам ёнида ёлғиз мусича
Дон чўқир, жуфти-да кўринмас бу кун.
Бу не ҳол, жуфт эди, жуфт эдим кеча,
У ҳам мендай ёлғиз ва дилгир нечун?!

Кетдингиз, етаклаб ёруғ қўшиқни,
Мен-ла қолди оғриқ, изтиробли куй.
Кетдингиз, опичиб юракка ишқни,
Кетдингиз... мен билан қолди ҳаёл, уй.

Сизнинг сафарингиз эрта қаримас,
Кун кетидан ҳафта утмоғи даркор.
Менинг юрагимдан соғинч аримас,
Менинг кузларимда ухлайди дийдор.

Деразам ёнида ёлғиз мусича
Дон чўқир, бағримни чўқир ҳижрон-куш.
Ингроққа туладир сизсиз боғ, куча,
Баҳорнинг хуснига боқаман беҳуш.

Тонгни қаршилайман тоқатсиз ҳар тун,
Кунни кеч қиламан лаҳзани санаб.
Айрилиқ соати бунчалар узун,
Соғинчдан кетди-ку юрагим қонаб.

Деразам ёнида ёлғиз мусича
Дон чўқир...

* * *

Менга бахт тиламанг, узга ёр билан,
Сиз бермаган бахтни бермас худо ҳам.
Сиз севмаган қизни унутган улан,
Сиз севмаган қизнинг кунглу ярим — кам.

Кун чиқардан чиққан йўловчи-туйғу,
Офтоб нурларидан чачвон ёпинар.
Сиз ҳақда уйлайман тунлар беуйқу,
О, қайсар юрагим ишққа топинар.

Зулмат ютган кеча нафаси оғир,
Оғир хансирайди ҳаво, нур бетоб.
Қисмат — шур олмами, бунчалар тахир,
Бунчалар хушчеҳра қонхур изтироб?!

Менга бахт тиламанг, кетайин чўкиб,
Армон дарёсига ташлангу қочинг.
Сиз севмаган қизнинг ғамига бўкиб,
Жон берсин минг йиллик соғинч, азоб, мунг.

Узун-узун уйга бойланмоқ нечун,
Узун-узун дардга дор тикмоқ вақти.
Кумушни ўлдирган Зайнаб эмас, кин,
Сувда оқиб кетган Зухронинг бахти.

Шоҳсанам қисмати — айрилиқ, алам,
Не ажаб Туркойнинг туни-да ойсиз.
Сиз бермаган бахтни бермас худо ҳам,
Бахтнинг сурати — сиз, сийрати ҳам — сиз.
Менга бахт тиламанг...

* * *

Эшик тақиллади. Очдиму шу зум
Ҳайратим севинчга қоришиб кетди.

Исмингизни айтиб ҳайқирди сузим,
Бўм-бўш кулбам нурдан ёришиб кетди.

Бу не бахт! Кўзимга ишонмай аста
Кулингиздан тутдим, хуш ҳид урилди.
Сувга тушган гулдай тиниқдим, хаста,
Соғинчдан синиққан кунгул тирилди.

Сиз келгач, дил кулди, тақир остонам
Мендай ичикканди, тиллога дунди.
Оёгингиз ўпиб покланди хонам,
Кўзингиз зиёси кўзимга кунди.

Ҳайрат-ла сўрайман: — Қандай келдингиз,
Бу журъат, бу кучни олдингиз қайдан?
Юрак даъватими?... Ҳазин кулдингиз,
Соғиндим, дедингиз, соғиндим, қайдам!..

Жонибек Сўбҳон

...ИШҚДА ПОКЛИК МАТЛАБИМ

Мен қалам бўлсам

Мен қалам бўлсам, гар ишқнинг шарҳини ёзгай эдим,
Сарфи васлинг деб, бу умрим нарҳини ёзгай эдим.

Хат битиб сидку вафодан, бир нигоҳга айланиб,
Сўнг гижимланган вароғ — дил тарҳини ёзгай эдим.

Соф эдик келганда, сўнг кўп ишга ўргатди ҳаёт,
Мен тилим бирлан дилимнинг фарҳини ёзгай эдим.

Дейдилар: Ишқ расмида улчов — мезонлар бўлмаган,
Бу сабоқдан ҳар тугул дил дарҳини ёзгай эдим.

Ишқ — бу туйғу наҳрининг гирдобидур, огоҳи бул,
Ким халос ундан-да, кимнинг фарҳини ёзгай эдим.

Не узоқ тунлар кўзимнинг шуъласидан толадек
Ип йигирган бу фалакнинг чарҳини ёзгай эдим.

Неча дилбарлар чўмилғай бу кўзим ёғдусида,
Мен неча кўзнинг ҳасаддан барҳини ёзгай эдим.

*Бир ошиқ янглиғ азалдан ишқда поклик матлабим,
Гулшани ишқдан риёнинг таркини ёзгай эдим.*

*Хоҳ етай васлига, хоҳи етмайин, севгим сабаб:
«Жонибек умри — умрнинг ёрқини!» ёзгай эдим.*

Йироқларсан

*Бора-бора сен йироқларсан, мен интилган билан,
Ётлашиб бормоқдасан, мен қанчалик билган билан.*

*Сен чиқиб бормоқдасан меҳру вафонинг динидан,
Мен сенинг ҳар бир изингни саждагоҳ қилган билан.*

*Бу юракда битта исмингдан бўлакнинг ҳарфи йуқ,
Неча авра-астар айлаб, неча тинтилган билан.*

*Бир юрак кўксимдаю бир сен бу кулбамда чирок,
Чиқмас ўзга ном садоси сийнани тилган билан.*

*Сенга не дебман газалда зарра ҳам ёлғони йуқ,
Айламас фарқ тил каломи кўзда айтилган билан.*

*Уйла, пешвоз чиқмагайдир энди ёшлик маскани,
Сенга ҳам йуқ, менга ҳам йуқ, ортга қайтилган билан.*

*Билмадим, қолганми сенга ёки менга қайғудош,
Ёшланувчи дийда йуқ биз қонга қотилган билан.*

*Жонибек бирлан сенинг уртангда ғам дарёси бор,
Ҳеч муроду муддао йуқ ғамга отилган билан.*

Бўлиб

*Менга ёрлик қилмади ёр, кўп сиғиндим хор бўлиб,
Қарғамасмен шунда ҳам, ўт деб меҳрга зор бўлиб.*

*Бир ўзимни қилди саргардон фироқ саҳросида,
Булди бир най устихонлар, қолди пайлар тор бўлиб.*

*Чертади эрмакка ушбу торни саҳро зоғлари,
Тор-чи, дейди: «Ўт нигоҳлар кетмиш-ей хунхор бўлиб!»*

*Эҳ, чиройли чеҳралардан ҳеч мурувват кутмагил,
Қора зулфи — қўш каманду кибри тургай дор бўлиб.*

*Билки, қалбига нигорнинг номалар қилмапти қор,
Сен каби ёрликка ёрлиғ олмагай абгор бўлиб...»*

*Топмадим урнимни дилдор қалбидан йўқлик каби,
Бор эмасман бахти ёрлар даврасида бор бўлиб.*

*Бор умидимни, руҳимни ишқ йулида харж этиб,
Суппайиб қолдим жаҳонда бор бисотим ор бўлиб.*

*Сузлашувга топмагач, ҳамрозни дил тугёнлари,
Ҳар кеча дардим қоғозга тукилур ашёр бўлиб.*

*Жонибек, исмингни пинҳон сақлагай не булса ҳам,
Сирринг ошиқ аҳлига ҳеч кетмасин ошқор бўлиб.*

Орқалаб

*Мен қошингга келдим, эй жон орқалаб,
Жон надур, балким пушаймон орқалаб.*

*Қанча йилни ҳатладим етгунча то,
Не муродни кифтда ҳайрон орқалаб.*

*Мен кўтарганман бузуг кўнглумни, ё
Мен учун йул бўлди вайрон орқалаб.*

*Мен ҳаёлинг сарсарида бир осмон,
Кўзларимни кетди мужгон орқалаб.*

*Нолалар қилдим, таважжўҳ этмадинг,
Кетди оҳим боди хушхон орқалаб.*

*Сенга йул бермади кибринг, кўзларинг,
Талпинарми менга армон орқалаб.*

*Сенга пок ишқим умрбод етмаса,
Етказур тупроққа иймон орқалаб.*

*Ишқидан лоф урмайин бир, Жонибек
Ўтди, дерлар, қонли дoston орқалаб...*

Ҳикмат Назаров

ИККИ ҲИКОЯ

Ёнфин

Мажид ун уч яшар қизчаси Нигора билан бу ерга кучиб келганига бир ой ҳам бўлгани йўқ. Аввал посёлкадаги уйида, Нигоранинг онасиникида яшарди. У ерга ичкуёв бўлиб кирган, Нигора олти ёшли қизалоқ эди. Салтанат эрига бир йил аза тутди. Узи ҳали ёш, чиройли жувон эди, эркаклар «боши очиқ» Салтанатга бошқача қарай бошлашди, бунақанги кунгил олувчилар хуружидан холи бўлиш учундир Салтанат Мажидга тегиб олди. Мажид унда машина ҳайдаш ҳуқуқидан маҳрум этилиб, аҳолига суюлтирилган газ ташийдиган махсус машинада баллон туширувчи бўлиб ишлар, газ келтириш баҳонасида Салтанатнинг аёллар қулидан келмайдиган ишлари — том шиферини тўғрилаб қўйиш, сув томчилаётган кранни созлаш, томорқага экилган картошка-пиёзни чопиқ қилиш, баъзан Нигорани боғчадан келтиришдек юмушларни бажарар, қамоқ муддатини утаб келганига қарамай, уғри-киссавур ё каллакесарга ухшамас, шунчаки ётоқхонада кун кечириб яшаб юрган бир йигит эди. У кезларда Мажид ичмас, Салтанат ҳам, Мажиднинг таъбирича, бўлажак эрининг «аввалги» турмушидан хабардор эди. Ун йил бурун Мажид Хосият билан район марказида яшаб, Хосият ресторан буфетидида ишлар, фарзандлари йўқлигини айтмаганда, каму-кўстисиз ҳаёт ўтказишар эди. Мажид машина тузатиш учун янги очилган устахонада механик эди. «Запорожец» «Москвич»га, «Москвич» «Жигули»га айланганида, шу машинаси бошига етди. Машина гилдирагидан отилган тош велосипед ҳайдаб кетаётган болага бориб тегди, бола уша ернинг узидаёқ жон берди. У район амалдорларидан бирининг фарзанди экан, эр-хотиннинг ҳаракатлари Мажидни сақлаб қола олмади, Мажид атайлаб қилган бўлмаса-да, айбдор деб топилиб, беш йил муддатга кесилиб кетди, қамоқдалигида Хосиятдан ажралиш ҳақидаги варақа қулига текканида, Мажид бўшаши-қолди... кейин муддати тугагач, районида ҳам, сингилукалари яшайдиган Чинозга ҳам бормади.

Бир кун Салтанат ичи ачигандек:

— Шунақа сарсон бўлиб юраверасизми? — деди. — Ҳали ёшсиз... Ётоқда кун кечириш сизга муносибми? Соппа-соғ бўлсангиз, қулингиз гул...

— Қаёққа ҳам борардим, — деди Мажид бу гапни Салтанатнинг ўзи очгани учун ҳам ҳадиксираб. Чунки Салтанатнинг бу гапида «Бошқа бозорингизни кўринг», деган маъно ҳам бордек эди. — Кимга керагим бор? Қамалиб чиққанганимни биров эшитгудек бўлса...

— Қамалган бўлсангиз, беғуноҳ экансиз-ку, — деди Салтанат алами келгандек. Мажид сезди, Салтанат уни ҳимоя қилиб ачин-япти. — Буни, «Емаган сомсага пул тўлаш», дейишади... — Салтанат жимиб қолди. У нималарнидир ўйлар, нималардир дегиси келар, аммо айтишга тортинар эди. — Биласизми... — деди у ниҳоят ўз юмушидан бош кутармай.

— Хўш?... — Мажиднинг юраги нотинч ура кетди.

— Кела қолинг шу ерга, — деди Салтанат, Мажидга ҳамон қарамай.

— Дабдурустдан-а?

— Расм-русмини... қилиб-да. Нигорага ада бўласиз.

— Бупти! Албатта, — деди Мажид дарҳол. — Бу ёғига хотиржам булаверинг. Унча-мунча орттирганим ҳам бор...

Ярим йил ўтар-ўтмас Салтанат чала туғиб, кўп қон кетди, духтирлар уни аранг сақлаб қолишди. Шундан сўнг у тез-тез дардга чалинадиган бўлиб қолди. Мажид ўқтин-ўқтин ичадиган, кўпроқ валдирайдиган, мақтанадиган, Салтанат писанда қилса, «Ўз тоғганимга ичяпман, сеникинги ичсам, нима дердинг?» қабилида ўшқирадиган бўлиб қолди. Бир-икки марта Салтанатни кўргани касалхонага маст ҳолда борди, ҳатто улфатлари билан чақ-чақлашиб, Нигорани боғчадан олиш ҳам эсидан чиқди, эртасига Нигора қўшиникидан топилди... Нигора эндигина учинчи синфга қатнай бошлаган кезлари эди. Салтанат икки кунтс даво олди, жарроҳ аралашди, аммо унинг аҳволи кун сайин оғирлаша борди. Салтанат ой-кунни битаётганини англаб, тақдирга тан берди, ўзини ўйлаётгани ҳам йўқ, хаёли фақат Нигорада эди. Мажид — ўғай ота, устига-устак ичади, қизининг қисмати нима бўлади? Айниқса, охириги кунларида — оғриқ зўр, чидаб бўлмайди, дорининг таъсири камайиши билан оғриқ авжига чиқади, яна дори, яна игна — Салтанат аста-секин тинчий бошлайди, ёшга тўла кузлари Мажидга мултираб боқади, қуруқшаган лаблари «Нигора» сўзини аранг шивирлайди. Охириги марта сўзи чала қолди. Салтанат уйқуга кетди, булак уйғонмади...

Салтанатнинг вафотидан сўнг Мажид баттар ичадиган, ишига ҳам маст ҳолда, баъзи кезларда умуман бора олмайдиган бўлиб қолди. Борса ҳам эрталаблари зурга туради, газ ортилган машина дуд-дудлайверганидан кейин аранг судралиб кўчага чиқади, бир амаллаб кабинага ўтириб олади, хонадонларнинг бирида булмаса бошқасида ичкилик топилади. Ютоқиб бир-икки пиёла симиради, кузи очилади, ҳаёт яна яхши қурина бошлайди, хонадонлардан умарган турт-беш сум пулига яна вино олади, шишани қўлтиғига қисиб, уй эшиги олдида машинадан тушиб қолади, ечинмай нетмай шишани тиши билан олади, пиёла қидиришга ҳам сабри чидамай, шишани апил-тапил оғзига қуюди, кўкимтир лаблари жиягидан томоғига оққан сулак аралаш суюкликни қафти билан артади, лаззатли хўрсиниб, хира кўзларини дераза тоқчасида утирган Нигорага тикади, хиқичокдан қалқинади, кекиради,

чунтагидан эзгиланган сигаретларини қидира бошлайди, ниҳоят бирини аранг топиб, гугурт қақади, чайкала-чайкала туташтиради, Нигора қул учиде йиғиштирган урнига гандираклаб боради, узини ташлайди, бир оздан кейин хуррак ота бошлайди. Бу ҳол Нигорага органиш бўлиб қолган, у жойида чурқ этмай кутади, хуррак эшитилиши билан бориб отасининг бармоқлари орасида тутаб турган сигаретни олиб ташлайди, кейин пошнаси қийшайиб кетган ботинкасини, тердан жиққа бўлган сассик пайпогини ечади, устига жун одеял ташлайди, бошига совуқ чой қўяди, даҳлизга чиқади, телевизор бурайди, қўшни чиқарган овқатни чуқилайди, телевизор билан чироқни учиради, диванга бориб ётади, юм-юм йиғлаб ухлаб қолади.

Нигора туртинчи синфга бора бошлаган пайтлари, баъзан эрталаб ўзи уйғонади, баъзан ухлаб қолиб, мактабига кечикиб боради, ўқитувчиларидан дакки эшитади. Тириклигида онаси дардманд бўлса ҳам унча-мунча Нигоранинг дарслрига қарашар, унинг ўқиши тузук эди. Вафотидан сунг қизча ўз иختиёрига қолиб, ақли етган уй топшириқларини бажаради, тушунмаганларини қила олмайди, отаси кучада, уйда бўлганида ҳам ундан нима фойда, букиб ётгани-ётган. Рузгорга ҳам қарамай қўйди. Албатта, нимадир олиб келади, музхонада гушт ҳам, тухум ҳам, сариеғ ҳам бўлиб туради, аммо жаз-бузга қарамайди, дарди ичишда. Ювиш-артиш, қозонга уннаш, шиприб-сидириш Нигорага қолган, ўқишни ҳам, уй юмушларини ҳам қўлидан келганича бажаради. Шу сабаблидир ёки уй иши учун бериладиган топшириқларга зеҳни етишмаганиданми, ўқиши ҳам сусайди, мактабга кеч қолишлари, ёмон баҳолар, танбеҳлар қизчани мактабдан безита бошлади, кўп ҳолларда Нигора мактабга бораман, деб уйдан чиқиб кетар, йул-йўлакай боришдан айнир, боши оққан томонга кетиб қолар, автобус бекатига бориб анқайиб турар, бозорча оралар, писта олиб уйига қайтиш одат тусига кириб қолган эди. Унга кўз-қулоқ булиш, тергаш, сўраб-суриштириш ҳеч кимнинг хаёлига келгани йўқ. Тўғри, оила аҳволидан хабардор, баъзан-баъзан овқат чиқариб турадиган қўшни аёл эри орқали Нигорани сўраттирди. Йўлдошали Нигора қаровсиз қолиб кетаётганини ётиги билан айтди, аммо Мажид «қаровсиз» сузидан оғриниб, кўнмади, ҳатто жаҳли чиқиб, «Нима, мени одамгарчиликдан қичариб қўйдингизми, — деб дўнгиллади. — Тўғри, унча-мунча томоқни хўллаш бўлиб туради, аммо-лекин ким бу ишни қилмайди, ўзиз ҳам авлиё эмассиз-ку... Муккасидан кетган алкаш эмасмиз, худо инсоф беради, тўхтатамиз, вақтинча нарса, бошимга қанақа қулфат тушди, осон тутманг, — деди Мажид, иззат-нафси таҳқирлангандек, — агар сиз ҳам шунақа кунга тушсангиз, билмадим нима бўлардингиз». «Нафасинг тескари бўлсин», дея Йўлдошали қўлини силтаб, чиқиб кетди. Шу-шу бу ҳақда ҳеч ким оғиз очмайдиган бўлиб кетди, аммо унча-мунча ёрдамни аямайдиганлар доим чиқиб турди. Айниқса Мажид маст ҳолда газ баллонини тушириб оёғини синдирганда, бир ой чамаси касалхонада ётиб, яна анча пайт қўлтиқтаёқда юрган кезларида, қўшниллар асқотишиди. Мажид касалхонадалигида қўшнилари галма-гал Нигорани ўз уйларига олиб чиқиб кетишиди, уст-бошига қарашди, унинг ўқиши ҳам унғлана бошлади, бироқ Мажид касалхонадан қайтиши билан ҳаёт яна эски тарзига тушди, Мажид мажруҳлигини баҳона қилиб, одамларга ўдағайлар, даъво қилар, нималарнидир ундирмоқчи бўларди. Яна ичиш, маст-аласт уйига қайтиш, баъзи ҳолларда қўлтиқтаёғини йўқотиб, уйига — агар кучада учиб қолма-

са — эмаклаб келадиган пайтлари ҳам бўлди. Унда Нигора қўлтиқтаёғини қидиришга тушар, топмаса алламаҳал шумшайиб уйига кириб келар, Мажид эртасига ёғочдан янгисини ясаб олар, қулбола қўлтиқтаёғини дуқиллатиб, яна кучага чиқиб кетар, идорасига бориб қонун суқир, хизмат пайтида оёғи синганини рўқачлаб, нафақа талаб қилар, ҳодиса маст ҳолда бўлганлигини тан олмас эди. Ниҳоят райондаги ижтимоий таъминот бўлими, меҳнат лаёқатини йўқотган, деб Мажидга бир йиллик нафақа аниқлади, шунда Мажид ўзини ҳар қанча масъулиятдан холи ҳисоблаб, кўнглига келганини қилиб юришга тушди. Оёғи азоб бермаса-да, Мажид қўлтиқтаёғини ташламас, чунки таёғи ман қилинган кўп ҳаракатлари учун фавқулодда рухсатнома вазифасини бажарар, айниқса ичкилик олиш учун бехато хизмат қилар, шунинг учун йўқотиб қўйиши эҳтимолини ёдида сақлаб, у дорихонадан унтасини олиб уйига ташлаб қўйди. Қўлтиқтаёғининг катта-кичиклигининг аҳамияти йўқ, ўзи билан бўлса кифоя, эҳтиёж қолмаса ҳам ёнида туриши керак.

Мажиднинг хаёлида ҳадиги бор эди. Яъни ҳозирги турган жойига Нигора меросхур, агар биров Нигорани ўз қарамоғига олса, демек мулк ҳам у кишига ўтади. Нигорадан ажраш бисотдан маҳрум булиш деган гап, шунинг учун Нигорани четлатиш ақлдан эмас, унга нечоғли меҳрибон булиш, кўнглига қараш керак. Бир амаллаб иродасини йиғади, ичкиликни ташлайди, яши ишга киради, рузгор ташвишларидан қизчани мутлақо озод қилади, ялаб-юлқайди, гулдек ясадиб қўяди, мана-ман деган оталарни ҳам доғда қолдиради, агар у рози бўлса биронта бевага уйланади, янги онаси Нигорага уқалар туғиб беради... Рози бўлмаса — майли, шундоқ ўтади, узини Нигорага бағишлайди, Нигора вояга етса, узатади ёки ичкўев қилади. Курибсизки, бирин-кетин неваралар ҳам... Бунақанги жозибали орзулардан Мажиднинг юраги ҳаприқиб кетади, қувончини нишонлагиси келади, қўлтиқтаёғини дуқиллатиб марказга ошиқади, кеч кирганда яна аввалги алпозда кириб келади... Бунақанги таралла-бедод бир кун, икки кун билан чекланмайди, оладиган нафақаси аранг бир ҳафтага етади, Мажид қўлтиқтаёғини дуқиллатиб буфет томон ошиқади, узига ўхшаган қаланги-қасанги улфатларини топади, аввал бир шишани тинчитишади, бу албатта, кам, яна қидиришга, кимларнидир аврашга, кимларгадир ялинишга тушишади, бу ҳам қониқтирмагач, рузгордаги бисотни — соатми, аёл тақинчоғими, ким нима топса, тўғрироғи, уйдан сездирмай олиб чиқиб кетиш мумкин бўлса — арзон-гаровга пуллашади, совуришади, балои нафсга уришади.

Мажидни тергайдиган ҳеч кими йўқ, у улгуржироқ иш тутайди. Нигора пешингача мактабда бўлади, отасининг қилмишларини курмайди, курганда ҳам нима дерди гудак? Ахир бу бирин-кетин тузатиш баҳонасида уйдан ғойиб бўлаётган нарсаларнинг бари — девор соати, «Зингер» тикув машинаси, биллур қандил, вазалар, гиламу духоба чойшаблар, холодильниги чанг тозалагичлар — онаси йиллар мобайнида узидан олиб орттирган бисоти. Ун бир ёшга кириб қолган Нигора отасининг найранглари пайқай бошлади, айниқса, энг зарур холодильник ғойиб бўлганда, қўрқа-писа сўради, чунки бир қозон овқат икки-уч кунга етарди, бузилмас эди, энди ачиб қола бошлади. Энг муҳими — у пайтлар дуконларда тухум қалашиб ётар, музхонадан тухум аримас, иккитасини товада қақиб-пишириб мактабга еб кетарди, дугоналари келса бир зумда қуймоқ қилиб берарди. Энди тухумни сақлаб бўлмайди, отаси музлатгични тузатишга бердим, деди, аммо ни-

масини тузатиш керак экан, бинойидек ишлаб турувди, қалдир-қулдир овоз чиқариб, жонли нарсадек шарпа бериб турарди, ёлғизлик пайтларида — айниқса эрталаблари — узининг гулдурди билан Нигорани уйғотар, мактабга шошилтиргандек бўларди...

Бир куни Маждид яна таранг булиб уйига келди. Тўғрироғи, танишлари «Волга» машинасида ташлаб кетишди, ҳатто бир мўйловли йигит ҳовлигача олиб кириб, «Бош оғриқ» дея бир шиша коньяк қуйиб кетди. Буни, албатта Маждид билмайди, кеча оёғида зурга турарди. Бугун у столда турган коньяк шишасини куриб, тахмин қилди, шиша кўзига мўъжиза булиб куринди, сапчиб ўрнидан турди, дарров ичгиси келди, аммо уйланиб қолди — коньяк қиммат, кам топиладиган нарса, уни бош оғриғи қилиш — исроф, гузарга олиб чиқса буфетчининг ўзи беш шиша «хашакиси»дан беради. Каландимоғлар буни писанд қилишмайди, чиройли, қимматларини қидиришади, бири-бири олдида олифтагарчилик қилишади. Аслида «хашаки» бўлса ҳам, ўшаниси тузуқ, дарров миёга уради, беш шишаси икки кунга етади. Маждид шишани урнига қуйиб, жойига утирди, сигарет ахтарди, ёнидан қутиси эзилган «Малборо» чиқди, қалтираб бирини туташтирди, майин тутунни ич-ичига тортиди, кечаги куннинг хотирасида қолган пайтларини эслай бошлади... Эрталаб қўлтиқтаёғини деворга суяб куча эшиги ёнидаги ходада утирар, боши ғувиллар, бутун борлиги ичкилик талаб қилар, аммо пули йўқ, ўзи гузардагиларнинг жони-га теккан, бунақа кезларда қўлланадиган барча чора-тадбирлар қайтариллавериб, ҳаммага ёд булиб кетган, на алдаш, на таёқни рукач қилиш, на ёлбориш ўтмайдиган булиб қолган. Ягона йули — яна уйини титкилаш, бирон нарса топиб, пулга қақиш, ёниб турган юракка ичкилик сепиб, ором олиш. Маждид энди ўрнидан жилмоқчи булиб турувди, кучадан утиб кетаётган «Волга» рупарасида тўхтаб, ичидан Исмоилбек, унинг кетидан башанг кийинган мўйловли йигит тушди. Йигитиям, Исмоилбекни ҳам Маждид танийди, кўрмаган куни йўқ, улар машинасида марказдан кунига неча марталаб ўтишади, аммо иккови билан ҳам суҳбатда бўлмаган.

Йигит эшигини ёпмай машинаси олдида қолди, Исмоилбек жилмайиб Маждид томон кела бошлади. Маждид туриб олазарак ишшайди.

Исмоилбек Маждид билан қўл бериб куришгач:

— Узимни офтобга солиб утирипман, денг! — деб хахолади. Маждид, дили хавфсираб, кулди.

— Ҳа, энди, — дея мижғовланди у. — Бировникини қидирияп-сизларми, дейман?

— Мирза аканинг онаси дунёдан ўтиптилар, шаҳарда эдим, билмай қолибман, — деди Исмоилбек кўчанинг охирига қараб. — Хабарингиз бордир?

— Ҳа, ҳа, — деди Маждид каловланиб, у умуман бундан бахабар эди. — Кириб чиқдик, маҳалла билан...

Исмоилбек очик эшикдан Маждиднинг ҳовлисига куз ташлаб:

— Уй пойлаб ўтирибсизми? — деди ва Маждиднинг авзойига тикилиб, қўшиб қўйди. — Кеча яхшигина «отилган»ми дейман? Турамми тойидек титрапмиз?

Маждиднинг ишишган лаблари титраб, таноби қочди, яккам-дуккам сариқ тишлари, илдизидан қочган кўкимтир милки куринди.

— Тузатиш керак, бўлмаса дунё кўзга кўринадими? — деди Исмоилбек Маждидга далда бериб. — Эшикка қўлф соп туринг, биз

беш минутда қайтамиз, — дея, Исмоилбек Маждиднинг елкасига қўқиб қўйди. — Тузатамиз, балиқхўрликка борамиз...

«Бўлса ҳозироқ бир пиёла узатинг, у ёғи бир гап булар», демоқчи эди Маждид, тили бормади — шунисиғаям раҳмат, ярим соат чидаш мумкин... Балиқхўрликка борилса, одам сал ўзини ушлаши, суллоҳлик қилмаслиғи керак. Қуриб қўйсин, исқирт бўлса ҳам, муккасидан кетмайди, зарқоғоз ёпиштирилган шишаларига ҳам қарамаслиги мумкин...

Ҳақиқатда, улар дарё бўйидаги толзорга етиб боришганда, Маждид аввалига ўзини тутди, ҳатто кимдир узатган пиёлани истамай олган бўлди, охиригача ичмади ҳам, қолганини ҳазар қилгандек селип ташлади.

Исмоилбек Маждиднинг тирсагидан олиб, четга бошлади.

— Қалай, сал ёзилдингизми? — деди у бошқаларга нисбатан Маждидга алоҳида эътибор бергандек.

Маждид ўзини тетик-лоқайд курсатиш учун беписанд қўл силтади.

— Янгани бериб қўйибсиз-да, — деди Исмоилбек ўзини ҳам-дард курсатиб. — Бечора ёш экан, ажал курсин, ҳеч кимни аямайди, ёш-қари демайди.

— Энди ўттизга кирувди.

— Бандаларининг қўлидан нима келарди, кўникишга мажбур-миз.

— Иложимиз қанча... Қизчаси қўлимда қолиб кетди.

— Отасини билардим, жойи жаннатдан бўлсин-у, хумпар ўз бошига ўзи етди — мотоцикл қувигани-қувиган эди.

Маждид индамади, бош силкиб қўйди.

— Энди уша жойда икковлашиб яшайсизларми? — суради Исмоилбек шунчаки суҳбатни давом эттирмоқчидек. — Рўзгорга ким қарайди?

— Ким буларди? Узимиз. Кизчанинг қўли келиб қолган, — деди Маждид. — Сигир-қўй йўқ, томорқа — дарахтзор, экин экмай-миз, қозондан бўлак юмуш ҳам йўқ.

— Боя кўзим тушига қолди, — деди Исмоилбек беписандгина. — Ҳовли ҳам каттагина экан. Қаралса, жаннат қилиб юбориш мумкин.

— Оёқ чатоқ, — дея Маждид қўлтиқтаёқ учи билан илигига уриб қўйди.

— Ҳайҳотдек ҳовли — дардисар, — деди Исмоилбек ҳушёрлик билан. — Буни сотинг-да, оёгингиз мунақа экан, қулайроқ, кам-харж жой олинг. Ҳовлим қаровсиз қолди, деб эзилмайсиз ҳам. Савоби тегади. Маслаҳат — шу.

Маждид аввал-охир бу ҳақда бош қотирмаган эди, маслаҳат фалати туюлди.

— Сотиш? — таажжубланди Маждид. — Йўғ-э!..

— Уйлаб кўринг, Маждид ака, — деди Исмоилбек, ўзидан ёшроқ бўлса-да, Маждидни «ака» деб. — Дарров йўқ деманг, уйлаб кўринг. Бир қарорга келсангиз, айтинг, тузуқроқ харидор топамиз, топилмаса, узимиз харидор-да! Лаббай? Нима дейсиз бу ёғига? Менга йўқ демасиз-ку ахир! Жойда хоҳлаганча ўзингиз тураверасиз, биз томондан сарф-харажат бўлади, ҳаммасини қайтадан қўлдан чиқарамиз, қўғирчоқ қилиб қўямиз. Уй пулини чўнтакка урасиз ё омонат кассага қўясиз, ё ихчамроқ жой оларсиз, қарабсизки «сих ҳам, кабоб ҳам» деганларидек! Хўш? Бунисиға неча пул берасиз? — дея Исмоилбек Маждиднинг иккала кифтини ғижимлаб силтади.

— Неча пул? Пул қаёқда... — мулзам жилмайиб, эфироз билдирди Мажид.

— Шунақа гап бор, — деди Исмоилбек кутаринкилик билан. — Гул сиздан, пул биздан! — Исмоилбек хаҳолаб кулди ва нарёқдагиларга куз ташлаб, шартта кулгисини учирди. — Чш! Бу гап — орамиздаги сир. Ҳали нима бор, нима йўқ. Насиб қилмаган бўлса, минг бақиринг — уч пул. Нима дедингиз?

— Тугри, — деди Мажид кўзлари йилтираб.

— Уринг! — дея Исмоилбек кафтини очди, Мажид бармоқлари учи билан «чирс» эта унинг қулига урди. — Яшанг! Энди «отамиз»! Қалай?!

— Соз!

Эзгиланган, гижим, шиптир, ҳафталаб уст-боши эгнидан тушмаган, соқоли ўсиб кетган, киприклари мижжасига ёпишган, шилпик кўзлари милтираган Мажид ним қоронги хонасида утирар, кечаги кун воқеаларини эслар, Исмоилбекнинг «маслаҳати» уни бир чўчитар, бир аврар, Мажид бир қарорга кела олмас, аммо куз унгидан жарақ-жарақ пуллар утганида, ўзини ҳамма нарсага қодирдек ҳис қиларди. Шундай экан, коньякни беш шиша хаша-кисига алмашиш Мажидга муносиб эмас, энди у тўкислар қаторига киради, улар билан бир дастурхон атрофида утира олади, ишни коньяқдан бошлаши керак. «Осилсанг...» — Мажид қолганини эслай олмади, коньякка қўл узатди, пиёлага қўйди, ўқчиб-ўқчиб бўшатди, кекирди, «Малборо»дан бирини туташтирди. Энди Нигорани кундириш керак, уйлади у, албатта бунақа савдо-сотик ишларига унинг ақли етмайди, аммо тушунтириш мумкин-ку. Ҳақиқатда, ҳовли-жойлари ҳайҳотдек, унта одамни ҳам эсанқира-тиб қўяди. Исмоилбек «Тураверасизлар» деяпти, ҳовлига ўзлари қарармиш — яна нима керак? Ихчамроқ жой сотиб олишса, у ҳам бир мулк, ижара қўйишса, унча-мунча томиб туради, пулнинг қолгани асқотар, Нигора чузилиб боряпти, кийим-кечак, сеп, ми-ниланг бўлса ҳам жунроқ машина, деганларидек...

Мажиднинг эзгу ниятларидан биттаси ҳам амалга ошмади. Уйнинг пули ярим йилга етмай соғурилди. Ҳал уйнинг орқасидаги бостирмага туллаб қўйилган эски диван, жавон, қақир-қуқурларга келди, пахтаси чиққан кундали курпа-ёстикдан бўлак ҳеч нарса бисотида қолмади. Исмоилбек бу жойни сотиб олишдан мақсади — ҳовлининг саҳнига хоналар қурдириб, тикув дастгоҳлари ўрна-тиш, шолча, палос тўкиб чиқариш, «кичик корхона»ни ўглининг номига расмийлаштириб бериш эди. Электр қуввати, газ, сув, канализация, катта саҳн, кўздан йироқ — ҳамма томондан Мажид-нинг жойи қулай эди. Мажидга анча бўлиб кўринган ҳовли нархи, замон ўлчови билан солиштирилса, Исмоилбек учун арзон тушди. Олди-сотда ими-жимиди, асосан Мажид билан Исмоилбек орасида ўтди, қонунлаштириш, ҳужжат олиш харажатларини Исмоилбек кўтарди, ҳужжат қўлга тегиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилгандагина қўшнилар билиб қолишди, акс ҳолда, асосий меросхўр Нигора бўлгани учун, маҳалла бу ишга аралашган, шубҳали олди-сотдига йўл қўймаган буларди, бироқ расмийлаштирилган ҳужжат ҳеч қандай чорага имкон қолдирмади. Исмоилбек тап тортмай ишга киришди, қурилиш ускуналар, гарам-гарам гиштлар, бетон блоклар, машиналар, одамлар ташланди, кечалари ҳам иш тинмади, уч ой ўтар-ўтмас асосий иш битди, дастгоҳлар урнатилиб, атрофдаги хотин-халажлар дастгоҳда ишлашга урга-тилди, корхона маҳсулот бера бошлади...

Мажид аввалига қоровул бўлиб ишлаб юрди, аммо унинг ичавериши, навбат кунлари маст ҳолда ухлаб қолишлари Исмоил-бекка баҳона бўлиб, у Мажидни ишдан бўшатди, қоровулхона бошпана эди, ота-бола ундан ҳам маҳрум бўлди. Бу жойга энди уларнинг даҳли-даввоси йўқ, корхона маҳсулот чиқаради, омбор-лари хомашёга тула, ҳамиша маст Мажиднинг бу ерда ивирсиб юриши кимга ёқади? Бир ҳафта ўтар-ўтмай Исмоилбек янги ёлланган қоровулга «Мажидни киритманг», деб буйруқ берди. Мажид билан ун уч яшар Нигора кучада қолишди. Бор-йўқ бисоти турмакланган кўрпа-ёстиги, ярим қоп қақир-қуқир — вассалом. Мажид ҳушёр тортгандек бўлди, тузукроқ уйлаш, бирон чора топиш учун гаранг мияси имкон бермас, алаמידан яна ичиб, гамини енгмоқчи бўлди, аммо ичкилик ҳам, пул ҳам йўқ, қоровул-дан қарз суровди, у жеркиб берди. Боши қотиб турмакланган курпасига ўтириб қолди, ҳаёлига қандайдир ўй келди чоғи, урни-дан аранг туриб, Йулдошалининг ҳовлисига кирди.

— Бир-икки кечага бирон бурчак топилар, ҳали совуқ тушгани йўқ, — деди Йулдошалининг хотини. — Нигора, майли, шетта турсин, ўзиз... ичасиз, аҳволингизга қаранг, хужайиним унамай-ди, гаши келади, жой ахтаринг.

— Кимми кўзи учяпти менга, — деди Мажид ерга тикилиб. — Ўз жойимга сиғмадим...

— Жойингизни ичиб бўлдингиз, — дея писанда қилди аёл. — Нигоранинг мулкини совурдингиз-а, худо уради сизни.

— Худо уриб бўлди, — деди Мажид тўнгиллаб ва бурилиб чикиб кетди.

Мажид гузарга етиб, у ёқ-бу ёққа аланглади, ўлжа унадиган кимса кўринмагач, буфетга мўралади, ялтоқланиб насияга ички-лик сўровди, буфетчи ҳайдаб солди. Мажид катта кўчининг нариги томонига ўтиб, яна аланглади — ҳамма ўз ташвиши билан овора. У таёғини дўқиллатиб автобус бекати томон юра кетди, зора омади юришиб, бирон нарса ундира олса... Бир йиллик муддати тугагач, нафақа олиш ҳам тўхтаган. Унда уйнинг пули ҳали тамом бўлмаган эди, Мажид нафақадан маҳрум этилганига қўймади ҳам, унинг устига Исмоилбек уни ўз корхонасига қоровул қилиб тайинлаган кезлари эди. Мана, қоровулликни ҳам худо куп кўрди. Энди шунча қўл келган таёғини ташлаши, бирон ишнинг бошини ушла-ши керак. Аммо ким уни ишга олади ҳам? Кимлигини, қанақалигини ҳамма билади-ку. Бироз оқсоқланса-да, умуман соғ-ку, албатта, қўли ишдан чиқиб кетган, аммо кунт қилса, ҳамма нарсанинг урдасидан чиқади. Қолаверса, гулдек ҳунари бор, ме-ханик, машинанинг икиридан чиқиригача билади...

Мажид хаёлларга берилиб, посёлкадан уч-тўрт чақирим нари кетиб қолганини қовуғи тулганида пайқаб қолди, йўл четдаги ариқдан ҳатлаб кимсасиз турган эски автобус панасига ўтди, бушанаркан, автобусга разм солди: биронта ойнаси йўқ, уриндиклари кучирилиб кетилган бу автобусни кимларди зару-рат учун шу ерга келтириб ўрнатишган, ёз-кўз палласида қоп-қоп минерал ўғит сақлашган, баланд ўрнатишгани ва тераклар соясиди бўлгани учун пойлоқчига чайла вазифасини ўтаб келган. Даладан ҳосил олинганч, автобус қўнқайиб ўзи қолган, эгаси ким, яна асқотадимми — буни ҳеч ким билмайди. Аммо деразаларига қоғоз картон, фанер-тунука парчаларини қоқса, тешикларига латта-пут-та тикса, шамол ғувилламайди, ана — ашак гарами турибди, бир-икки қўлоч келтириб ташласа, ётишга жой бўлади. Симёғоч ҳам шу ерда экан, шнур илса чироқ бўлади, электр плита уласа —

овқат-повқат, чой... Балки Маждид бу ерда кичиккина устахона очар, утган-кетган машиналарнинг уёқ-буёғини қараб берар...

Ҳозир бу ер албатта, ифлос жой.

Нигора билан икковлашиб қиришса-супиришса, бинойидек бўлади.

Йулдошалиникида ҳамма нарса бор — овқат, қанд-курс, озода тушак, ҳаммом, иссиқ сув, рангли телевизор, ҳатто кенжа фарзанди Севар Нигорага уртоқ, бир мактабга қатнашади. Синфлари бошқа-бошқа. Авваллари ҳам уртоқ, бир-бириникига чиқиб туришар, баъзан дарс тайёрлашар эди. Аммо ҳавойи, хоҳлаганини қилишга урганиб қолган Нигора учун Йулдошали хонадонига тартиб, сўраш-суриштириш малол кела бошлади. Уз уйида нимаики қилмасин уз ихтиёри, хоҳиши билан бажарар, ҳеч ким — ҳатто отаси олдида ҳам ҳисобот бермас, мустақил ва озод эди. Уз уйида отаси кам гапирар, асосан, маст ҳолда қотиб ётар, хуррагидан бўлак товуш эшитилмас, ҳамсуҳбат булмагач, Нигора ҳам кам гап бўлиб ўса бошлади; Маждид ҳафталаб Нигоранинг овозини эшитмаган пайтлари булган. Фақат онда-сонда йўталиши, идиш-товоқнинг даранг-дурунгидан уйда Нигора борлигини Маждид биларди. Йулдошалининг уйидагилар тинмай гапиришади, телевизорнинг жағи учмайди — уч кун деганда Нигора ўзига жой топа олмай қолди; кўча, бозор санғишлари ҳам чекланган, Севарнинг онаси Моҳира хола Нигоранинг ҳар қадамини тергаб турди, Нигора ҳатто пистасини ҳам чақмай қўйди. Бирон бурчакка кириб олиб, китобидан куз узмай, аммо сатрларни кўрмас, ҳаёли отасида эди. Мана, уч кун ўтди отасининг зарда қилиб кетганига. Қаерларда санғиб юрганикин? Пули йўқ, кўрпа-тушаги бу ерда қолган, кечаларни қандай ўтказди экан? Балки бирон пастқам жойда ўлиб ётгандир? Тирик булганида келарди, кимникига ҳам сигарди, ётар жойи йўқ, албатта келарди. Аммо соғ бўлса, қачонгача санғиб юради, ахир куз ҳам яримлашиб қолди, совуқ кунлар, ёгингарчилик бошланади, отаси қаёққа боради, кимга ялинади? Урушиб-нетиб, қамалиб кетса ҳам майли эди, боши берк, қорни туқ бўларди. Нигоранинг муштдек жонига энди бу кўргилик бормиди, онаси ўлгани, ҳовлидан маҳрум бўлгани каммиди. Устига-устак мана бу уйдаги тартиб-қоида, ҳар қадамнингги ўлчаб босишинг керак.

— Хола, — деди Нигора мош тозалаётган Моҳира опанинг рупарасига келиб. — Айланиб келаман.

— Зерикдингми, болам, қаёққа борасан? — сўради Моҳира опа.

— Дадамни ахтариб келаман, — деди Нигора ўйлаб қўйган баҳонасини далил келтириб.

— Қаёқдан ахтарасан?

— Гузардан. Танишларини биламан.

— Муштдек нарсасан, болам, қўй, — деди Моҳира опа. — Амакинга айтамыз, суриштиради.

Нигора индамай, жойига бориб ўтирди. Моҳира опа, йиғлайди, деб ўйловди, негадир Нигоранинг кузлари намланмади ҳам. Азоб-уқубатларни куравериб, меҳри қотиб кетган, фараз қилди Моҳира опа, отаси кетганига уч кун бўлди, қизи бир марта чурқ этмади...

Нигора ўз отасини танимайди. Отаси мотоциклда ҳалок

булганида Нигора жуда ёш эди, эслай олмайди. Фақат сувратини кўрган, чиройли экан. Нигора ҳозирги отасини танийди ва угайлигини ҳам билади, аммо эси кирибдики, онаси «Отанг шу» деган, Нигора ҳам шундан бўлак ота курмаган, боғчага бориш пайтларидан тортиб шу кунгача Маждидни танийди.

Нигора улдига чиқарган отаси уч кун ўтиб туртинчи кунига қизини кўргани Йулдошалиникига келди. Бироз кайфи бор, қиёфаси аввалгидек, аммо таёқсиз, қулида икки шиша вино, бир буханка нон ва тўртта хурмо солинган тўрхалта бўлиб, ҳар хил тугма қадалган камзулининг энгига мой юққан, оқ оралаган соқоли баттар ўсиб кетган эди.

Нигора отасини кўриб, ич-ичидан қувониб кетди, аммо ҳиссиётини яширишга ургангани учун қиёфасини ўзгартирмай, нарида тўхтади, ёввойи назарини четга олди. У ҳозир отасининг йуқолиб кетганидан аламзадами, норозими ёки топилганидан мамнунми — англаш қийин эди. Балки яна келганидан уйдагилар олдида хижолат торятимикин? Даф бўлиб кета қолгани маъқулмасмиди?

Нигоранинг табиати Маждидга маълум, унча-мунчаги тишининг оқини курсатавермайди — айниқса онасининг ўлиmidан кейин. «Угайлигимни билади-да, ётман унга, ўз отаси булганимда, кучоғимга отиларди», — шундай уйга борарди Маждид ҳар гал қизчасининг чеҳраси очилмаганини кўриб.

— Қаёқларда тентираб юрувдингиз, Маждидвой? — ҳазар қилгандек суриштирди Моҳира опа. — Нигорангиз ўзига жой тополмай қолди. Энди қидирувга тушмоқчи бўлиб турувдик.

— Машина тузатдим, — дея, шубҳа қилмаслиги учун Маждид Моҳира опага энгини кўрсатди. — Бироз пул ишладим.

— Нигорани кўргани кепсиз-да, — пичинг қилди Моҳира опа Маждиднинг тўрвасига ишора қилиб. Маждид Нигорага қараб олди. — Нигора урганиб қолди. Айт, Нигора, — дея Моҳира опа Нигорага юзланди, аммо Нигора авзойини бузмай тураверди.

— Жой топдим, — деди Маждид, жимликни бузиб. — Агар урганиб қолган бўлса, майли, Нигора шу ерда тураверсин...

— Йук, — деди қатъий Нигора ва қузини ерга қадади.

— Ихтиёринг, болам, — деди Моҳира опа ранжигандек. — Майли, даданг жой топибди, бориб турақол.

Нигора уйғониб кетди, аммо иссиқ кўрпадан чиққиси келмас эди. Автобуснинг ичи ним қоронғу, электр плитаси кечаси билан қиров босган автобусни исита олмас, нариги томонда икки ўриндиққа сим билан қотирилиб, устига похол ёзилган тахта устида яғир кўрпага уралаиб Маждид ухлаб ётарди.

Бу «янги уй»га кучиб келишганига бир ой бўлиб қолди. Ушанда, Маждид қизини олиб келганда, автобус, унинг атрофи бирмунча тозаланган, деразаларига қоп, қоғоз-картон, рубироид қоқилган, симёғочга электр сими илинган, автобуснинг ичига қийишқ стол ўрнатилган, икки томонига сабзавот солинадиган яшиклар қўйилиб, яшиклар устига похол ташланган эди.

— Тўшак ёзсак, — деди ушанда Маждид қизчасига ҳушомад

қилиб, — жой бўлади. Ҳам ётишга, ҳам утиришга. Икки томони дераза, қопни очсанг, ташқари куринади. Бу томониде катта йул. Аммо тинч, — дея қулиб қўйди Мажид, худди Нигора эътироз билдирмоқчидек. — Тунука эшик ҳам ўрнатдим, кўрдинг, қулфланади, ичидан илгаги бор. Қалай?

— Совуқ, — атрофга кўз югуртириб деди Нигора.

— Электр плитаси бор, — дарров жавоб берди Мажид. У йўл-йўлакай турхалтадаги шижанинг бирини очиб, ярмини ичиб олган эди. — Уласак, ҳаммом бўлиб кетади.

Нигора похол тушалган яшикка бориб ўтирди, китоб-дафтарларини столга қўйди, муносабат билдирмади.

— Ҳаммасини узим қилдим, — деди Мажид, узини бунақа ишларга ҳам қодирдек кўрсатиб. — Гушт бор. Талонга олдим. Қайнатма соламиз. Ёғи узидан чиқади. Пиёз-картошка ана, экин-зорда қолган-қутгани топилади. Каром ҳам, сабзи ҳам. Бир-иккита бегоналар қоли билан ораловди, ҳайдаб солдим. Шу ерда яшаганимиздан кейин, қолган ҳосил ҳам бизники-да.

Нигора яна индамади.

— Сен қопни оч, нарсаларни чиқар, плитага қозон қўй, мен кўрпаларни тушайман, — дея Мажид турмакланган кўрпа-ёстиқнинг чизимчасини ечишга киришди.

Нигора ортига қайрилиб, деразадан қопни сурди-да, бир зум ташқарига қараб турди. Осмон кўм-кўк, қуёш чўққидан олган, нари-беридаги дарахтлар сариқ барги билан товланар, полизда оёғига тушов солинган оқ от думини икки ёнига урар, калта думли тойчоқ онасига ишқаланар, тумшугини эмчагига ниқтар эди.

— Энди янги уйни ювамиз, — деди Мажид рўзгор юмушини саранжом қилган бўлиб. У аввал стаканга ярим, пиёлага тула қилиб вино қўйди, стаканни Нигора томон сурди, қалтираб пиёласини стаканга теккизиб олди. — Қоидаси шунақа, қизим, ют.

Нигора қўлини стаканга қўйди, аммо ичкиликни олмади. Мажид пиёладагини симириди, титроқ лабининг икки бурчидан оққан вино соқоли узра томчилаб, кўкрагини нам қилди...

— Айтсанг-чи мундоқ, маъқулми ахир? — ниҳоят тоқати чидамай суради қизидан Мажид.

— Телевизорни қачон олиб келасиз? — суради Нигора, чунки узларининг уйида туришганда Нигоранинг ягона овунчоги телевизор бўлиб, липиллай бошлаганда, Мажид тузаттирмаган, деб уни уйдан олиб чиқиб кетган, аммо етти ой ўтди, телевизордан ҳамон дарак йўқ эди.

Телевизор аллақачон арзонгина сотилиб кетган, Нигора индамай юргани учун, Мажид қизининг эсидан чиққан ҳисоблар, аммо Нигора унутмаган экан — Мажид каловланиб қолди.

— Ҳали тузатишмабди, — деган баҳона топди Мажид, аммо телевизор қизи учун қанчалик керак нарсалигини у билар, ваз топиб, бирон нарса айтиши керак эди. — Ранглисини оламиз.

Нигора телевизор аллақачон пулга чўкилгани ҳам, тузатиш учун устахонага олиб борилмагани ҳам гумон қилар, аммо барибир дилининг бир бурчида умид ҳам сақлаб келарди, мана, у ҳам ўчди. Ҳозирги ҳамма нарса қиммат бўлиб кетган пайтда рангли телевизор оламиз, дейиш, айниқса уларнинг бу танг аҳволида — ғирт хомхаёллик эди.

Нигора ёнбошлаб, юзини ёстиққа буркади — неча пайтлардан бери биринчи марта йиғлаши эди. Унча-мунча нарса учун кўзига ёш келмайдиган Нигора йиғлапти, демак бу чакана гап эмас, шунча пайтдан буён индамай, чидаб келяпти, қойил, хайратланиб

уйлади Мажид, аммо ўрндан туриб қизини юпатмади ҳам, бу бефойда эканини отаси яхши билади. Қизи йиғлашга йиғлапти, лекин — юм-юм, елкаси ҳам қалтирамайди, ҳатто қайғуда ҳам хасис.

Мажид пиёласига вино қўйиб, оғзига тукиб юборди — у қаттиқ таъсирланган эди.

— Устахона очамиз, — деди у бироз вақт ўтгач ва эшик ортидан картон олиб кўрсатди. Бир қулоч келадиган картонга «Устахона» деб ёзилган, тагига енгил машина расми чизилган эди. Нигора ҳамон ёстиққа юзини босиб ётар, ухлаб қолдими ё ҳали ҳам йиғлаптими — билиб бўлмас эди. — Узим ёздим. Кумир билан. Расмини ҳам. Дарахтга қоқиб қўяман. Машиналар қалалиб кетади. Увлик узлари ялинишади. Пул сенда туради. Кассир буласан. Рангли телевизорми, бошқа матоҳми — ўзинг танлайсан. Омадимиз чопиб қолса, балки видео ҳам оларимиз... — Мажид хаёлга берилиб кетди. — Агар иши юриш бўлса, кейинчалик балки биронта аварияга учраган «Запорож» олармиз, тузатиш қулимдан келади, энди мактабинг олисроқ, узим сени машинада обориб опкеларман, нима дединг?

Нигора бошини кўтариб, қаддини ростлади.

— Бормайман, — деди у отасига тик қараб.

— Нега, қизим? Узоқлиги учунми?

— Кийимим калта.

Мажид хотини ўлганидан бери қизига деярли ҳеч нарса олиб бергани йўқ, онаси ғамлаб қўйган кийимларнинг бари кичик, тор, калта келиб қолган. Нигора Салтанат кийган нарсаларини ўзига бичиб тўғрилаб кийиб юрар, шунинг ўзи булар ночорлигидан далолат берарди.

— Рангли телевизормиш!

Нигора олдида турган стаканни бир кўтаришда ичиб юборди, сескангани ҳам йўқ.

Мажид хайратда қолди:

— Яшавор, қизим!

Аслида кийими торлиги ҳам, мактаби энди олислиги ҳам тўғри бўлса-да, Нигора учун шунчаки баҳона, ваз эди. У аллақачон мактабидан совуб кетган, ҳафтасига бир марта борса боради, бўлмаса йўқ, вақтида куча тендираш, отаси учун сигарет қолдиқларини териш билан ўтказади. Баъзан пул-мул ҳам топилиб туради. «Ўлжа» келтирган қизини тергашга Мажиднинг тили бормайди, мактабдагилари «Отаси пианиста, боласи нима буларди?» деб, суриштирмай қўйишган.

Катта йул шу ердан ўтади, Кўкобод бир ярим километрча нарида, машина тузатадиган катта устахона, станция бор, ишчилари куп; устахона олдидаги майдон турли машиналар билан тирбанд. Кўчанинг нариги бетида чойхона, бозорча, магазин, ошхона, яна аллақандай тижорат-воситачи дуконлари бўлиб, бу атрофда гавжум жой ҳисобланарди. Эртаю кеч кабоб ҳиди аримайди. Масжид биноси оқ гиштдан қурилмоқда, бир-икки ҳафта ичида битиши керак, ҳозир пардоз ишлари олиб бориляпти. Теварак-атрофда яшовчилар сабрсизлик билан кутишмоқда, авваллари улар жума намозини ўқиш учун беш чақирим йироқдаги масжидга автобусларда қатнашарди.

Бу ердан ҳам Мажид улфатлар орттирган. Улфатлари орасида

лунжи шишган, кўзи моматалоқ аёл шериклари ҳам бор. Мажид Тамара деган билан иноқроқ, бир-икки марта «уйига» олиб келган, Нигора йўқ пайтида «олинг-беринг» қилишган. Бир-икки шиша ичкилик муаммоси амал-тақал билан топилади. Бирови уйдан яширинча олиб чиққан нарчасини пуллайди, бирови овқатлангани ошхонага кириб кетганларнинг машинасини қўриқлайди, бирови шиша ювиб топширади, яна бирови бозорга келган молни туширишда ёрдам беради — хуллас, ичкиликсиз утган кун бўлмайди ҳисоб. Мажид — шуларнинг бири, ичмай уйига қайтмайди. Рост, «Устахона» деб ёзилган картонни дарахтга қоққанидан кейин, бир неча машиналар тухтади ҳам, аммо асбоб-ускунаси йўқлигидан Мажид куп ишларни қила олмайди. Шунчаки, машинанинг чироғи, карбюратори, клапанларини созлаш каби майда синиқ-бузуқларни тузатиб юрди. Буни ҳам апил-тапил ба-жарар, ҳайдовчининг ўзида ичкилик бўлса, бош оғриғини баҳона қилиб, ундан ундирар, унда бўлмаса ё ҳайдовчининг узини, ё ҳайдовчидан олдиндан пул олиб, Нигорани Кукободга югуртирар, Нигора қайтиб келгунча, топдими-топмадими, деб ҳадиқда вақт утказар, нуқул Нигора кетган томонга алангар, узоқда Нигора куринаса, Мажиднинг кўзи унинг қўлидаги халтада булар, ичида керакли нарса бор-йўқлигини сезиш учун тоқатсизланар, ниҳоят Нигора етиб келгач, ишни шартта тухтатар, шу ерининг ўзидаёқ шиша пўкагини очиб, ёнаётган ичига қўйиб солар эди... Уша кунлар ҳам ғанимат экан, оз-оз бўлса-да пул-мул тушиб турарди, кейин у ҳам тортилиб қолди. Милиция вакили келиб, рухсатнома суради, жарима солмоқчи бўлди, «Устахона» деб ёзилган картонни олдириб ташлади. Яна шунақа иш билан шугулланса, жавоб-гарликка тортиш шартини қўйиб кетди. Яхшиямки, «уйи»дан ҳайдаб чиқармади. Шунга қарамай, яна икки йигит келди, қонунга хилоф равишда кириб олгани учун, Мажиддан автобусни тортиб олмоқчи бўлди, вулканизация, яъни машина гилдирагини ямайди-ган устахона очмоқчи эканини айтди, аммо Мажид инвалидман, ҳақларинг йўқ, деб бултурги ҳужжатини рўқач қилди, «Ёш болам бор», дея Нигорани орага солди, сўзини бермади. Даъвогарлар бас кела олмай қайтиб кетишди. Шундан кейин бир оз тинчиган бўлишди. Бироқ Мажиднинг буткул дарди — хаёли шу куннинг ўзида, бир амаллаб ичкилик топса бўлгани, эртани уйламайди. Уйлашга вақти ҳам йўқ. Изгйиди, бировни ака, бировни ука дейди, аврайди, ёлворади, нималарнидир топиб беришга ваъда беради, алдайди — куйдиргисига топади. Бўлса ҳам овқат емайди, чўнтагида битта тиланиб олган қурути юради, бўлиб-майдалаб бир чақмоғини оғзига ташлайди, яккам-дуккам тишлари бушашиб қолган, на гажийди, на чайнайди — фақат шимади, тамшанади, тамад-диси — шу. Чекадиган нарчаси энг паст сигарет, шуни ҳам сотиб олмайди. Чекан одамни курси, битта сўрайди, бермаса «Қолдиринг» дейди, аммо доим узининг чўнтагида бир-икки чекимли тамаки булади, чунки Мажид одамлар ташлаган сигарет қолдиғини йигиб ёнига солиб қўяверади; шериклари ҳам шундай, улфатчилик қилишганида, ураб чекишади. Наша ҳам оралаб қолади, кўкнори ҳам — аралаш кетаверади, тутаса, хуморини босса, кайф берса — бас. Кайфнинг яхшилиги шундаки, Мажид ичиб олгач, ўта адолатпарвар ва ботир бўлиб кетади, хаёлида барча рақиблари билан баҳс қилади, курашади, шак келтириб бўлмайдиган далиллар билан уларни енгади, шарманда-шармисор қилади, узига ялантиради, голиб чиқади, валдирай-валдирай ухлаб қолади, эрталабгача пишқириб, инграб, ўқчиб-йўталиб тонг

оттиради. Анча маҳалгача туролмай ётади, ўқтин-ўқтин Нигора қуйган чойнақдан совуқ чой симиради, мадори етса, аранг уридан кўзголади, судралиб пастга тушади, мадори етмаган пайтлари қовуғи тулиб, тушака ёзилади, букиб ётаверади. Кун ярим булганида дераза-эшикни ушлаб ташқарига чиқади, шиптир киймини селгитади, тагин «манзили» томон қарайди, секин йулга тушади, неча марталаб тухтаб, дам олиб, ахийри етиб олади. Яна бошланади.

Бир куни Мажид Тамарани эргаштириб келди. Тамара олдин ҳам бу гушада бир неча марта бўлган, бегона эмас эди. Бугун икки шиша винони бир амаллаб топишди-да, таги оз бўлгани сабабли, шерикларидан яшириб, бу ёққа келишди. Ҳайрият, Нигора уйда йўқ эди, Мажид калитни автобус тирқишидан топиб, қулфни очди, Тамарага йул бушатди.

— Билиб қуй, — деди Тамара автобусга чиқишдан аввал. — Бу гал гапимга кирасан... Қистасанг, қайтиб кетаман, буниям бермайман, — дея у халтадаги шишаларга ишора қилди.

— Бупти, бупти, чиқ тезроқ, — деди Мажид атрофга аланглаб. — Нигора кеп қолади.

... Пиёла билан стаканни уриштириб ичишди.

— Мана бу бошқа гап, — деди Мажид мамнун ҳолда. — Яна биттадан отамиз, кейин бошқа ишлар билан шугуллансак ярашади. Отамиз-у ётамиз! — Мажид қофия топганидан хурсанд бўлиб қулди ва яна идишларга ичкилик қуйди. — Ол!

— Биттадан чекайлик, кейин, — деди Тамара.

— Битта туташтир, етади.

Тамара сигарет тутатди, галма-гал бўлиб чекишди. Биринчи пиёла таъсир қила бошлади, чоғи, Мажид қўлини Тамаранинг елкаси устидан ўтказиб, этини эзгилай бошлади.

— Шошма, — деди Тамара Мажиднинг қўлини итариб.

Мажид қаддини ростлаб, пиёлани олди.

— Кетдик.

Улар қадаҳларни қўқиштириб, идишларни бушатишди...

— Менга тега қў, Тамара, — деди Мажид аёлга. — Энди барибир сени ҳеч ким олмайди.

— Ниманга тегаман, аҳволинг шу-ку, — деди Тамара сигарет бурқситиб.

— Нима бупти? Бир ҳафта ичмасам, ўзимга келаман-қоламан.

— Бир ҳафтамиш, — энсаси қотиб гапирди Тамара. — Бир қунам чидай олмайсан.

— Кун сайин ичкилик топиш қийинлашяпти, — деди Мажид изтироб билан. — Балки тухтатарман.

— Шу ерда тураманми? Бу — уймас-ку. Унинг устига омонат. Ҳайдашса, кучада қоласан.

— Сенда шуям йўқ-ку, — деди Мажид, ўзида бошпана борлигидан гердайиб.

— Бола бўлганида, Шамил мени ҳайдамасмиди, — деди Тамара ўкинч аломати билан. — Акам билан судлашаман. Турган жойи отамдан қолган. Яرمىсига ҳаққим бор.

— Қўлингдан келмайди. Гапимга кўнавер. Бозоринг бўлса бир йилга боради. Кейин сенга ҳеч ким қарамай қўяди. Улиб кетасан бирон жойда.

— Винони икковимиз олдиқ-ку, — деди Тамара жаҳли чиқиб. — Купини ўзинг ичдинг. Демак, мен сеникини эмас, сен меникини ичяпсан. Так что — молчи.

Мажид ўйланиб қолди, хира, ширакайф кўзини пир-пиратиб, хаёлида нималарнидир чамалар эди.

— Инвалидлик ҳужжати бор, — деди у бироз сукутдан сунг.

— Нима бўпти, ҳужжати бурса?

— Любый идорага кира оламан.

— Хўш?

— Эр-хотин бўлсак, закон сўқишим осон бўлади. Судлашишда ёрдам бераман. Уйлаб кўр, — деди Мажид қатъий. — Кейин ялиниб келсанг, киритмайман.

— «Кейин, кейин», — дея гаши келиб гап қотди Тамара. — Узингга қара, пуф деса ағанайсан. Қишдан чиқишинг гумон. Ишламайсан, пенсия олмайсан, турган жойинг мана бу. Нима қиласан керилиб. Узимми ташвишим камми? Сеникигаям шерик бўлишим борми?

— Ҳа, энди айтдим-қўйдим-да, — деди Мажид важ топа олмай.

— Менда бошқа маслаҳат бор, — деди Тамара, кайфдан сузилган кўзлари бироз тетикланиб.

— Хўш? — Мажиднинг ҳам кўзлари жонланди. Аммо Тамарадан қанақа маслаҳат чиқиши мумкин, албатта бирон тўтуруқсиз нарсани айтиди-да, деган гумонга бориб, эътироз қилишга чоғланиб турди.

— Иссиқ кунлар ўтди, — деди Тамара, ўзини мулоҳазали қилиб курсатишга уриниб. — Энди ҳаво совий бошлайди.

— Хўш? — чидамсизлик билан сўради Мажид.

— Клиент жой сурайди. Агар жойингни бир соатга бушатиб бериб турсанг, ўзинг ҳам бир нарсалик бўлиб қоласан. Клиент билан келишганда, жой тўловини алоҳида ҳисоблайман. Тегишингни оласан.

— Ичкилик-закускадан ташқари, — завқланиб қўшиб қўйди Мажид.

— Рулда бўлса, унақа нарсага пул сарф қилмаслиги мумкин.

— Сен айт-да, — деди Мажид буш келмай. — Маишат ҳам қиламиз, де. Йук, дермиди, қистаб қолганида.

— Курамиз.

— Рузага ҳам айт, — деди Мажид завқланиб. — У сендан ёшроқ, бозори чаққонроқ.

— Тили ёмон-да уни.

— Клиентга тили эмас, ўзи керак, нима қиласан ишни чалкаш-тириб?

Улар ташқарига тушишганида, Нигора ариқ лабидаги терак танасига суюниб ўтирар, ёнида кўёндан каттароқ куз-қулоғи аралаш оқ кашқали ит бўлиб, у алланимани ғажиб тортқилар эди. Нигора булар томонга қайрилиб қарамади ҳам. Кучук Нигоранинг таънасига шерикдек вовуллаб қўйди.

— Итни қаттан эргаштириб келдинг? — дея, ноқулай вазиятни босмоқчи бўлди Мажид. Нигора индамади. — Кир уйга, — деди у ва халтадаги буш шишаларни шақирлатиб, ариқдан ҳатлади.

Нигора отасидан араз қилгандек, китоб-дафтарини йиғиштириб урнидан турди, автобус томон юрди. Кучук унга эргашди.

— Намунча писмиқ? — деди Тамара Нигоранинг орқасидан қараб.

— Узи шунақа, — дея Мажид Тамарага «кетдик» ишорасини қилди.

Нигора ичкаридан дераза қопини суриб, итга нон ташлади, ит оғзи билан нон бурдасини ҳавода илиб олди. Нигора яна нон

ташлади, кейин тизгин олиб тушиб, итни темир пиллапоёга боғлаб, «Зийрак» деди.

Нигоранинг ит эргаштириб келиши бежиз эмас, ўзи шуни режалаб кўювди. Бугун бозорча ёнида ўтатуриб шу итга дуч келиб қолди. Нигора аввалига қўрқимсираб, ўзини четга олди, ит думини ликиллатиб Нигорага мўлтираб қаради. Нигора чунтагидан бир чақмоқ қанд олиб ташлади, ит ғасир-ғусир қандни чайнаб, яна тикилди, қиз кета бошлади, ит ундан қолмади. То уйга етгунча улар синашга бўлиб қолишди. Бу ит кимники, нега урганган томонга қочиб кетмади, нега Нигорага эргашди, буни қиз билмас, дайди ит бўлса керак, деб ўйлади.

Бир ҳафтача бурун Нигора:

— Ит топиш керак, — деганида, отаси эътироз билдирди.

— Ит бўлса, жазманлар безийди, келмай қўйишади, — деди у. — Кўрдинг-ку, қанақа бўлганини...

Бир кунги кечаси ташқаридан аёл билан эркак кишининг товуши эшитилиб қолди. Бу ер пана бўлгани учун «жазманлар» шу ерда тўхтаб, автобус остига ўтишар, шу жой урганиш бўлиб қолган чоғи, Мажид кучиб келганидан кейин ҳам бу узилмади, давом этаверди.

Биринчи галда Мажид газабланди, товушлар «авжига» чиққанида чироқни ёқиб, ташқарига отилди, жазманларни ушлаб олди, ушқира кетди.

— Бу қанақа беномуслик?! — дея Мажид баланддан келди.

Ахир бу ерда одам яшайди-я. Шуниям уйламадиларингми? Мен сени курганман! — бақирди у дирдираб турган эркакка, — уйинг-нияма биламан! Айтман бориб хотинингга.

— Хўй, ошна, бақирманг, — дея ёлбора бошлади эркак, аранг тилга кириб.

— Нега бақирмас эканман! Бақираман! Дод дейман, одам йиғаман! Бир келиб куришсин сенларни.

— Акажон, худо хайрингизни берсин, бақирманг, келишайлик, рози қиламан, — дея, эркак юзини угириб олган аёлни нари итариб, қалт-қалт титрар, чунтагини титқилар эди. — Мана, ака, рози бўлинг... — Эркак Мажиднинг қўлига бир ҳовуч пул қистирди.

— Нима қиламан пулингни? — дея, Мажид кунмаган бўлди, аммо ҳадиги ҳам бор эди: пулни эркак қайтариб олса, «Нима ишинг бор?» деб Мажидни итариб ташласа, у ёғи нима бўлади? Бақириб-чақириб қолаверади Мажид. — Бу пулингга яримтаям бермайди ҳозир.

— Беради, беради! — деди эркак бироз жонланиб. — Мана пакет ҳам бор. Пушаймон бўлмайсиз, ака!..

Мажид авжидан тушган, ўзини кундирган бўлди.

— Узи мунақа бўлмайди-да, жигар, — деди у кунгли оғригандек. — Шунақа нозик иш бор экан, эртароқ учини чиқармайсизми? Жой бўлса мана, кўздан пана, тушунардик ахир, сиз бўлсангиз — шудгорда...

— Энди тамом, бунақа ишларни қилмаймиз, ака, узр, кечириб қўйинг.

— Қилманг, демоқчимасман, — деди Мажид чўчиб, жазманлар қайтиб келмаслиги мумкин эди. Унда «қўртдеккина» даромаддан маҳрум бўлиши аниқ. — Қилинг. Аммо ими-жимиди. «Урага сичқон тушди, гулдур-гуп». Мунақа ишни қилмаган ким бор? Расамади билан бўлиши керак-да, иним.

— Раҳмат, ака, — деди эркак, қўтилганидан хурсанд бўлиб. — Раҳмат. Узизам жа кетворган одам экансиз. Қойил!

— Юринг ичкарига, бироз отамлашамиз, — йулига деди Ма-
жид, аммо унга қолса, эркак-аёл тезроқ гумдон бўлгани маъқул,
чунки қоғоз пакетда қўлга ботаётган нарса уни сабрсизлантирар,
қолаверса совуқ танасидан ўтиб-ўтиб кета бошлаган эди.

— Куллуқ, бугунгиси етарли, биз энди кета қолайлик, — деди
эркак анча хотиржамланиб.

— Чучитиб юборган бўлсам — узр, — деди Мажид мазмундор
қилиб ва вишиллаб кулди.

— Ҳечқиси йўқ, — деди эркак тоқатсизлангандек бўлиб. — Сир
шу ерда қоладими?

— Хотиржам бўлаверинг.

— Майли, хайр.

Машина товуши ўчмасданоқ Мажид ичкарига отилди, электр
чирогои нурида апил-тапил пакетни очди. Бир шиша «Распутин»,
иккита ёпган нон орасига олинган пиёзли кабоб, туртта нок, битта
пахта гулли пиёла чиқди. Мажид шишанинг бурама пўкагини
дарҳол чирсиллатиб очди, пахта гулли пиёлага ярмидан куп ароқ
қуйди, оғзига олиб боргунича бир аср вақт ўтгандек бўлди. Ароқ
ичагини музлатиб, ошқозонига етиб борди — жимирлата бошла-
ди. Мажид нок тишлади, ғасир-ғусир чайнади, ширин шарбатини
ютди, гал чекишга келди. Шунда сигарет сўрамаганини эслаб,
пушаймон бўлди. Майли, ҳечқиси йўқ, кейинги гал эсидан
чиқармайди. Сигарет қидириб қўлини чўнтагига солувди, қўли
пулга тегди. Шилдирашиб пулни чиқарди, столга ташлади. Бу
Мажид учун бойлик эди. Бунақа омад бўлганини Мажид эслаш
олмайди.

Шундан бери Мажид кечалари ташқарига кулоқ тутади, бироқ
на бировнинг товуши эшитилади, на шарпаси куринади. Ё кечала-
ри совуқ бўлиб қолди, ё кўпинча маст ҳолда қотиб ухлаган Мажид
пайқамайди, хуллас, шунчалар чамалаган умиди, режаси ушалмай
қолди. Шубҳасиз, кимлардир албатта келган, келмай иложи йўқ,
чунки бу ер синашта бўлиб қолган жой, кўпларнинг паккаси шу,
анови шум қиз пайқаса ҳам Мажидни уйғотмаган, ўгай-да, ўч олса,
бирон қитмирлик билан зарар етказса, кўнгли тинчийди. Тагин ит
эргаштириб келипти. Йўқотади Мажид итни. Вовуллар турса, бу
ёққа ким қадам босади? Ҳали Тамара билан Рўзанинг келишлари
бор, улардан ҳар нарса униши мумкин. Шундай ўзи оқиб келади-
ган фойдали ишни қўлдан чиқариш ақлдан эмас. Албатта,
рўзгорга Нигоранинг нафи тегадиган бўлиб қолди, бу яхши, аммо
амали омонат-да, бўлса бўлади, бўлмаса йўқ, ҳар куни ҳам
сангишлари натижа беравермайди, армон билан ўйлади Мажид.

Тайини — нон. Пули борми-йўқми — қатъий назар, ҳар куни
эрталаб Нигора Кўкобод томон жўнайди, нон дукони ёнида туриб
олиб, қўзини ишқайди, албатта биронта одам ундан «Нима гап,
нега йиғлаясан?» деб сўрайди. Нигора «Нонга чиқувдим, пулим-
ни йўқотиб қўйдим», деб алдайди, суриштирган одам «Шунга
йиғлайсанми, ма, нон ол», дея пул беради, пул берганидан,
кимнидир ҳожатини чиқарганидан, савоб иш қилганидан ўзи хур-
санд бўлиб кетаверади. Нигора нон олади, шу атрофни изғийди,
қўзини ердан узмай, сигарет қолдиқларини йиғади, ердан топган
пулига pista олади, уйига қайтади. Қовоқлари юмилгудай шишган
отаси энди тураётган, турган бўлса, Нигорани кўтиб ўтирган
бўлади. Нигора плитага алюмин чойнакни қўяди, чой дамлайди,
ота-бола нонушта қилишади.

— Мактабга бормадингми?

Нигора индамади. Демак, бугун ҳам бормапти. Бироқ Мажид

нима ҳам дерди. Нон, сигарет, баъзан яна нималардир топиб
келса, онда-сонда қозон осиб, қўлидан келганича овқат-повқат
пишириб турса, пул сўрамаса — қайси тил билан Мажид уни
тергайди? Қаттикроқ гапирса, пўписи қилса, аразлаб эски
маҳалласига кетиб қолиши мумкин. У ерда Йўлдошалининг хоти-
ни кўз тикиб ўтирипти, жон дейди тайёр дастурга. Нонушадан
сунг Нигора яна йўлга тушади. Турт чақирим нарида машиналар
ахлат тўкадиган майдон бор, уша ёққа боради. Чипта олмай,
автобусда қатнайди, ахлатлар ғарами орасида соатлаб юради,
таёғи бор. Титкилайдиган. Ҳаёлига келмаган нарсалар топилади
— жумраги учган чойнак, кефир шишаси, қулф, аёлларнинг ней-
лон пайпоғи, тароқ, ҳатто импорт нарсалар — тўрваси қуруқ
қайтмайди.

Бир куни узук топиб келди. Қизил кўзи ҳам бор эди. Мажид-
нинг оғзи очилиб қолди. Агар тилла бўлса, бу нарсани яхши
гуллаш мумкин-ку!

Йулига:

— Ўзинг тақ, — деди Мажид, қизини синаш учун.

— Тақиб кўрдим, катта, — деди Нигора.

Мажидга шу жавоб керак эди.

— Балки жездир, — деди Мажид ўзини бепарво курсатишга
уриниб. — Қўзиям шиша бўлиши мумкин. Заргарга курсатишга
керак.

— Курсатдим. Тоза.

Энди Нигорани кўндириш керак. «Ўзинг тақ», деди, у «Катта»,
деди. Катта бўлса, бир-икки йилдан кейин тўғри келиши, Нигора
қиз нарса, узук асқотиши мумкин, аммо ақвол бунақа бўлиб
турган пайтда эртани ўйлаш, бисот орттириш — гирт гуллик.

— Қойил, Нигора, — деди Мажид қизини рағбатлантириб. —
Раҳмат, қизим. Сен булмаганинда нима қилардим мен. Улигим
кўчаларда қолиб кетарди. Раҳмат, сен бу ишингни қўйма. Қара,
қатнаганларинг бекор кетмади. Ҳар куни, албатта, мунақа нарса
топилавермайди, аммо-лекин шиша-пишалар ҳам ҳарна-да,
чойчақа чиқиб турипти-ку. Енингда доим пул бор. Уғирлик қилма-
санг нимаси ёмон? Ахлат титкилаш яхшимас, албатта. Олдинги
пайт бўлганида, бунақа ишдан одам ҳазар қиларди, лекин замон
шунақа. Ҳазар қиладиган пайт эмас, ҳамма бирон нарса ундириш,
топиш илинжида гимирляпти. Айби йўқ. Хонамиз совуқ, сен
бирон бир дардга чалиниб қолма, касал булсанг, нима қиламан?
Бу ерга «Тез ёрдам» ҳам келмайди. Шунинг учун тузук-тузук овқат
е, узингдан аяма. Мана, рози бўлсанг, бугун зиракни сотамиз.

— Узукни.

— Ҳа, узукни сотамиз, гўшт оламиз, харажат қиламиз, узим ош
дамлайман, ота-бола бир... — Мажид қувнаб, яна алланималар
деди Нигорага. Нигора индамай кулоқ солар, отасининг очилиб
кетиши даструмолчага уроғлиқ узук эканини биларди.

— Энди буни нима қиламиз? — деди ниҳоят Мажид, қизининг
йуригидан чиқмайдигандек, хушомад билан. — Ўзинг пуллайсан-
ми ё мен бораёми?

— Бирга борамиз, — деди Нигора, қиёфасини узгартирмай.

Гапида жон бор, отаси борса, шериклари ёпишади, яна ичиб,
бўм-буш гандираклар келади.

— Жуда соз, тур, кетдик, кеч кириб қолади, — дея Мажид
ўрнидан қўзғалди.

Улар харажат қилиб қайтишганида, қоронғу тушган,
ҳаммаёқни туман боса бошлаган, совуқ эди. Халтада, албатта

ичкилик ҳам бор эди. Нигора пиёз-сабзани арчди, Мажид гўшт туғраб, қозонга ёғ қуйди, хонага файз киргандек бўлди.

— Бугунги байрам, бахтли кун! — деди Мажид ва зирвакни милтиллатиб қуйгач, шишанинг бирини очди. — Зирак топдинг...

— Узук.

— Ҳа, узук топдинг, харажат қилдик, уйимиз иссиқ, ҳозир гуруч соламан, ҳаш-паш дегунча ош пишади. Баъзи куннинг садағаси кетсанг арзийди. Ол!

Мажид пиёласини стаканга чуқиштириб, Нигорага тикилди. Нигора отасининг қараб турганини зимдан сезиб, бир оз сукут қилди, кейин стаканни олиб, ичиб юборди, тақ этиб бўш стаканни газета ёзилган столга қуйди, сесканмади.

— Яша, қизим! — дея, Мажид ҳам кўтарди, енги билан лабини артиб, турп тишлади. Қозондаги зирвақдан икки туғрам гўшт келтириб, нон устига қуйди. — Е!

Нигора бир туғрам гўштни олди.

— Агар мендан яшириб юрган бўлсанг, Нигора, тортинма, — деди Мажид Нигорага қарамай. — Энди биз ота-боламас, тенгмиз, шерикмиз...

Нигора савол назари билан қозонга гуруч солаётган Мажидга қаради.

— Узи одатда шунақа бўлади, — деди Мажид. — Олдинига ота-онасидан болалари яшириб юришади, кейин барибир ошкор бўлади.

Нигора индамай Мажид гапининг охирини кутди, аммо у қолганини негадир айтмади, имо-ишора билан узи тушуниб олади, деб ўйлади.

Вино таъсир қила бошлаганиданми, Нигоранинг гаши келди — нимани яшириши мумкин?

— Агар пана-панада мана буни, — дея Мажид столда сочилиб ётган сигаретларга ишора қилди, — эрмак қилаётган бўлсанг, тортинма.

Нигора жавоб бермади. Бирпас жим ўтиргач, гўштнинг қолганини олиб, ташқарига тушди, гингшиётган Зийракка туғрамни ташлади.

Мажид, Нигоранинг ташқарига чиққанидан фойдаланиб, бир пиёлани уриб олди. Нигора боя Мажиднинг гапига эътироз билдирмади, рад қилмади ҳам, демак чекиши аниқ, ташқарига итини баҳона қилиб чиқиб кетиши бежизмас, чекиб келади. Ҳозирча юз хотирлик қияпти, бориб-бориб тортинмайдиган бўлиб қолади.

Мажид ошни дамлаб, яна ичди, кайфи оша бошлади.

Нигора кириб, қўлини исқирт сочиққа артди, жойига бориб ўтирди.

— Дамлаб қўйдим, бир оздан кейин сузаман, — деди Мажид индамай ўтирган Нигорага. — Яна қуяйми?

Нигора бош чайқади.

— Эртагаям борасанми? — Сўради Мажид, ахлат майдонини кўзда тутиб.

— Мачитга бораман, — деди Нигора.

Нигора мачитда нима қилиши мумкинлигини Мажид фараз қилиб кўрди, бироқ хаёлига ҳеч нарса келмади.

— Мачитга?

— Эртага очилармиш, — деди Нигора ҳиссиз.

— Очилса, сенга нима?

— Жума намози ўқилармиш. Одам кўп бўлармиш. Садақа улашишармиш.

— Ҳа-а, — деди Мажид, энди тушуниб. — Ундоқ бўлса, албатта бор. Куруқ қайтма.

Нигоранинг халтасига нимадир тушади, бу турган гап, аммо отасининг «Куруқ қайтма» дегани ичкилик маъносини билдирарди.

— Ҳар куни шунақа бўлармишми? — илинж билан сўради Мажид.

— Фақат жума кунлари, — деди Нигора.

— Афсус, — дея Мажид яна қўйиб ичди. — Майли, жумадан жумагача бир ҳафта. Унгача свалкага бораверасан, зора яна худо «Ол, қўлим» деб, ғойибдан бир нарса етказса...

— Олдин одам кам бўларди, ҳозир жуда кўп, — деди Нигора нолигандек. — Катта болалар ёшларникини тортиб олади.

— Ие! — нохуш ажабланди Мажид. — Менам бораман булмасам Ҳам ўзим қидираман, ҳам сени пойлайман.

Нигора индамади.

Мажид эртасига уйғонганида, ҳамма ёқни туман қоплаган эди, соати бўлганини учун, вақтни била олмади. Нигоранинг урни бўш, электр плитаси қип-қизил бўлиб ёниб турар, шунга қарамай «уй» совуқ ва нам эди. Нигора мачитга кетган бўлиши керак. Жума намози пешинда ўқилади, мунча эрта бормаса ҳам бўларди-ку. Балки вақт анчага бориб қолгандир, пешинга ҳам яқинлашгандир, аммо бу туманда нимани билиб бўлади? Барибир ҳожатга чиқиши керак, ташқарида биров кўринса, вақтни сўрайди; Мажид одеялга ураниб, пастга тушди. Ит тумшугини яшириб автобус тагида ётар, Мажидни куриб, думини ликиллатиб қуйди.

Мажид у ёқ-бу ёққа аланглади, туман қуюқлигидан ҳеч ким кўринмади, куёшнинг ҳам катталиги билинмайди. Мажид қўлини чайиб, уйига югурди, ҳарқалай ичкари иликроқ эди.

Стул остидаги шиша тагида қолган винони куриб, Мажиднинг юраги орзиқиб кетди. Бу кўп эмас, албатта, юк ҳам бўлмайди, аммо майли, бор-да. Ҳали замон Нигора келса, халтаси бўш бўлмас, кеча айтди-ку. Кечқурун ҳаммасини ичмай қандай яши қилган экан, мана, оз бўлса-да эрмак, жигилдонини алдаб туради. Мажид шишани оғзига ағдарди, яланиб-тамшаниб қозонни очди — кечаги ошнинг ярмидан кўпи бўлиб, ҳали илиқ эди. Демак, Нигора иситиб еган, кетганига анча бўлганида, ош совуб қоларди, нари-бериси билан ярим соат бурун кетган. Мажид тик турганича илиқ ошдан уч-тўрт қошиқ оғзига солиб тамшанди, чойнакдаги чойдан симирди. Совиб қолибди, аммо у қадар эмас, демак, Нигора соат ўнларда чиқиб кетган бўлса, ҳозир узоғи билан — ўн бир. Пешингача икки-уч соат вақт бор.

Мажид сигарет тутатиб, жойига ётди, уранди, исий бошлади, сигарет тутунидан ўқичди, аммо сигаретни қўзи қиймади, йўталса ҳам охиригача чекиб тугатди.

Баданига иссиқ ўтганиданми ёки оз бўлса-да винонинг таъсирими, Мажид дили ниманидир кўмсагандек бўлди, бориб Тамарани олиб келишни ўйлади. Кечаги кун бахтли кун бўлди, уша кайфиятни давом эттирса, Тамара билан жичча шухлик қилса, нима бўпти?

Мажид «марказ»га етиб борганида, соат ўн бирдан энди ошган, аммо пешинда янги масжид очилишини сабрсизлик билан кутаётган оқ либосли, салла ва оқ пуша кийган ёшу қари мачитолди майдонни эгаллашган, куплари енгил машиналарда ўтиришар, ўймаёғоч дарвоза тепасида ўрнатилган радио карнайидан мачит ичида бўлаётган тайёргарликнинг ноаниқ говури эшитиларди.

Епиқ дарвозанинг иккала томонидаги оқ гишдан кўтарилган бежирим, аммо саловатли девор остида болали аёллар, лулилар, миллати ноаниқ қийшиқ-маймоқ, исқирт эркалар, садақа ундириш пайида беўхшов ҳаракатлар билан юзларига фотиҳа тортаётган рус кампирлари каби тиламчилар саф тортган; жувонлар «заказ» сомсаларини шартта йиртиб одамлар тумшугига суқишар, кока-колаю тархун шишаларини болалар ҳавода уйнатишар, ерга тушалган қоплар устидаги хорижий сақич-сигаретлар диний китобу тасбеҳларга аралашиб кетган, одамларнинг қийчуви ҳаммаёқни босган эди.

Шуларнинг орасида Нигора ҳам борлигини Мажид муқаррар билади; ҳозир қизини топиши, ҳамёнига унча-мунча садақа тушган бўлса, уни кўндириб, «ўлжа»ни ундириши, кейин Тамарани ахтариши керак — ақча бўлса Тамарани унатиш осон кечади...

Утган кечаси уйқунинг тайини бўлмаганиданми ёки ичкиликнинг таъсирими, «иноқлик»дан кейин жулдир курпа остидан яланг қулини чиқариб ётган Тамаранинг кузи илинган, ёнида ётган Мажид ҳам эснар, аммо ҳали пукаги очилмаган яна бир шиша вино бор, Мажид ухлаб қолса, Тамара уйғониб тагига етиши мумкин, шунинг учун ўзи «тинчитгани» маъқул.

Кайфи тузуккина бўлса-да, Мажид чузилиб шишани очди, пичоқ билан пукагини кесиб, оғзига қуя бошлади. Ичимлик турт энликка камайди. Мажид шишани четга қўйиб сигарет туташтирди, курпа ичига чуқурроқ кумилиб чекишдан баҳра ола бошлади, кузлари илинди, ўчмаган сигарет бушашган бармоқлари орасидан похолга тушди; похол аввалига сасиди, тутун қуюқлаша борди, лаҳза утар-утмас лоп этиб аланга ёлқинланди...

Одамлар тупланишганида автобус ёниб бўлиб, унинг яйдоқ «жасади» қопу қоғоз, латта-путтаю похол каби «безаклар»дан озодланиб, асл ҳуснини кўз-кўз қилгандек эди. Фақат бир оз тутун қолдиғи ҳамон ҳорғин ёйилар, жизганак ҳиди анқир, шабада бу ҳидни томоша қилиб турган одамлар димоғига олиб келиб урарди.

Бошқалар қатори Нигора ҳам бу мудҳиш манзарага бегонадек тикилар, қиёфасида ҳеч қандай аломат курунмас, фақат Зийракка ачинарди холос. Агар ипи куйган бўлса, балки узиб қочгандир.

Нигоранинг дилида шу умид қолди.

Илинж

Саттор ака тарихдан дарс бериб келарди. Иттифоқ қулагач, мактаб дастуридан СССР тарихи дарси олиб ташланди. Ихчамлаштирилган битта тарих дарси қолди. Тарихга ажратилган соатлар кескин қисқарди. Мактаб катта бўлгани учун аввал тарихдан иккита ўқитувчи дарс берарди, соатлар қисқарганидан сўнг, битта ўқитувчи ошиқчалик қилиб қолди. Иккинчи тарих дарсини бир аёл олиб борарди, танлаш пайти келганида масала аёл ўқитувчи фойдасига ҳал бўлди. Чунки иккинчи ўқитувчи кўп болалик аёл эди. «Сиз эркак кишисиз,— деди мактаб директори Саттор ака-

га,— бирон чора топарсиз, узр». Бошқа машқ қулидан келмайдиган Саттор ака ишсиз қолди. Аввалига вазиятни вақтинча — бирикки ой мобайнида унглиниб кетадиган чалкашлик, деб юрди. Бироқ аҳвол баттар була бошлади. Эллик бешдан ошган Саттор ака маоши юқори булмагани учун нафақаси ҳам шунга яраша тайинланди. Тўнғич қизи вафотидан кейин етим қолган иккита невараси Муаттар билан Барно — шу оилада. Отаси уйланиб олган, ҳозир тўртта фарзанди бор, нафи тегмайди, Саттор аканинг хотини Мунис опа касалманд, диабет бор, дорисиз тура олмайди, инсулин фалон пул. Мунис опа ҳам нафақа олади, дорисига аранг етади. Диабетга чалинган беморлар аввал давлат томонидан таъминлиниб туришарди, бироқ охириги бир-икки йил ичида унинг ҳам миқдори қисқариб кетди, дорихоналарда инсулин бўлса-да, у ердагилар йўқ, дейишади, беморлар бирни иккига олишга мажбур бўладилар. Муаттар тўққизинчи, Барно олтинчи синфни битиряпти. Барно-ку майли, опасига кичик келган нарсаларни киявериши мумкин, лекин Муаттар етилиб, тез-тез ойнага қарайдиган бўлиб қолди. Тузукроқ қийиниши, дугоналари орасида ўқинмаслиги керак. Каттаси ҳам, кичиги ҳам одобли, доно қизлар чиқишди, кийим деб хархаша қилишмайди, бориға кўнишади. Балки бу етимликдандир, онаси тирик бўлганида оиласи ҳам бузилмасди, эркалик қилишса ҳам кўтаришарди. Саттор ака хотини билан невараларига етимлик гурбатини сездирмаслик учун бисотида нимаики арзигулик матоҳ бўлса — пуллашди. Сотилмаган фақат телевизор қолди — қизлар кўришмаса бўлмайди, ва — холодиллик, дори сақлаш керак. Яна гилам бор, Мунис опа тишининг қавагида асрайди — Муаттар етилиб қолди, совчилар кела бошлайди, сепига асқотади.

Аммо яшаш ҳам керак-ку. Рузғори бўлса, у ҳам тортилиб қолди. Гўшт, шакар, сариеғ ноёб нарсага айланди. Мунис опа палов пиширгудек бўлса, ярим чўмич пахта мойини қиздириб савзи ташлайди, гурунч босади, суви тортилгач, қозонни дамлайди, кейин сузиб келади.— Қулинг ширин,— дейди Саттор ака, хотинини мақтаб. Мунис опа бу мақтов зўраки эканлигини сезади, албатта ва билади, эри шу жумладан кейин гўшт зарарли эканини, кўпроқ сабзавот истеъмоллига ўтиш фойдалилиги ҳақидаги гапга утади.— Ҳазм бўлиши ҳам осон, қон босимини ҳам тўғри ушлайди.

Саттор ака ишсизлар биржасига борди, у ердагилар Саттор аканинг касби буйича иш билан таъмин қила олмасликларини, қолаверса пенсия олаётганини эслатишди. Кейин Саттор ака маориф бўлимига учради, у ерда ҳам шунақа жавоб қилишди.

— Трамвай-троллейбус депосига боринг,— деди хотини эрининг тушкунлигидан дили оғриб.— Бекатларда кўрдим, бинойидек кишилар билет сотиб ўтиришипти. Меҳнатти айби йўқ. Ҳам овунасиз.

— Суриштирдим,— деди Саттор ака нохуш оҳангда.— Пул суқиш керак экан. Қаттан оламан?

Эртасига омадини синаб қуриш учун ўзи Трамвай-троллейбус депосига бориб келишга қарор қилди, аммо миш-мишлар тўғри бўлиб чиқди — ишга қабул қиладиган аёл:

— Одамлар бир ойлаб қатнашяпти,— деди.— Сиз ҳам хабар олиб туринг. Жой бўшаб қолса, кўрармиз...

— Қачон жой бўшаши мумкин? — суради Саттор ака.

— Буни айтиш қийин.

Саттор ака бушашиб ташқарига чиқди, «Астра» сигаретининг

бирини муштукка суқиб, чунтагида гугурт бўлса-да, чекиб келаётган йуловчи яқинлашишни поилади, ниҳоят, йуловчи сигаретидан туташтириб олди ва раҳмат айтиб, секин троллейбус бекатига кета бошлади. Шошилмаса ҳам булади, дарахлар кукарган, ҳаво илиқ, сигаретасини маза қилиб тортди, ярмига етганида, сигаретини муштукдан чиқариб, чўғли учини муштук тешигига теқди, соат чунтагига солиб қўйди, ярим соатдан сўнг қолганини чекди. Троллейбусга чиқса, бир зумда уйига етиб олади. Пиёда кетгани маъкул, ҳам сайр, ҳам билет ҳақи ёнига қолади.

Саттор ака унғ кучага бурилди, шошмай кета бошлади. Ярим соатча юргандан кейин, қанақадир маърака бўлаётган дангиллама уй кўринди; тўп-тўп кишилар шу ёққа юришар, уйнинг дарвозаси ёнида йигитлар меҳмонларни кутиб олишар, келганларни ичкарига чорлар, ҳовлидан машшоқнинг ашуласи янграр эди. Саттор ака ҳам тудага қўшилиб, тўйхонага кириб кетди. Ҳеч ким суриштирмади ҳам, Саттор ака ҳам мулозимат билан бошқалар қатори ясалган столларнинг бирига бориб утирди. Фотиҳадан сўнг чой узатишди, кейин илиқ пиёлада ярмидан кўпроқ қўйилган «оқи»дан тутишди, Саттор ака «Қанақа буларкин?» дея пиёлани олди, ёнидаги меҳмон билан дастурхон остида қўчиштиришди. «Қуша қаришин», деб пиёлани бушатиб, косагулга узатишди, варақи сомсадан тамадди қилишди. Бир оз вақт ўтгач, пиёла яна бир «айланди», Саттор аканинг ичи жимирлаб, борлиқ қузига жозибали қурина бошлади, бояги хуноблик тарқади-кетди. Ярим косадан моҳора, кейин палов тортилди...

Анча маҳалгача кўчаларда тентираб юриб, Саттор ака, ниҳоят, уйига кириб келди; умуман кайфи аллақачон тарқаб кетганига қарамай, Мунис опа барибир сезди, бироқ индамасди. Фақат бироз гаши келди — уйдаги аҳвол мунақаю, эри ичиб юрса. Мунис опа соғлом бўлса, бошқа аёллардек иккита-учта жойдан фаррошликми, идиш-товоқ ювишми, иш олиб рўзгорга қарашарди, танқислик унча билинмасди, балки Муаттарнинг сепага ҳам унча-мунча нарса орттирган буларди, дори-дармонига ҳам етиб турарди. Касали қурғур ёмон, паққа ўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Улиб қолса, нима бўлади, эрининг ҳеммирисини йўқ, қандай кўмади, маъракаларини қандай ўтказаси? Устига-устак Муаттарнинг буйи етиб қолди, жойи чиқса — қиз нарсани ушлаб ўтириб бўлмайди — нима илож қилади? Тўй харажатларини қандай кўтараси? Кичик кизи Дилором, албатта қараб утирмайди, қўлидан келганини қилади, бироқ унинг ҳам уч фарзанди, қайнона-қайнотаси бор, рўзгори катта, эри доцент бўлса-да, ойликка яшайдиган одам, Дилоромнинг ўзи яна оғирроқ... Саттор аканинг укаси Суннатжон — у ҳам қараб турмайди, албатта, аммо унинг ҳам бир этак боласи бор, тунгичини узатган, кейингисини уйлантириш дардида юрипти, узининг ташиши ўзидан ортади. Шаҳар четидан ижарага ер олиб нималардир эккан экан, шира тушиптими, шўр кўтарилибдимми, мўлжалидаги ҳосилнинг ярмиси ҳам чиқмапти, аранг харажати қоплабди, бу дегани — бир йиллик умри бекор сувга оқиб кетипти. Яқинда келганида, энди ерни бошқа одамга топшираман, уддасидан чиқса, улушимни оламан, чиқмаса ижара ҳақим қўймайди, деди.

Саттор ака уйғонганида ҳали ҳаммаёқ қоп-қоронғу, соат тўртлар атрофида эди. Саттор ака каравотни гичирлатмасликка уриниб, секин ўрnidан турди; кўнгли айнир, боши оғримаса-да, қанақадир оғир, миясига ҳаво кириб қолгандек қўлоғи аралаш гувиллар, бошини бурса, нарсалар чайқалгандек туюларди.

Саттор ака қайта жойига утирди, кўнгли гап, бутун олам — борлиқ қузига шафқатсиз қуринди, яшаш маъносиз туюлди. Тузук, яна бир йил, ҳа, беш ёки ун йил яна яшар — нима бўпти? Нима ўзгаради? Эртанги кун қандай каромат беради? Қоронғу, зим-зиё-ку. Баттар қарийди, хотинининг касали оғирлашади, ўзи бирон дардга чалинади. Жисми-танаси ўз вазифасини бажариб бўлди, энди бу ёнига бирин-кетин аъзолари, худди эски машинаниннг қисмларидек ишдан чиқа бошлади. Бу — табиий нарса. Машинаниннг-ку ишдан чиққан қисмларини ўзгартириб юргизса бўлади, аммо одамнинг аъзоларини — хиралашиб бораётган қузини, оғирлашаётган қўлоқни, ҳазм қила олиши қийинлашиб қолган ошқозонни, хириллаётган ўпкани ўзгартириб бўладими? Энди истиқболдаги йўл, сўқмоқ қанча бурилмасин — манзил битта-ку. Бир йил кўп, бир йил кам, нима аҳамияти бор? Бедаво дардга йўлиқиб, ўзинг ҳам қийналиб, атрофингдагиларни ҳам қийнаб, оқибатда ўша манзилга борар экансан, ўша сўқмоқни қисқартириш мумкин-ку.

Саттор ака бир куни балконнинг тагидаги бир-икки қулоч ерига гул-пул экиб қуркамроқ қилиш ниятида кучат олиш учун бозорга тушди ва иккита одамнинг суҳбатини эшитиб қолди. Майса уруғини кафтига сепиб, харидор сотувчидан: «Сарғаймаслиги учун нима қилиш керак?» деб сўровди, сотувчи: «Сувсиз қолмасин,— деди,— кейин бир қарич усар-усмай, уриб туринг, ҳеч сарғаймайди. Нега десангиз, ҳар бир усимлик насл қолдириш учун ўсаверади, уруғи пишиб ерга тўкилгандан кейин, вазифаси бажарилади, энди сулиши ҳам, сарғайиши ҳам керак. Уриб турсангиз, гуллаб, уруғ еттирмаган усимлик янги ниш чиқаради, насл қолдириши керак-да, шунинг учун доим кум-кук...» Товба, деб уйлаган ўшанда Саттор ака, қанчалар мураккаб бўлиб туюлган нарсаларнинг тагида оддий ҳақиқат, яшашнинг шафқатсиз ва айни бир замонда жозибали қонуниятини — насл қолдириш. Ҳамма нарса — хашаротдир, ҳайвондир, одамдир — доим нафс қурбони, емаса тура олмайди, еса танасидаги хужайраларни керакли озуқалар билан таъминлайди, натижада хужайралар ривожланиб балоғатга етади, жуфтлашиш хирси уйғонади, табиат бу жараёнга шу қадар кучли, воз кечиб бўлмас, барча азоблар синовига тайёр лаззат ато этганки, жуфтлашиш жараёнига етмагунча, биронта жонлиқнинг қузига шундан бўлак ҳеч нарса қуринмайди. Хирсини қондиради, тинчийди. Бироқ ҳеч бир жонивор насл қолдирай деб жуфтига яқинлашмайди — лаззат олай деб, натижада насл пайдо бўлади. Бу табиатнинг улғу сирини. Шу сир туйфайли насл қолдириш бор, демак, ҳаёт бор. Жинсга, жуфтлик лаззатига интилиш йўқолса, ҳаёт тўхтайдди. Уруғини тўққан кўкат каби одам насл қолдиргандан кейин сарғая бошлайди, қурийди, ҳазон бўлади. Саттор ака ҳам инсонлик вазифасини бажарди, насл қолдирди, энди у ҳам табиатга керак эмас, ошиқча. Табиат қонуни шунақа, шафқатсиз. Шунинг учун бир йил олдин, бир йил кейин — натижа битта. Аммо ҳайвонот оламида сунъий-шартли урф-одатлар йўқ, бу нарсалар фақат одамлар орасида бор, агар бу урф-одатларга буйсинмасанг, четга чиқариб қўйишарди, айб-иснодга йўйишади, эгри қарашади. Узлиқ узларни уйлаб топган, ҳаётга ўрнатган оломон қонуни. Бажаришга қодирмисан, қодирмасмисан, бу томони билан ҳеч кимнинг иши йўқ — мажбурсан, вассалом.

Аммо, майли, узини бир нарса қилиб қўйишнинг Саттор ака учун ҳеч қандай мушкул томони йўқ, бир қулоч арқон билан иш

битади, ярим дақиқа типирчилайди — тамом. Улади-кетади, бир амаллаб олиб бориб гўрга тиқиб келишади ҳам. Укаси бор, куёви, улик кўмилмай қолармиди. Бу ёғидан Саттор аканинг кўнгли тўк, лекин кейин нима бўлади? Маъракаларини ўтказмаса бўлмайди, укасига ҳам, куёвига ҳам малол келади-ку. Унинг устига хотини касалванд, дорисиз яшай олмайди, агар Саттор ака ўлиб қолса, нафақа пули ҳам тўхтайдди, аҳвол баттар оғирлашади. Худо курсатмасин, хотини ҳам қазо қилса — бу эҳтимолдан холи эмас — ташвиш устига ташвиш, Муаттар билан Барнолар нима қилишади? Додини кимга айтишади? Ундан ташқари, Муаттар етилиб қолди, сепи йўқ етим қизни ким ҳам олади?.. Умуман Саттор ака шум ниятини амалга оширганида ҳам, қизларнинг тақдири нима кечади? Мунис бўлса омонат нарса, ақалли Муаттарни ўраб-чирмаб жойига топширса, бир ташвишдан қутулган бўларди. У ёғига худо пошшо. Муаттар тўкроқ оилага тушса, куёви кумақлашади, опаси Барнога опалик қилади, у ҳам бир кунини кўриб кетади. Ишқилиб, хотини ўлиб қолмасин-да, ўлгудек бўлса, рўзгордаги қолган-қутган нарсаларни ҳам сидириб кетади, бир йил мобайнида мотам-маъража, йиғирмасига қозон қуриши, юртга ош тортиши керак, ундан ташқари пайшанбалик, худойи, йили — яна қозон қур, куй суй, дастурхон ёз, ош бер... Шунча ташвиш, шунча маломат. Агар топиш-тутиши тузук бўлганида, қўли калталик қилмаганида, ақалли бирон ишнинг бошини тута олганида — майли, амал-тақал қиларди, юзи шувит бўлмасди. Аммо қани уша имкони-ят? Кун сайин аҳвол мушкуллашяпти, шаъм ёниб тагига етиб қолди. Нима қилсин экан? Бирон чора борми ўзи? Ё бир қулоч арқон чорасини курсинми? Йўқ. Улими оилани адо қилади. Яшашга мажбурсан. Тавба, улишга ҳам ҳақинг йўқ, бу қанақа бедодлик ахир?

Саттор ака урнидан туриб, ошхонасига ўтди, тимирскилаб чироқ тўғмасини босди, кейин балконга чиқди, ошхонадан тушаётган чироқ шуъласида деворга ўрнатилган жавонни титкилаб эски шим, кўйлак топди, газетага ўраб четга қўйди.

Ҳаво илиқ, ёқимли шабада эсар, осмонда оқиш булутлар сузар, қуюқ бўлмагани учун аҳён-аҳёнда булутлар орасидан юлдузлар муз қақмоғидек йилтираб қўйишар, атрофдаги кўпқават уйларнинг битта-иккита деразасида чироқ нури кўринар, оқаришиб келаётган осмонда биноларнинг сукути жони бор баҳайбат мавжудотдек туюларди. Саттор ака оиласи билан бу икки хонали квартирага кучиб келганига ун йилга яқинлашди. У пайтлари иккала қизи узатилган, ҳовлида Саттор ака билан Мунис опа қолган эди, шунинг учун уларнинг номига икки хонали квартира тегди. Муаттар билан Барно бу хонадонга онасининг вафотидан кейин ўтишган. Унда Муаттар саккиз, Барно беш ёшли қизчалар эди. Аввал Саттор ака оиласи билан Чорсудаги отасидан қолган эски ҳовлида яшар эди, иккала қизи ҳам ўшатта тўғилиб, ўшаттан узатилишган. Укаси ҳам оиласи билан ўша ҳовлида яшашар, тўнгич қизи билан ўгли ўша уйда тўғилишган эди. Чорсуга янги иморатлар тушадиган бўлиб, эски ҳовлилар бузилиши муносабати билан кимлар шаҳар четидан қуруқ ер олди, кимлар Юнусобод даҳасида қурилган кўпқаватли биноларга кучиб ўтди. Шулар қаторида Саттор ака ҳам ҳозирги шу хонадонига кучиб келган. Албатта, ер олиши мумкин эди, аммо ўқитувчилик билан кун кечириб ўтаётган Саттор ака қурилиш бошлашдан чўчиди. Иккита қизни узатишга озмунча нарса сарф бўлдими? У пайтлар арзончилик, нарса сероб, биринчиси узатилганида унча-мунча орттириб

қўйилган бисот бор эди, оғирлиги сезилмади. Унинг устига у пайтлар хотини ногиронликка чиқмаган, аллақайси қорхонада кассир бўлиб ишлар, рўзгорга тузуккина нафи тегаар, баъзи кезларда Саттор акадан кўпроқ топар эди. Аммо барибир тўй шилиб кетди. Иккинчи қизи чиқарилганида рўзгор шип-шийдам бўлиб қолди. Майли, деб ўйлашди эр-хотин, мол топилар, қизларимиз бахтли бўлса кифоя. Ҳақиқатда бахтли бўлишди. Уша кезлари қизлари, куёвлари, неваралари келишса, Чорсудаги ҳовли тўлиб кетар, қий-чув ҳамма ёқни тутар, аргимчоқ тинмас, танқис таомлар пиширишар, баъзан битта, баъзан иккита шиша бўшар, бу қувноқ хонадон аъзоларига ҳавас қилса арзигулик эди. Фақат Шаҳзоданинг дардга чалиниши, бир йилга етмай ўлиши бу рушноликка тушган энг мусибатли зарба эди. Шундан кейин Мунис опанинг касали кучайиб кетди, ишга яроқсиз бўлиб қолди, Саттор ака ҳам тез қарий бошлаганини сезди. Кейинчалик иккинчи қизи доцент эри ва болалари билан келиб туришни қанда қилишмади, аммо энди аввалги беғубор, қувноқ хандаларнинг наъраси бўғиқ, хирароқ туюла бошлади. Вақт ўтиши билан айрилик алами арийди, киши кўникади, ҳаёт ўз оқимиға тортади, оғиштиради. Аслида шундай бўлиб ҳам чикди. Муаттар билан Барнонинг ўзи бир дунё қувонч. Аммо барибир Саттор аканинг беиш қолиши, ночорлиги, нафақа миқдорининг камлиги, замоннинг кескин ўзгариши, ойликка яшайдиган тоифадаги одамларнинг қашшоқланиши, кунги эҳтиёж нарсаларнинг, айниқса доридармонларнинг қиммат бўлиб кетиши Саттор акага ўхшаган одамларни саросимага содиб қўйди. Уддабуронлар тез орада вазиятни тушуниб узларини савдо-сотикқа ўришди, Саттор ака кабилар қаноти синган турнадек бошқа қўшларнинг осмондаги парвозини кузатишдан бошқа иложи қолмади...

Саттор ака оёқ учида ичкарига кириб кийинди, боя газетага ўраб қўйган шим-кўйлакни пинжига қистириб, уйдан чиқиб кетди, сигарет тутатиб, автобус бекатига йўл олди. Кўпқаватли уйларнинг чироқлари бирин-кетин лип этиб ёнар, чунки ҳали ҳам қоронғу эди. Саттор ака бекатга етгунга қадар шошилиб кетаётган унга яқин одам учратди. Булар, албатта соат еттида иш бошлайдиган завод-фабрикаларга шошилишяпти, ҳозир соат бешдан сал ошган, автобуслар бунақа пайтда анча бўш келади, кейин автобусга чиқиб бўлмайди, кўп автобуслар бекатдан тўхтамай ўтиб кетади, ишга кеч қолмаслик учун куплар бир ярим соат бурун булса-да, иш жойларига етиб олишади.

Саттор ака Чорсуинг мардикор бозорига етиб келганида соат олтига яқинлашиб қолган, кун ёришган, одамлар кўп, машиналар тирбанд, бири мардикор олиб қўзғаляпти, бири келиб тўхтаяпти, гала-говур авжига чиққан.

Саттор ака тўда ёнига бориб турди, аммо ярим соат ўтди, бир соат ўтди, лекин биронта ёлловчи унга эътибор бермади — ҳаммаси ёш, кучли йигитларни танлаяпти. Саттор ака бу ерда ҳам ҳеч кимга керакмаслигини ҳис этиб, зил кетди. Қуёш терак бўйи кўтарилди, бироқ ҳеч ким яқинлашмай демайди. Яқинлашганда ҳам Саттор аканинг қанақа илинжиси бор? Нима иш унинг қўлидан келади? Гишт теришни, сувоқ қилишни, тунука қоқишни, тахта рандалашни билмаса, шунчаки асосий устага лой ташиши, гишт узатиши, ер қопиши, жияк олиши, ариқ тозалаши мумкин, унда ҳам тез-тез нафас ростлаб, дам олиб... Мунақа ишчини шунча забардаст йигитлар турганда ким ёллайди? Саттор ака телпагини қоши аралаш бостириб, елкасини дарахтга суяди.

Соат ун бирдан ошганда ҳафсаласи пир булиб жойидан жилди. Бу ёққа келишдан бурун биронта таниш кўрса мардикор ишлатадиган ҳовли-жойим йўқ, қандай важ айтаман деб хижолат бўлди-да, бундоқ уйлаб-уйлаб ўзини оқлайдиган баҳона топди. Ахир квартирани ремонт қилиш учун ҳам одамлар кўпинча шу ерга келишади-ку, таниш курса шундай, деб уйлайди-да, шундай деб уйласа нима бўпти? Меҳнатнинг айби борми? Ана, Саттор аканинг ўзи кўрди — дўпписи тушиб кетса бир пайтлар пул бериб олдирадиганлардан ҳам туришипти, менга харидор чиқармикан, деб. Ушалаб орасида тузук-тузук жойларда ишлаб келганлари ҳам бор. Шунақа қилишлариға ҳаёт мажбурлади, уларға қолса ўзларидан анча паст табақадаги одамлар хизматини бажарармиди? Ана, туришипти бечоралар, кўзларини қаёққа яширишни билмай. Анови куни дугонаси Барнога «Сникерс»ини бўлиб берибди. Саттор ака билан Мунис опани мулзам қилиб роса «Сникерс»ни мақтади невараси. Қани энди имкон бўлса, бир халта шоколадни олдиға тўкса, севинчини куриб қувонса. Тавба, тузукроқ асқотадиган матоҳлар олиб қўймаган экан ҳам ўз вақтида. Ахир бироз тежаса, урдасидан чиқиши мумкин эди-ку, улар жойда эмас эди-ку. Нега ҳовлиси бўзилганда ер олмади? Албатта, даҳмазаси, ташвиши бўларди, бироқ амал-тақал қилса, бир ўйини тиклаб оларди, мунчалик хору зор бўлмасди. Товуқ боқарди, тухум бостирарди, кучат утқазарди, экин қиларди, бир кунига ярарди. Жилла курса, жойини сотарди, купқаватли иморатдан квартира оларди, пулинг қолганини сепга, дорига ишлатарди, қизларни тузукроқ кийинтирарди, Барно биров берган «Сникерс»ни мактаб келмасди...

Саттор ака Чорсуда трамвай бекатига келиб, тўхтади, чекай деб ёнига қўл солувди, «Астра» қутиси бўш чиқди — мардикор бозорида хижолатликни босиш учун ҳў-ўп чеккан шекилли, сигарет ҳам тугапти. Нима қилсин экан? Қизи Оқтепада туради, бориб невараларини куриб келсинми? Эрталаб кунгли айниб, нонушта қилмаган эди, қизи албатта дастурхон ёзади, жаз-биз қилади, қорни ҳам тўйиб қайтади. Аммо неваралари қўлиға қарайди, ҳеч бўш бормаган, қанақа бўларкин? Унинг устиға манаву газетға ўроғлиқ эски кийим, кизи нима деб уйлайди? Мардикор бозорига тушганини пайқаб қолса, юраги зил кетади... Йўқ, ўзлари боришганда невараларини кўраб, ҳозир уйға боргани маъқул, айтмай ўйдан чиқиб кетган, хотини хавотирда утиргандир. У хуноб бўлмаслиғи керак, қанди кўпайиб кетади, яна дорига зўр беради. Усиз ҳам дори масаласи мушкул. Қайтиши керак. Ҳозир трамвай келади. Бир ҳафта бурун билет эллик тийин эди, энди бир сўм бўпти-қопти, яна бир ҳафтадан кейин икки сўмға чиқиши ҳеч гап эмас. Йул олис-да, Юнусобод қаёқда. Берироқ бўлганида пиёда йулға тушар эди, бир сўм пул ёниға қоларди, тўғрироғи, бир сўм эмас, икки сўм, чунки трамвайдан кейин автобусға ҳам чиқиши керак.

Саттор ака Олой бозори ёнидаги бекатға етганда кун анчагина исиган, ҳаво дим эди. Эрталабки салқинда телпаги сезилмовди, ҳозир бошини қиздира бошлади. Саттор ака кўчанинг нариги томониға утиш учун ерости йўлакка тушди — бу ер салқин, ҳамда ботинкасининг ечилиб кетган ипини боғлаб олади, уриндиқ учраса, ўтириб бироз дам олади. Учрамади. Саттор ака ботинка ипини боғлаш баҳонасида йўловчиларға парво қилмай, мармар зинапояннинг соя томониға ўтирди, телпагини ёниға ташлади, терлаб кетган пешонасини юзи аралаш артди, ғир-ғир елвизак танасиға ором берди, роҳатдан кўзларини юмди, бошини совуқ деворға

сўяди, ботинка ипини қайтадан боғлашға ошиқмади. Очлик қорнини таталар, аммо Саттор ака пинагини бузгиси келмади, йўловчилар бўлмаганида жичча мизғиб олишдан ҳам тоймас эди. У кўзларини очмай, қўлларини ботинкаси томон олиб борди, пайпаслаб ипини топди, аммо қўллари оғирлашиб бармоқлари қимирлашни истамас эди...

Саттор ака сесканиб ўйғониб кетди, назарида бир неча дақиқа ўтиб кетгандек бўлди, бадани ҳам жунжукиб қопти, у апил-тапил ботинка ипларини тортиб, таранг боғлашға киришди, сўнг елвизакда совуб қолган тепакал бошиға телпагини кўндирмоқчи бўлиб у томон қўлини чўзувди... Саттор ака бақадан сескангандек, қўлини тортиб олди, атрофға аланглади, ожиз нигоҳида уят, кўрқув, мулзамлик каби саросима ва ҳадик изғир эди. Саттор ака яна телпағиға қаради, унда уч-тўртта қоғоз пуллар, пулларға аралашиб танга-чақалар ётарди.

Саттор ака иргиб тургиси, «Ҳой одамлар! Мен унақа одаммасман!» дея ўзини оқлагиси келди, аммо бу томонға ҳеч ким қарамас, бир хил одамлар садақа бермаслик учун атайдан четға қараб ўтиб борардилар.

Саттор ака — кўзи йўловчиларда — қўли билан телпакини чимдиб, гуё биров шаппа ушлаб оладигандек, секин ёниға тортиди, ичидагини пайпаслаб кўрди, одам бироз сийраклашганда пулларни ҳовучлаб, чунтағиға урди, телпакини кийиб олди, шу алпоз гуё ҳеч нарса бўлмагандек, яна бир-икки дақиқа утирди, кейин оёқ бўғинларини қирсиллатиб ўрнидан турди, трамвай бекатига чиқадиغان томонға кета бошлади.

«Шунча пул тушганини пайқамапман, — уйлади Саттор ака бекатда тураркан, — демак, бир-икки дақиқа эмас, анчаға кўзим кетибди-да... Юнусободда турадиганларнинг кўплари шу ердан ўтишади, танишлар кўрган бўлса, гап Мунисға етиб борса, нима деб ўзимни оқлайман?..»

Ғижимланган пуллар чунтакини кўйдирадигандек туюлар, Саттор ака тезроқ пулларни санаб, миқдорини билгиси келар, аммо нимадандир чўчир, худди ўғирлаб олгандек, бегоналар назари тушишидан ҳайиқар эди. Аммо қизиқиш устун келди, Саттор ака бақатерак панасиға ўтиб, чунтағидан пулларни хавотирланиб чиқарди, ғижимини ёзди... Саттор ака пулларни тахлаб, яна ёниға солиб қўйди. Етти сўм экан, майдалари ҳам бир сўмдан ошади... Кунгли ҳам кувнар, ҳам ҳадиксирар, ҳаяжондан Саттор ака нима қиларини билмас эди. Шу пайт эски румол полигини пешонасида ҳилпиратиб қорамтир бир жувон боласини кўкрагидан узмай Саттор ака рупарасида тўхтади, бир қўлини чўзди, унинг этагини ушлаган қизчаси ҳам жажжи кафтини очди. Жувон алланималар деб, бир қўли билан дуо қилди. Қорамтирлигидан бу жувон Қашқадарё томонлардан бўлса керак деб фараз қилди Саттор ака ва тахлаб қўйган пул қаторидан бир сўм сўғуриб, жувон қўлиға тикди. Жувон шу заҳотиёқ ўгирилиб бошқа одам олдида тўхтади, уни ҳам аврай бошлади.

Бир сўм садақа қилганидан Саттор аканинг кунгли таскин топгандек, ўзини оқлаб олгандек бўлди ва нарироқда писта-қурут сотиб ўтирган аёлдан уч сўмға бир пачка «Астра» олди, шошилиб битта сигаретни муштукка сўқди, чекиб турган одамдан тутатди, маза қилиб тутунини ичига тортиди, сигарета ярмиға борганда, чўгли учини қайта муштукка тикиб қўймоқчи бўлди, аммо айниди — текинға тушган нарса, зикналик қилишиға бало борми? Охиригача чекди, негадир қорни очлигиданми ёки бир-

икки соат мобайнида чекмаганиданми, кузи тиниб, боши айлангандек бўлди...

«Ухлаб қолган бўлсам ўн беш минут ухлагандирман,— ўйлади Саттор ака.— Ҳа, ана, ярим соатдир... Шу озгина вақт ичида саккиз сумдан зиёд садақа тушибди... Мундан чиқди — сахардан кечгача утирадиганлар тузуккина ундиришаркан-да... Жой гавжум бўлса, садақа тушишим ушанга яраша бўлади. Солиқ тулашмайди, мумайгина қолаверади...» Саттор ака тиламчилар даромадини ҳисоблай бошлади. Битта тиламчи кунига энг камида эллик сўм топса, ойига... бир ярим минг бўлади. Улар ҳаммаси, шубҳасиз, пенсия ҳам олишади, агар униси ҳам қушилса, бир тўда пул бўлади, уйнаб-кулиб яшашар экан-да. Унча-мунча орзу-ҳавасларига ҳам етиб ортади. Бунақа даромад Саттор аканинг тушига ҳам кирган эмас ва у беихтиёр узини ўша аснода кўрди. Аввалига бу асно узига эриш туюлгандек бўлди, бироқ бу машқнинг тайин фойдасини куз олдига келтиргани сайин, айби йўқ оддий бир машгулот тарзида кўрина бошлади. Ҳа, нима бупти, мана бугун ярим соат пинакка кетувди, шунча нарсага эга бўлди-қолди. Биров мазах қилмади, мелиса ҳайдамади. Ҳаёт кечириб керак-ку, бунинг нима айби бор, агар бошқа илож қолмаган бўлса... Исқиртроқ кўриниш учун икки-уч кун соқол ўстириб, бир синаб курсинмикан? Майли-да, натижа берса, ҳай, бермаса, берк нарса берклигича қолаверади-ку.

— Соқол олмай кучага чиқасизми? — писанда қилди Мунис опа бир неча кундан кейин эри кучага отланаётганини пайқаб.— Уят бўлади. Кийимингизни қаранг...

— Мачитга чиқаман,— деди Саттор ака ўзини беғам курсатишга уруниб.— Жамоага аралашмасам хунук бўларкан, қариб қолдим. Эгри қарашмасин. Соқол қўйишим ҳам шундан.

Мунис опага эрининг мачитга бориш нияти ҳам, соқол қўйгани ҳам, эски-туски кийиб олгани ҳам ёқмади, эри бир неча ёшга қариб кетгандек кўринди. Кўринди эмас, аслида шундай ҳам эди. Аммо Саттор акага шуниси керак эди, қайққа, нима ниятда кетаётганини хотини сезмаса бўлди. Агар унча-мунча топиб келганини кўриб хотини ажабланса, унга ҳам важ топади, мачитда садақа улашишди, рад қилиш ноқулай туюлди, ола қолдим, дейди. Бинобарин, ҳозирги пайтда касалхона қурилишига маблағ ажратишдан бўйин товлаб, мачитга садақа қилувчи бойваччалар қупайиб қолган.

«Ишқилиб, юзимни шувит қилма, худо! — зинадан зипиллаб пастга тушаркан ичида илтижо қилди Саттор ака.— Омадимни бер, ол, кулим, деб юбор!» Бироқ Саттор ака билади, биринчи кунлари қийин бўлади; шароитга мослашиши, машгулотининг баланд-пастини ўрганиши ва энг муҳими, кўникиши, кези келганда ўз жойи учун курашиши ҳам керак, чунки бунақангилар уртасидаги рақобат шафқатсиз бўлади, ораларига ҳеч ким тушмайди. Саттор ака курмаган бўлса ҳам эшитган.

Дафтарларда қолган сатрлар

Ини инни орашди қайиш кўйдик.
Ҳақират тилеб, қарашмасин бу айни пайтда
қўйиб қолди бу, қўйиб қолди бу, қўйиб қолди бу.
Бир тўтиш кўнишми кези заминга шўбдани
шўбдани кези қарашмасин бошқача улгурмайди
бу кўниш вақти қўриб қолди отиладиги. Шунини
шўбдани кези инки, тошмасин қарашмасин. Вақт
тошмасин кези кўнишми кези кўнишми кези
қарашмасин китоб тузиб уни кел, эй кўнишми...
деб номладим қўриб қолди шу кўнишми
қўриб қолди шу кўнишми кези кўнишми кези
кўнишми кези кўнишми кези кўнишми кези

Раҳман Раҳим

ТОЛЕИНГИЗ МЕНГА ҚИЛАДИ ТОРЛИК

Сизни кўриб утларда қолган
Жонимнинг куп гамин егансиз.
Аммо дилга ошиён солган
Сузингизни билмас экансиз.

Нигохонгиз кўкларга тўшаб
Ой, юлдузлар шоҳи дегансиз.
Асли ойни қуролган ушал
Қўзингизни билмас экансиз.

Хушлагайдир билмаган-билган,
Сиз шунчалар бекўст-бекамсиз.
Дунёларни минг билган билан
Ўзингизни билмас экансиз.

Яна янги фаслга қадам қўйдик. Қаҳри қаттиқ... йўллари ялтироқ қиш кечяпти. Бир тутам кўнларининг шиддати шунчаликки, қайрилиб боққани улгурмайсан. Ҳеч нарсага фурсатинг етмайди. Аммо, шеърга икки тошнинг орасидан вақт топаман. Кейинги кўнлари ёзган машқларимдан китоб тузиб, уни «Кел, эй кўнглим...» деб номладим. Қўйдагилар шу кўнларда ёзилган, шу қўлёмалар тўпладан жой олган шеърларимдир.¹

¹ Таҳририятдан: Афсуслар бўлсинким, бу — шоирнинг охириги дастхати бўлиб қолди...

Аввал тақдиримнинг камига куйдим,
Сунг ғариб дунёнинг ғамига куйдим,
Энди кузларингнинг шамига куйдим,
Куйдириб, ёндириб яшайвер, эй ёр!

Соядай сарғайиб соғу сўлингда,
Ниғоҳим тушарман юрган йўлингга,
Сен шундай толеим тутиб қўлингга,
Куйдириб, ёндириб яшайвер, эй ёр!

Дунёни тўлдириб волаю воҳим,
Охир осмонга ҳам етдим оҳим —
Бошимдан зар сочди тунлари моҳим,
Куйдириб, ёндириб яшайвер, эй ёр!

Майли, мен куйингда юрагим юлиб,
Остонамда ётай ит каби улиб,
Сен эса, ер бўлган ишқимдан кулиб,
Куйдириб, ёндириб яшайвер, эй ёр!

Келмасангиз, келманг майлига,
Зуригимиз йўқ, зоримиз бордир.
Чечанликда сиздай Лайлига
Тенг келар ўз ёримиз бордир.

Келмасангиз, келманг сузига
Содир бўлган поримиз бордир.
Йулимизга интиқ кузига
Сурма сурган ёримиз бордир.

Келмасангиз, келманг-э, сирли
Кулимизда торимиз бордир.
Қушиқ қилиб айтса арзирли —
Қоши камон ёримиз бордир.

Келмасангиз, келманг, эл билган
Заримиз йўқ, зоримиз бордир.
Меҳримизни тутиё қилган —
Меҳрибон ўз ёримиз бордир.

Энди куз ёшимдан сулувроқ сой йўқ,
Бу куйган кунглумни куйгани жой йўқ,
Боқсам, бошим узра қуёш йўқ, ой йўқ,
Осмонимдан айрилдим,
Осмонимдан айрилдим!

Ёғилар ёғдирган уқлар жонимда,
Минг йиллик миннат бор еган нонимда,
Афсуслар, аламлар оқар қонимда,
Посбонимдан айрилдим,
Посбонимдан айрилдим!

Худойим, асрагил, ўзинг ҳар кимни,
Куз ели битталаб юлар баргимни,
Не қилай куксимга сиғмас дардимни,
Ғамгусоримдан айрилдим,
Ғамгусоримдан айрилдим!

Муҳаббат, шу кеча ёнингда кўтай,
Сунг бир умр хотир, ёдингда кетай,
Майли, фарёдингда, додингда кетай,
Гулузоримдан айрилдим,
Гулузоримдан айрилдим!

Яхши биламан бу бир кам дунёда,
Очилган гул каби бекаму кустсиз.
Менинг-ку, ягона сирдошим бода,
Сиз ойга овунчоқ, юлдузга дўстсиз.

Умрингиз шу қадар тугал, унда бор
На дўстга зорлигу на ёвга хорлик.
Ҳар куни минг марта бўламан иқроор,
Толеингиз менга қилади торлик.

Кунчил кўнглунгизга қил ҳам сиғмайди,
Шунчалар тажангсиз, шундай такаббур.
Айтинг, руҳингизга шом тушар пайти
Майлими, ой бўлиб бахш айласам нур?!

Майлими, ҳеч кимга билдирмай туриб,
Шамолга айлансам, муродга етсам,
Шундоқ ёнингизда елиб-югуриб
Бу телба кунглумни бир обод этсам.

Мунча юзингизни сийпалар шамол —
Юрагимни қийма-қиймалар шамол.
Сунбул сочингизнинг урмонларида
Қаранг, йул тополмай қийналар шамол.

Шу бир шамолчалик қадр топмасам, о,
Айтинг, кўнглунгизда борини айтинг.
Хас бўлсам майлими, пар бўлсам-чи, ё
Бўлайми, гугуртдан қайтилган қайтим.

Муҳаббат Мажнундир, Муҳаббат — Лайли
Айтганингиз айтган — бир бахтга тулай.
Фақат бир утинчим, кет деманг, майли,
Ит бўлай, куш бўлай — сизники бўлай!

Мени алдаб келдинг минг йилдан бери,
Минг йил ишонтирдим узимни-узим.
Поенига етиб сабрнинг ери,
Мени сотиб қўйди оламга кўзим.

Ичим тўлиб кетди, юрагим тошди,
Жонга жабр қилди телба табассум.

Юрак эрк истади, ҳаддидан ошди,
Боладай ошкора йиғладим юм-юм.

Эс-хушдан айрилиб куппа-кундузи,
Уксиниб-уксиниб йиғлаб суриндим.
Баҳор — табиатнинг раҳмдил қизи,
Юпатиб қошимда бекор уринди.

Қайдан пайдо бўлди бу куч, бу йиғи,
Ичимда ришталар оғир узилди.
Куксимни тиглади риёнинг тиғи —
Ишқ қасри нуради, кунглум бузилди.

Юракнинг поёнсиз адирларида
Минг йил ловуллаган лолалар учди.
Қаргаган эдингми, мени фарида, —
Менинг ҳам қушларим жанубга кучди.

Дунёнинг жамийки сулув сойлари
Йиғилиб, кўзимдан утди чамаси.
Сотқин дўстларимнинг бари фарқ бўлди —
Жонтаслим қилдилар ёвнинг ҳаммаси.

Фақат юракларга таратиб гулув —
Ҳамон сузар унда тунлар битта моҳ.
Дунёни фарқ қилган бу уммон, бу сув,
Унинг тупиғидан келмайди, э воҳ!

* * *

Сени деб билмасман — тиним нима ул,
Тежаб-тергаганим сеники буткул.

Юрагимни ютиб топганим — сенга,
Тинни тинга уриб топганим — сенга.

Боболарим ётган ерларим қолар,
Шамоллар шовири — шеърларим қолар.

Узилган кунидан насибам, ноним
Сенгадир орттирган номим шеър ёзиб.

То умр ўткинчи экан — нетарман,
Эртами-кеч барин ташлаб кетарман.

Кетарман тупроққа тонг бўлиб, илло,
Бу-чи парвойингдан келмайди, илло.

Боиси, сен ўжар боламсан, дунё,
Бўғзимга сизмаган ноламсан, дунё.

Зорларни билмаган золим, зуримсан,
Дунё, сен — энг эрка меросхуримсан.

БУТУН ВАТАН ҚУРАЙЛИК

НУРАЛИ ҚОБУЛ БИЛАН ТОИР ЮНУС СУҲБАТИ

● Истеъдодли одам истеъдодли инсонни кашф этади.
Қобилиятсиз одам узининг атрофига қобилиятсиз одамларни
туплайди.

● Фақат оқилларгина ҳақиқатдан юз угради.
● Ёзувчи миллатнинг виждони бўлса, сукут сақлай олмай-
ди.

Қисқата маълумот:

Нурали Қобул. ЖСЗЗах вилоятининг Божмак туманида таваллуд
топди. 1974 йилда Фарғона Педагогика институтининг таърих
факультетини биттирган. Унинг «Ойфор», «Салом, тоғлар» каби
тоғламлари ёзувини кенг китобхонлар оmmasи танишди. Шундан
сўри «Сенинг болалик осмонинг», «Янаш урун келима», «Қаптар-
лар қайтмаган кун», «Бурдой пишмига етмаганлар», «Сен Ватан-
сан, муҳаббат» каби ундан ортиқ нафрий ва шеърый асарлари босилди.
Адибнинг «Дунюмилан соҳиллар» романи адабиётда ўз ўрнини топди.

Нурали Қобул «Чўпон» нашриятининг директори.

Т.Юнус. Нурали ака, сизнинг феълингизни яхши биламан.
Хонлигингиз ҳам бор, беклигингиз ҳам. Шу нарсадан фойдалан-
сам.

Н.Қобул. Мен розиман.

Т.Юнус. Мана, микрофон олдида утирибмиз. Суҳбат радиода
берилади, «Шарқ юлдузи» саҳифаларида ҳам чоп этилади. Куп
суҳбатларимиз радиода берилди, журналда эълон қилинди. Била-
сиз, ҳозир бозор сиёсати даври. Озгина таниш-билишчилик дей-
сизми... ҳар ҳолда, бир эркалик қилсам.

Н.Қобул. Марҳамат.

Т.Юнус. Мен ун нафардан ортиқ ёзувчи билан шу тарзда
суҳбатлашдим. Суҳбат олий ўқув юртлари, билим юртлари талаба-
ларига, мактаб ўқувчиларига, домлаларга жуда қўл келаётган
экан.

Сиз нашриёт директорисиз. Директор бўлганда ҳам сифат
белгили раҳбарсиз. Мабодо эркалик қилиб, Нурали ака, шу

сухбатларни 15-20 тобоқ ҳажмдаги китоб қилиб чиқарайлик, деса мнима дейсиз?

Н.Қобул. Жуда яхши! Шу ташаббусни бошлаганингизнинг узи миллатимизга хизмат қилишнинг гузал шаклидир. Сизни юз фоиз қўллаб-қувватлар эдим. Масалан, ҳажми кичикроқ булса, мен сизга сўз бераман, бир ойда чиқариб бераман. Ҳажми катта булса, бироз чузилишга тўғри келади. Фақат китобни сотиш масаласида сиз бизга кумак беришингиз лозим бўлади.

Т.Юнус. Мен розиман. Демак, суҳбатимизни хурсандчилик билан бошлаймиз.

Суҳбатнинг аввалида бир нарсани аниқлаб олайлик, Нурали Қобул ким? Ёзувчиси, раҳбарми ё тадбиркорми?

Н.Қобул. Яхши! Шундай қитиклайдиган саволлар бериш керак. Ёзувчилик касб ҳам эмас, ҳунар ҳам эмас, бу тақдир. Чулпоннинг сатрларини эсланг: Урдаларда севги бўлмас, шаҳодалар сева билмас, севги асли яйловларда, дейди. Саройларда усган, ҳаёт машаққатларини курмаган одамдан Хемингуэй ёки Шолохов чиқмайди. Шу нуқтаи назардан, ёзувчи узи ёзган асарига изоҳ бера бошладими, демак, бу ёзувчида бир нима етишмайди. Узр, халқ ёзганимни тушунмади, десак, билингки, халққа тушунтирилмаган булаемиз. Халқ ҳамма нарсани тушунади. Олий даражада тушунадиган тоифа бор, уртача тушунадиган ҳамда қуйи даражада тушунадиган тоифа бор. Яхшиси, Нурали Қобул ким деган саволга оддий одамлар жавоб бергани маъқул. Чунки бундай олиб қарасангиз, ёзувчиларнинг аксарий қисми, ҳаммаси эмас, мустақил фикрловчи одамлар, бир-бирини инкор этадиган шахслар, қўйиб берсангиз, юз фоиз ёзувчилар уларини классик деб ҳисоблайди. Кечирасиз-у, бу бизнинг ёзувчиларимизнинг даражасини белгиламайди. Сабаби, ақлли ёзувчи ё санъаткор уз курпасининг неча метрлигини билиши керак. Шунга қараб оёқ узатиши, шунга қараб фикрлаши лозим.

Тадбиркорми ё раҳбарми, дедингиз. Яна бир бора узр, иккита боласини эглаб боқолмаган, яхши тарбия беролмаган одамнинг санъаткорлиги даражаси уйлатади кишини. Бу менинг шахсий фикрим. Профессионал сифатида кун курувчи ёзувчилардан Маркесдан бошқа одам йўқ. Ёзган асаридан тушган маблағ билан тирикчилик қиладиган деярли йўқ. Туркияда Азиз Несин бор. Бироқ у ҳам катта тижоратчи. Уни худосиз деб чиқиштиришмайди. Узининг оддий турмуш тарзини шакллантирилмаган, ҳаётини изга сололмаган ижодкор мен ёзувчиман, деб турт қарич соқол қўйиб, папка қўлтиқлаб юргани билан ҳали миллатнинг виждони бўлмаслиги мумкин.

Т.Юнус. Айтинг-чи, бугунги кунда Нурали Қобул бўлиб танилган инсон қандай оилада дунёга келган? Қандай муҳитда тарбия топган?

Н.Қобул. Мен 1953 йилнинг 2 январида Бахмал туманининг Усман қишлоғида туғилганман. Қишлоғимизнинг аввалги номи Йўлдошбой эди. Ҳозир Бобурий қишлоғи дейишяпти. Сабаби, Бобур уз асарида шу ерда дам олганини, гузал жойлар эканини ёзди. Бобур шу ердан ўтганда Туркистон тизма тоғининг этақларида яраланган аскарлари, қариндош-уруғлари қолиб кетган. Бизнинг ота-боболаримиз ҳам уша пайдан буён шу ерларда яшашади.

Менинг отам, Оллоҳ раҳмат айласин, яқинда вафот этдилар, қишлоқ активларидан булганлар. Бобомиз мулла Қобул Бухоро мадрасасини битирган, уз даврининг етук инсони булган. У киши

Сибирга сургун қилинган. Эътибор қилсангиз, ижодкорларнинг туқсон фоизининг ё отаси, ё бобоси сургунда бўлган.

Бобомизнинг иккита оиласи бор эди. Катта онамиз узлари фарзанд курмаганларидан кейин бош бўлиб кичик онамизга бобомизни уйлантириб қўйганлар. Уша муҳаббатдан булган болаларни узлари тарбиялаганлар. Мана, инсонни эъозлаш қандай бўлади! Хуллас, у киши Сибирдан қайтаётиб, ун олти кун Қозоғистон чўлида сувсиз қолиб кетган. Ун олти кун сув ичмагандан кейин ичак чирий бошлар экан. Зеклар сув бермаган. Янгиқурғон (ҳозирги Галлаорол) деган жойга етиб келиб, матрасларни кийимга ўхшатиб тикиб, қишлоққа келганлар. Кейин етти кун Ойқор тоғидан муз олиб келтириб, сўриб... вафот этганлар. Ичак қуйиб кетганлиги сабабли, муз ҳам қор қилмаган.

Мен ёзувчи бўлиб нимани «қоралаган» бўлсам, катта энам ҳикояларидан бошланган. Шуларни онам айтиб берганда, маълум бир фурсатдан кейин овозлари бугилиб гапиролмай қолардилар. Бобомизнинг етим қолган болалари билан қандай қийинчиликларни бошларидан ўтказганликларини азоб билан сузлаб берардилар. Бизда чириш деган ўт буларди. Ана шунинг томирини ейишган экан. Мен бу нарсаларни уз асарларимда имконим даражасида ёзганман.

Биз ишга, ўқишга эрта киришиб кетдик. Беш ёшимда биринчи синфга борганман.

Т.Юнус. Нега бунча эрта боргансиз?

Н.Қобул. Турт ёшимда уйимизга келган меҳмонларнинг расмини чизиб берардим. Ёзардим, ўқирдим. Бу бола бир нарсга булади, дейишарди. Бу гапни одам булади, деган маънода айтишган. Даддам уша пайтда ёғ пунктида ишлардилар. Таниш-билишчилик қилиб мактабга кириштиб қўйганлар. Мактабни ўн турт ёшимда битирганман. Фаргона Педагогика институтига борганимда ҳайрон бўлишиб, оламизми-йўқми деб икки кун муҳокама қилишган. Демокчиманки, ёшим эрта улгайиб қолган. Бундан ташқари, мен 9-10 синфдалигимда тоғ қишлоқлари чулга кучирилди. Гуё чулни ушлаштиришни ихтиёр қилиб келдик. Кечирасиз, одам боласи чўлда яшаши мумкин булганда, ота-боболаримиз яшарди. Чул чорва учун асралган. Шундай қилиб, олтимши иккинчи йилда Жиззахга кучиб келганмиз. Нурота тоғларининг кунчиқиш томони этакларида яшаганмиз. Урта мактабнинг сўнгги икки синфини интернатда ўқиганман. Узим кичик булсам ҳам ёши улуг одамлар билан юрардим. Биз билан ўқиган болаларнинг ҳам ёши катта эди.

Уша йили институтга киролмадим. Қайтиб бориб пахтада ишлашга уялдим. Қизлар аския қилишарди. Кейин қариндошимиз Раббим аканинг қўлига чўпон бўлиб кетдим. Кейин мактабга пионервожатий бўлиб ишга кирдим. Ойлик саксон етти сўм эди. Афсуски, дастлабки икки ойликни ишга жойлашиш учун берганмиз. Ҳамон шундай ишлар борлигига афсусланаман. Шу нарсалар бор экан, бизнинг миллат сифатида шаклланишимиз, бутун миллат бўлишимиз кечикаверади. Шундай қилиб, ҳаётнинг узун-қисқа, тор йўлларида секин-секин тақдир тақозоси билан Тошкентга келиб, мана шу жамят ичиде имкониятимиз даражасида Ватанимизга озми-кўпми, нимадир қилиш мақсадига эришдик.

Т.Юнус. Илк машқларингизни эсласангиз.

Н.Қобул. Мен биринчи шеъримни ёзиб, ўқитувчимга курсатганимда, эсимда бор, «Космонавтларга» деган шеър эди, қаердан кучирдинг, деган. Шошиб қолганимдан довдираб узим ёздим, десам, узинг қандай қилиб бундай ёзасан, деган. Шунда

қаттиқ ранжиганман. Янглишмасам, еттинчи синфда эдим. Шундан кейин ёзишга журъат қилмадим. Сабаби, биласизми, урислар бездарний дейди, қобилиятсиз одам узининг атрофига қобилиятсизларни тўплайди. Ундан ҳам падини тўплайди. Кучли одам кучли одамни кашф этади. Истеъдодли одам истеъдодли инсонни кашф этади. Масалан, сизнинг эзгу тилакларингиз олижаноб туйғуларга дуч келса, у гуллаб-яшнаиди, мева беради. Катта бетондан қурилган тўғонга дуч келса, туйғуларингиз қайтиб ичингизга сингиб кетар экан. Шунда анча танаффус булди. Унинг синфда уқийганимда нималарнидир қоралаб юрдим. Лекин бировга курсатишга юрагим дов бермасди. Кейинроқ 1972 йилларда эълон қила бошладим. Қаламимни илғашди шекилли, Бахмал тумани газетасига ишга таклиф қилишди. Шу ерда ишлаб юрганамда шеърларимни дўстларимга курсатиб, маслаҳат олиб газетачи қардик. Ҳикоялар, очерклар ёздим.

Т.Юнус. Одатда, вилоятлардан келган ижодкорлар уқишни тугатиб, шаҳарда қолишга ҳаракат қилишади. Чунки шаҳарда адабий жараён бор. Адабиёт қозонида қайнаш бор. Ҳар ҳолда, кунда, кун ора ёзувчи, шоирни учратиши мумкин. Фикрлашади, баъзи масалалар буйича баҳслашади. Вилоятда эса бу нарса анча гариб. Сиз эса, аксинча Тошкентга келмай, узоқ йиллар Жиззахда ишладингиз. Кейинроқ Тошкентга келдингиз ва бирин-кетин асарларингизни эълон қила бошладингиз. Руслар тили билан айтганда, провинция нима берди?

Н.Қобул. Қишлоқ ҳаёти демоқчисиз-да? Биласизми, чавандознинг маҳорати унинг купкарига тушганидан кейин билинади. Менимча, у отини қамчилаб икки сойнинг орасида чоғиб юриши мумкин.

Тошкент бизнинг улоқ ташлайдиган жойимиз. Марра — Тошкент. Бу ерда ҳар хил даражадаги ижодкорлар мавжуд булиб, бу ерда одам узини чиниқтиради. Шу нуқтаи назардан шаҳарда меъёр бор, мезон бор. Шунга узингизни мослайсиз. Мен учун Ватан уз қишлоғимдан бошланади. Икки ой Бахмалга бормай қолсам, ишим юришмай қолади. Кайфиятим ҳам, руҳим ҳам тушиб кетади. Бориб қишлоқда ялангоёқ айланаиб, одамлар билан гаплашиб юраман. Биласизми, шаҳар ҳаёти одамни эзиб ҳам ташлайди. Табиатга яқин булсангиз, ижодкор булсангиз, беихтиёр бошингизни олиб чиқиб кетгингиз келади.

Т.Юнус. Шаҳар қишлоққа нисбатан шафқатсиз...

Н.Қобул. Бу табиий, тақсир. Бу ҳамма ерда шунақа. Масалан, мен яқинда Америкада булиб қайтдим. У ердаги ҳаётнинг олдида Тошкент гузал қишлоқ. Ажойиб қишлоқ. Эсимда бор, илгари Москвадан ёзувчи дўстларимиз келарди-да, уларини Пензанинг урмонларига келиб қолгандай ҳис қилишарди. Ҳаво яхши, одамлар яхши. Тоза деб уйлашади. Нима учун улуғ одамлар табиатнинг куйнидан чиқади? Сабаб, унинг қалбига дарёларнинг покизалиги, теранлиги, яйловларнинг кенлиги, тоғларнинг юксаклиги сингиб кетади. Ижод манбаи ҳам ўша. Қишлоқ ҳаётининг сизга берган имкониятларини тасвирлаб ҳам булмайди.

Т.Юнус. Нурали ака, сизнинг ижодингизга эътибор қилганман. Жуда кўп ёзувчилар, майли, узоққа бормайлик, русларми, қозоқларми ё туркманларми... уларнинг адабиётида бир нарса бор. Одатда, ёши утиб қолган ёзувчилар болалигини эслаб асарлар ёза бошлайдилар. Сизда эса акси. Адабиётга кириб келганингиздан кейин, назаримда, узингиз, онангиз, атрофингиздаги дўстларингиз орқали булган воқеаларни ижодингизда курсатишга

ҳаракат қилгансиз. Бу нарса «Тубсиз осмон»да ҳам, «Салом, тоғлар»да ҳам сезилади. Бунинг боиси борми?

Н.Қобул. Энди биласизми, менинг уз фикрим бор. Шундай деб уйлайманки, инсон ҳаётининг сунгги дақиқасига қадар ўша бегубор болалигини асраб қолади. Инсоннинг самимийлиги ана шу болалиқдан қай даражада асраб қолганлиги билан белгиланади. Мен бир учрашувда ҳазиллашиб, виждон деганда нимани тушунасиз дейишганда, виждоннинг даражаси бетнинг қалинлиги билан улчанади, деганман.

Т.Юнус. Нега ундай дегансиз?

Н.Қобул. Буни тушунтириш шартмас. Бу уз-узидан маълум. Мана, ҳозир бу гапимдан кулдингиз. Демак, ўша туйғу сизда бор. Баъзилар эса бу гапни эшитганда бақрайиб қараб туради. Гапингизни англаб етмайди. Демак, унда виждон ҳақидаги энг оддий тасаввур, яъни виждон деган тушунчанинг ўзи йўқ. Мен нечун ёзганимда болалигимдан узоқлашиб кетолмайман? Биласизми, болалик туйғулари ҳеч қачон алдамайди. Менинг асаримни қўлига олган ўқувчи ёзганларимга ишониши керак. Йўқса, ўша Хемингуэй айтганидек, икки марта ўқишга арзимайдиган асар бир марта ўқишга ҳам арзимайди.

Т.Юнус. Сизнинг қиссаларингиз, романларингизда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов айтмоқчи: «...туғилиб ўсган заминнинг ўзига хос латофатини, булоқларнинг тиниқлигини, гиёҳларнинг нозик буйини, жилғалардан оққан сувларнинг майин шилдирашини, отлар кишнаши, қуй-қўзиларнинг маърашини ҳис қиламиз. Буларнинг ҳаммаси сўзсиз инсон маънавиятига бориб талади». Бу ижодингизга берилган юксак баҳо. Мана, ёшингиз 40 дан ошган. Асарларингиздаги буртиб кўринган ўша нуқталарни турмуш тажрибангизга йўйиш мумкинми?

Н.Қобул. Маъқул. Биласизми, мен Фаргона Педагогика институтига келиб ўқишга дастлаб киролмаганман. Ўша пайтда қўй боққанман. Ниҳоят, ўқишга ҳам кирдим. Институтга боргандан кейин ҳамма нима иш қиялган, деб сўрайди-да, мен эса ўзимнинг чўпонлик қилаётганимни яширардим. Энди уйлаб қарасам, ҳаётимнинг энг покиза, энг бегубор дамлари чўпонлик қилиб юрган пайтларим экан. Қуйлар, ит, эшак, тоғлар... бақириб ашула айтасизми, булоқда нон оқизиб ейсизми, ўзингиз билан ўзингиз гаплашасизми, йиғлайсизми, ҳаммаси ихтиёрингизда эди.

Сизга маълумки, исломдан аввал шаманизм булган. Аждодларимиз табиатга сизгинишган. Демоқчиманки, биз исломдан аввал ҳам динли, иймонли, эътиқодли миллат булганмиз. Бизда худонинг 99 оти бор. Балким юзинчи оти Ватандир, юз биринчи оти табиатдир. Табиатсиз маънавиятни, адабиётни тасаввур қилиш қийин. Қозоқларнинг, қирғизларнинг ҳамда ўзимизнинг бахшилар ижро этган эски жирларни эшитганимда баданимда титроқ туради. Бизнинг қадимий турк қўшиқларимиз шундай булган. Бугунги ўзбек қўшиқчилиги эса эрон қўшиқчилиги билан уйғунлиқда шакланган. Тўғрисини айтиш керак-да! Оғзимизни кўпиртириб ўзбек санъати деймиз. Қадимий турк халқлари санъати булган. Фольклор булган. Кейинроқ форслар ва бошқа миллатлар санъати эвазига бойганмиз. Улар ҳам биздан нимадир олган. Рус, украин, белорусь санъати ҳам умумславян санъати демак. Минг бор узр! Навоийнинг тили биздан кура уйғур туркларига яқин. Навоийни ўзбек деб жар солишимиз одобсизлик эмасми? Навоийнинг ўзи миллатим турк деган. Йўқ, ўзбек деб турсак. Буни бизда кўп одамлар англаб етмаяпти. Бу масалаларга чуқур

илмий, тарихий ва маънавий нуқтаи назардан ёндошмоқ керак. Дунёда араб, француз, форс миллати пайдо бўлганда турк миллати ҳам пайдо бўлган. Йўқ, биз турк эмасмиз дейиш учун, кечирасиз, қанақа ақл бўлиши кераклиги сизга маълум. Мен тарихиман, кейин Олий партия мактаби деган мактабни ҳам битирганман.

Т.Юнус. Мен ҳам ўқиганман...

Н.Қобул. Э... тоза маслақдош эканмиз-ку! Ушанда маълум бўлдики, марксизм нималигини Ленин ҳам англаб етмаган, Брежнев ҳам, Горбачёв ҳам англаб етмаган. Бу ҳаводаги муаллақ гоё бўлган. Халқни мавжудотга айлантириб, охурига арпа билан хашакни солиб қўйиб, оғзини банд қилиб, усти бут қилиб қўйилган. Миллатнинг катта манфаати озодлик, ҳуррият, дунёвий ҳақиқатлар ҳақида уйламайдиган бир нотабий гоё бўлган. Шуларни англаб етиш учун албатта ўқиш керак. Мен ҳайрон қоламанки, чет элдан келган куп узбекларимиз ёки бошқа кишилар бизнинг ҳаётимиз ҳақида, етмиш йиллик коммунистик гоёлар ҳақида ҳеч қандай тушунчаси йўқ. Сиз билан биз буржуазия ундай, буржуазия бундай деган гапларни сув қилиб ичворганмиз. Шунинг учун ҳар қандай гоёни ўқиб-ўрганиш керак. Сизнинг саволингизга яқунловчи фикр айтсам, воқеа ва ҳодисаларга фақат том маънодаги адабиёт ва санъат кузи билан ва умуминсоний кадриятлар нуқтаи назаридан, дунёвий ҳақиқатлар мезонида қараш учун мен мақолаларимдан тортиб, бадий нарсаларимгача ҳаракат қиламан.

Т.Юнус. Янглишмасам, «Юность» журналида «Тубсиз осмон» қиссангиз ҳақида мақола чиққанди. Унда Борис Полевой...

Н.Қобул. Бўлди, тушундим. «Тубсиз осмон»да Норбутанинг отасини совхоз директори келиб уради. Шунки ўқиб, Борис Полевой 2,5 минг нусхада чиқадиган «Юность» журналида бундай воқеалар бўлиши мумкинмас, бизнинг жамиятда директор чупонни урмайди, деб ёзганди. Кейин учрашганимизда ҳам шу фикрини тасдиқлаган. Мен қаттиқ кулиб юборганман. У нега куласан, деган. Сиздай машҳур одам ҳаётдан шунчалик узоклашиб қолганингизга куляпман, деганман. Шунда мажбур бўлиб тан олганди. Мени кучоқлаб олганди.

Т.Юнус. Нурали ака, суҳбатимиз самимий. Агар айрим саволларим кунглингизга ботса, хафа бўлманг.

Н.Қобул. Дустим, фақат ожизларгина ҳақиқатдан юз угиради.

Т.Юнус. Биласиз, 80-90-йилларда сиёсатимизда силсилалар даври бўлди. Уша давр амалдорларининг айби туфайли сиёсатимизда фикр кўнимсизлиги бўлди. Масалан, 82 йилдан 90 йилгача давом этди. Бу нарса жуда куп одамларга таъсир қилди. Энг даҳшати, бу «қасал» ёзувчиларни ҳам четлаб ўтмади. Сиз, бошқаларга нисбатан ёш ёзувчи, уша пайтларда узингизга зид ишлар қилганмисиз?

Н.Қобул. Жуда ажойиб савол бердингиз. Мен «Совет Ўзбекистони санъати» журналига муҳаррир бўлиб ишга келганман. Унгача вилоят партия комитетида матбуот бўйича инструктор эдим. Журналда саккиз йил бош муҳаррир бўлдим. Журнал қандай чиққанлигини эсласангиз керак. Ёдингизда бўлса, одамлар уша пайтларда фикр айтмасди. Қўрқарди. Биз одамларга фикр айтиш учун анкета ташкил қилганмиз. Шахсий фикр айтилмаган жойда ижтимоий фикр ҳам шаклланмайди, миллат шаклланмайди, деган фикрда эдик. Ҳали ҳам шу фикрдаман. Инсонларда шахсий фикр ривожланмас экан, Ватаннинг қиёфасини белгилайдиган ижтимоий фикр ҳеч қачон шаклланмайди... У ерда 1984 йилгача

ишладим. Шу йилларда, айтганингиздек Ўзбекистонда сиёсий, маънавий ва молиявий террор бошланди. Ҳамма вилоят раҳбарларидан тортиб, бригадиргача қамалмас-да, болачақасини боқиши муаммога айланиб қолди. Шунда мени ҳам МКга қақриб ишдан ариза бериб кетсангиз, дейишди. Ижодий ишларим билан шугулланишим учун кулай имконият туғилган эди. Энди ишларимни қайтадан бошлайман, деб уйладим ва «Унутилган соҳиллар» романини ёздим. Уша пайтда мени шу ишга даъват этган, яъни мени давлат ишларидан четлаштирган МК котиби Р.Абдуллаева ва у кишининг ёнида ишлаган одамларга уз раҳматимни айтмоқчиман.

Т.Юнус. Қўштирноқ ичида...

Н.Қобул. Тўғри маънода! Чин юракдан раҳмат айтяпман шу опаларга! Буни фақат тўғри тушуниш керак. Биласизми, Қуръонда шундай гап бор. Оллоҳ сизга бир оғирлик бердим, ортидан албатта енгиллик беради. Мен ушани тақдирнинг инъоми, тақдирнинг ҳадяси деб қабул қилганман. Агар уша пайтларда ишдан бўшаатишмаганда роман ёзилмасди ёки анча кеч ёзиларди.

Т.Юнус. Демак, уша даврда бўлаётган жараёнларни таҳлил қилгансиз, узингизга тўғри йўлларни белгилаб олгансиз?

Н.Қобул. Кечирасиз, ўқувчи мендан нима ёзясиз, деб сўрайди. Ёзиш учун вақт ва виждон ороми керак. Виждонингиз ёзадиган ҳолатга тушиб туриши керак. Нимадир уни безовта қилмаслиги керак. Мен уша нарсани 3 йил уйлаб, 16 кунда ёзганман. Ёзишга утирсам, мен учун кеча билан кундузнинг фарқи қолмайди.

Т.Юнус. Режим қилолмайсиз.

Н.Қобул. Йўқ. Балки ёш утган сари киши режалаштирар.

Т.Юнус. Бальзакниям иш услуби шундай булган.

Н.Қобул. Юрагингиздан чиққан ҳақиқий нарса режали ёзилмайди... Яхши шеър ёзилмайди — содир бўлади, деган гап бор адабиётда. Масалан, содир бўлган нарсани тўхта, бир ҳафтадан кейин кишлоққа бориб, бафуржа ёзаман демайсиз-ку? Қайта ишлаш мумкин. Мен уша пайтларнинг фожиаларини «Унутилган соҳиллар»да тасвирлаганман. Ишончим комилки, жамиятда бўлаётган воқеаларни сал тингандан кейин ёзиш керак. Тингандан кейин ёзсангиз, унда ҳақиқатнинг буртган қирралари қуринади. Гоҳ танқидчилар ё адабиётни тушунмаган одамлар мана шундай воқеалар бўляпти, нима учун бу ҳақда роман йўқ, дейишади. Ё Оллоҳ, бунинг интиҳосини кут, эртага нима бўлади. Айтмаговдан нима учун сиз театрга куп бормайсиз, деб сўрашганда театр руҳимга ёт, ундан кура бир соат бозорни айлансам ҳаётни янада яхшироқ кураман, деган. Шундай булгандан кейин ижтимоий буюртма, фалон мавзуда ёзсин... бўлар-бўлмағур ишлар. Ёзувчиларни уз ҳолига қўйиб бериш керак. Ёзувчи миллатнинг виждони бўлса, у сукут сақлай олмайди.

Т.Юнус. Нурали ака, мен бу ҳақда куп уйлаганман. Айтайлик, уруш бўлди. Уша йиллариёқ, кейин 50-йиллардаёқ куп асарлар ёзилди. Афсуски, булар қизил тузумга хизмат қилган асарлар эди. Кейин қарангки, 60-70-80-йилларда уруш ҳақида энг яхши асарлар яратилди. Энг яхши асарлар 20-30 йил ўтгач ёзилди. Шу нуқтаи назардан сизни куллаб-қувватламоқчиман. Кечаги кун фожиалари ҳақида дарров асар ёзиш... билмадим, тушунолмайман.

Н.Қобул. Жуда ажойиб гапни айтдингиз. Мен узим ўқиб-урганларимдан шундай хулосага келганман. Ва айтган гапимга ҳар қандай шароитда жавоб бераман. Ҳар қандай инсонга, ҳар бир

даврга баҳо шу воқеалар интихосидан кейин, ўттиз йил кейин берилди. Масалан, 53-йил Сталин ўлган, 83-йилдан кейин Брежнев ўлгач, Сталиннинг ҳақиқий қиёфаси очила бошлади. Сталин билан Гитлернинг фарқи нима, деган саволга бир генерал Гитлер 6 млн. аҳолисини ўлдирди, Сталин эса 66 млн. аҳолисини ўлдирган, фарқи шу, дейди. Бу гапимизни кўп сталинчилар қабул қилолмайди. Уларнинг онгига Муҳаммад пайғамбарнинг урнига ҳам Сталин кириб қолган. Уларга ҳеч нима деб бўлмайди. Иддооларимиз ҳам йўқ. Шу хусусда кейинги пайтда ўзимизда Шароф ака ҳақида ҳам гап-сўзлар бўлди. Менга ҳам айрим чаласавод гаплар айтишди. Тасаввур қилинг, биз ҳаммамиз бу одамни яхши эслаймиз. У кишини яхши десангиз, у ўзбекни бутефос ичида чўктириб юборди-ку, нега бу томонини айтмайсан, дейди. Ёмонласангиз, ўша пайтда муҳаррир эдинг, нега ёмонлайсан, дейди. Халқ шунақа-да! Шунинг учун бу нарсаларга вақт ва биздан кейин келган соф авлод ўз баҳосини беради. Лекин улар ҳам баҳони миллатнинг ҳақиқий виждони бўлган шаклланган шахс ва санъаткорларнинг фикрига қараб беради. Масалан, мен кейинроқ мана шундай хотиралар ёзмоқчиман. У киши билан кўп учрашганман. Шароф акага шахсан менга ёки сизга яхшилик қилган одам сифатида эмас, миллат учун тўғри гапни айтиш керак бўлган — ёзувчи сифатида баҳо беришимиз керак. Агар ўзимни бу хусусдаги асл ҳақиқатдан олиб қочсам, демак, виждони бутун бўлмаган ёзувчи бўламан. Бу фикр бошқа шахсларга ҳам тегишли.

Т.Юнус. У кишиниям ўз фожиалари бўлган.

Н.Қобул. Табиий. Биз бир одамни кўкка кутараман, деб ерга уриб қўйишимиз мумкин. Ҳамзага ўхшатиб.

Т.Юнус. Ҳозир, биласиз, кўп ёзувчиларнинг асарлари бир чеккага суриб қўйилди. Хушёр ёзувчисиз, нима демоқчилигимиз дарров сездингиз. Бугунги кунда жамиятимиз бутунлай бошқа бир ҳаётга — мустақилликка юз бурди. Айтинг-чи, ўша пайтларда бу тузумнинг нуқсонларини англамаганмисиз?

Н.Қобул. Бу тузумнинг ноҳақлигини ўзинчи синфда ўқиётган кезларимда англаганман. Учта мактабни алмаштиришга тўғри келган. Китобларни ўқиб ташлардик. Ўқишга китоб қолмаган. Кутубхонага кирганимизда кутубхоначи китоб топиб беролмай хижолат бўларди. У пайтларда ўзбек тилида нашр этилган адабиётлар оз эди. Хуллас, биз уч-тўрт давраларда бу жамиятнинг келажаги йўқ, бир куни портлаб кетади, дердик. Шу одамлар ҳозир ҳам бор. Мулоқотдошларимиз А. Вознесенский, А. Деметьев, Е. Евтушенко, В. Амлинский, Б. Полевой... бу одамлар дунёвий фикрлайдиган одамлар эди-да. Улар билан гаплашингиз учун сиз ҳам дунёвий фикрлашингиз керак. Бўлмаса, кечирасиз, сиз билан утириб кофе ҳам ичмайди. Мана шу фикрларимиз ёқмасди раҳбариятга. Бир неча марта МКга қақриб, даккилар беришган. Ҳатто... МКдаги бир одамга Рузи Чориев кўп яхши одам, уни Рассомлар уюшмасига раисликка қўйиш керакмикан, деганман. У эса э, қўйсангиз-чи, у Стокгольмда Сахаровнинг хотинининг қўлини упибди, деган. Демак, шу гап ҳам ёзилиб юрилар экан-да.

Т.Юнус. У одам табиятан дарвиш одам.

Н.Қобул. Хуллас, кимнинг қўлини упасиз, кимни нима қиласиз, ҳаммаси рўйхатга олиб борилган. Эсимда, бир сўзимдан кейин қақриб, чумқуққа ўхшаб пушканинг оғзида учаверманг, ука, қуйиб-ёниб кетасиз, дейишган.

Т.Юнус. Яхши образли гап қилган экан.

Н.Қобул. Ҳа! Кейин бирор жойда суҳбат қилмайман,

сўзламайман деб сўз беринг, деди. Сизни кечирамиз, деди. Раҳмат дейман ўша одамларга. Йўқса, ундай-бундай қилиб эшак ўғрисига айлантиришлари мумкин эди-да! Ҳатто бир куни қақриб, Фарғонага ишга кетинг, дейишган. Майли, мен ишни топширишим мумкин, лекин сургун бўлиб кетишни истамайман, деганман. Ўзингиз сўз очганингиз учун айтяпман, аслида айтишга ҳам арзимасди. Олий раҳбарларнинг зугумига учрамаган ҳамкасбларимга ҳавасим келарди ўшанда.

Т.Юнус. Биз ҳозир табассум билан эслаяпмиз. Аслида, ундай эмасди. Шу уринда мен бир нарсани айтиб ўтай. Ўзбекистон радиоси ҳам қаттиқ назорат остида эди. Бобур ёки Феруз газалларини радио орқали беролмасдик. Чунки улар подшоҳ бўлиб ўтганлар. Биз ҳам қандайдир йўлларини қидирганмиз. Айтсам, куласиз... Ҳусайн Бойқаро ҳам подшоҳ бўлган, лекин Ҳусайний тахаллуси билан гузал газаллар ёзган. Биз «Газал бустони» туркумида Ҳусайний газаллари деб эфирга берганмиз. Шундай бир шумлик қилганмиз-да. Аммо таажжубки, ҳеч ким ҳеч нарсани билмаган. Ўша пайтларда бизга раҳбарлик қилган кимсаларнинг билим савияси ҳаминқадар эканлигини айтмоқчиман-да!

Н.Қобул. Даҳшатли пайтлар эди. Умуман, бу нарсаларни қахрамонлик маъносиде эзилган одам сифатида эслаяпти, деб ўйламанг. Сабаби раҳбар бўлганим учун менга ўзгача талаб қўйилган. Бошқа раҳбар бўлмаган ижодкорлар кўча-кўйда партия ва ҳукуматни сўкиб юрган бўлиши мумкин. Бизга ухшаган МК журнали муҳаррирининг ҳар бир фикри уларнинг диққат марказида бўлган.

Т.Юнус. Нурали ака, барибир сиз ва биз шу замоннинг фарзандларимиз. Бугунги кунда янги мафкура яратиш масаласи қўйилган. Жуда муҳим масала. Лекин вужудга келган вазият мутлақо бошқача. Мендан кўра сиз кўпроқ биласиз. Мен радиода ишлайман ва бизга кўп қоғоз керакмас. Магнит тасмаси бўлса бас. Нашриётларда эса қоғоз масаласи асосий муаммо бўлиб қолган. Қоғоз йўқ, китоб қиммат. Яна нашриёт билан боғлиқ бўлган ўнлаб муаммолар. Булардан қандай қутулиш мумкин? Сиз «Чўлпон» нашриётининг директори сифатида бу муаммоларни қай йўсинда ҳал қиляпсиз?

Н.Қобул. Бояги саволингизга бир гапни айтаман, деб эсимдан чиқибди. Депутатликка сайланишим тарихидан бир лавҳани айтмоқчиман. Ҳозир биласиз, депутатликка бир неча номзодлар қўйилади. Мен журъат қилган йилим яна беш нафар кишининг номзоди бор эди. Улар орасида туман ҳокими ҳам бор. Йигирма кунча галати ҳаёт кечирганмиз. Шунда бир киши ҳўп, тузумни ёмонлаяпсиз, эски тузумни танқид қиляпсиз, нима учун партияга ўтиб коммунист бўлгансиз, деб савол берди. Мен жуда ажайиб савол, дедим. Узр, дедим, мен ҳам унча ақлли одам эмасдирман, лекин ўзимдан ҳам аҳмоқроқ одамга буйсунмаслик, югурдаклик қилмаслик учун партияга ўтганман, дедим. Партияга ўтсам, чоригимни судраб, қаердаги одамларнинг қоғозини ёзиб юрардим, шунинг учун ўтганман, дедим. Одамлар қарсақ чалиб юборишди. Мен шу тарзда оғир ҳолатдан чиқиб кетдим. Шунинг учун яна бир гапни тўғри айтишимиз керак. Тошкентда гузал бинолар, йўллар... Ҳозир қуриш қийин. Ўша пайтда миллат учун анча ишлар қилинган.

Энди саволингизга келсак, дунё буйича бир тонна қоғознинг нархи 1000-1500 доллар атрофида. Ҳатто ундан ҳам қиммат. Бизда, мана Президентимиз Исломо ака ҳам айтдилар, тезроқ

қоғоз ишлаб чиқарадиган фабрикалар қурмасак, Ўзбекистонда бу иш муаммолигича қолаверади. Қоғоз мустақиллиги бўлмаса, эртага парламент қонунларини ҳам чиқаролмай қолашимиз. Бундай бўлмайди-ю, албатта. Ўзбекистондай буюк давлат учун қоғоз топиш муаммо эмас. Лекин, ҳар ҳолда, узимиздан чиққани яхши-да. Маънавий соҳада мен ҳукумат ва давлатнинг ёрдамида бир қанақадир кескин ўзгаришлар бўлишини кўнглим сезади. Ва юртбошимиз ҳам ёзувчиларнинг, санъаткорларнинг ҳомийси бўлиб келдилар, шундай бўлиб қоладилар. Бизни оғир ҳолатларга солиб қўймайдилар, деган уйдаман.

Т.Юнус. Сиз раҳбарлик қилаётган «Чулпон» нашриётида аҳвол қандай?

Н.Қобул. Маълумки, «Қуръони Карим»ни чоп этдик. Халқимиз шунча йиллар мобайнида арабча намоз ўқиб юраверган, лекин маъносини унча билмасди. Шу нарсага эришдик. «Мухтасар» ҳам худди шундай китоб. Униям 300 минг нусхада чоп этдик. Шундай кунларга эришганимиз учун Худога шукр қилишимиз керак.

Т.Юнус. Хабарингиз бор, бугунги кунда нашриётлар жуда кўпайиб кетди. Деярли ҳар бир вилоятда бор. Лекин китобларнинг сифати, яъни асарлар кўнгилдагидек эмас. Шу ҳақда нима дейсиз?

Н.Қобул. Мен бу масалада пессимистман. Илгариги, СССР давридаги текин қоғозлар йўқ. Картонлар йўқ. Ўзбекистонда битта картон чиқарадиган фабрика бор, лекин унинг маҳсулотидан муқова қилиб бўлмас экан. Буни синаб кўрдик. Мен жуда кўп жойда бир гапни айтиб юраман. Бизнинг битта камчилигимиз бор. Русча айтганда «чем мозг, у нас развито желудок». Бош миёга нисбатан ошқозон ривожланиб кетган! Биз Худога эмас, ошга сиғиниб қолганмиз. Тўртта одам тўпнана ҳам, юринглар бир спорт ўйнайлик ёки театр курайлик, демайди, ош қилайлик, дейди. Чойхонага боргач, қош-қовоғига кул қўниб, ароқни ичволиб «Ўзбегим» кўшигини қўйиб, ош қилади. Чет элда туш 5 доллар турса, китоб 100 доллар. Шуни олишади. Демак, тушунадиган одамлар бор. Бизда қачон маънавий инқилоб бўлади? Уша 50-60 сўмлик гушт қолиб, 100 сўмга китоб оладиган одамлар пайдо бўлганда, мана энди биз миллат бўлдик, маънавиятимиз юксалди, онгимиз такомиллашди, деб айтишимиз мумкин. Биз ҳозир чет эл нарҳида камида 10 доллар сарф қилиб китоб чиқаряпмиз. Лекин ярим долларга сотамиз. Нашриётларнинг аҳволи жуда оғир. Лекин буни ҳамма тушунмайди. Қоғоз масаласи қийин, босмаҳоналарнинг нархи ошиб кетган. Бўёқлар Россиядан олинади. Бизда деярли ҳеч нарса йўқ. Лекин бу соҳада иш бирдан олға юриб кетмапти-да. Мана, ўқувчиларга дарсликлар чиқариш муаммоси. Бу энг катта масала.

Т.Юнус. Сизни кўп ёзувчилар меҳр билан тилга олишади. Бунинг маълум сабаблари бор. Аниқ мисолни олайлик. Сиз узок йиллардан бери ўзбек халқига машҳур ва манзур хонанда бўлган, лекин узок йилларга чакан панжа орасидан қараб келинган Шерали Жураевни юзага чиқаришга сабабчи бўлдингиз. У ноёб овоз соҳиби эканлигини билишса ҳам, ҳеч ким журъат қилмаганди. Сиз эса журъат қилдингиз...

Н.Қобул. Ҳурматли ҳофизимиз Шерали Жураевнинг истеъдоди ҳар қандай ҳимоятга арзийди. Мен масалага шу нуқтаи назардан ёндошганман. Дунёда шундай савоб ишлар бўладики, бунинг учун ўзингни қурбон қилсанг арзийди. Мен шундай деб ўйлаганман. Модомики, уша пайтда халқ уни севар экан, нима

учун халқдан беркитилиши керак. Санъаткорни ўз вақтида қадрлаш керак. Шу уринда Ботир Зокиров ҳақида қам айтай. У кейинги 50 йилда Ўзбекистондан чиққан, дунёнинг ҳарига борса ҳам тан олинмиши мумкин бўлган ягона санъаткор. Ч.Айтматов ёки Маркес типидаги одам. Мен Аргентинага борганимда, сиз Ботир Зокиров Ватанидан келдингизми, деб сурашган. Бир одам ҳатто кўшигини ҳам хиргойи қилиб берди. Кўзимдан ёш чиқиб кетди. Бу инсон мукаммал ҳофиз, мукаммал ёзувчи, мукаммал рощома, том маънодаги санъаткор эди. Уша пайтда булоқнинг бошида ўтирган, санъатнинг «с» ҳарфини тушунмайдиган одамлар уни СССР халқ артисти унвонига лозим қуришмади. Йўқса, унинг шахси ва санъати бу лавозимлардан юз чандон устун. Биз Б.Зокировга ҳам анкета берганмиз. Сиз маданий ва маънавий ҳаётингизда қандай инқилобий ишларни амалга оширишингиз мумкин, деган саволга «Буларнинг ҳаммаси савол, буларга бирор ақлли жавоб беришни абсурд деб биламан», деган. Биз шуни эълон қилганмиз. Бу, жамиятда ақлли гап айтиш аҳмоқлик билан баробар, дегани-да.

Т.Юнус. Нурали ака, кечаги кун адабиётига бугун бутунлай чизик тортиб қўйишимиз тўғримикин?

Н.Қобул. Йўқ, тўғри эмас. Майли, у қай даражада ёзилган бўлмасин, у — даврнинг акси бўлган. Ҳўш, айтинг, Сталин улганда одамлар йиғлаган. Шуни қайсидир асардан ўқувчилар билиши керакми? Қайдан билади бўлмаса? Уша Сталин даврини, уша доводир Хрущёв даврини, Брежнев даврини, ундан кейин қайта қуришнинг нималигини англаб етмаган Горбачёв даврининг ақллари қардадир бўлиши керак-ку? Шунинг учун... масалан, коммунистлар ҳақида пьесалар бўлган, бир кун одамлар бу нарсани ўрганди. Ақлни ҳам аҳмоқдан ўрган, дейишадими-ку!

Т.Юнус. Генсекларга нисбатан шафқатсизлик қилмаяпсизми?

Н.Қобул. Тақсир, бу менинг шахсий фикрим. Мен ҳеч қачон фикримни оммалаштирмайман ва бировга зўрлаб қабул қил, демайман.

Т.Юнус. Мен ҳам сизга жиддий савол бераётганим йўқ, ҳазил-намо... Сиз беш йил халқ ноиб бўлдингиз, ёзувчисиз, нашриёт раҳбарисиз. Раҳбар бўлганда ҳам тадбиркор раҳбарсиз. Яна шахсий ижодингиз... Буларнинг ҳаммаси бир одамга оғирлик қилмайдими?

Н.Қобул. Э, кошки ижод кўнгилдагидек бўлса?! Ижод қарийб йўқ ҳисоб. Вақтим етишмайди. Депутатлик давримда имконим борича халққа хизмат қилишга ҳаракат қилдим. Нашриёт директори сифатида қандай китобни чиқаришни ҳал қилишим керак. Бир пайтлар «Қуръон»ни нашр этайлик, деганимда бир нашриётнинг директори қўрқиб қочиб кетган. Лекин чиқарганимиз яхши бўлган экан, нашриётни иқтисодий томондан унглаб олдик. Режа, ишлаб чиқариш бўлими яна ўз ишини қилади. Биз яқдил бўлиб миллатга, Ватанга, мустақиллигимизга хизмат қиламиз. Бу — шарафли иш.

Т.Юнус. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукр Холмирзаев мен билан бўлган суҳбатда ёзувчилик қисмат, деганди. Бу гапда жон бор шекилли. Байрон ўзининг лордлигидан воз кечган. Толстой ўзининг графлигидан воз кечган. Лекин айримлар ўз иши қолиб, олий мансабларга эришишга ҳаракат қилиб юришлари кўнглингизда ғалати туйғу уйғотмайдими?

Н.Қобул. Мен ўзим тарихчидан, сиёсатни тушунаман. Нашриёт директори катта лавозимга кирмайди. Сизлардаги бўлим мудири дегандай гап. Биз ҳали асарларимиз билан узимизни

боқолмаймиз. Мен нашриёт директори бўлмасам, бирор чет эл фирмаси 500-1000 доллар бериб, шу ишни қилдириши мумкин. Бу менга ҳозирги ишимдан фойдалироқ, лекин менинг миллатимга мана шу жойда кўпроқ фойда тегади. Шу савоблироқ. Масалан, Туркистон заминининг 80 фоиз сугориладиган ерлари Ўзбекистонга қарайди. Ислом ака беҳуда қайта-қайта, Ўзбекистоннинг келажаги буюк, деяртгани йўқ. Ойбек айтганидай, юртимизнинг тупроғида олтин гуллайди. Шундай заминда инсоннинг оч қолишини ақлга сиғдириб бўлмайди. Шахсан мен куним утмаяпти, деб литфондга бориб 1000 сўм олиб кетаётган ёзувчиларни куриб раҳим келади. Ёзувчиман, деб кечаю кундуз уйга биқиниб ётиш, менимча, ақлли одамнинг иши эмас. Ёзувчи ҳам гоёвий, ҳам жисмоний жиҳатдан миллати учун курашмас экан, демак, у бир тарафлама инсон. Шундай деб биламан. Қаламдан ҳам бошқа куроллар бор дунёда.

Т.Юнус. Йигирма йилдан бери адабиётдасиз. Безиган пайтларингиз булганми?

Н.Қобул. Безиганларимни тақдирнинг инъоми, деб қарашим керак. Шундай пайтларда уч уғлимга ёзувчи бўлмайсанлар, чўпон бўл, рассом бўл, дейман. Асли у ёзувчи бўламан деса, мендан сураб утирмайди-ку?! Худо юрагига солса, ёзаверади. Мен курган қийинчиликлар болаларимнинг бошига тушишини истамайман.

Хитойда тан олинган ёзувчиларга ойлик бериларкан, улар ишласан экан. Агар бизда ҳам бола-чақамизни боқадиган имкониятимиз бўлганида, мен биринчилар қатори ишдан кетардим.

Т.Юнус. Шундай дейсиз-у, бизнинг пешонамизда ҳар ким ўзига шароит яратиши битилган.

Н.Қобул. Ёзгингиз келса, камерада ҳам ёзаверасиз. Ленин ҳам турмадан хатлар ёзган. Нерунинг иккита китоби ҳам камерада ёзилган. Пуртана булиб, тўлиб-тошгандан кейин ёзасиз, бошқа илож йўқ. Саройдами, бошқа ердами, фарқи йўқ. Мен яхши ёзувчиман, квартира бер... булар бўлмагур гаплар.

Т.Юнус. Фельингизда ўзингиз сезган қандай хислатлар бор? Яхши одамми сиз ё ёмонми?

Н.Қобул. Мен унчалик яхши эмасман шекилли. Ўргимчақдан сен қандай қилиб қирқ оёқни бошқарасан, деб сурашганда, у тушунтираман деб, юришни эсидан чиқариб қўйган экан.

Мен Темур бобомизга эътиқод қўйганман. У киши ўзини мақтаган одамларни ҳузуридан ҳайдаган. Ҳатто дарвишлардан бизнинг камчилигимизни айтгин, деб сураган. Ёлгон гапирганлар билан гаплашмай қўяркан. Шу сабаб дўстларимга менинг айбимни айтиб туринлар, чунки инсон ўз нуқсонларини билмайди, дейман. Камчилигим шуки, меъеридан ортиқ даражада максималистман. Биров ноҳақ гапираётган пайтда индамай туролмайман. Портлаб кетаман. Ва бу хислатим ўзимга кўп тўғаноқ бўлган. Келажакда шу гапни айтганим учун таскин оламан, лекин ўша пайтда қийналаман. Бундай мағлубиятлар менинг ҳаётимда кўп булган.

Т.Юнус. Оилада қандайсиз? Баджаҳлмисиз, меҳрибонмисиз? Ишхонада столга муштрайдиган раҳбармисиз?

Н.Қобул. Йўқ, мен ундай қилолмайман. Табиий одамман. Бир куни ҳурматли Эркин ака Воҳидов билан Каттақўрғон турмасини айландик. Улим камераларига кирдик. Ҳўк қилинган уч-тўртта одамни кўрдик. Гаплашдик. Менинг суҳбатдошим шоҳми, гадоми шунга яраша ўзимнинг сўзим, ўзимнинг муомалам, керак бўлса ўзимнинг дипломатиям бор.

Т.Юнус. Сиз кўп давраларда бўлдингиз. Минг турли имкониятларингиз булган. Шулардан унумли фойдаланганмисиз? Талабларингиз, армонларингиз борми?

Н.Қобул. Мен ўзимнинг хатоларимни, нуқсонларимни, камчиликларимни бошқаларнинг муваффақиятига алишмайман. Улар сиз мен бўлмасдим. Ўша камчиликларим билан туқисман. Ҳатто ўша камчиликларим билан фахрланаман.

Т.Юнус. Яна бир саволим бор. Шунга айтмасан, суҳбатимиз тугал бўлмайди. Ҳозир қандай асар устида ишляяпсиз?

Н.Қобул. Ҳозир Темур ҳақида асар ёзиш ниятим бор. Шунга тайёргарлик кўраёпман.

Т.Юнус. Ўқувчиларингизга қандай тилакларингиз бор?

Н.Қобул. Раҳмат, анча дардлашдик. Лекин ўйлаб қарасам, дарднинг асосийси ичимда қолиб кетибди. Ҳаёт шундайки, тошдан ҳам дард эшитасиз-да! Биз тезроқ бутун, мукамал ва комил миллат бўлайлик. Ақлли одам учун бир бурда нон топиш муаммо эмас. Шунинг учун тезроқ фикр қопқаларимиз очилсин. Дунёга теран кўз билан қарайлик. Иқтисодимизни, сиёсатимизни тезроқ англаб етайлик. Ажойиб халқимиз бор. Бундай беғубор, ишонувчан халқни бозор сиёсатининг изтиробларига ташлаб қўйиш увол. Агар бунга йўл қўйсақ, бизни Худойим кечирмайди. Шунинг учун халқимизга имкониятимиз даражасида тўғри йўл курсатайлик. Айни пайтда халқимиз ҳам қараб турмаслиги керак. Гузал ерларимиз, меҳнатқаш одамларимиз бор. Лекин нега тўғри фойдаланмаймиз? Истагим, тезроқ дунё иқтисодиёти дарёсига тушиб олайлик. Тезроқ бутун Ватан қурайлик. Бутун миллат бўлайлик. Кўксимиз кўтарилсин!

СИЗ ЎТАР ЙЎЛЛАРДА МАЙСАЛАР...

Илҳом Ғаниев

*Сен руҳми, ё бир ҳис, чечакми соҳир,
Ногаҳон танамни қалқитган титроқ?!
Ё мангу сирмисан, о, несан, ахир,
Энг олий бахтдан ҳам нурли, буюкроқ?!*

*Балки бир дарддирсан кўз қароғида,
Юрагим тубида мангу бир армон?!
Мен нени излайман ҳажр домида,
Сунгги қаландардек, кўксимда туфон?!*

*Вужудим — буронда, селда қолган гул,
Титроғ — ингрогимни булутлар тинглар.
Қурқинч — бул ёмғирдан зададир кўнгул,
Оҳ, кўкдан ёғилар шафқатсиз сирлар.*

*Ҳамдардим майсами, кўзёшга банди,
Туфроқми, бошимдан сочмоққа етмас?!
Ситамдийда эй дил, бузлагил энди,
Бул титроқ танангда мангуга битмас.*

*Сен руҳми, ё бир ҳис, чечакми соҳир,
Танамни ногаҳон қалқитган титроқ?!
Ё мангу сирмисан, айт, несан, ахир,
Ичимда дунёдан катта сирли доғ!!!*

Бухоро

*Бахт дедим,
эзгу бахтни излайвердим, топмадим,
Севги дедим,
муҳаббатнинг изларидан чопмадим,
Дардлар ёнган юрагимнинг
сир-асрорин ёпмадим,
Муҳаббатим —
изларингда йиглаб қолди бу оқшом.
Тақдир дедим,
қисматимнинг йўлларига кўз тутдим,
Бевақт учган юлдузларнинг
қўлларига юз тутдим,
Аччиқ армон бўлса ҳамки, умрим,
ширин сўз тутдим,
Садоқатим —
сўзларингда йиглаб қолди бу оқшом.
Армон дедим,
юрақдаги армонларим етмасми,
Ҳижрон туни,
айрилиқнинг зиндонлари етмасми,
Бахтсиз ишқнинг,
муҳаббатнинг қурбонлари етмасми,
Юрак хатим —
кўзларингда йиглаб қолди бу оқшом.
Умрим дедим,
умрим ярми хазон бўлди, кул бўлди,
Излаб-излаб танлаганим
дарди йўқ кўнгул бўлди,
Айро юрак, дардли юрак,
охирати чўл бўлди,
Юраккинам —
юзларингда йиглаб қолди бу оқшом.*

Қибрай

Нурмуҳаммад Муҳаммад

*Уй — муқаддас жой,
меҳр тулиб оққан қошона.
Бахтим кўшиқ айтган дамларда,
жўр булиб рақсга тушгувчи хона.
... Муаллақ турибсан зангор самода,
орзулар хокидан яралган қудрат.*

Шеробод

Замира Раҳимова

Юлдузлар утида ёнди гул,
Қолгани бир ҳовуч хўрсиниқ.
Юрагим, ишон, бу мен эмас —
Осмонлар кўп кўрган ой синиқ.

Сен нечун ёнасан, беолов,
Қисматинг эзилиш, эзилиш?!
Юрагим, чўчима, чўчима,
Ҳадикнинг у ёғи узилиш!..

Мен бахтни сурадим тунлардан,
Тунларнинг тили бор, қули йўқ.
Юлдузлар беркинган тонларнинг
Манзилга етказар йўли йўқ.

Чарчадим, чанқаган гул қадар,
Йўл қадар чарчадим, манзилсиз.
Фол кўрманг, юлдузлар, бўлди, бас,
Бахтимдан узилди сунги сўз!..

Яккабоғ

Саттор Қорабоев

Ғаниқул Фармон ўглининг таассуфи

Ялтираган кўлмак
синиб тушади чил-чил,
Шамол
оғзи очиқ қопдай
аёвсиз хомуза тортади...

Гапиравер,
жавзо.

Сенинг оғзинг иссиқ,
лабларим тарсиллаб
ёрилар
симирсам ҳаволарингни!..

Ҳей,
ақллиликдан
боши ёрилган тандир,
гапириб қолсанг-чи,
бўрсилдоқ-бўрсилдоқ
гаплардан...
Шамолнинг сағринлари
жазира —

танглайм
қуриб ётар санглоқдай...
Ҳудхуд,
ҳай,
қисматимни
билган шўрлик қуш,
териб ташлагин
миямга
уя кўрган чумолилари...
Сув ташимоққа
чуқурдан-чуқур
қудуқ қазишар улар...

Зомин

Раънохон Мадраҳимова

Рўёга айланинг, кетақолинг сиз,
эй сиз — хиёнаткор кўнгул бандаси.
Ҳумо қуш демадим, бошимга кўнган,
йиғлаган кўзиммас — юрак жандаси.

Телбавор дунёнинг телбаруҳ қизи,
қўрқманг, ортингиздан тошлар отолмас.
Мен бахт эшигига бормаيمان қайтиб,
изтироб барларим тутиб қололмас.

Армон етаклаган йўллари узун,
тошлар бардошини тилар бузларим.
Сиз утар йўлларда майсалар сўлгин,
ёмғирларин сепмас энди кўзларим.

Ташна дил истаги — бир меҳр эди,
сиз уни ҳазонга сочиб кетдингиз.
Шуқурки, қолмади менга битта сўз,
алвидо сўзин ҳам олиб кетдингиз.

Косонсой

Илҳом Ҳафизов

Сукунат — эшитганларимнинг энг ёқимлиси.

Борис Пастернак.

Кўлда уйда ёлғиз қоламан,
сукунатга тутаман қулоқ.

Сокин ҳаёлларга толаман,
тарих бўлиб куз очар булоқ.

Елғизликнинг мавҳум залвори,
исканжага олар жисмимни.
Изтиробли руҳий дардларим,
согинтирмас дилга ҳеч кимни.

«Чоргоҳ»ини чалсайди еллар,
маст айласа майса жаранги.
Қадаҳ сунса шабнамдан гуллар,
руҳлар учса тегрангда мангу.

Оқдарё

Сувон Соқий

РУБОИЙЛАР

Гиштни синдиргандим, фарёд этди гишт,
Утганлар руҳини бунёд этди гишт.
Кетурмиз, қайтмасмиз, қолар хокимиз,
Оқибат нелигин имдод этди гишт.

Ҳижрон тоғидан бўлак, тоғ бўлмагай дунёда,
Комил одам имондан айрилмагай дунёда.
Ҳақ тасло, ошиққа васлинг муяссар этгил,
Вафо богидан бўлак, боғ бўлмагай дунёда.

Кундузни тун қилди, ул қаро сочлар,
Кечани кун қилди, ул қаро сочлар.
Юзингни очдингу олам ёришди,
Шоҳ эдим, қул қилди, ул қаро сочлар.

Яшасанг дунёни тулдириб яша,
Ғамларни мутлақо улдириб яша.
Рақиблар оҳ уриб, дўстлар кувонсин,
Дунёни ҳайратда қолдириб яша.

Қарши

Тўлан Қамчиев

Ошиқлигингни, санам, аста қулогимга айт,
Бог оралаб зилол сув тўлган булогимга айт.

Ғар орланиб келмаса, очгин ишқ дафтарингни,
Ҳижронда саболарга қилган суроғимга айт.

Хат юбордим дилимнинг розин битиб, узингдан
Ишқу одоб бобида олган сабоғимга айт.

Сара гуллардан ҳадя этай гўзал пойингга,
Покиза севгингни сен, келиб гулбоғимга айт.

Бўз

Саид Асрор Зоҳидий

Ҳажрида қонлар ютиб девона булдим, найлайн,
Хонумондин айрилиб бегона булдим, найлайн.

Бемуҳаббатлар кўйида қолди жоним зор ўлуб,
Моҳируйлар зулфига завлона булдим, найлайн.

Қанча ҳам зулму машаққатларни кўрдим йўлида,
Оқибат дийдоридан ҳижрона булдим, найлайн.

Булмасин ҳеч ким менингдек ёрнинг девонаси,
Васлига етмай они, сарсона булдим, найлайн.

Бул ниҳон розим кишига бўлмади бирдам аён,
Кўйди ишқида таним, парвона булдим, найлайн.

Зоҳидий кўнгул берибон бевафолар кўйида,
Бул жаҳон девониға афсона булдим, найлайн.

Касби.

Алишер Обидов

Юрагим — орзунинг тобути,
кўзларим — нафратнинг макони.
Нигоҳим — севгиннинг собути,
хаёлим — ҳижроннинг имкони.

Армоним — саробнинг каштари,
юлдузлар — меҳримнинг риштаси.
Шамоллар — айрилиқ наштари,
ва оймома — ишқ фариштаси.

Шофиркон

Хулкар Маликжон
қизи

Зоҳидоннинг хаёллари узун-узун,
Узун сочим хаёлига чирмашади.
Бугун қалбим баҳор бўлиб, баҳор бўлиб,
Қишлоғимнинг бағри билан бирлашади.

Усма юқи қўллар билан чоғиб хандон,
Ариқлардан ялғиз излаб тополмасмиз.
Сал бўлмаса сумалак ҳам пиширолмай,
Сал бўлмаса кук сомса ҳам ёполмасмиз.

Баҳор, сенга фидо жоним, фидо жоним,
Истиқлолни берганлигинг чин, рост бўлсин.
Баҳор янглиғ Зоҳидоннинг хаёллари —
Юракларга баҳор берсин, баҳор берсин.

Риштон

Адабий танқид

Ҳамидулла Болтабоев

ФИТРАТ ВА XX АСР БОШЛАРИ АДАБИЁТШУНОСЛИГИ

XX аср бошларида Урта Осиёда кечган миллий уйғониш ҳаракатлари мустамлака ҳолатидаги улка халқларининг ўзлигини англашида, ўз она тилида яратилган маънавий қадриятларини танишида жиддий қадам бўлди. Халқ маънавий дунёсининг бир нави ойнаси саналган бадий адабиёт ҳам айна шу йиллари миллий шаклланиш даврига қадам ташлади. Аммо адабиёт ҳали иқтисодий ва сиёсий ҳаётда юз берган барча ўзгаришларни қамраб олишга улгурмади. Шунинг учун ҳам бу давр адабиётшунослиги нафис адабиётнинг тадқиқотчиси сифатида эстетик таҳлил муаммолари билангина чекланмай, ўз зиммасига қатор маънавий юмушлар ортди. Адабиётшуносликнинг бевосита таркибий соҳалари саналган адабиёт тарихи, назарияси ҳамда адабий танқид ҳам ёлғиз ўз тараққиёт йўллари билан банд бўлмай, мамлакатда юз бераётган иқтисодий ва сиёсий бўҳронга бевосита аралашшга мажбур бўлди. Адабиётшунослик, кенгроқ маънода олиб қараганда, филология мумтоз адабиётда зоҳиран «илми адаб» деб юритилиб, «шарқда ўн икки қисмдан — лўғат, сарф, наҳв, маони, баён, аруз, қофия, саноеъ каби илмлар туркуми»дан иборатдир.¹ Адабиётшуносликни филологиянинг барча соҳаларини қамраб оларлик даражада бундай кенг тушуниш, ёлғиз бадий тафаккур тараққиёти билан эмас, шарқда адабиётшунослигимиз тараққий топган моддий-маънавий муҳит хусусиятлари билан ҳам боғлиқ.

XX аср бошлари адабиётшунослиги нисбатан мураккаб ҳаёт шароитида туғилгани учун унинг шаклланишига таъсир кўрсатган бир неча омилларни инобатга олиб иш юритишга тўғри келади. Улардан дастлабкиси, адабиёт илмининг ўз эстетик тамойилларидан келиб чиққан ҳолда, мумтоз адабиётдаги «илми адаб»нинг меросхўри сифатидаги тараққиёт шаклидир. Иккинчидан, аср бошларида Туркистон ва Бухорода вужудга келган иқтисодий ва сиёсий иқлимдан нафас олгани учун бу даврда туғилган қатор

¹Б. Валихужаев. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи (X-IX асрлар). Тошкент, 1993, 17-бет.

маънавий, маданий муаммолар унга ҳам бегона эмас. Жумладан, тил ва имло масалалари, мактаб ва маориф тизими, матбуот ва матбаа (нашр) ишлари, театру ва бошқа маданий муассасалар билан боғлиқ муаммолар бевосита адабиётшуносликнинг зиммасига тушган, ҳал этилиши зарур бўлган омиллар сифатида қаралади. Чунки муайян бир миллий адабиётнинг шаклланиши ва тараққий топиши унинг вужудга келишида илк омил саналган миллий тил, имло қоидалари ва ёзув билан чамбарчас боғлиқдир. Шу каби бадиий ва илмий адабиётнинг нашр шакллари, унинг ўз уқувчиларига етиб бориши халқнинг саводхонлиги даражаси билан, демак, табиийки, мактаб ва маориф тизими билан кесишади. XX аср бошларида мумтоз нафис адабиётдаги барча шакл ва жанрлар тараққий эта бориши билан бир қаторда адабиётда Оврүпа ва Яқин Шарқ мамлакатлари ҳамда турк маданияти таъсирида орттирилган драматургия адабий тур сифатида вужудга келди. Бу ҳол адабиётшуносликнинг ҳам эстетик вазифаларини кенгайтирди, энди шаклланиш даврига кирган адабий танқид олдиға театру ва бошқа маданий муассасалар билан ҳамкорликда иш юритиш каби янги талаблар қуя бошлади. Шунинг учун ҳам XX аср бошлари адабиётшунослигининг шаклланиш омиллари ҳақида фикр юритилар экан, улқада кечган тил мужодаласидан айри ҳолатда муайян мақсадға эришиб бўлмайди. Урусиялик немис мусташирқи В. Бартолд (1869-1930) маҳаллий аҳоли уртасида юз бераётган миллий фарқланишнинг омиллари хусусида сўз юритиб: «Урта Осиёнинг маҳаллий аҳолиси ўзини муслим ёки бирор шаҳар ва туманинг фуқароси деб билади. Миллий онг масаласи унинг учун кўп аҳамиятға молик эмас. Фақатгина кейинги пайтларда Оврүпа маданиятининг таъсири (Русия орқали) остида миллий бирликка эришиш учун урунишлар булди», деб ёзади¹ (1908 йил). Аввало олим маслаҳат берган «Русия таъсирини» ерли аҳолиға сингдириш билан миллий онг шаклланишиға ҳисса қўшиб булмайди. Аксинча бундай таъсириланиш туркистонликларнинг ягона миллат бўлиб шаклланишиға қарши қаратилган тадбир эканини урис маъмурулари яшириб ҳам утирмаганлар. XIX аср сунгида Фарғона ва бошқа вилоятларда юз берган миллий мустақиллик йўлидаги кутарилишларни (жумладан, 1898 йилги Мадалихон раҳбарлигидаги Андижон қўзғолони) зўравонларча бостириб, ўз подшоҳиға ёзган Ахборотномасида генерал-волий Духовский шундай маслаҳат беради: «Туркистон мусулмонлари этник жиҳатдан айтарли ухшаш ё бир-бириға яқин жамоани ташкил этгани туфайли уларнинг бир миллат бўлиб шаклланиши истиқбол жиҳатидан Русия ишғоли учун хавфли бўлиши мумкин»². Демак, миллий онг шаклланишида дастлабки омиллардан саналган миллий тил бирлиги XIX асрнинг II ярмидан бошланган зобитлик ҳаракатларидан тортиб бу ишғолнинг шуролар давридаги бошқа шаклларда давом этган «тадбирлари»ғача Туркистон халқларининг бир миллат бўлиб жипслашувига доимий суратда қаршилик вужудға келган. Шунинг учун ҳам бундай ҳаракат Чор маъмурулари томонидан ҳам, шўро ҳарбийлари томонидан ҳам доимий суратда таъқиб остиға олинган. Шунға қарамай, тараққий-парвар зиёлилар бу «тил сиёсати»нинг истиқболларини ҳам яқши

тушуниб, имкон қадар турли хил лаҳжа ва шеваларда акс этаётган турк тилини расмий идора тили сифатида қабул этилишини талаб ҳам қилганлар. Хусусан, Туркистон жадидаларининг йўлбошчиларидан муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий (1874-1919) 1908 йили рус маъмуруларига мурожаат этиб, Туркистон мусулмонлари назорати Кенгашиға мухтор маъмурият ҳуқуқини талаб қиларкан, масаланинг ана шу жиҳатиға эътибор қаратган: «Туркистоннинг мусулмон аҳолиси, асосан, туркийда сўзлашади. Жанубий туманларда эса, юз мингға яқин форсигўй аҳоли бор. Шунға қарамай улар ҳам турк тилини яқши биладилар. Туркистонлилар уртасида ташқи кўриниши, дини ва тилида фарқ йўқ. Ёлғиз, уларнинг истилоҳида шаҳар аҳолиси сартлар деб аталади, қишлоқ аҳолиси эса, кўчманчи, кирғиз ё қозоқ бўлиши мумкин. Дин-иймон, урф-одатлар, юриш-туришларига келсак, уларни деярли бир-биридан ажратмаймиз»³. Бу маълумотдан келиб чиқадиган ҳақли талаб улқада расмий идора тилини «сарт тили» деб эълон этилиши билан уни ҳал этилган деб қабул қилинди. Ҳеч бир миллий асоси булмаган сарт тилини расмий тил сифатида тарғиб этишда урис маъмури Н. Остроумов таҳририда чиққан «Туркистон вилоятининг газети» зур бериб ташаббус курсатган бўлса, унинг қаршисида турган «жадид матбуоти» номи билан тарихға киргизилган қатор тараққийпарвар мажалла ва рўзномалар халқнинг асосли талабларини ифода қилмоқда эди. Шунчи ҳам унутмаслик керакки, улқада адабиётшуносликнинг ёйилишида айни мана шу 1905 йилдан кейин фаолияти кенгайган «Тараққий», «Хуршид», «Шуҳрат», «Осиё», «Бухорои шариф», «Турон», «Самарқанд», «Ойна», «Алислох», «Садойи Туркистон», «Садойи Фарғона» ва бошқа вақтли матбуот хизматининг аҳамияти катта. Лекин бунға қарамай, Туркистон ва Бухоро ҳамда Хева хонликларида олиб борилаётган «адабий сиёсат» Қозонға машхўр шовинист мусташирқи Н. Илминский раҳбарлигида иш кўраётган Русия мусулмонларини тадқиқ этиш маркази томонидан изчил суратда жиловланмоқда эди. Унинг дастуриға кўра, тил, имло, ёзув, мактаб ва маориф масалаларида Туркистон ҳам бошқа мустамлақа ўлка мусулмонлари каби бу сиёсатни аста-секин қабул қилишни режалаштирган. Н. Илминский таълимотиға кўра: «Секин-аста халқдаги ишончу эътиқодларға аралашиш керак. Шундай ҳулосаларни уларнинг узидан ахтариб тормоқ керакки, улар оҳишта-оҳишта христианчасиға, русчасиға фикр қилишға ургансинлар. Ана ўшандагина улар рус халқи билан нафақат тилда, балки тафаккур ва эътиқодда ҳам бирлашиб кетадилар»². Бундай сиёсатнинг «келажани» ўз вақтида пайқаган турк зиёлилари, хусусан, Богчасаройда (Кримда) фаолият курсатган Исмоилбек Гаспирали (1851-1911) узининг «Таржумон» гезетаси орқали «Тил бирлиги учун курашингиз!» шиорини ўртаға қўйган эди,³ бундан илҳомланган айрим зиёлилар ўз вақтида Алишер Навоий томонидан бошланган турк тилининг истиқлоли учун кураш қайта алангаланавтганидан қувониб, «Турк тилининг биринчи ислоҳчиси Алишер Навоий булса, иккинчиси, ҳеч шубҳасиз, Исмоилбейдир», деб баралла ёзганлар.

Миллий адабиётнинг холис таҳлилчиси саналган ада-

¹ В. В. Бартолд. Сарты (Сочинения, т. 2, М., 1964, с. 528-529).

² Всеподданнейший доклад Туркестанского генерал-губернатора от Инфентъерии Духовского «Ислам в Туркестане». Ташкент, 1899, с. 12-13.

¹ Маҳмудхўжа Беҳбудий. Туркистон идораси. «Шуро», 1908, 23-сон, 720-бет.

² Н. Т. Илминский. Статьи. Санкт-Петербург, 1869, с. 26.

³ «Таржумон», 1883, 12 декабрь, 19-сон.

биётшунослик тил бирлиги учун давом этган курашдан ажралган ҳолда фаолият кўрсата олмас эди. Шунинг учун бу соҳа ўзининг дастлабки ҳаракатини миллий мактаблар учун «адабиёт дарслари» ёзишдан бошлаб, то 20-30 йилларда яратилган изчил илмий тадқиқот ва танқидий мақолаларига қадар бу жабҳада анча тажриба орттирди. Бухородай кўпроқ форсийзабон бўлган муҳитда «йўргакланган» Абдурауф Фитрат (1886-1938) мураккаб изланишлар йўлини босиб ўтиб, кейинроқ турк тилли адабиётшуносликнинг яратувчиларидан бири бўлиб етишди. Унинг адабиёт, санъат ва илоҳий соҳасига қўйган ҳар бир қадами мамлакатда юз бераётган маънавий ўзгаришлар билан ҳамқадам равишда кечди. Адибнинг илк асарларида «ватан» ва «миллат» тушунчалари қайта-қайта таҳлилдан ўтказилди. У «Бухоронинг нажиб миллати бўлган ватандошларига» мурожаат этиб, айтадики, агар биз мусулмонлар уртасида шиа ва сунний, қадим ва жадид каби ички мухолифатларга урин берилса, бундан «фақатгина исломнинг, Бухоро миллатининг душманлари фойда куради». Шунинг учун ҳам «кимки узини дини исломнинг, пайгамбари охирзамон Муҳаммаднинг уммати билса, бу бемаъни ихтилофларни орадан кутариб, замони маориф ва замони маданият саналган ҳозирги давримиз билан ҳамқадам бўлиши лозим»лигини тайинлаган.¹ Фитратнинг илк асарига муносабатдан келиб чиқиб, унинг ижодидаги исломчилик, туркчилик, ислохотчилик каби йўналишлар орқали адибнинг кенг кўламдаги маърифий-илмий фаолиятини ҳам шундай талқин қилишга интилиш кузатилади. Ҳатто унинг номи айрим тадқиқотларда XIX-XX асрларда мусулмон дунёсида эътибор топган Шаҳобиддин Маржоний (1818-1889), Жамолиддин Афғоний (1838-1897), Муҳаммад Абдуҳ (1849-1905) каби қозонлик ва мисрлик ислохотчилар қаторида тилга олиниб, бу фаолияти учун 20-30-йилларда кескин танқид ҳам этилган.

Бизни Фитратнинг илк асарларидаёқ кун тартибига қўйилган миллий онг ва миллий истиқлол туйғуларининг акс этиши масаласи қизиқтиради. Аввало, бу ҳақда махсус тадқиқот яратган япон олими Хисао Куматсунинг айрим қарашларига аниқлик киритиш зарур. Япон фитратшуносининг қайд этишича, «Фитратга кўра, «ватан» — Бухоро, «миллат» эса, Бухоро мусулмонларининг ҳаммасидир».

Бизнингча, бу қараш «Мунозара»нинг муаллифига мос туюлса ҳам, асарда «миллат» ва «ватан» тушунчалари у қадар тор маъно касб этмаган. Маълумки, Фитрат асарининг тула номи «Ҳиндистонда бухоролик бир мударриснинг бир фаранги билан жадид мактаблари хусусида қилган МУНОЗАРАСИ» бўлиб, бу номланишнинг ўзиёқ бу даврда мактаб ва маориф тизимида тараққийпарвар деб топилган «усули жадида» ҳақидаги бахслар асарнинг бош мавзуи эканини таъкидлаган. Шундай экан, бу каби мактаблар биргина Бухорода (И. Гаспиралининг Бухоро ва Самарқандга 1893 йилги ташрифидан сунг) 1900 йилдан бошлаб дастлаб Мулла Жўрабой томонидан очилган бўлиб, «1910-1915 йиллар орасида Бухоро амирлигида 57, Туркистонда эса 80 га яқин бундай мактаблар очилган. 1918 йилнинг охирларига келиб, Туркистонда

328 та усули жадид мактаблари иш юритмоқда эди»¹. Иккинчидан, Фитрат 1905 йиллардан бошлаб, Истанбулда чиқадиغان «Сиротул мустақийм» («Тўғри йўл» — ва «Таърифи муслимин» («Муслимлар таърифи») каби мажаллалар билан мунтазам суратда танишиб турганки,² бу ҳолатнинг ўзиёқ Фитрат учун «миллат» тушунчаси ёлғиз «бухороликлар»дан иборат эмаслигини кўрсатади. Худди ана шу «Мунозара»нинг ўзидаёқ «Абдурашид Иброҳимбек (Иброҳим Нугай), Нивзийбек ва Анварбек» каби тараққийпарвар зиёлилар тилга олинганки, бу каби асослар Фитрат назарида «миллат» биргина «форсийгўй аҳли Бухоро» эмаслигини яхши англашимиз мумкин. Бизнингча, бу каби хулосага келишда Х. Куматсу В. Бартолднинг юқорида келтирилган иқтибосига кўпроқ суянган кўринади. Аслида эса, Фитрат назарида «миллат» тушунчаси жуғрофий ҳудуд билан эмас, балки дунёнинг ҳар томонига тарқалган туркий тилда сўзлашувчилар билан боғлиқ ҳолда тушуниши лозимлигини унинг 1916 йилдан сўнг яратилган асарларида аниқ кўрамаиз. Шунинг учун бу каби ҳолатларни Фитрат дунёқарашидagi юқоридагича — исломчилик, туркчилик, ислохотчилик каби оқимлар орқали эмас, балки Фитрат илмий ва маърифий фаолиятининг «демократик йўналишга» қўрилганидан келиб чиқиб изоҳлаш мақсадга яқин келади³. Фитрат илк асарларини форс тилида битишининг сабаби унинг форсийзабон бўлганлигидангина эмас, балки амирликнинг ҳар бир қоронғу ва маҳдуд бурчакларигача ўз фикрларининг етиб боришини кўзда тутганлигидандир. Чунки, уша давр матбуотида қайд этилишича, «Бухорода расмий тил форс тилидир, адлия ва бошқарув ишларига алоқадор барча ҳужжатлар шу тилда ёзилган. Гарчи асосий сўзлашув тили турк тили бўлса ҳам, шаҳар аҳолиси шу тилда (форс) сўзлашади. Бухоро амирлари келиб чиқишига кўра, ўзбек бўлса-да, ўзбек аҳолиси тожиклардан сон жиҳатдан икки баравар кўп бўлса ҳам, форс тили расмий тил сифатида қабул қилинган. Форс тилидаги сўзлашув шарқий туркларнинг форс ёзувига бўлган тақдидан келиб чиққан»⁴.

Адибнинг илк асарлари форсий тилда яратилган, аммо унинг адабиётшунослик илмига доир деярли ҳамма асарлари, ҳатто форс мумтоз адабиёти тарихи ва унинг Фирдавсий, Умар Хайём, Бедил синглари вакиллари ижодида бағишланган асарлари ҳам ўзбек тилида яратилгандир. Шунга қарамай, XX аср бошларида Бухоро ва Туркистонда адабиётшунослик, хусусан, бу соҳанинг фаол жанрларидан бири тазкирачилик кўпроқ форс тилида ривож топган. Фитрат ва унинг замондошларининг адабиётшуносликка доир асарларини таҳлилдан ўтказишда шу ҳолатни унутмаслик лозимдир.

XX аср бошларида матбаа усуллари замонавийлашиб, тазкирачилик тараққиёти тезлашди. Янги асарлар қаторида эски тазкиралар ҳам нашр этилиб (масалан, Фазлийнинг «Мажмуаи шоирон»⁵) услуби ва мавзу йўналиши турли-туманлашди. Адабиётшунос Б. Валихўжаев уша даврда яратилган асарлар деб

¹ Бендикров К. Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане М., 1960, с. 260-262.

² С. Айний. Таърихи инқилоби Бухоро. Душанбе. «Адиб», 1987, 83 саҳ.

³ Каримов Э. Развитие реализма в узбекской литературе. Ташкент, 1975, с. 91-126.

⁴ А. Саидов. Бухоро. («Шуро», 1909, 5-сон, 147-бет.

⁵ Мажмуаи шоирон. Тошкент, Илмий босмахонаси, 1902.

¹ «Мунозара»нинг Ҳожи Муъин таржимасидаги нашрида (Тошкент, 1912) бу сўзлар ёзилган «Муқаддима» ва «Хотима» қисмлари туширилиб қолдирилгани сабабли асарнинг форс тилидаги илк нашрига қаранг.

қуйидагиларни санайди: «XIX асрнинг охири XX аср бошларига тартиб берилган «Тазкираи Фаҳмий», Абдулазим Шаръийнинг «Тазкират уш-шуаро», Мирсиддиқ Ҳашматнинг «Ташкират уш-шуаро», Афзал Пирмастийнинг «Афзол ут-тазкор фи зикр уш-шуаро в-ал-ашъор», Абдуллахожа Абдийнинг «Тазкират уш-шуарои мутааххирини Бухоро», Муҳаммад Шариф Садр Зиёнинг «Тазкор ул-ашъор», Ҳожи Незматуллоҳ Муҳтарамнинг «Тазкират уш-шуаро», Аҳмадҷон Табибийнинг «Мажмуаи шуарои Фирузшоҳий», «Муҳаммасоти мажмуат уш-шуарои Фирузшоҳий» кабилар ана шундай тазкиралардандир»¹.

Бу тазкиралар шу қадар хилма-хилки, уларни жуғрофий ҳудуд (масалан, Қўқон адабий муҳити ёки Бухоро ҳудуди); давр нуқтаи назаридан (асар муаллифига қадар ўтган шоирлар ёки унинг замондошлари каби) тасниф этиб ўрганса ҳам бўлади. Бироқ, кузатишимизча, XX аср бошларида вужудга келган туркийзабон тазкираларда (қисман, форс тазкираларида ҳам) шеърятдаги жанрий хусусиятларга кўра таркибланиш ҳам анча изчил суратда давом этган. Хоразмлик Аҳмад Табибий (1868-1910) «Мажмуаи си шоирон Фирузшоҳий» (1907-1908) асарида Хоразм муҳитидаги ғазалнавис шоирларни таркиблаган бўлса, шу муаллиф «Муҳаммасоти мажмуат уш-шуарои Фирузшоҳий» (1909) тазкирасида муҳаммас жанри буйича тартиблаганини кураимиз. Бухоро муҳити тазкирачиларида, хусусан, Муҳаммад Шариф Садр Зиёнинг «Тазкират ул-хумақо» асарида ҳажвий йўналишдаги асарлар ва уларнинг муаллифларини танитишга интилиш бор. Келтирилган мисоллар шуни курсатадики, XX аср бошлари адабиётшунослигини биргина тазкира мисолида кузатганда, бу давр адабиётшунослигини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш заруриятини яна бир бор эса солади. Бундан ташқари, бу давр тазкираларида, мумтоз адабиётда курганимиздек, муайян бир шоирнинг ижоди бир ёки бир неча байтдан иборатгина шеърини намуналар асосида эмас, балки уш шоирнинг бир неча шеърларини намуна қилиб келтириш хусусияти кучайган. Натижада келгусида (20-йилларда) вужудга келаётган мажмуалар, шеърини тупламлар айна тазкирачиликдан ушиб, ривож топганлигини ва бизнинг тадқиқотимиз мавзую Абдурауф Фитратнинг «Ўзбек адабиёти намуналари», «Энг эски туркий адабиёт намуналари» каби мажмуалари мисолида кўришимиз мумкин. Айни ҳолат Бухоро муҳитида форс-тожик адаблари ижодидан таркибланган С. Айнийнинг «Намунаи адабиёти тоҷик» мажмуаси орқали бу таҷриба форс-тожик адабиётшунослигининг шаклланишида ҳам қўл келгандир.

Мумтоз адабиётшуносликнинг бу мураккаб жанри XX аср бошларига қадар тараққий этиб, секин-аста ўз ўрнини бу давр матбуотида, тўғрироғи, жадид матбуотида акс этган илмий ва танқидий мақолаларга бўшатиб берганининг ҳам гувоҳи бўламиз. XIX аср охири XX аср бошларида форс ва турк тилида яратилган йигирмага яқин тазкирани кузатсак, мумтоз адабиётшуносликдаги «аруз, қофия, саноеъ» каби йўналишларда ривож топган рисолашунослик биргина бухоролик Шамсиддин Шохиннинг «Бадоеъ ус-саноеъ» асари билан қуринган бўлса² ҳам, узининг илк шаклланиш

босқичида матбуотда эълон қилинган «танитув» мақолаларидан³ тортиб, Фитрат томонидан 20-йилларда яратилган илмий-назарий йўналишдаги йирик тадқиқотларга қадар ўсгани кузатилади. Бу жараён 30-йилларнинг охиригача давом эта бориб, ўзбек адабиётшунослиги қатъий эстетик талаблар андозасига тушган «Адабиёт назарияси»га қадар такомил этгани, бу тараққийёт даврининг ўзига хос босқич-бекатлари мавжуд бўлгани аниқланади.

Мумтоз адабиётдан мерос олинган тазкира ва рисола жанрлари маълум маънода тараққий этган бўлса ҳам, улар олий мактаб вазифасини бажарувчи мадрасаларда ўқитиладиган асосий фанлар дастурига кирмаган эди. Бунинг боиси 1587 йили Бухоро хони Абдуллоҳон томонидан янги барпо этилган улўғ бир мадрасага мутаассиб Мирзажон Шерозийнинг шайх ул-уламо этиб тайинланиши билан мадрасалардаги дунёвий ўқув тизими ёлғиз илоҳийёт фанлари билангина алмаштирилишидир. Нафақат Бухоро, балки бутун Туркистон мадрасаларида ҳам аҳвол шундай бўлди. Бу тадбир туфайли талаба мадрасада ун-ун икки йил фақат илоҳийёт илми билан машғул бўлиб, дунёвий илмлар таълимидан фироқ қолиб кетганлар.⁴ Айрим манбаларда, XIX аср бошларида Бухоро мадрасаларида «илми аруз, илми қофия», «илми таворих», «илми ҳикмийа», «илми ҳисоб», «илми мунозара» каби илмлар мадраса дастурида мавжудлиги таъкидланса-да,⁵ хонлиқнинг барча мадрасаларида ҳам бундай эмас эди. Қолаверса, XX аср бошларида Бухоронинг Олий мадрасаларидан бири «Мир-Араб» мадрасасида таҳсил олган Абдурауф Фитратнинг «Мунозара», «Ҳинд сайёҳи қиссаси»⁶ асарларида курсатилишича, нафақат дунёвий илмлар таҳсилида, балки илми илоҳийёт ўқитилишида ҳам бу ўқув юртлари шунчалик таассуб ботқоғига ботиб кетганини аниқ тасаввур этиш мумкин. Бу каби маориф тизимининг муаммолари ўз вақтида Аҳмад Дониш (1826-1897) каби файласуф ва уламолар томонидан танқид қилинган бўлса ҳам, то жадидчилик олиб келган маориф тизимидаги ўзгаришларга қадар турғун бўлганлар.

XX аср бошларида мактаб ва маорифчилик соҳасида, айниқса, мактаблар учун дарслик китоблар ва ўқув қўлланмалари яратишда бир қадар силжиш юз берди. Натижада Туркистон жадидчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Мунаввар Қорининг (1878-1931) «Адиби аввал», «Адиби соний» (1901) номли китоблари, Саидрасул Азизийнинг «Устоди аввал» (1902) номли бошланғич китобидан тортиб, бевосита адабиётдан яратилган «Ўқиш китоби», «Қироат китоби» (Ҳамза), «Терма китоб» (Саидахмад Сиддиқий-Ажзий) каби ибтидоий мажмуаларга яратилган. Унинг илмлар бусағасида мактабчилик ҳаракатларининг кенг қулоч отиши билан таркиби жиҳатидан бир оз мураккаброқ бўлган, айрим соҳага мўлжалланган дарслик китоблари вужудга келди. «Ўзбек адабиёти тарихи» муаллифлари қуйидаги дарслик ва мажмуаларни бунга мисол қилиб келтиради: «Абдулла Авлонийнинг «Биринчи муаллим» (1909), «Иккинчи муаллим» (1912), «Туркий гулистон ёки Ахлоқ» (1913), С. Айнийнинг «Таҳсиб ус-сибён» (1909), Бехбудийнинг «Мунтаҳоби жуғрофийаи умумий», «Мадхали

¹ Б. Валихужаев. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи, 176-бет.

² Бу ҳақда қаранг: Р. Ҳодизода, У. Қаримов, С. Саъдиев. Адабиёти тоҷик: Асрхон XVI-XIX ва ибтидои асри XX. Душанбе, «Маориф», 1988, саҳ. 372-407.

³ Чўлпон. Адабиёт надур? «Садойи Туркистон», 1914, 15-сон; Маҳмудхўжа Бехбудий. Театру надур? «Ойна», 1941, 29-сон.

⁴ С. Айний. Таърихи инқилоби Бухоро, 10-11 саҳ.

⁵ Н. Хаников. Описание Бухарского ханства. Ст. Петербург, 1843, с. 221.

⁶ Қайта нашри: «Шарқ юлдузи», 1991, 8-сон.

жугрофийаи имроний», Фитратнинг «Уқув. Ибтидоий мактабларнинг сунг синф уқувчилари учун» (1919). Тахминан беш-олти йил оралиғида бундай дарслик ва қўлланмаларнинг яратилишида шу вақтга қадар Урусиянинг таъсири ҳақида фикр юритилган. Бироқ 10-йиллар бошида жадид мактаблари, матбуоти ва театру ишларини изчил кузатган франсуз олими бунинг аксини ёзади: «Бухоро жадидлари таълимнинг 10-йиллардан кейинги айрим муваффақиятлари Урусиянинг ёрдами туфайли бўлгани ҳақида жуда кўп ёзилган. Маълум бўлишича, жадидлар урус ёрдамини кутиб турмаёқ, урис маъмурига ишончсизлик билан қарагани учун ҳам ўзлари жиддий суратда бу ишга киришганлар... Афтидан, жадидларнинг 1911-1913 йиллардаги маърифат соҳасидаги ҳаракатларининг муваффақиятини ёлғиз уларнинг узигагина боғлаш мумкин, чунки уларнинг урунишлари ўша давр муҳити учун зарур экани аниқ сезилиб турарди».¹ Бундай янги тизимдаги мактаблар гарчи махфий ривожланиш йўлига кирган бўлсалар ҳам, ҳозирга келиб Бухоро ҳудудида Мукаммалиддин Махдум, Ато Хожа, Усмон Хожа, Мулла Вафо томонидан; Каркида Қори Йулдош (Пулатов), Шахрисабзда Исломул Тўқсоба; Қорақўлда Гулом Қодирий ва Қори Икром; Гиждувонда Мухаммад Аъзам томонидан ташкил этилгани маълум бўлди. И. Умняковнинг хабарига қўра,² ҳар бири 100-200 тадан уқувчига эга эканлиги маълум. Бу мактабчилик фаолияти адабиёт фанидан янги ҳақиқатларни кўриб чиқишга кучли эдики, юқорида келтирилган асарларнинг кўпи ана шу мақсадда яратилган. Олий мактаб вазифасини бажарувчи мадрасалар ислоҳоти бир оз оқсаган эса-да, уларда ҳам «илми адаб» ўз ичига олган фан соҳалари буйича китобларга эҳтиёж сезилади, Фитратнинг адабиётшунослик соҳасидаги ишларининг дунёга келишида маълум маънода ана шу ҳаётий эҳтиёжнинг таъсири бўлган.

Адабиётшунослик фанининг энг муҳим таркибий қисмларидан саналган миллий адабиёт тарихини яратишдек улкан вазифа турар эдики, бу соҳада ҳам дастлабки «тарих»лар яратиш Фитрат каби мумтоз адабиётимизнинг нуқтадон мутахассисининг зиммасига тушди. Адабиётшуносликнинг ҳар соҳасида дастуриламал бўлиб келган мумтоз адабиёт тажрибаси ана шу соҳада анча ночор эдики, унга бу йўналишда тўла «суянчиқ» бўла олмаган. Айрим бадий асарлар таркибидаги фахриялар, тарихий асарларнинг айрим қисмлари («Бобурнома», «Абдуллоҳнома» каби) таркибидаги фикрлар, йирик бадий асарларнинг «дебоча»лари (масалан, «Хамса» каби), айрим улғу шоирлар ҳақидаги маноккиб-ҳолотлар (Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» асари сингари) мумтоз адабиётда мавжуд бўлса ҳам, бевосита миллий адабиёт тарихий тараққиёт қонунларини ўрганувчи изчил тизимга асосланган адабиёт тарихи, тан олиш керак, ҳали яратилмаган эди. Шунинг учун ҳам бу жараён ўзбек адабиётшунослигида қардош туркий халқлар, жумладан, турк (усмонли), татар ва озар адабиётидаги каби жадаллик билан ривожланмаган. «Адабиёт тарихи»ни Фитрат ва ундан кейин яратишга уринган олимлар А. Саъдий, О. Шарафиддинов ва бошқалар бу соҳада турк адабиётшунослигининг таъсирини ҳис этган бўлиши мумкин. Чунки бу даврда турк олими

Фуад Кўпрулуниг икки жилдли «Турк адабиёти тарихи» (илк нашри, 1926), «Турк адабиётида илк мустасаввиқлар» (1-нашри 1918) каби тадқиқотлари, Исмоил Ҳикматнинг «очерклар» типида яратилган «Турк адабиёти тарихи» (Боку, 1925) қўлланмасининг XIX аср усмонли адабиётига доир 1 жилди,¹ кейинроқ эса дарслик-қўлланма талабларига жавоб берувчи Агаҳ Сири Левандинг уч жилдли «Адабиёт тарихи дарслари» (I жилд: Танзиматга қадар турк адабиёти; II жилд: Танзимат адабиёти; III жилд: «Сарвати Фунун» адабиёти») 1932-1937 йиллар давомида нашр қилинган. Бу йўналишда татар адабиётшунослари яратган «тарих»лар ҳам ўзбек олимларининг диққатидан четда қолмаганки, Фитрат бундай «Тотор адабиёти тарихи»² ни узининг айрим тадқиқотларида тилга олган. Бироқ, шунинг унутмаслик керак, булар давр нуқтаи назаридан Фитрат асарлари билан деярли бир муддатда (1917-1937) яратилганки, уларни «адабий таъсирланиш» муносабатидан келиб чиқиб эмас, балки ўз миллий адабиётлари тарихини қай даражада тўла қамраб олиши ва чуқур ёритиши жиҳатидан қиёсан ўрганилса, кўпроқ қўтилган илмий натижага эришиш мумкин бўлади.

Айтиш мумкинки, ўзбек адабиётшунослиги қисқа давр мобайнида XX аср бошлари ҳаётидан олган сабоғи ва ўз адабиётининг минг йиллик тажрибасидан зарур хулоса чиқариб, бу даврда изчил илмий режа буйича шаклланиш даврига кирди. Халқимиз тарих давомида яратилган маънавий меросини қайта кўриб чиқиб, унга янги ҳақиқат илмий муносабатни шакллантирди, ўтмиш адабиётини ўрганишнинг муайян тамойилларини ишлаб чиқди, унинг босиб ўтган тараққиёти йўлидаги муҳим бекатларни аниқлаб, янги яратилган бадий асарларни таҳлил этиш учун эстетик қонуниятларни жорий қилди. Бу ҳолат миллиятнинг ўзлигини танишга интилиши, миллий онг шаклланиши ва миллий истиқлол туйғуларининг таркиб топиши каби мураккаб жараёнда кечди, шунинг учун гоҳо у ўз узиндан четга чиқиб бўлса-да давр тақозоси билан кун тартибига қўйилган тил ва имло, матбуот ва матбаа, мактаб ва маориф, театру ва маданий муассасалар каби зехний юмушлараро фаолият курсатди. Қолаверса, бу шаклланиш даврида мавжуд амирликнинг феудал тизими, урис ишғоли, совет режими каби иқтисодий ва сиёсий омиллар билан тўқнаш келиб, баъзан у гоёбозликка, мурасасозликка ва бошқа кўринишдаги сўлликларга ҳам ўрин берди. Адабиётшунослигимиз босиб ўтган бу мураккаб ва машаққатли шаклланиш йўли «ленинча миллий сиёсат», истибод ва қатоғон йилларининг сиқуви туфайли ҳолис илмий ўзанда чуқур ўрганилиб, илмий баҳосини олганча йўқ. Деярли етмиш йил давомида исқанжага олинган бу мавзу бугунги миллий истиқлол боисидан қайта муносабат талаб қилади ва бу борада чуқур илмий тадқиқотлар ва кузатишлар қилиш ҳозирги ўзбек адабиётшунос олимларининг зиммасидаги «зехний юмуш»лардандир.

¹ Элен Каррер д'Энкаус. Ислон ва рус империяси. Урта Осиёда ислоҳот ва инқилоб. «Ўзбек тили ва адабиёти», 1994, 1-сон.

² И. И. Умняков. К истории новометодной школы в Бухаре. Бюллетень САГУ, т. 16, 1927, с. 88.

¹ Бу ҳақда қаранг: В. Махмуд. Турк адабиёти тарихи. «Маориф ва ўқитғучи 1825, 9-10-сон, 110-116 бетлар.

² А. Раҳим., А. Азиз. Тотор адабиёти тарихи (Феудализм даври), II босма, Қозон, 1923.

КАРМАНАДАН КЎРМАНА

Навойлик бир қанча шоир ва шоираларнинг шеърларини ўқиб, яна бир карра шеър бу доимо ҳақнинг овози эканлигини ўйладим. Шеърлар хоҳ қувноқ ва хоҳ ҳасратли бўлсин, барибир, уларда уриб турган тирик юракларнинг ҳақиқатлари акс этади.

Қачон Навоий вилоятига йулим тушса, қадим Карманага борсам, Зарафшон бўйларида кезсам, Малик чулнинг бирмунча хувиллаган, ҳозир эса, чор тарафларига бетон ариқлар ётқизилган, шинам қишлоқчалар қад ростлаган, электр чироқлари туширилган, газлашган, томлари буз шифер билан бир тусда ёпилган манзилларида, кўҳна рабобларда ҳаёлим қочиб утирсам, Қизилтепа, Бустон, Тошрабоб, Гардиён, Андоқ, Зарметан, Тудакулнинг туси оқаринқираган заминда юрсам, очиги, мени англаш қийин бўлган ва ифодалаш ундан ҳам мушкул маъзулик чулғаб олади. Балки чул, сахро, поёнсиз, тепасиз текисликлар, бир тусдаги гиёҳлар, бир тусдаги ранглар ва тунлар осмоннинг жуда яқинлиги, кундузлар эса кўёшнинг уткир саховати, юзлаб чақирим нарилардаги Нурота тоғларининг сароб янглиг ҳаёлий жимирлаб туришлари, синчков бўлмаган кишига бу ерлар табиатининг жуда жун ва гариб куриниши, одамларнинг эса шу сирли соддапармо табиатга ута мослашганликлари шундай маъюслик уйғотади.

Ростдан ҳам, мен ҳеч қаерда одамлар табиатга бу ердагичалик уйғун бўлиб қолганликларини кузатмаганман. Рост, балки Хоразмда ҳам табиатга, туғилган ерга чамбарчас уйғунлик кучлидир.

Уйчанлик, маъзулик — донишмандликнинг бошланиши. Шуларни уйлайману мактабни энди битираётган Дилором Элмуродова ва Маърифат Мингбоеваларнинг шеърларидаги ҳасратли оҳангларни тушуниб етгандай буламан. Айни уйнаб-куладиган ёшда шеър нега шунчалар ҳазин бўлиб қолдидикин, деб нима нарсаларни уйламайман?! Лекин, ҳасратли шеър ёзма деб юракка буюриб буладими? Юракнинг узи шундай дардли ҳаволардан нафас олиб турган бўлса, яна нима деб булади? Ё кучли дард, ё кучли шодлик ва ё кучли ўй шеърга айланади.

Бу ерларда содда, оқ кўнгил, яхши яшаш йулида сира меҳнатдан қочмайдиган, очиқ юзли одамлар яшайдилар. Уларнинг ҳар бири сизга уз ҳаётдан ажиб бир тарихлар сўйлаб бераолади. Навоийлик шоирларнинг шеърлари сизга шундай одамларни яқинлаштиради, кўз унгингизда тирик кўнгулларнинг сайқаллари товланиб кетгандай булади.

Кармана ва Навоий шоирларининг устози бўлиб қолган Одил Ҳотамовнинг безовта ҳассослик уфуриб турган шеърларида, Бахтиёр Ярашев, Дилдора Худойназарова, Достон Мавлоновнинг ҳаяжонли кечинмалар пуртаналаб турган лирик парчаларида, осон бўлмаган ҳаётни яхши ҳаётга айлантириш учун зур бериб ури-

наётган, йул излаётган инсонга донишманд нигоҳ билан қараш ва донишманд қалб билан англашга эзгу ивтилишларни кўрдим.

Уларда топиб айтилган, ярақлаган шеърий сатрлар оз эмас.

Ҳақиқий шеър ҳақиқатда ноёб ҳодиса. Уни йўқдан бор қилган қалбнинг узи ҳам ноёб. Улар билан танишмоқ, юрт ҳеч қачон дуру дурдонаси қолмас, деган тасаллини беради.

Иброҳим ҒАҒУРОВ

КЎНГЛУМ КЎЧАСИДА ЧАЛИНГАН ХАЁЛ...

Одил Ҳотамов

*Ялпизларнинг ҳиди қисқартиради,
Олис болаликнинг узун йўлини.
Сўқмоқ изларини ўзгартиради,
Мажнунтоллар ҳузиб холис кўлини.*

*Ғадо бир эшикдан ўтгунча, дерлар,
Неча эшиклардан ўтдинг, юрак, айт?!
Пешонангга тепчир сабуҳий терлар,
Тишингда тишланган қони силққан байт...*

*Ажинлар — қариллик имлоси эмас,
Жон берган ҳақиқат оҳин излари.
Совчи ташрифидан уйғонган нафас —
Хотира — кечмишининг қари қизлари.*

*Совчиликка кетар жонсарак кўзим,
Ҳаяжон — юракнинг қуёв жўраси.
Ўзимга, сузимга тилайман тузим,
Бўғзимда ниш урар ишқнинг сураси.*

*Ялпизга узини танитади дил,
Осмонни таниган кўзларим бўйлар.
Булбулга танилган юрагим чил-чил,
Охири иккиси бир тилда куйлар...*

*Қизганмай, ишониб топширдим сенга,
Имконимнинг яшил сарҳадларини.
Кўнларимнинг қузи ўхшар исминга,
Юлдузлар аямас зар хатларини.*

*Қизгалдоқ — ишончининг содиқ фарзанди,
Чучумома — бекаси еру фалакнинг.
Урик — жон талашган эпкинлар банди,
Камалак — бўёғи олий малакнинг.*

Мудом навқирон ишқ чилторларини
Кимлар чалмагану кимлар узмаган.
Ошиқлар ошуфта дилдорларини
Минг йиллаб севса ҳам асло безмаган.

Мангу оҳанрабо қуввати бисёр,
Азал тортиш сири боқиб, сирлидир.
Қутблару тўрт ён экан беқарор,
Уларнинг шарҳи ҳам ҳамон турлидир.

Қодирлик қайсарлик ҳукмин олмас тан,
Бариси илдизнинг измига боғлиқ.
Шакли номаълум барг нафас олмасдан,
Унга қисмат тайин танглар ўроғлиқ.

Само тилсимотин муъжизаларин
Ҳайрати қалбингга отилган камон.
Вужуд — кийим, уқдан тўзғиган сайин,
Фақат ишқ, муҳаббат топгайдир омон.

Қизганмай, ишониб топширдим, сенга,
Имкониининг яшил сарҳадларини.
Кунларимнинг кўзи уҳшар исмингга,
Елдузлар аямас зар хатларини.

Қисмат майи тўла жомлар бизга зор,
Бизга зор тақдирнинг қаҳратонлари.
Ҳиёнат кўнгулга кўзгу, кўзга дор,
Ҳижроннинг жавзою саратонлари.

Тақдирга измини топширар сўзсиз,
Дунелар, дарелар, дардлар дараси.
Шамол ҳаволарни тилгандай изсиз,
Тилинмиш умримнинг оқу қораси.

То шу дам асраган соҳир сабримни,
Узга кўнгуллардан ахтариб бўлмас.
Мен фақирни — қуёш тўлган қалбимни
Сенга бағишлашдан қайтариб бўлмас.

* * *

Бошинг узра ёғду чамбари,
Кўзлар қамашади дафъатан.
Муъжизалар бошлар кўпқари,
Вужуд — сирлар сандиғи — Ватан!

Қодир қудрат устувор экан,
Руй беради тагин таносух.
Елар рангсиз, шамолсиз елкан —
Ҳайрат отлиқ тантанавор руҳ!

* * *

Барглар шивирини англаган киши,
Руҳининг осмони фазо қадар кенг.

Кўзларида уйгоқ чақмоқлар ишқи —
Юлдузлар нурининг шиддатига тенг.

...Балки у ошиқдир, балки у дарвеш,
Балки у шоирдир икки қисмат бир.
Вужуд чорбоғида топиб оройиш,
Юрак меҳробида ўқийди такбир.

Ким бўлса ҳам унинг қуёши юксак,
Ким бўлса ҳам само суюб сийлагай.
Заминда дарахтдан кейинги чўпчак —
Таржимон тўрғайлар тўйиб қуйлагай...

Дилдора Худойназарова

* * *

Қалбимнинг эшиги очилган,
Изҳорлар шамолдек тебранар.
Нигоҳим пойингга сочилган,
Соғинчлар — иболи, ийманар,

Юракнинг ғамлари букилган,
Энг кекса дарахтдек мункайиб.
Ўткинчи тўйгулар тўкилган,
Иффорларга юзларин чайиб.

Кунглумнинг қирғоғи ёпилган,
Бу унинг орзуси, оқлиги.
Юракнинг зорлари топилган,
Улғаяр қалбимнинг тоқлиги.

* * *

Боғлар шамоллардан кўрқиб яшайди,
Ҳали кўз очмаган кўртақларин деб.
Шамол кўртақларин юлиб ташлайди,
Бурон кириб келар япроқларин еб.

Ям-яшил қон оқар... Боғлар қурийди,
Шамоллар қувониб рақсга тушар.
Дарахтлар хилватда маҳзун турийди,
Табиат — онаси қайта ризқ ушар.

Достон Мавлонов

* * *

Биз шундай бахтлимиз: билибми-билмай
Дуненинг устидан қулиб ўтамиз.
Бахт нима, умрда кўрибми-кўрмай
Ишониб, ишончга тўлиб ўтамиз.

Лаҳзалар қаритган умр тўлғоғи
Мангулик чақинга таскин, ишора.
Лабларда изҳорнинг дардли титроғи
Ҳаёт тилсимига излайди чора.

Мангулик отини тухтатмоқ душвор,
Душвордир дунёда дўстни танимоқ.
Азал фано сенга дуч келгай бир бор.
Ундан қутулмоқни уйлама бироқ.

Парча нон заҳмати буккан қадини,
Суник нигоҳларда ёнган илтижо.
Алдов, хиёнатдан сураб қадрини
Дилга шукроналик айлагайдир жо.

Тақдирнинг аёвсиз ғазабларига
Хотиржам, ҳадиксиз эгилади бош.
Шунда ҳам бахтлимиз, бунинг барига
Топамиз чидашга етгулик бардош.

Ишонмадим сенга ёлгончи кўзлар,
Саробга талпинма соддадил қалбим.
Оҳ, нечоғ ёндирар оловли сўзлар,
«Севдим», сўзин лекин айтмади лабим.

Юксакларни кўзлаб талпинади руҳ,
Утган онларимдан майли тонаман.
Яна не қалбларни қиласан мажруҳ,
Мен шуларни уйлаб баъзан ёнаман.

Сендан ҳам, мендан ҳам ортар дунёнинг
Хаёли паришон, сочлари тўзгоқ.
Макрига учавер яна рўёнинг
Ул бизнинг уйларга қуйилган тузоқ.

Кўзлари киртайган, забун ва юпун,
Эшикларни чертар кутмаган фасл.
Эртанинг мунаввар иқболи учун
Такбирлар айтамиз, аммо, муттасил.

Маърифат Мингбоева

Бу дунёда бир осий қулман,
Тошда тақдир. Учиролмайман.
Томиримда оқар оташ қон,
Шўр қисматим кечиролмайман.

Ғамларнинг даштида адашиб,
Фарёд булар бугимда йиғи.
Кувончсиз қалбгинам хувиллар,
Укиради ёлгонлар тиги.

Оёғимга осилар армон,
Дилимда кўпирар аламлар.
Кўзларим қақшайди, нури йўқ,
Топтаб утар жонимни ғамлар.

Оловин ёндириб қайғулар
Умидимни қилади асир.
Мен улимни истайман бугун,
Лек, ажалнинг кузи ҳам басир.

Бахтиёр Яхшиев

Бу ерда минг йиллик қояларда бахт,
Бир қатра нур каби товланиб ётар.
Рухнинг кўкрагида этик кийган вақт,
Мудроқ куз устига сукунат тортар.

Ажабо, бу ернинг сўқмоқларида
Хору зор топталган кунлар ухлайди.
Тириклик исканжа бармоқларида
Кундузни бугизлаб тунлар ухлайди.

Э воҳ, хўрсиниқни сипқорар тахир,
Уйқуси уқубат, умрдан йироқ.
Тонгларни қаердан ўргансин, ахир,
Ғафлатни қувалаб толиққан қишлоқ.

Дилором Элмуродова

Тақдир чарх уради
бир дам тинмайин,
Фалакнинг гардиши
не куйга солар.
Кунглумга қарадим,
у хафадайин,
Кўзим ҳам мунғайиб
бир уйга толар.
Кунглум кўчасида
чалинган хаёл,
Ивирсир мозийни титкилаб ҳамон.
Кўчани чангитиб чопади беҳол,
ҳориган болалик кунлари ҳайрон.
Лаҳзаларни қувар бечора сабо,
Бир севги келади сарҳадлар оша.
Кунглум болаликдан бўлади жудо,
Бир қушиқ бошланар
Наҳот! «Сиз ўша?!»

Тун... Сирдошим имлар юлдузлар.
Ой... Самода ягона малак.
Ой жамолин кўрмай кундузлар,
Кўз узмайин термулар фалак.

Кимлар бедор, кимлар ғафлатда,
Сокин кеча сураман хаёл.
Хаёл алдар... балки мен телба,
Мендан бахтли йўқдир, эҳтимол?!

Баҳодир Карим

ФИКР ВА МУҲИТ ЗИДДИЯТИ

Йигирманчи аср биринчи чорагидаги Туркистон маданий ҳаётини фидойи зиёлиларнинг улуғ хизматларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Уларнинг назарий қарашлари, амалий фаолияти ва қисмати ниҳоятда мураккаб ва ранг-барангдир. Ваду Маҳмуд шу авлоднинг бир вакилидир. У адабиёт майдонига Самарқанд адабий муҳитида тарбияланиб, 20-йиллар арафасида кириб келди. Бехудий, Шакурый, Васлий, Ажзий, Айний, Фитрат ва Тамҳид Самарқандий каби шоир ва муаллимлар муҳитида таълим олди; ҳар томонлама шаклланди. Унинг асарлари «Ваду Маҳмудий», «Ваду Маҳмуд угли», «В.М.», «Вов», «В» имзолари билан «Қизил байроқ», «Меҳнаткашлар товуши», «Камбағаллар товуши», «Зарафшон», «Туркистон», «Иңкилоб», «Маориф ва ўқитгучи», «Ер юзи» ва бошқа вақтли матбуот саҳифаларида босилиб турди.

Ваду Маҳмуд номи тилга олинган бир ёдномда уни Маҳмудхўжа Бехудий угли деб изоҳ берилган.¹ Таржимаи ҳолига дахлдор аниқроқ маълумотларга мурожаат этилганда, аслан у Самарқанд шаҳридаги Хўжазумрад маҳалласининг имоми, мударрис Маҳмудий домланинг ўгли, Айнийнинг қайноғаси экани маълум бўлди.²

Ю. Мақсудов. «Улуғлар даврасида», «Шарқ юлдузи», 1990 й. 4-сон. Изоҳни тахририят берган. Уни муаллиф тасдиқламайди.

² Физика-математика фанлари доктори, профессор Ш. Воҳидов маълумоти.

Ваду Маҳмуд номи узоқ йиллар элимиз хотирасидан мажбуран ўчириб келинган эди. Ҳолбуки, бу инсон аср бошларида етилиб чиққан машҳур ижодкорлардан бўлиб, ўзбек адабиёти янгича танқидчилигининг тамал тошини қўйганлардан биридир. Мамлакатимизда кейинги йилларда руй берган ўзгаришлар туфайли матбуотимизда бу инсоннинг шахси ва ижоди хусусида мақолалар чиқа бошлади, халқимизга унча-мунча таниш бўлиб қолди. Ёш тадқиқотчи Баҳодир Каримнинг эълон этилаётган ушбу мақоласи Ваду Маҳмуд ҳаёти ва ижодига оид айрича қирраларини маълум қилади.

«Шарқ юлдузи» ойномаси узининг энг яхши анъаналарига содиқ ҳолда, адабиётимизнинг долғали ўзгаришлар давридаги на-мояндаларини эслаб туришни бурчи деб билади.

Ваду Маҳмуд 1899 йили (айрим манбаларда 1897, 1898 йиллар қўрсатилган) Самарқандда зиёли-руҳоний оиласида туғилади. У беш ёшга етганда отаси оламдан кўз юмади. Онаси шаҳар чеккасидаги Ражабамин қишлоғидан бўлиб, Вадуга ота шаҳри ҳам, она қишлоғи ҳам бирдай азиз эди. Бироқ унинг болалиги кўпроқ ражабаминлик муаллим Абдулқодир Шакурыйлар оиласида ўтади. Бунинг сабаби бор, албатта. Отаси домла Маҳмудий дастлаб Шакурыйнинг синглисига уйланган, лекин аёли узоқ яшамай, вафот этган эди. Кейинги хотинидан эса, Ваду дунёга келади. Шундай нохуш-кўнгилсиз воқеалар юз берганига қарамай, домла Маҳмудий билан Шакурыйлар оиласи орасидаги самимий, дўстона муносабат сақланиб қолади.

Маълумки, Туркистон ўлкасида биринчилар қатори усули жаҳид мактабини очган шахслардан бири Абдулқодир Шакурыйдир. Бу мактабнинг дастлабки ихлосманд толибларидан бири эса Ваду эди. У Шакурыйнинг мактабида диний илмлар билан бир қаторда жуғрофия, ҳисоб ва ҳандаса сингари дунёвий илмларни ҳам ўрганади. Навоий, Бедли, Фузулий газалларини ёд олади, илмга, адабиётга ихлос қўяди. Мактаб Туркистонда анча машҳур бўлиб, Бехудий, Ажзий, Фитрат, Васлий сингари ижодкорлар мактабдорнинг доимий маслаҳатгўй-маслақдошлари эди. Ҳаттоки, Ваду Маҳмуднинг эслашича, Фарғона водийсидан Ҳамза Ҳакимзода Нийзий келиб, мактабнинг иш тажрибаларини ўрганиб кетган экан.

Ваду Маҳмуд 1917 йилги ўзгаришлардан кейин янги ҳокимият муассасаларига аралаша бошлайди. Айрим ҳолатларда унинг Ислом дини заминлари шакланган ижтимоий-сиёсий қарашлари ва адабий тушунчалари совет ҳукумати мафқурасига қўп ҳам мос келавермайди. Баъзан ён беради, баъзида олқиш эшитади ёки танқид қилинади. 1927 йили унинг умрида эсидан чиқмайдиган воқеа содир бўлади: қизил маданиятчилар уни мажлис залидан ҳайдаб чиқаради. 1929 йилга бориб миллатчиликда айбланиб, қамоққа олинади. Қамалишининг асл сабаби диндорлиги эканини Вадунинг ўзи бошқалардан яхшироқ билади. Бу воқеалар биргина унинг эмас, балки кўплаб руҳоний уламоларнинг бошига тушган мусибат эди. У асосий қамоқ мuddагини Қозогистоннинг Семипалатинск шаҳрида ўтаб, 1934 йили Тошкентга қайтади. Шаҳарнинг Дархон маҳалласида истиқомат қилади. Аммо орадан кўп ўтмай, 1937 йилги муҳҳиш қиргин, қамоқ ва оммавий сургунлар довулига дуч келади. Узоқ мuddатга қамалади, юртидан бадарга қилинади...

20-йилларда Ваду Маҳмуд маориф соҳасида ишлайди, масъулиятли вазифаларда хизмат қилади. Ҳақиқий миллий зиёлилар қатламининг майдонга келиши учун жон куйдиради. Рус истилочилари ва инқилобчилари томонидан таҳқирланган жабрдийда маҳаллий халқнинг бахтли-саодатли, илми-маърифатли бўлишини, озод ва эркин нафас олишини, дунёдаги бошқа миллатлар билан бир қаторда туришини чин юракдан истади. Шу орзу-истаклари ифодаси Уларок, ижтимоий-маърифий мақолалар муаллифи сифатида танилади; мавзу ва жанр жиҳатидан хилма-хил асарлар ёзишга қўл уради. Қалбидаги дарду аламлар, қувончу шодликлар ҳаддан ошганда баъзан шеърый мисралар битади; насрий шеърлар ёзади. 20-йиллар илмий муҳитида кескин баҳс-мунозарага сабаб бўлган ўзбек тили масалалари, имло ва ҳарф муаммолари хусусида ўз таклиф ва эътирозларини ўртага ташлаб, илмий-адабий жараёнга фаол аралаша бошлайди.

Ваду Маҳмуднинг адабиётшунослик, айниқса, эндигина тета-поя бўлаётган адабий танқид борасида қилган хизматлари диққатга сазовордир. У санъат асарларининг нафислиги ва нозик яслишла-

рига асосий эътиборни қаратди. Шунга мувофиқ, талаби ҳам ниҳоятда юксак бўлди. Қуруқ гаплар йигиндисини қофиялаб, шеър унвони билан эълон қилувчи кимсаларни ҳушламади. Шеърдаги мусиқий оҳанг, чуқур дард ва санъаткорона мукаммаллиқни қадрлади. Шунинг учун бўлса керакки, мавжуд адабий жараёндаги ёш ижодкорларни жиддий кузатиб, «Ўзгариш даврида ўзбек адабиёти» мақоласини ёзиб чиққан Абдураҳмон Саъдий уни ҳам тилга олиб ўтади: «...В. М.»нинг «Туркистон» газетасидаги танқидий мақолалари ўзбек ёшлари ўртасидан адабий танқид қатламлари чиқа бошлагонини кўрсатади. Бу ҳам адабиёт ботида 6-нчи йилнинг ижобий ҳоллари томонига ёзила оладир»¹. Кўзга кўринган таниқли зиёлилардан бири Неъмат Ҳаким эса «Ўзбек адабиётида танқид ва адабий муҳокамалар» номи мақоласида Вадул Маҳмуднинг «ортиқ даражада шарқлик қилиши», «ортиқ ва керакмас таассубларга берилиши, майда-чуйда нарсалар билан уралашиши» каби жузъий камчиликларини кўрсатади. Шу билан бирга, «Танқидда яхшигина кучга эга бўлган Вадул ўртоқ борлиги»ни Жулқунбой ҳам Вадулга эътибор бериб, ўртоқлик ҳазили тарзида ёзган «Олти йиллик базм» асарида: «Вадул Маҳмуд ўртоқ бир биродаримизнинг тасвирича «Кўкма»-дир, кўкмаининг ёзи билан кузи қалай келишини ҳозирдан айтиб қўймоқ номаъқул бузоқнинг гўштини емақдир»², деб унинг келажатидан фол очишни истамаслигини билдиради.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ўз вақтида Чўлпон, Фитрат ва Абдулла Қодирийларга — ўзбек насри ва назмига нисбатан қатъий баҳо берган кишилардан бири ҳам шу «Вадул ўртоқ» эди. «Ўзбек янги адабиётининг насри тилини эндигина янгилаб келаятган Фитрат билан ишини кўндан бошлаб, эндигина майдонга отишга муваффақ бўлган А. Қодирийдан бошқа ҳеч бир нимага молик эмасдир. Шеърда бўлса, Чўлпондан бошқа тилга оларлик ва ишини кўрсата олгон кишимиз йўқдир. Бунинг-да камчиликлари ҳали жуда кўбдир»³. Бундай кескин айтилган фикр, аччиқ ҳақиқат, аввало, кўпгина ижодкорларнинг, сўнгра тадқиқотчиларнинг безовта бўлишига сабабчи бўлди. Афсуски, Вадул Маҳмуд ўз илмий фасоҳати, гўзалликка ошно қалбининг сезими туфайли ихлос қўйган мазкур сиймоларнинг ижодини батафсил талқин қилиш шарафига муяссар бўлмади. Даврнинг қора кўланкаси унинг қисматиға соя солди. У ҳақ деб ҳисоблаган гаплари учун балога қолди. Юқорида эслатганимиздек, Ўзбекистон маданиятчиларининг иккинчи қурултойи залидан «Чўлпонлар маддоҳи» айби юкляниб, қувилди. Қурултойи 1927 йил 4-5 октябрь кунлари Самарқандда бўлиб, унда мафкура майдонида партиянинг тутумини мустаҳкамлаш, «ёт унсур» зиёлиларни мафкуравий раҳбарлик лавозимларидан сиқиб чиқариш, мухитни «соғломлаштириш» хусусида Акмал Икромов маъруза қилади. Бир қатор кўриникли зиёлиларни танқид қилади. «Кези келганда шунини очиқ айтиш керакки, ўша пайтларда Акмал Икромов Чўлпонга ҳам, Мунаввар Қорига ҳам, Вадул Маҳмудга ҳам ноҳақ ҳужум қилган эди. Унинг бу ҳужумларини бутунини кунда давлат арбобининг одилона фикри эмас, балки мияси утопик фалсафа — марксизм билан заҳарланган сиёсатчининг гаразгўйлиги сифатида баҳолаш мумкин»⁴. Қурултойда бевосита иштирок эта олмаган

Чўлпон танқидга жавобан, ўз «Эътироз»ини йўлайди. Мунаввар Қори бир неча бор сўз олиб, ҳимояланади. Вадул Маҳмуд эса, мажлислар залини тарк этишга мажбур бўлади. Ботунинг «Қизил Ўзбекистон»даги (1927 йил 11 октябрь) хабарига кўра, қизил маданиятчилар вадулларни лаънатларга кўмиб ҳайдаган, «Вадул маданият уйдан бир хас сингари иргитилган» эди. Қурултой қатнашчилари «вадуллар» залдан чиқиб кетгунича ўринларидан қалқиб, қарсақ чалиб турадилар.

Ҳа, таҳқирловчи қарсақ узоқ чалинди, унинг гумбурлаган садоси 80-90-йилларгача етиб келди. Мунаққиднинг ижоди батафсил тадқиқ қилинмади. Номига тақалган салбий сифатлар салмоғи эса йил сайин орта борди. Бадиий ижод соҳасида «миллатчи», «буржуа шоири ва адиблари» тамғаси Чўлпон ва Фитрат номига босилган бўлса, юқорида зикр этилган тантанали ҳайдалишдан сўнг шу машъум ёрликлар адабий танқид соҳасида Вадул Маҳмуд номига ёпиштирилладиган бўлди.

Йигирманчи йилларнинг охирига келиб матбуот тўла сиёсий кишан ичига олинган, эркин ва ўткир фикрли зиёлиларни айбловчи мақолалар алақачон юзага келган эди. Умуман олганда, «социализм қуриш ишига» бел боғлаган авлод адабий ҳаётида ижодкор эркини менсимаслик, тайёр мавзулар тақлиф этиш амалий тус олди; «муҳит уқуштириш; марксизм-ленинизм мусиқасидан завқ топа олмаган ёзувчиларни бадном этиш кайфияти кучая борди. Шундай шароитда Вадул Маҳмуд хусусида навбатдаги танқидий фикрлардан бири 20-йилларнинг охирида Сотти Хусайн томонидан ёзилди: «Ҳозир бизда эскича, турк мунаққидлари асосини ушлаб, дарवेशлик қиладиган танқидчилар енгилди. Уларнинг кўзга кўринганлари Шоҳид Эҳсон ва Вадул Маҳмудлар эди.

Булар қуролсизлангандир. Ҳозир майдонда жавлон уришга фақат марксист танқидчи ҳақдидир»⁵.

Тескари ўнгаришган давр Вадулнинг «дарवेशлиги»ни — тасаввуфноа адабий қарашларини ҳамз қила олмас эди. Чунки энди турк мунаққидларидан ўрнак олиш ўрнини пролетариат доҳийларининг, рус социал-демократларининг фикрларига таяниш эгаллаётган эди. Сотти Хусайн «эскича, турк мунаққидлари асосини ушлаб, дарवेशлик қиладиган» танқид деганда Вадул Маҳмуднинг «бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз» мақоласини назарда тутди. Каттагина ҳажмли бу мақола 1925 йили «Маориф ва ўқитувчи» журналининг бир неча сониде босилиб чиқади. Гарчи сарлавҳа асосан адабий жараёни ёритадиган мақоладак туюлса-да, фикрларнинг кўпи назарияга, мунаққиднинг ўзига хос эстетик қарашларига тааллуқли эди.

Кузатишимизча, Вадул Маҳмуд ижодини таҳлил қилган олимлар, ундан норози бўлган талқинчиларнинг деярли ҳаммаси, асосан, шу мақолага мурожаат қилинган. Бунинг ажаблანарли жойи йўқ. Чунки ундан замонавий материалистик танқидга «ёт», «илмоқли» жумлаларни, адабий талқинларни топиш осон эди.

Гап бундай. Вадул Маҳмуд мақоласида мавзунини узоқроқдан бошлайди: мумтоз адабиёт хусусиятлари устиде тўхтайд. Айниқса, унинг тасаввуф фалсафаси билан узвий боғлиқлигини, ўша фалсафий фикрлар соясида санъатнинг олий намунаси даражасига етганлигини таъкидлайди. Янги адабиётнинг юзага келиш сабабларини, шакл ва мазмун, адабиёт ва жамият, шеър техникаси, умуман, гўзал

¹ А. Саъдий. «Туркистон» газетаси, 1923 й. 7. XI.

² Жулқунбой. «Олти йиллик базм», «Муштум», 1924 йил 4-сонидан. (Б. Дустиқороев «Муштум»нинг 1993 йил 7-сониде қайтадан эълон қилди.)

³ В. Маҳмуд. «Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз». 1925 й.

⁴ С. Аҳмад. «Мунаввар Қори», «Шарқ Юлдузи» ж. 1992 й, 5-сон

⁵ С. Хусайн. «Танланган асарлар», 1974 йил.

санъат тўғрисидаги ўз нафис қарашларини баён қилади. Мақолада кўтарилган масалалар қўлами анча кенг эди, аммо, афсуски, ундан ҳар қайси олим ўз билгича, танқид йўналишига мос равишда, ҳатто баъзи фикрларни асл матндан узиб, фойдаландилар. Муаллифнинг мавжуд илгор фикрларини эътибордан соқит қилдилар. Бизнингча, аслида, Ваду Маҳмуд 20-йиллардаёқ кўҳна адабиётимиз таҳлилини энг тўғри йўналишга бошлаган кишилардан биридир: «Бизда шеърнинг икки жабҳаси бордир. Чунки ишқимиз икки жабҳалидир: ҳақиқий, мажозий.

Ҳақиқий ишқ — руҳи умумийга ҳулул дардидирки, энг юксак ва орифий амалдир.

Мажозий ишқ эса, оддий нафсоний эҳтиросдирки, умумий, табиий бир майлдир.¹

«Маҳбубул қулуб»да ишқ учга — ҳақиқий, мажозий ва нафсонийга ажратилади.²

Мабодо ишқнинг адабиётдаги талқинида Алишер Навоий мулоҳазаси энг тўғри мезон қилиб олинадиган бўлса, муаллиф мажозий ва нафсоний ишқни аралаш изоҳлагани аён бўлади. Гап шундаки, Ваду Маҳмуд ўз мақоласида «ҳақиқий ишқ»ни куйлаган шоирларга намуна қилиб «туркда ҳикмат соҳиби Яссавий, «Лисонут тайр» нозими Навоий, «Лайли-Мажнун» муаллифи Фузулий, «Мабдаи нур» эгаси Машраб, илоҳий шеърлар эгаси Ошиқ Пошшо, илоҳий тараннумлар соҳиби Амирий»ларни кўрсатган эди. Номлари зикр қилинган шахслар, шубҳасиз, «юксак гоё ва фикр эга»ларидир. Кўриниб турибдики, адабиётчи, биринчидан, энг улуг сиймолар бўлиши «ҳақиқий ишқ» соҳибларини номлари эслатилган асарларига нисбатан тўғри ажратиб беради, иккинчидан, мумтоз адабиёт вакиллари ижодига Ислом ва тасаввуф фалсафаси назари билан қарайди. Таассуфки, адабиётшуносликдаги айни шу йўналишнинг давом эттириш бирорта ўзбек олимига насиб қилмади. Сиёсат йўл бермади. Чунки адабиёт майдонига аллақачон марксист танқидчилар кириб келган, бадий асарларни сиёсий-гоявий тарафдангина тафтиш қилиш бошлаб юборилган эди. Муқаддас анъаналарга бой қадимий адабиёт аста-секин ғайритабиий талқинлар сари юз бурди. Адабиётнинг санъатлигидан кўра синфийлигига, партиявийлигига ва коммунистик гоёвийлигига эътибор бериладиган бўлди.

Сотти Ҳусайдан кейин Ваду Маҳмудни танқид қилиб чиққан киши Раҳмат Мажидий бўлди. «Адабий танқид тўғрисида» деган ҳисобот-мақола 1935 йил «Ўзбекистон Совет адабиёти» журналыда эълон қилинади. Муаллиф бунда ўзбек совет танқидчилиги босиб ўтган йўл хусусида сўз юритиб, совет позициясидаги «Айн» (Олим Шарафиддинов)ни олқишлайди, А. Саъдий, О. Ҳошим ва М. Солиҳов каби танқидчилар ижодидаги зиддиятлар, мураккаблик ва чалкашликлар устида тўхталади. Ваду Маҳмуд ҳақида эса бундай ёзади: «Октябрдан кейин танқид дунёсига «ўзбек ёш шоирлари» билан биргаликда буржуазия ёзувчиси-танқидчиси сифатида Ваду Маҳмудий чиқади. У дунёга, адабиётга қараш нуқтасидан бир идеалист бўлиб, ўзининг танқидий мақолаларида миллатчилик, туркчилик гоёси билан ишлайди. Ёзувчиларнинг асарларини шу нуқтадан туриб таҳлил қилади».³ Танқидчининг Ислом, Шарқ ва тасаввуф фалсафасига су-

¹ В. Маҳмуд. «Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз». «Маориф ва ўқитгучи», 1925 йил.

² Алишер Навоий. «Маҳбубул қулуб», 1983 й., Т. 51-бет.

³ Р. Мажидий. «Истеъдод ва бурч», 1974 й., Т. (Маъруза матни шу тўпламга киритилган). 47-68-бетлар.

янгани, янги ўзбек адабиёти билан Туркия адабиётининг муштарак жиҳатлари хусусида айтган фикрлари маъқул келмайди; ишқнинг ҳақиқий ва мажозийга бўлиниши кулгили туюлади ва: «Ваду Маҳмуд бориб турган идеалист танқидчидир», дейди. Яна: «Ваду Маҳмуд ўзининг танқидий мақолаларида энг реакцион мақсадгача — сүфизм-тасаввуфни идеаллаштиришгача боради», деб айб қўяди.

Раҳмат Мажидийнинг эътиборини тортган яна бир жиҳат янги адабиётнинг юзага келиш омиллари билан боғлиқ. Ваду Маҳмуднинг йигирманчи аср бошидаги ўзбек адабиётига берган баҳоси, унинг таъсирланиш доираси хусусидаги тахминлари асоссиз эмас. У форс, араб, турк ва урис тилларини билган, турк адабиётидан яхши хабардор бўлган. Унинг мақоласидаги фикрларини қуруқ гафво ёки сафсатабозлик дейиш мантиққа зид. Туркистон зиёлиларининг маълум бир даврда Туркияга эргашгани, улардан таъсирлангани бор ҳақиқат. Қадимда Туркия Туркистонга эргашди. Аср бошида Туркистоннинг ёш янги шоирлари Туркия шоирларига ҳавас қилди. Ваду Маҳмуднинг мақсади шу воқеликни тан олишга ундаш. «Биздаги янги адабиёт Туркия адабиёти тақлиди билан бошлангандир; шунинг учун бизнинг адабиётимиз билан Туркия адабиётининг умумий сажияси муштаракдир. Рухда, шаклда Туркистон, Кавказия, Қрим доимо Туркияга эргашади. Бу ҳам табиийдир. Чунки аъزال тил муштаракдир ва оқибат Оврўпа маданиятига қарши бугунги вазият муштаракдир». Бу ҳақиқатни Раҳмат Мажидий бошқачароқ талқин этади. Тирноқ остидан кир ахтаргандек, мавжуд адабий жараёнга нисбат берилган фикрларни мунаққиднинг истиқболдаги режалари сифатида кўрсатади: «В. Маҳмуд ўзбек адабиётининг Туркия адабиёти ва пантуркизм йўлидан боришини истайди. У Оврўпа маданиятига қарши турк бирлиги тузишни майдонга қўяди». Бундай ният бўлган тақдирда ҳам унинг яшашга ҳақиқ бор эди. Аммо таъсирни фақат янги ҳўжайин халқдан олишни, унгагина эргашини талаб этаётган сиёсатга ва мана шу мустамакачилик сиёсатининг малайларига туркий оламнинг бирлашиб қолиши, лоақал бу бирликни ҳис этиб туриши асло ёқмас эди. Шунинг учун 20-йилларнинг иккинчи ярмига келиб, ёшлар орасида рус маданиятига ҳавас уйғотишга ташвиқот кучайди. Туркий миллат илгор зиёлиларининг «турк бирлиги» борасидаги ниятлари ҳам саробга айлангандир, яъни, миллий жумҳуриялар тузилиб, ўрталарига «хитой девори» қурилади. Чулпон ва Фитратлар ўзларининг «адашганлиги»ни тан олишга мажбур бўлишди...

Биз Раҳмат Мажидийнинг мулоҳазаларига кенгроқ тўхталишга ҳаракат қилганимизнинг боиси шуки, кейинчалик ҳам 20-йиллар илмий муҳитини тадқиқ этган олимлар уша манбага мурожаат қилинган, кўчирмалар олишган. Жумладан, 20-йиллар адабий танқидчилигининг мутахассисларидан бири профессор Бахтиёр Назаров ҳам ўзининг «Ўзбек адабий танқидчилиги» номли китобида Р. Мажидий мулоҳазаларига суянади. Олим Ваду Маҳмуднинг «санъаткорнинг социализмга, янги жамиятга муносабати масалаларини, социалистик гоёларни куйлаш вазифаларини» четлаб ўтганини таъкидлаган ҳолда, давом этиб шундай сатрларни ёзади: «В. Маҳмуднинг бу позициясини тасодирий ёки адабиётнинг ҳақиқий функциясидан беҳабарлик, деб баҳолаш мумкин эмас. В. Маҳмуд бу фикрлари билан адабий танқид орқали ўз платформасининг гоёларини ҳаётга ўтказишга интилади. Унинг асосий мудаоси халқни, адабиётни социализм ишига иштирок этишдан четга тортиш, чалғитиш».

¹ Б. Назаров. «Ўзбек адабий танқидчилиги», 1979 й., Т. 84-85-бетлар.

М. Юнусов эса, танқидда яна бошқачароқ усулни танлайди — жумлани умумий матндан узиб изоҳлайди. Худди шу йўл билан Ваду Маҳмудни ўтмиш адабиётини инкор қилувчилар сафига кирилади: «Муаллифнинг (В. Маҳмуднинг — Б. К.) фикрича, совет адабиётининг ўтмиш адабиёти билан «ҳеч қандай алоқаси йўқ, эскидан ажралган». ...Эски назм: девон йўли, газал, қасида, маснавий, мураббаъ каби шакллардан иборат. Эски тил Ислому руҳини таранум этган исломий истилоҳ ва араб-форс маданиятининг уртага отган фикр ва қолипларини ўзига қўб олган...» Бинобарин, совет адабиёти улардан фойдалана олмайди — мана В. Маҳмуднинг хулосаси¹.

Биринчидан, Ваду Маҳмуднинг мақоласида ўтмиш адабиётидан фойдаланиш-фойдаланмаслик масаласи қўйилмаган. Иккинчидан, у бирорта ҳам мақоласида адабий меросни инкор қилмаган. Аксинча, унга чуқур эҳтиром билан қараган.

М. Юнусов «ҳеч қандай алоқаси йўқ, эскидан ажралган» жумласини умумий матндан узиб олган, дедик. Узилманинг қолган қисмидан беҳабар ўқувчи, табиийки, чалғийди. Асл манбада мунаққид ҳақиқатан ҳам икки давр адабиёти ўртасидаги тафовутни кўрсатиб, шундай ёзган эди: «Бу эътибор билан (адабиётнинг жамиятга хизмати назарда тутилади — Б. К.) эски ва янги турк адабиётининг самимий бир робитаси бордир.

Шеър техникаси эътибори билан, яъни, шакли назм, тил, тарзи баён жиҳатидан бўлса, ҳеч алоқаси йўқ даражада эскидан ажралғондир».

Ваду Маҳмуд мақоласида «пролетар адабиёти», «совет адабиёти», «адабий мерос» атамалари эмас, балки айнан «эски адабиёт» ва «янги адабиёт» бирикмалари истеъмолда бўлди. У эски ва янги адабиётга хос хусусиятларни, фарқли ва уйғун, эътиборли ва аҳамиятсиз жиҳатларни тўғри пайқайди; адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги вазифасини умуминсоний маънавий эҳтиёжларга боғлади. Эски ва янги адабиёт жамиятга хизмат қилиш тарафидан муштарак. Тасаввуф адабиёти комил инсонни жамиятнинг гултожи қилиб кўрсатди; янги адабиётда жамият ислоҳи, инсон маънавияти диққат марказига чиқди. Ҳар икки адабиёт ҳам инсонга эътиборни қаратди. Демак, Ваду Маҳмуд наздида, янги ва эски адабиёт жамият ва инсонга муносабат масаласида «самимий бир робитага» эга; уларнинг ифодасида — «шеър техникаси эътибори билан, яъни, шакли назм, тил, тарзи баён жиҳатидан бўлса, ҳеч алоқаси йўқ даражада эскидан ажралғондир».

20-йилларда ўзбек адабиётшунослиги ҳали тўла шакланмаган эди; ҳар бир адабиётчи ўзига маъқул бўлган назарияларга, бирор бир олим ёки ёзувчи тажрибаларига суянган ҳолда иш кўра эди. Уларнинг фикрий қувватидан баҳраманд бўлиб, ўзларига муносиб илмий йўлни танлаётган эди. Ҳали адабиётшунослик майдонида марксча-ленинча фалсафий таълимот ўз яккаҳокимлигини ўрнатмаган, ҳали адабиётшунослар олдида «синфийлик», «партиявийлик», «коммунистик гоёвийлик» сингари сиёсий талабларни қўйиб улгурмаган эди. Бир нафаслик шундай эркин шароитда бадиий асарлар хилма-хил эстетик қарашлар асосида таҳлил қилина бошлади. Менинча, XX аср биринчи чорагидаги ўзбек адабиётшунослигининг ўша ранг-баранг саҳифаларини алоҳида давр қилиб белгилаш ва махсус ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бу давр ойнасида сиёсий қолиплар доирасидаги йўналишдан фарқли улароқ, субъектив мате-

риалистик ёки тасаввуф фалсафасига таянган; В. Г. Белинский ёки ўрис формал мактаби вакилларига эргашган; жаҳон адабиёти даражаси ёки бирор бир миллат мавқеини мезон қилиб олган турли оқимлар ибтидосини кузатиш мумкин бўлади. Масалан, Ашурли Зоҳирий «Танқид ҳам унга жавоблар ҳақида бир неча сўз» мақоласида В. Г. Белинский қарашлари билан ҳисоблашади; Олимжон Иброҳимовдан кўчирмалар олади. Абдурахмон Сатдий ўз назарий қарашларида ўрис олимларидан А. Шалигин, Д. Н. Овянко-Куликовский ва А. Потебня фикрларига эргашади. (Бойбута Дўстқораев унинг «Адабиёт дарслиги» (1925) китобининг ёзилиши учун ўша олимлар асарлари асосий манба буганлигидан маълумот беради). Фитратшунос Ҳамидулла Болтабоевнинг ёзишича, Абдурауф Фитрат ўзининг умумэстетик қарашларида ўрис формал мактаби намояндalари В. Шкловский, Б. Эйхенбаум, Ю. Тиянов, Ю. Томашевскийларнинг назарий қарашларига яқин бўлган; адабиётдаги услуб ва композициясини муҳим унсуру ҳисоблаган. Ваду Маҳмуд эса, «адабиётнинг гузаллигига ва яралишига, нафосатни юзага келтирувчи унсуруларига қизиқсинади. Маълум даражада жаҳон адабиётининг тажрибаларига таянади, улардаги фикрий юксакликка ҳавас қилади. Мақолаларида уларнинг номларини тилга олади. Назарий қарашларини қувватлантиришда, айниқса, амриқолик машҳур адиб ва шоир Эдгар Поинг Ижодий тажрибаларига мурожаат этади. Ваду Маҳмуд унинг «Ижод сирлари» номи амалий тажрибаларини баён қилган мақоласини эринмай бирма-бир таҳлил қилиб чиқайди. Мақолада Эдгар По «Қарғ» номи дostonининг ёзилиш тарихини; бадиий асар яратиш учун биргина илҳомнинг ўзи кифоя қилмаслигини; мавзу танлаш олган тақдирда ҳам тасвирлаш йўллари устида узоқ бош қотиришга тўғри келишини ишдан-иғнаси-гача батафсил ҳикоя қилган эди. Амриқолик адибнинг «Шеърда таъсир асосан гузаллик воситаси билан берилади. Гузаллик ва гузал нарсаларни ҳис этганда, инсон руҳи юксаладир», деган гаплари мунаққиднинг нозик дидага мувофиқ келади. У 20-йиллар шеърятда мавзу ва шаклдаги мутаносибликка, назм ва оҳангдаги уйғунликка, сўз тузилишидаги силлиқликка, умуман, шеър техникасига «эски шеърга уста Фитрат билан янги шеъримизнинг биринчи намояндаси Чулпоннинг оз-моз риоя қилгани»ни кўради. Сунгра ўзбек назмидаги янада силлиқ ва гузалроқ нуқталарни топиш ва уларни жаҳон адабиётининг вакили Э. По асарига солиштириш ниятида «шарқ турк адабиётининг иккинчи олтин даври бошлаган булгон Умархон» шеърларига юзланади. Амрикийнинг «Етар» радифоли газалидан нарча келтириб, унинг тил ва услубда силлиқлигини, тасаввуфнога юксак илоҳий руҳини уқтиради; газали Э. По достони мавзуи билан муқояса қилади. Э. По асари қайғули дoston, яъни, мавзу ҳам бир аёл ўлимнинг тасвири билан чекланади. Амрийда эса, «тасаввуфнинг энг юксак нуқтаси булгон руҳга фано бўлиш, қуюлиш, коинот руҳи билан бирлашиш мавзудир».

«Мавзу орасидаги тафовутни кўрдангиз, Умархоннинг ҳам қайғуси, ҳасрати бор. Лекин «бир хотуннинг ўлими учун» эмас, коинотнинг умумий руҳига қўйилиш ҳасрати дидир. Кўрингиз, мавзу нақадар буюк ва нақадар олийдир».

Сунгра танқидчи, Амриий санъаткорлик маҳоратининг сирини нимада, деган саволни қўяди. Жавоб тарзида гап тузишини, оҳангдор ва латиф сўзларни, «ҳарфларнинг садо бератургон, титрайтургон»ларини танлаб, юксак илоҳий туйғуларни ифодаси учун хизмат қилдирганини кўрсатади. Шунингдек, Алишер Навоийнинг санъаткорлик маҳоратига ҳам алоҳида диққат қаратади ва уни

¹ «Ўзбек совет адабий танқиди тарихи», 1987 й., 1-жид, 137-бет.

марказий мавзуга боғлайди: «Кўрингиз Навоий нима қилгон? Мажнуннинг гами тасвирида:

*«Кўнглига ўғудди кўҳи андуҳ,
Андуҳи йиғилди кўҳ то кўҳ».*

Шу байтда «ў» товушининг ўғултиси, «г»нинг гумбирлаши, «ҳ»нинг сочилиб кетиши ва бу товушларнинг такрори ҳақиқатан тоғнинг йиқилиб, устига сочилиб, майдаланиб кетишига, йиқилиб дараларнинг тўлиб, бақириб кетишига ухшамайдимиз?»

Бадиий асарлар таҳлили учун В. Маҳмудда етарлича назарий замин борлигини, гузал манзаралар ва ҳақиқий санъат намуналарини майдонга келтирувчи бадиий санъат воситаларидан бохабар эканлигини шу далил ҳам кўрсатиб турибди.

Хуллас, Вауд Маҳмуд ижоди ўзбек адабиёти тарихида асосан биргина мақола мисолида нотўғри баҳоланиб келинди. Чўлпонлар, Фитратлар қораланаётган замонларда уларнинг маслақдошини изловчилар ҳам, мутасаввуф шоирларни улуғлаган тадқиқотчини айбловчилар ҳам «Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз»га мурожаат қилишди. Юқорида кўриб ўтганимиздек, илмдаги ноҳолислик, яъни, ҳар ким ўз гоёвий қарашига, сиёсий мақсадига хизмат қиладиган йўсинда ёндашишлар кўплар қатори Вауд Маҳмудга нисбатан ҳам катта ҳақсизлик эди. Бу мунаққиднинг номини ўзига муносиб уринга қўйиш, илмий-ижодий меросини ҳолисона урганиш ва баҳолаш энди адабиётшунослигимизнинг вазифаларидандир.

Булоқ кўз очди _____

Зокриф Худойшукӯф

ЮРАҚДА ЖИЛВАЛАН СУЮКЛИ ЖАМОЛ

*Нигоҳда кичрайган қирлар жуссаси,
Жарлар жамолини йўқотган — кампир.
Йиқилган эшак йўл — йўлчи ҳассаси,
Атрини унутган шувоқ — қалампир.*

*Жилга мужғонида ҳасратдан томчи,
Ёниб адо бўлган дуркун қамишзор.
Қисматдан фол очар тобатош — ромчи,
Ҳасрато навқирон тепалар бемор.*

*Тукилиш қисматин ижро этма фол,
Тукилма ёшлигим синган Қасоба.
Кечмишдан горларнинг оғзи очиқ, лол,
Далалар мунг тортган, тенгсиз азоб-а..*

*Азобдир эркадай ўйиқ қабоғи,
Аввал шод эдинг-ку телбанома дашт?!
Қай горга беркинган ҳасрат адоғи,
Утмишда йиғлайди латофатли шашт?!*

*Қанийди, кўзимга кўнсайди рўё,
Киприкка осилган тирик ҳақиқат.
Мурда кўйлагини кийганман гўё,
Тепалар тиз чуқиб титрайди қалт-қалт.*

*Титрама тирандоз тиридай таранг,
Юр кетдик, сиғасан кафтдек кулбама.
Даштимни опкелдим, суқирлар қаранг.
Қаранг, кучаяпман, воҳ-ки телбама.*

*...Бағримда ухлади тонг қадар беғам,
Андуҳ шаробидан ичиб олган — маст.
Қай жарга беркиндинг суйиқли бекам,
Уйимдан қочибди телбанома дашт?!..*

*Юрақда жилвалан суюкли жамол,
Айрилиқ илқида йиртилсин ҳижоб*

Ва айла кўзимнинг мулкини паймол,
Кўзим қаросидан кўтариб шароб.

Сўнгра тукилайин тупроқдай басир,
Енгимдан судрасин содиқ ривозат.
Пойимда жон берсин гуноҳкор аср,
Тилини чайнасин қўрқинч залолат.

Ҳаловат юзлари қизарсин ошкор,
Хаёл тулпорлари тинсин беумид.
Дийдамга нур берма қўрқаман, маккор —
Кўзимда рақс бошлар қайтадан палид.

Қўрқаман, жодунинг қўллари узун,
Ял-ял товланади шумзода кампир.
Оҳ, тошдан рақибин йўнар Беситун,
Мажнунни юпатма, хўрлайвер кабир.

Хўрлайвер, идрасин гуноҳкор либос,
Чиркинди ичида мудроқ ҳарир жон.
Эй уткинчи титроқ, эй даҳрий ҳавас,
Эй сен сафсатага бурканган даврон.

Эй сен мангуликнинг сохта жандаси.
Эй сен кучоғида мор билан ётган,
Улик орзуларнинг шур афкандаси,
Укинма, кўз ёшим сингган ҳам йитган.

Укинма, илинжнинг чорлови ҳалим —
Оғу идишида жилваланган бол...
Кутаман, кўнгулнинг дарчасида жим,
Дунёни гижимлаб келади висол...

Юз асрким титрар қўрқинч маломат,
Санам юзларида тиржаяр ҳабаш.
Нигоҳлари бежо сотқин тиловат,
Топталдик, соғиндик, эй дилрабо ғаш!

Зерикдик, қаро тун базмида басир,
Тирикликни еди очкуз биёбон.
Соғиндик, ҳасаддан чайналар тафсир,
Соғинч камонида умиддан пайкон.

Отилди маъвои нишонлаган ўқ,
Бағримга қадалди, бу нечук хато?
Шикорда пайкон бор, маҳваш бор, мен йўқ,
Овга томошага чиқибди Лайло.

Олгин, оёғингда топталувчи хор,
Сенсиз гумроҳликнинг битта товони.
Ижро эт кокилнинг измидаги дор,
Синсин саҳровашининг сохта имони.

...Кўкарсин кўнгулни аллаловчи гул,
Севинчдан қичқирсин қувгинди Хумо...

Висол йўлин тўсма маккора кокил —
Юзингдан сочингни йиғиб ол, Лайло..

Кучоғимда куйиб-куйиб кетди гулим,
Хобгоҳида уйғонолмай йиғлар бағир.
Фунчаларни суйиб-суйиб отди дилим,
Мен бор эдим, ишқ бор эди, висол сағир.

Мен бор эдим, мен ҳақ эдим, ҳақ йўқ эди,
Султони ҳам йўқ эди бир ишқдан бўлак.
Фаришталар сажда қилур, дил туқ эди,
Ортимиздан нула тортиб қолди тилак.

Девоналар кулаберди бошимизда,
Илким тутиб хароботга судрақлайди.
Муғбача лол, май лол эди қошимизда,
Висолига девлар сафи эмақлайди.

Мен бор эдим, харобам бор, хуш йўқ эди,
Тўртта девор бўлди кенгим, бепоеним.
Отай десам қўлим бору тош йўқ эди,
Йиртиқ экан тушимгача то домоним.

Май бор эди, муғбача бор, домоним йўқ,
Чопонимда ишқнинг доғи, майнинг доғи.
Ерижоним, омонсизда омоним йўқ,
Май лабида жилваланган ёр дудоғи.

Пиёлада айланади қонли афок,
Уйғонолмай чиқаяпман харобатдан.
Девлар қочди, девлар ўлди, бўлди тупроқ,
Кўз ёшимдан усиб чиққан хубобатдан.

Мен йўқ эдим, туш ҳақ эди, жом ҳақ эди,
Девлар чил-чил синдирибди сополимни,
Овга бир кун ўқ ҳақ эди, дом ҳақ эди,
Қаргаларга бўлиб берди висолимни.

Зокир Худойшукур — сурхондарёлик.
Тошкент давлат дорилфунунининг журна-
листика кўлплётини битирган. Ҳозирги пайт-
да радиода хизмат қилади. «Соғинч камони»
номли тўпламининг нашрга топширган.
Шеърлари журналда оқин ҳам берилган.
Бу — навбатдаги учрашув.

Сафар Оллоев

МЕН БИР ИЗДАН КЕТАЯПМАН

Дил демаса, ҳеч маҳал бирор ишни қилмадим,
Ул норизо жаҳд ила бир қадам ҳам жилмадим.

Аммо ўзи ундаган, сабабини билмадим —
Бошлаб қуйган чунг ишим бошланганча турибмиш.

Етти иқлим кездимо, шу синоат йўлида,
Турфа асрор дуч бўлди, бу йўлнинг унг-сўлида.
Яшинлар ярқирайди — шамчироғи қўлида,
Фалакнинг ҳам ҳам боши қашланганча турибмиш.

Чуққиларни излаб гоҳ қояларда адашдим,
Нурли кунлар ахтариб сояларда адашдим,
Энг ёмони, алдамчи ғояларда адашдим,
Шундан гашланган кунглум гашланганча турибмиш.

Гафлатни ганимат деб, ганимлар хуп тошлади,
Лек ортимдан юрганни ойдин йўлга бошладим,
Баъзан қўлим гаст келса, Ҳақ-чун кўзим ёшладим,
Ушал ёшланган кўзим ёшланганча турибмиш...

Аё, вафо! Майли, сина,
Энг аввало ўзинг чида,
Ўтли ҳажринг қаршисида,
Шафқат айла, на ҳолим бор?!

Ўн саккиз минг олам аро,
Инсонга кўп ризқ-рўз раво,
Гар куйдирсанг, Ҳақ таолло
Кечирмагай — уволим бор.

Ошиқ бўлиб яралибман,
Ҳамроз бўлиб алданибман,
Ахир, шоир саналибман —
Ўзим севган аъмолим бор.

Илм баҳри — тугал савоб,
Гарчанд ҳаёт — қизиқ китоб,
Ҳар бирига топгил жавоб —
Ўн саккиз минг саволим бор...

Саратон.
Сахро.
Ердан бўса сўрайди офтоб —
кун тигида бўғилар нафас.
Мунчоқ каби тизилган кўп жон
кетиб борар Маккага қараб...
Енгилгина кўзғалиб сабо
қитиқлайди танларни элас...
Йуллар огир,
манзил олис —
чарчаш нима билмас нортауя,
елкандай чайқалар устидаги соябон.
Қанча ситам бўлмасин
нияти холис —

назарига илмас нортауя.
Соябон тагида мудрайди сарбон,
беларво эргашар бошқа туялар.
Сарвар — нортауяни олқишлар фақат,
бўйнидаги кўнғироқ — темир мусофир:
жаранг-журунг-нг,
жа-а-ранг-нг-жу-урунг-нг,
жа-а-ара-анг-жу-у-рунг-нг-нг...
Унинг ортида эса эргашиб борар —
кўнғироққа ишонган бир гала тақдир...

Катта можарони бир кун кузатдим:
барзанги аямай қаттиқ тош отди.
Заифа аламли боқиб, тўсатдан
симобдай шашқатор аччиқ ёш отди.

Бир ёнда — тошбўрон, бир ён — ёшбўрон...
(Уқ бўлган тошга-ку кафтим тушайман).
Туполон тухтади, ушандан бўён,
отилган куз ёшдан кўрқиб яшайман!

Мен бир издан кетаяпман,
гоҳ йўқотиб, гоҳ топиб.
Ўз имконим ўзимга тан:
гоҳ оҳиста, гоҳ чопиб.

Учкур ҳислар бўлди ҳамдам,
бирга-бирга елдай елдим.
Тушимда ҳам, хушимда ҳам,
тилсимларга кўп дуч келдим.

Умрим йўли утиб борар,
хийбону бийбондан.
Ўзим карвон, ўзим сарвар —
мен бир издан кетаяпман...

Зор қилмасдан дуру нурга
қайга элтар бу из охир?!
Мен — бир банди тафаккурга,
ишқ йўлида бир мусофир!

Мен бир издан кетаяпман...

Сафар Оллоёр — Қашқадарё вилоят-
нинг Деҳқонобод туманига қарашли
Оқработ қишлоғида туғилган. Тошкент дав-
лат дорилфунунининг журналистика
кўллиётида таълим олш билан бирга, Ўзбе-
кистон радиосида хизмат қилади.
Жумҳурият ёш қаламкашлари VII кенгаши
қатнашчиси.

ЯХШИЛАР ОДОБИ

Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН
тасниф этган

УХЛАШ БАЁНИДА

Маълумки, уйку нафсоний ва ҳиссий қувватларнинг ҳаракатлардан дам олишидир. Уйку кучни кузғотади, баданни чиқиндилардан тозалайди. Шу боисдан унинг тартибларига риоя қилмоқ лозим.

Ислом динида барча ишлар яхши ният билан савоб ортишига олиб келганлигидан уйкуга ётишдан олдин ҳам ниятни ҳолис қилиш, яъни, ухлаб дам олиш билан Оллоҳ таоло амрига бардам бўлишни мақсад қилиб олиш керак. Шунинг учун ҳам, олимнинг уйкуси обиднинг ибодатидан афзал, деган ҳикмат бор.

Биздаги одоб қоидаларига кўра, кўп ухлаш рағбатлантирилмайди. Беш соатдан саккиз соатгача бўлган уйку энг афзал уйкудир. Чунки кўп гапириш, кўп ейиш қатори кўп ухлаш ҳам зарарли экани қайта-қайта таъкидланган. Айниқса: «Тонгда ухлаш ризқни камайтиради», деганлар Пайғамбар алайҳиссалом. Серуйқулик, хусусан, кўш чиққунча ухлаш динимизда қораланади.

Уйкуга таҳорат билан, тишларни мисвок билан тозалаб ётиш исломий одобдир. Ётганда қибла томонга ёки муқаддас китоблар турган тарафга оёқ узатилмайди. Юзтубан ётиш тарбиясизлар одатидан ҳисобланади. Ибн Сино айтадики, чалқанча ухлаш ухлашнинг ёмон хили бўлиб, кишини сакта, фалаж, босинқираш каби касалликларга тайёрлайди. Энг мақбули — унг томонга ёнбошлаб, қул кафтини юз остига қўйиб ухлашдир. Расулulloҳ бир уйда якка ухлашни манъ этганлар. Яна жаноби Пайғамбаримиз: «Қулларида овқатдан қолган ёғ қолдиқлари билан ётиб ухлаган одамга бирор касаллик ёпишса, узидан кўрсин», деганлар.

Ҳузайфанинг ривоят қилишларича, Пайғамбар алайҳиссалом

*

*

Журналнинг 1—2 сонларида Аҳмад Муҳаммад Турсун тасниф этган «Яхшилар одоби» асари журналонларда катта қизиқиш уйғотди. Мазкур асарнинг давомини эълон қилиш хусусида кўпчилик таҳририятга мурожаат қилди. Ана шу тақлиф ва истакларни инобатга олиб, «Яхшилар одоби»дан яна бир улушни эътиборингизга ҳавола этамиз.

кечаси ухламоқчи бўлсалар, унг қўлларини унг ёноқлари остига қўйиб ётардилар-да: «Ё Парвардигоро, сенинг номингни айтиб уламан ва тириламан», дер эканлар.

Оиша розийаллоҳу анҳонинг ривоят қилишларича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уринларига ётганларида иккала «Қул аъзу»ни ўқиб, қўлларига дам солар эканлар-да, сўнг баданларига суртар эканлар.

Уйкуга кетишдан олдин чироқларни ўчириб, дарвозаларни беркитиб, сув идишлари ва озиқ-овқатлар устини ёпиб қўйиш лозим. Расулulloҳ шундай деб таълим берганлар ва «Ёгани нарса тополмасанглар, идишлар устига бирор чўп бўлса ҳам ташлаб қўйинглар», деганлар. Уйларидаги ёниб турган ўтни учирмасдан асло уйкуга кетманг, чунки у бирор фалокатга сабаб бўлиши мумкин.

Ҳамиша тонг отишдан олдин уйғониш инсоннинг ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан тўқис бўлишлигига кафилдир. Эрта тонгдаги машғулотлар, айниқса, ижодий ишлар гоёт баракали ва сифатли бўлиши кўп кузатилган. Тушдан олдинги уйку — қайлула асаб ва ақлни мустаҳкамлайди. Лекин кўш чиқаётганда ёки ботаётганда, қорин ҳаддан зиёд тўқлигида ёки очлигида ухлаш киши соғлигига ва кайфиятига ёмон таъсир кўрсатади. Кўп уйку умрнинг энг қимматли давларини беҳуда соғуради, соғлиқни йўқотиб, кишини ланж, тоқатсиз, камҳафсала қилиб қўяди. Ибодатлардан узоқлаштиради. Иброҳим ун-Наҳъийи шундай дейдилар: «Сизлардан олдинги қавм уч сабаб туфайли — кўп гапирганликлари, кўп таом еганликлари ва кўп ухлаганликлари сабабли ҳалокатга юз тутди».

ҚУШНИЧИЛИК БАЁНИДА

Қушничилик одобига ҳам мўмин-мусулмонлар қаттиқ риоя қилишлари лозим. Сабаби — Исломда қушнинг ҳақиқа, қушничилик одобига кенг эътибор қилинган, бу ҳақда жаноби Расулulloҳдан бир неча ҳадислар ривоят этилган. Пайғамбар алайҳиссаломнинг айтишларича, икки кишига Тангри қиёмат куни раҳмат назари билан боқмайди: 1. Қариндош-уруғидан узилиб кетган кишига. 2. Ёмон қушига.

Қушни ҳақида Ҳасан ал-Басрий раҳматуллоҳи алайҳдан сўралганида, у киши: «Ҳовлининг олд томонидан қирқ ҳовли, орқа томонидан қирқ ҳовли, унг ва чап томонлардан ҳам қирқтадан ҳовлилар ҳаммаси қушни ҳисобланади», дедилар.

Қандай қушлар яхшироқдирлар? Абдуллоҳ ибн Амр ибн ал-Ос айтадилар: «Расулulloҳ алайҳиссалом «Сўхбатдошларнинг энг яхшиси хушфёъл ва кунгилга маъқули, қушларнинг ҳам энг яхшиси қушнисига муносабатда мумтозидир», дедилар». Яна Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кенг турар жой, солих қушни, беозор маркаб (улов) бўлиши мусулмон кишининг саодатидир», деганлар. Қушларнинг ёмони дузах аҳлидан бўлиши, беозор, оқил қушнинг жаннатий бўлиши ҳақида ҳам ҳадислар келган.

Жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг таълим беришларича: «Муқим турадиган жойингдаги ёмон қушдан Тангридан паноҳ тилагин. Саҳродаги қушни эса, тез кучиб кетгучидир»; «Қушнисининг аёли билан зино қилишлик ўнта бошқа аёл

билан зино қилгандан ёмондир. Унта бегона уйни ўғирлагандан кўшнинг уйини ўғирлаган ёмондир»; «Ёнида кўшниси оч туриб, ўз қорнини туйғабди юрадиган одам мўминни комил эмас». Ул зот саҳобаларга шундай деганлар: «Жаброил алайҳиссалом менга доимий равишда кўшнига яхшилик қилишни тавсия этар эди, ҳатто кўшнига мерос қолдириш керакми, деб ўйлаб қолар эдим».

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий айтадилар: Абдуллоҳ ибн Масъуд ривоят қилардиларки, Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Оллоҳга қасамки, ҳеч бир банда муслим бўлолмайдиган, тоинки одамлар унинг қалби, тили ва қўлидан омон бўлмагунча мўмин бўлолмайдиган, тоинки кўшниси унинг зулм ва ёмонликларидан тинч бўлмагунча».

Ва яна бир ҳадисда айтдилар: «Кўшнинг устига кўшнинг ҳурмати онасининг ҳурмати кабидир».

Расулуллоҳдан суралди:

— Кўшни устида кўшнинг қанақанги ҳақлари бор?

— Агар сендан қарз сураса, бермоқлигинг, қақирса, жавоб қилмогинг, касал бўлса, курмогинг, унга мусибат етса, хафа бўлмогинг, сафарга кетса, маконини ва оила аъзоларини ҳимоя қилиб сақламогинг ва узи рухсат бермасидан аввал иморатингни униқига қараганда баланд қурмаслигинг.

Хабарларга кура, бир одам вафот этсаю унинг уч кўшниси ҳаммалари ундан рози бўлишса, у одамнинг гуноҳлари кечирилади.

Ҳасан ул-Басрий айтадиларки, «Яхши кўшничилик кўшнига зарар беришдан тийилиш эмас, балки кўшни тарафидан келган зарарга сабр қилмоқликдир».

Суфён саврий айтадиларки, ун нарса жафодандир:

1. Хоҳ эркак, хоҳ хотин киши ота-онаси ва барча мусулмонлар қолиб, узини дуо қилиши.

2. Киши бир кунда Қуръондан юз оятга етказиб ўқимаслиги.

3. Бирор киши масжидга кириб лоақал икки ракат намоз ўқимай чиқмоқлиги.

4. Қабристондан аҳли қабрларга салом бермасдан, уларни дуо қилмасдан ўтиши.

5. Бирор киши жумъа кунини шаҳарга кириб, жумъа намозини ўқимасдан чиқиб кетиши.

6. Бирор маҳаллага олим киши кўчиб келиб, ҳеч кимнинг ундан таълим олишга бормаслиги.

7. Икки киши йулдош бўлиб, бир-бирининг исминини билмаслиги.

8. Зиёфатга чақирилганда бормаслик.

9. Буш вақти бўлган йигитнинг илм ва адаб талаб қилмасдан, вақтини бекор кетказиши.

10. Киши тўқ бўлиб, кўшнисининг оч қолмоқлиги.

ҲИКОЯТ. Абдурахмон Авзоъий арафа кунини кечқурун уйда эди. Кимдир ҳовли эшигини қоқди. Чиқиб қараса, кўшниси экан. У камбағал ва серфарзанд одам эди. Мўлтираб ялиниб-ёлворди:

— Э хожа, мана, эртага ҳайит, лекин киссамда сариқ чақа ҳам йўқ. Бир оз пул бериб туролмайсизми?

— Қани, суриштириб кўрайлик-чи, — деди у кўшнисига ва дарвозани ёпмай, уйга қайтиб кириб хотини билан маслаҳатлашди. Хотини:

— Бор-йўғи йигирма беш дирҳам оқчамиз бор, бир қисмини, майли, кўшнига берайлик, қолган қисмини эртага ўзимиз ҳайитлик қилайлик, — деди.

— Йўқ, кўшнига оқчанинг ҳаммасини берайлик, шундай қилсак, савобнинг бир қисми барибир бизга тегади-ку, — деди у хотинига.

КУЧАДА ЮРИШ БАЁНИДА

Куча-кўйда юришда ҳам, ўтиришда ҳам Исломи динимиз маълум одоб қоидаларини белгилаб берган. Кучада камтарона, оҳиста юриш мусулмонларга хос нарса. Шошилиб, узини у ёқ-бу ёққа уриб юриш динимизда қораланган. Жаноби Расулуллоҳнинг туппа-тўғри юрганликлари ҳақида кўп ривоятлар бор.

Кучада кетаётганда икки киши ўртасидан, хусусан икки аёл ўртасидан кесиб ўтиш катта одобсизликдир. Шунингдек, кучада у ёқ-бу ёққа анқайиб юриш, туфлаш, таом еб ва ёки писта чақиб юришлар одоб таълимларига асло тўғри келмайди.

Йулда юрганда оёқ остини одамларга зарар етказувчи нарсалардан тозалаб кетиш ҳам мўминларга хос фазилатлардандир. Қарияларимиз кучада ётган пучоқ, тош, сим каби нарсаларни бежиз бир четга олиб ташлашмайди. Бу тўғрида жаноб Расулуллоҳга: «Ё Расулуллоҳ, менга бир амални буюрингки, ушани қилсам, жаннатга киришга сазовор бўлай», дедилар. Расулуллоҳ: «Кишилар юрадиган йулдан уларга озор берадиган нарсаларни олиб ташласанг, жаннатга кирасан», дедилар.

Абу Ҳурайра айтадилар: Расулуллоҳ «Бир киши кучада ётган бир тиканни кўрди-да, бир тикан бирорта мусулмоннинг оёғига озор бермасин, деб четга олиб ташлади. Мана шу иши туфайли унинг гуноҳи кечирилади», дедилар.

Кучада қандоқ юрмоқ керак? Ҳазратим Имом Ҳасан розийаллоҳу анҳу келтирган ривоятда Пайгамбар алайҳиссаломнинг қандай юрганликлари ҳақида шундай дейилади: «Қачон юрсалар, қувват ила қадам кутарар эдилар. Олдларига ҳам бўлиброқ (эгилиброқ) юрар эдилар ва оҳиста қадам қўярдилар. Рафторлари тез бўлиб, кенг қадам қўяр эдилар. Қачон юрсалар, бир баландликдан тушиб келаётгандек юрардилар. Бир тарафга бурилсалар, бутун қоматлари билан бурилардилар. Назарлари тубанга булар эди, осмондан кура кўпроқ ерга боқардилар, кўпинча кўз билан боқардилар. Саҳобаларини узларидан илгари юргизиб, орқаларидан узлари юрар эдилар. Ҳар кимга йўлиқсалар, ундан илгари салом бера эдилар».

Кучада, йул ёқасида беҳуда ўтириш ёки туриш матлуб эмас. Аммо зарурат тугилиб қолса, кучада ўтиришнинг одобларига риоя қилиш зарур бўлади. Бу соҳада Пайгамбар алайҳиссалом шундай насиҳат қиладилар: «Кучада ўтиришдан сақланинглар! Агар кучада ўтирсангиз, кўчанинг ҳаққини адо этинглар! Яъни, кўзларингизни ҳар кимга қаратмасдан, бировларга азият бермасдан, саломига алик олиб, амри-маъруф (яхши ишларга буюриш) ва наҳий мункар (ёмон ишлардан қайтариш) қилиб ўтиринглар». Барча соҳада бўлгани каби, кучада юриш-туришда ҳам Пайгамбар алайҳиссаломнинг суннатлари бизга ҳамиша ибрат бўлмоғи зарур.

САБР БАЁНИДА

Сабр ва қаноат мўминларнинг энг яхши фазилатларидан, аъло сифатларидан. Сабр-фазилатларнинг онаси, мўминларнинг

руҳий таянчидир. Сабр Қуръони Каримнинг етмиш жойида зикр қилингани унинг нақадар қимматли нарса эканига далолатдир.

Сабр ҳам эҳсон саналади: «Сабр қилинг, зотан, Оллоҳ чиройли амал қилувчиларнинг ажр-мукофотларини зое этмас» («Худ», 115). Яна бир ояти каримада эса бундай дейилган: «Ҳеч шакшубҳа йўқки, сабр-тоқат қилувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тула-туқис қилиб берилур» («Зумар» сураси, 10-оят).

Пайгамбар алайҳиссалату васаллам умматларни сабр-тоқатли бўлишга ҳамиша чақирганлар. Ул зоти бобарокотдан бу борада жуда кўп ҳадислар ривоят қилинган. Жаноби Расулulloҳ айтадилар:

- Иймоннинг афзали — сабрли ва кенг қалбли бўлишдир.
- Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларида билинади.
- Сабр ва бардош Тангридан, шошқалоқлик эса шайтондан дид.

Оллоҳнинг марҳаматига ҳам, мусибат ва азобларига ҳам, унинг синов ва имтиҳонларига ҳам сабр ва тоқат билан жавоб бермоқ ҳар бир мўминнинг бурчи. Пайгамбар алайҳиссалом: «Мусибат етганда сабр қилувчи, берилган неъматларга шукр қилувчи, бировларнинг қилмишини кечирувчи, ўзи бировга зулм етказса, тавба қилувчи кишиларга хотиржамлик ва ҳидоят ато этилур», деганлар. Бирор юмушга киришганда ёки бирор қарорга келиш олдидан ҳам асло шошилмаслик, сабрли бўлиш лозим. Чунки ҳазрати Расулulloҳнинг: «Кимки шошилмай, сабр-қаноат билан иш қилса, қилган иши тўғри чиқади ёки шунга яқин бўлади. Шошилган одамнинг иши хато чиқади ёки шунга яқин бўлади», деган муборак ҳадислари бор. Донишмандлар «Сабр қўлларни подшоҳларга айлантиради», дейишган. Ҳасан ал-Басрий раҳимаҳуллоҳ: «Сабри бўлмаган кишининг дини йўқ», деганлар. Яна бир донишманд эса: «Одамларнинг бахтлироқлари — қалби илмга ташна кишилар, жисми сабр қилувчи ва қўлидаги бор нарсага қаноат қилувчилардир», — деб ёзиб қолдирганлар.

Алишер Навоийнинг сабр ҳақидаги сатрларига бир эътибор қилинг: «Сабр аччиқ, аммо фойда берувчи; у қаттиқ, аммо зийн-заҳматни даф қилувчи. Қайси бахтсиз сабр этагини тутган бўлса, у охири ўз муродига етади... Сабр уловдир, секин юрадиган, аммо манзилга элтувчидир... Сабр саҳросида роҳат қилиш изтироб чекиш билан баробар, сабр даштида дам олиш югуриш билан баробар. Сабр — ҳажр шомидек қоронғу ва узун, аммо сўнги — висол тонги. Сабр — ҳаж йўлидек қийин ва йироқ, аммо ниҳояти — иқбол Каъбаси».

ҲИКОЯТ. Ануширвони Одил бир куни мулозимлари ва хизматчилари билан овга чиқибди. Бир қишлоқнинг четидан ўтиб кетаётиб, тўқсонларга бориб қолган, ёнғоқ экётган бир чолга кузи тушибди. У ҳайрон бўлибди, чунки ёнғоқ йигирма йилдан кейин мевага киради-да. Сунг чолдан сўрабди:

- Ота, экётганингиз ёнғоқ дарахти бўлса керак?
- Ҳа, шаҳаншоҳ, экётганим ёнғоқ дарахти.
- У мевага киргунча яшармикинсиз, буни биласизми?
- Йўқ, билмайман, аъло ҳазрат.
- Унда нега овора бўлаётисиз?
- Аждодлар экканни биз едик, биз эккандан авлодлар баҳраманд булар, деган умиддаман.

Ануширвони Одил чолнинг жавобидан мамнун бўлди ва уни минг дирҳам оқча билан мукофотлади. Чол подшоҳга миннатдорлик билдирди ва деди:

— Худога шукр, эккан ниҳолимизнинг мевасига муҳлатидан аввал етишдик.

Ануширвони Одил таажжубланди ва сўради:

— Қанақасига етишдингиз, қани ўша сиз етишган мева?

— Мана! — деди чол подшоҳ инъом қилган ҳалиги минг дирҳамни кўрсатиб.

Баъзи ҳукамоларнинг айтишларича, уч нарса Оллоҳ таолонинг хазинасидан бўлиб, уларни фақат энг яхши кўрган бандаларига берур. Бу уч нарса: фақирлик, касаллик ва сабр экан. Яна айрим ҳукамолар тақво, ҳаё, шукр каби сабрни ҳам иймоннинг тўрт устунидан бири деб аташган. Демак, сабрли, қаноатли мўминлар Оллоҳнинг энг суюкли бандалари қаторидан жой олиб, кўп ажр-мукофотларга сазовор бўлишади.

ҲАЁЛИ БУЛМОҚ БАЁНИДА

Исломий ахлоқ мўмин-мусулмонларни ҳаёли бўлишга чорлайди, беҳаёликдан қайтаради. Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳи «Танбеҳ-ул-гофилыйн» номли китобларида Расулulloҳ алайҳиссаломдан ушбу ҳадисни келтирадилар: «Тўрт нарса пайгамбарларнинг суннатларидандир: хушбўй нарсаларни сепиб юрмоқ, уйланмоқ, мисвок тутмоқ, ҳаё».

Олий хулқ соҳиби жаноби Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаёда ҳам барчага намуна булганлар. Абу Саид ал-Худрийнинг ривоят қилишларича, «Расулulloҳ қадимги араблар одатича уйда ёлғиз тарбияланган қиз боладан ҳам уятчанроқ эдилар.

Абдуллоҳ ибн Умар шундай ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам укасини ортиқча ҳаёлиликда айблаётган ва «сенга бу ҳатто зарар келтира бошлади» деб турган бир одамнинг ёнидан ўтаётиб: «Уни ўз ҳолига қўй, ҳаё — иймондандир!» дедилар (яъни, иймон қанчалик кучли бўлса, ҳаё ҳам шунчалик кучли бўлади). Абу Масъуд ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Собиқ пайгамбарлардан одамларга етиб келган бир ибора мавжуд, бу — «Беҳаё бўлсанг, истаганингни қил!» деган иборадир», дедилар.

Яна пайгамбар алайҳиссалом айтадилар: «Ҳаё иймондандир, иймон эгаси жаннатий бўлади. Беҳаёлик эса жафодир, жафо эгасининг жойи дўзахдир».

Салмон Форсий айтадилар: «Бировнинг авратига қарамоқлигимдан ёки бошқа бировнинг менинг авратимга қарамоқлигимдан уч марта ўлиб, шунча тирилганим яхшироқдир».

Ҳазрати Али айтадилар: «Бировнинг авратига қаровчи ва узига қаратувчиларга Оллоҳнинг лаънати бўлсин». Ҳасан ал-Басрий айтадилар: «Ҳаммомга кирган киши ҳам уз авратини беркитмоғи, ҳам бошқаларнинг авратидан кузларини яширмоғи зарур бўлади». Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий раҳматуллоҳи алайҳи айтадилар: «Ҳаё икки хил бўлади. Бири — ўзинг ва одамлар ўртасидаги ҳаё, иккинчиси — ўзинг ва Оллоҳ ўртасидаги ҳаё. Биринчиси — қарашинг номақбул бўлган нарсалардан куз юммоғингдир. Узинг ва Оллоҳ ўртасидаги ҳаё эса, Оллоҳ берган неъматини таниб, унга осий бўлиб қолмоқдан уялмоқдир».

Салафи солихийнлардан бирлари ўғилларига шундай насиҳат қилибдилар: «Агар нафсинг бир гуноҳга чорласа, осмонга қарагин

ва у ерда бўлган Зотдан уялгин. Агар бундай қилмасанг, ерга қарагин ва у ердаги Зотдан уялгин. Агар шунда ҳам уялмасанг, гуноҳдан тийилмасанг, узингни турт оёгли ҳайвон деб ҳисоблай-вер».

Ҳаё ва беҳаёлик ҳақидаги қуйидаги ҳадислар ҳам Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилинади:

- Ҳаёнинг бутун вужуди яхшидир.
- Ҳаё доимо яхшилик келтиради.
- Ҳаё билан камсуханлик иймоннинг икки бўлак қисмидир. Уятсизлик ва сергаллик мунофиқликнинг икки бўлак қисмидир.
- Кимки одамлардан ҳаё қилмаса, у Тангридан ҳам уялмайди.
- Ҳаёли, одобли бўлмоқ ҳар вақт хайрли ишларга сабаб булур.
- Фаҳш ҳар қандай нарсани бузади. Ҳаё ҳар бир нарсага зийнат бахш этади.
- Қайси бир ишни одамлар олдида қилишни уят деб билсанг, уни ёлғиз қолганингда ҳам қилма!

ПОКЛИК БАЁНИДА

Исломда умматларнинг покиза, тоза бўлишлари, пок юриш-туришларига катта эътибор билан қаралган. Сабаби, покиза одамдан ифлослик, разиллик чиқмайди, поклик мўминнинг кўзгусидир.

Узингиз тасаввур қилинг: мўминлар Оллоҳ буюрганида кунига беш маҳал намоз ўқийдилар, ибодат қиладилар. Демак, намоз учун ҳар жиҳатдан покланиш лозим. Беш маҳал намоз учун беш марта таҳорат оладиган кишининг қанчалик озода юриши маълум. Сунгра кийим боши тоза бўлиши, намоз ўқийдиган жойи покизалиги, кийимлари уятли жойларини беркитиши талаб этилади. Руза тутиш амали эса, кишиларни бир йил давомида қийналган ошқозонига ва бошқа аъзоларига бир оз дам бериш, тозаланиш эмасми?

Оллоҳ Қуръони Каримда пок кишиларни хуш кўришини айтган. Расулуллоҳ эса «Поклик — иймондандир» дейдилар ва умматларини ҳамиша тоза ва покиза юришга чақириб: «Таҳоратда қўл ва оёқ бармоқлари орасини ишқалаб ювувчи ва таомдан кейин эса, тишларини тозаловчи умматларим қандай яхшилар», дейдилар. Яна: «Ким соч қўйган бўлса, уни эъзозлаб, тоза ва тартибли тутсин», деб таълим берадилар.

Ҳожатхонага киришнинг ҳам узига хос тартиблари бор. Ҳожат ушатишда қиблага қараб ёки орқа ўгириб ўтирилмайди. Бу ерда огиз-бурунни беркитиб, тоза жойга назар солиб ўтирилади. Ҳожатхонада гапириш, бирор нарса ўқиш, у ерга бош яланг, оёқ кийимсиз кириш ҳам одобдан эмас. Ер ёриқларига, жониворлар уйига, дарахт остига, сувга ва сув ёқасига, ахлатхона ва қабристонларга ҳожат ушатиш динимизда манъ қилинган. Ҳожат ушатиб бўлингач, турли битикли қоғозларни, яроқсиз мато ва тоза пахта-ни ишлатиш, қиррали тош ва суюқлардан фойдаланиш ярамайди. Яна шуни ҳам айтиш керакки, ҳожатдан сунг тозаланаётганда ва бурун қоқанда фақат чап қўл ишлатилади.

Ислом — эркак ва аёлларга жинсий алоқа ёки эҳтилом (булганиб қолиш)дан сунг гуслини вожиб қилган. Гусл баданнинг ҳамма ерига сув етказиб тозалаб ювишдир. Амалий ва тиббий

тажрибалардан маълумки, гусл кишиларни турли ифлосликлардан тозалабгина қолмай, жинсий алоқа туфайли йўқотилган куч-қувватни тиклаш ва тетиклаштириш учун ҳам хизмат қилган. Расулуллоҳнинг айтишларича: «Тангрининг ҳар бир мўминдаги ҳаққи етти кунда бир марта бутун азосини ювиб, гусл қилишligидир. Ҳар бир мўминнинг зиммасида учта ҳақ бордир: 1. Мисвок тутиш. 2. Жума кунлари гусл қилиш. 3. Аёлининг хушбўй нарсаларидан олиб узига сепиб туриш».

Пайғамбар алайҳиссаломнинг айтишларича, унта нарса баданга тегишли суннатдир:

1. Мўйлабни қисқартириш.
2. Соқол қўйиш.
3. Мисвок (тиш чўткаси) тутиш.
4. Бурунни сув билан чайиш.
5. Тирноқни олиш.
6. Бўгим ва ковак ораларини ювиш.
7. Қўлтиқ юнгини юлиш.
8. Киндик ости мўйларини тозалаш.
9. Нажосат маҳражларига сув сепиш.
10. Хатна қилдириш.

Қуръони Карим «Кийимингни покла» деб буюрса, жаноби Расулуллоҳ: «Сизлардан ким ичимлик ичса, идишининг ичига нафасини туширмасин, ҳожатхонага кирса, жинсий аъзоларини ушламасин ва унғ қўли билан артмасин»; Уйқудан уйғонган одам қўлини то уч марта ювмагунча идишга тикмасин, чунки у қўли қаерларда тунаганини билмайди», деб таълим берадилар. Пайғамбар алайҳиссалом яна ётиш олдидан сув ва таом солинган идишлар устини ёпиб қўйишни тавсия этганлар, синиқ, дарз кетган, лаби учган идишларни ишлатишдан қайтарганлар. Уша жойларда ҳар хил микроблар бўлишини Расулуллоҳ заррабин (микроскоп) булмаган бир пайтда, бундан 1400 йил олдин кўрабилган эканлар.

Айниқса, огиз-тишларни тоза тутишга катта эътибор берилган. Ҳар бир гусл ва таҳоратда тишларни тозалаш, огизни уч марта фарғара қилиб чайиш лозимлиги ўқтирилган. Расулуллоҳнинг бу хусусда қуйидаги кўрсатмалари бор: «Агар умматимга машаққат бўлмаганида эди, ҳар намоздан олдин мисвок қилишга, яъни, тишни тозалашга буюрган булур эдим». Дарҳақиқат, мусулмонлар ишлатадиган мисвок (махсус тиш тозалаш асбоби) текшириб кўрилганда, унда фойдали ва хушбўй турли кимёвий моддалар борлиги аниқланди. Ҳозирги замонавий тиш чўткалари 180 йилдан бошлаб расм бўлгани ҳолда Пайғамбаримиз ва у кишининг саҳобалари 1400 йил олдин ҳам мисвок ишлатишган. Расулуллоҳ: «Тишларингизни мисвок билан тозалаб юринглар ва тозаликка одат қилинган», деб таълим берганлар.

ҲАЛОЛЛИК БАЁНИДА

Ун тўрт асрдики, Ислом дини кишиларни ҳалолликка, ҳаромдан ҳазар қилишга даъват этиб келади. Оллоҳ таоло Қуръони Каримда марҳамат қилади: «Дарҳақиқат, биз Одам болаларини азиз-муқаррам қилдик ва уларни барру баҳрда — қуруқлик ва денгизда (от-улов ва кемаларга) чиқариб қўйдик ҳамда уларга ҳалол-пок нарсалардан ризқу рўз бердик...» («ал-Исро», 70).

Оллоҳ яна бир ояти каримада буюради: «Сизларни баҳраманд қилган пок ризқларимиздан енглар ва уларга (шукр қилмаслик билан) ҳаддан ошмангларки, у ҳолда устингизга Менинг ғазабим тушар» («Тоҳа», 81).

Шариатимиз мусулмонларнинг маишати, таоми ҳар жиҳатдан ҳалол, покиза бўлишини талаб этади, муминларни ҳалол касб билан тирикчилик ўтказишга даъват қилади. Шариат аҳкомларига кўра, кўпгина ёввойи ҳайвон ва паррандаларни, ҳалол ҳайвонларнинг қонини, жинсий ва бошқа бир аъзоларини, улимтикларни, чўчка гуштини, Оллоҳдан бошқанинг номини айтиб сўйилган ҳайвонлар гуштини ейиш манъ этилади. Бундан мурод инсоннинг ҳалқуми, руҳи, жисми пок бўлишини таъминлашдир.

Ҳалол ризқдан таомланиш, ҳалол касб ва меҳнат қилиб тирикчилик ўтказиш ҳам Исломи динининг асосий талабларидандир. Ҳалол ризқ исташ ҳар бир мусулмоннинг бурчидир. Бу ҳақда Пайғамбар алайҳиссаломдан кўплаб ҳадислар келтирилган, у зот айтадиларки: «Ҳалол касбдан чарчаб ухлаган одам гуноҳлари кечирилган ҳолда тунайди».

Расулуллоҳ яна шундай таълим берадилар: «Эй одамлар, Тангридан қўрқинглар, ризқларингизни яхши йўл билан топиб ейишга ҳаракат қилинглар. Ҳеч бир инсон ўз ризқу насибасини еб тугатмагунча оламдан ўтмайди. Эртами-кечми, барибир унга ўз улushi келади. Шунинг учун тирикчиликни яхши йўлга қўйиб, ҳалоллини олинглар, ҳаромини кўйинглар». Яна бир ҳадисда: «Ҳақингни хоҳ мукаммал, хоҳ ками билан бўлса-да, ҳалол қилиб ол!» дейилади.

Ҳалол ризқ топиш ҳар бир мўмин учун вожибдир. Расулуллоҳ айтадиларки, арқон олиб тоғдан утин териб келиб, уни сотиб еб ва садақа қилган одам тиланчилик қилиб кун кечиргандан яхшидир.

Исломи яна ичкиликбозлик, қиморбозлик, гиёҳвандлик, зино, ноҳақ қон туқишни ҳам ҳаром қилган. Дин ҳаром қилган нарсалар ичида энг кулфат келтирувчи, кишиларни разолатга бошловчи нарса — ичкиликбозликдир. Қуръони Каримда шундай оят нозил бўлган: «Эй мўминлар, ароқ (маст қиладиган ичимлик) ичиш, қимор ўйнаш, бутларга сифиниш ва чўплар (яъни, улар ёрдамида фол очиш) шайтон амалидан бўлган ҳаром ишдир! Бас, уларнинг ҳар бирини узоқ бўлингиз!» («Моида» сураси, 90-оят).

Ичкиликбозлик барча кулфатларнинг, жиноятларнинг сабабчиси, жамиятни бузувчи қаттол ва ёвуз офат. Ҳазрати Усмон розийаллоҳу анҳудан имом Насоий келтирган мана бу ривоят гоят ибратлидир: «Майхўрликдан сақланинглар, зеро, у барча кулфатларнинг онасидир. Қадим замонда яхши фазилатли, хулқли бир бой киши бўлган. Енгилтак аёллардан бири уни йўлдан оздирмоқчи бўлибди. Баҳона билан уни ўз ҳузурига таклиф этибди, бояги киши туркикунгил билан уникига борибди. Аёл уни хонада бир бола ва бир кўза май билан қарши олибди. Сўнгра аёл мақсадга кучибди: «Қасам ичиб айтаманки, мен сени меҳмонга эмас, мен билан ишрат қилгани чақирдим, шартимга кўнмасанг, ё майни ичасан, ёки болани улдирасан, акс ҳолда, уйдан чиқармай, шарманда қиламан», дебди. Бояги одам, энг осони май ичиш экан, шуни ичиб қўяқолай, дебди ва майни сипқорибди. Охири маст бўлиб, болани ҳам улдирибди, зино ҳам қилибди... Ушбу ҳодиса сизларга ибрат бўлсин, токи май билан иймон бир-бирига ёт эканлигига Оллоҳ гувоҳдир».

Бир ҳикоятда келтирилишича, лаънати шайтон узум уруғини

ўғирлади. Қанча қидирсалар ҳам уни тополмадилар. Барча ҳайвонлардан суриштирдилар, лекин ҳеч бири билмади. Охири шайтонни тутиб олдилар.

Шайтон деди: «Менга узумга уч марта сув қўйишга рухсат берсангиз, ўша уруғни топиб бераман». Нуҳ алайҳиссалом рози бўлдилар. Шундан кейин шайтон уруғни топиб берди. Кемадан тушганларидан сўнг уруғни экидилар. Узумга уч бор сувни шайтон берди: аввал тулкининг, кейин шернинг, охири тўнғизнинг қони билан сўғорди. Узум сувидан май қилдилар. Кимки ичса, аввал тулки бўлиб, кўрмаган одам билан дўст тутинди, сўнг маст бўлиб қолганда йўлбарсдек мардлиги жўш урди ва одамларга совға улашди. Гирт мастлик ҳолида эса, тўнғиз қабилига кирди.

Май туфайли бирон ёмон иш содир этилса, у шайтон берган сувнинг оқибатидандир.

Ичкиликбозлик ва гиёҳвандликнинг нақадар ёмон қабоҳат экани хусусида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир неча ҳадиси муборақлар ворид бўлган: «Ичкиликни севувчилар жаннат ҳузуридан бебаҳрадилар»; ёки «Оллоҳ таоло мени бутпарастликдан қайтарганидан сўнг майхўрлик ва кишилар билан жанжаллашишдан сақланишга чақирди», дейдилар Пайғамбар алайҳиссалом. Расулуллоҳ яна: «Бир марта ҳамр (ароқ) ичган одам қирқ кунлик намоз савобидан маҳрум бўлади, башарти у ичиб туриб ўлса, дўзахга тушади», деб ўқтирганлар ва ичкилик ичганини, уни тайёрлаганини, сотганини, олганини, бир дастурхонда ўтирганни — ҳаммани ҳаромдан сақланишга даъват этганлар.

Шунингдек, гиёҳвандлик, қиморбозлик, фоҳишабозлик каби ярамас иллатлар ҳам кишиларнинг инсоний қиёфасини йўқотувчи, ҳаром ишларга етакловчи ифлосликлардандир. Расулуллоҳ таълим берганларидай, ана шундай ҳаром, номақбул ишларни кўрганда қўл билан тўхтатайлик уринайлик, имкони бўлмаса, сўз билан тўхтатайлик, бордию бунинг ҳам иложи бўлмаса, иймон заифлигига далолат бўлса-да, уни фикран тўхтатайлик.

САДАҚА БАЁНИДА

Тарихдан маълумки, Ҳазрати Али розийаллоҳу анҳу суюкли хонимлари ҳазрати Фотимага бир гардонлик зеби гардон (тақинчоқ) совға қилдилар ва ҳазрати Фотима эр ҳақдасини бўйинларига тақиб олдилар. Буни кўрган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати онамизга шундай дедилар: «Ё Оиша, одамларнинг пайғамбар қизи бўйнида оловдан бир гардонликини кўрдим, деб юришларини хоҳлайсанми?» Ҳазрати Оиша буни ҳазрати Фотимага изҳор қилдилар. Ҳазрати Фотима уни дарров соттириб, пулини фақир ва йўқсилларга садақа қилдилар.

Эрлари совға қилган қимматбаҳо буюмни иккиланмай бевабечораларга садақа қилиб юборишга ҳазрати Фотима розийаллоҳу анҳони нима мажбур қилди? Бунинг бир қанча ҳикमतлари бор. Энг аввало, мол-дунё фитнасига учмаслик, бойликка ҳирс қўймаслик. Қолаверса, ўзи сўйган нарсаларни бошқаларга ийлиниш, муҳтожларга саховат кўрсатиш. Чунки хоҳ моли билан, хоҳ сўзи билан, хоҳ бирон хизмати билан садақа қилиш комил мўминлик белгисидир. Садақанинг афзали соғлом вақтида, яшаш-

ни хоҳлайдиган ва фақирликдан қўрқадиган ҳолида қилинган садақадир. Садақа қилишни узоққа чузманг, жонингиз ҳалқумингизга келганда молимнинг бунчаси фалончига, унчаси пистончига, деганингиз билан фойдаси йўқдир, чунки у пайтда сиз айтмасангиз ҳам молингиз фалончиларники бўлади. Садақанинг афзали етарли бойлиги бўлатуриб қилинадиганидир. Олувчи қўлдан — берувчи қўл яхшидир. Хайр-садақани ўз оилангиздан бошланг, деганлар жаноби Расулуллоҳ.

Ҳазрати Пайгамбар: «Садақанинг афзали чанқоқ одамларга сув улашмоқликдир», деганлар. Худди шу каби, мўмин кишининг илм урганиб, сўнгра ана шу илми бошқа мўмин биродарларига ургатиши ҳам садақага киради.

Киши садақа-эҳсон ва мурувват эшигини очса, Тангри унинг мол-дунёсига барака ато этади.

Расулуллоҳнинг гувоҳлик бериб айтишларича, Тангрининг наздида туғри сўздан ортиқ садақа йўқдир. Одамлар билан муро-саю мадорада бўлиш ҳам садақа ҳисобланади.

Хуш, нималарни садақа қилиш мумкин ва унинг миқдори қанча бўлиши керак? Бу ҳақда ҳам ҳазрати Расулуллоҳдан бир неча ҳадислар бор: Молу дунёининг учдан бирини садақа қилишинг мумкин. Меросхурларингни одамларга муҳтож қилиб камбағал ҳолда қолдириб утганингдан қўра, бой ҳолда қолдириб кетганинг яхшироқдир. Тангрининг йўлида қилган ҳар бир садақаю нафақанг учун, ҳатто хотининг оғзига солиб қўйган лўқма учун ҳам ажр олурсан. Ҳар бир мўмин кишига садақа қилишлик вожибдир. Агар садақага нарса тополмаса, ишлаб ўзига ва садақага нарса топсин. Унга ҳам қурби етмаса, муҳтожларга ёрдам берсин. Уни ҳам қилолмаса, одамларни яхши йўлга йўлласин. Уни ҳам қилолмаса, одамларни ёмон йўлдан қайтарсин, шу билан ҳам садақа қилганинг савобини топаверади. Хуфёна қилинган садақа Оллоҳнинг ғазабини сундиради.

Садақа кимларга қилинади? Бу ҳақда ҳазрати Расулуллоҳнинг алоҳида курсатмалари бор. Садақа аввало ўз оиласига, бола-чақасига, яқинларига қилинади. Қариндошининг қариндошга қилган садақаси ҳам садақа, ҳам қариндошлик муруввати ҳукмидадир. Демак, хайр-эҳсонни бечораҳолга беришлик садақа бўлса, уни қариндошларга беришлик — ҳам садақа, ҳам мурувватдир. Зийфатнинг муддати уч кунгача, ундан ортиги садақа. Бировга қилинган яхшилик ҳам садақа ҳукмидадир. Булардан яққол маълумки, садақа бериш комил мўминнинг бир белгиси, балоларнинг қалқони, Оллоҳнинг ғазабини сундирувчи яхши фазилатлардан экан.

Ҳамиша садақа қилувчи саховатли кишилар мўминларнинг яхшисидир. Бу ҳақда Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарига яхши сатрлар бор: «Яхшиликларни топмоқ — едирмоқдир, айбларни яширмоқ — кийдирмоқдир. Зарур вақтида берилган эски чопон ва бўз тўн — саховат, бемаҳал ҳадя қилинган зарбофт чопон — ярамасликдир. Овқатим увол бўлмасин десанг, едир, либосим эскимасин десанг, кийдир».

ҲАСАД ВА ГИЙБАТ БАЕНИДА

Ислом дини ҳасад ва гийбатни энг ёмон гуноҳлардан ҳисоблайди, мўминларни ҳасад ва гийбатдан йироқ бўлишга даъват

этади. Оллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай дейди: «Оллоҳ бирон неъмат билан бирингизни бирингиздан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасад, адоват билан) орзу қилманг! Эркаклар ўз меҳнатларидан насиба олурлар, аёллар ҳам ўз меҳнатларидан насиба олурлар. Сизлар (бировларга берилган неъматларга қўз олайтириш ўрнига) Оллоҳнинг фазлу марҳаматини сўранглар. Албатта, Оллоҳ ҳамма нарсани билгувчи зотдир» («Нисо» сураси, 32-оят). Яна бир ояти каримада бундай дейди: «Эй мўминлар, кўп гумондан четланинглар. Чунки айрим гумон(лар) гуноҳдир» (Узгаларнинг айблари ортидан) жосуслик қилиб юрманглар ва айримларингиз айримларни гийбат қилмасин! Сизлардан бирон киши узининг улоғи биродарининг гуштини ейишни яхши курурми? (Бас, гуноҳи бундан-да ортиқ бўлган гийбатни ҳам ёмон курунгиз!) Оллоҳдан қўрқингиз! Албатта, Оллоҳ тавбаларни қабул қилгувчи, меҳрибондир». (Ҳужурот» сураси, 12-оят).

Фақиҳ Абу Лайс Самарқандий айтадиларки: «Пайгамбар алайҳис-салом дедилар: «Ут-олам ўтинни егани каби, нафрат ва ҳасад яхшиликдан бўлган савобни ейди».

Инсон учун ҳасаддан зарарлироқ нарса йўқ. Чунки ҳасад қилинган кишига ҳали бирор зарар етмасдан туриб, ҳасад қилувчига беш укубат этади:

1. Тугамас гам.
2. Сабабсиз мусибат.
3. Мақталмайдиган мазаммат.
4. Оллоҳнинг ғзаби.
5. Тавфиқ эшикларининг бекилиши.

Пайгамбар алайҳиссаломнинг айтишларича, олти киши қиёмат куннда олти нарса сабабли ҳисоб қилинмасдан дузахга киради. Улар орасида илм эгалари ҳасад туфайли дузахга тушади. Уч тоифа кишининг дуоси ижобат бўлмайди:

1. Ҳаром еувчининг.
2. Кўп гийбат қилувчининг.
3. Қалбида мусулмонлар учун озгина нафрат ёки ҳасад бўлган кишининг.

Пайгамбар алайҳиссалом айтадиларки, «Аччиқ сабр (алоэ — А. Т.) асални бузгани каби, ҳасад иймонни бузади»; «Олдинги умматларимдан сизга етиб келган касал — ҳасадгўйлик ва узаро ёмон-муносабатдир. Ваҳоланки, бу сифат сочинг эмас, балки диннинг қирувчисидир. Муҳаммаднинг руҳига молик зот номи билан қасамёд этаманки, то мўмин булмагунларингча жаннатга кирмай-сизлар!»; «Ҳасадгўйлик, чақимчилик, Фолбинлик қилувчилар мендан эмаслар, мен ҳам улардан эмасман».

Агар одам мол-дунёни, чуқур билимни ёки хайратга солувчи бошқа бирор нарсани курсая, шулар фақат ўзига бўлишини уйлаб ҳасад қилса, ёмон. Лекин бундай нарсалар бошқалар қатори ўзида ҳам бўлишини орзу қилса, зарари йўқ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Гийбат — биродаринг ёқтирмайдиган сўзлар билан у туғрида гапиришликдир», деганлар.

Абу Лайс Самарқандий айтадиларким, Ҳазрат Абу Ҳурайрининг ривоят қилишларича, Пайгамбар алайҳиссалом дедилар: «Гийбат нима эканлигини биласизларми?» Саҳобалар айтдилар: «Оллоҳ ва унинг расули билади, биз билмаймиз». «Бир биродарингни ортидан ундаги нуқсон ва камчиликларни зикр этсанг, билки, уни гийбат қилибсан». Ул зотдан сурашибди: «Бордию шу гапирган нарсамиз биродаримизда мавжуд бўлса-чи?» «Агар шу нарса биро-

дарингизда мавжуд бўлса, демак гийбат қилибсиз, лекин булмаса, унда бухтон қилибсиз».

Баъзи утган кишилар айтибдурлар: «Агар мен Фалончининг кийими калта ёки узун десам, албатта, бу гийбат саналади. Энди унинг узида мавжуд нуқсонни гапирсам, қандай буларкин?».

Шунга жавобан ривоят қилишларича, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг хузурларига бир аёл кирди. Чиқиб кетаётганда ҳазрати Оиша: «Бунча ҳам буйи паст экан», дедилар. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Сен уни гийбат қилдинг», дедилар. «Мен унда бор нарсани гапирдим-ку!» «Аммо сен унда мавжуд булган хунук нуқсонни гапирдинг-да!»

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам замонларида шамол бадбуй хидларни ҳар ерга таратиб юборди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: «Мунофиқлар мумин-мусулмонларни гийбат қилмоқдалар, шунинг учун бу сассиқ хид тарқаб кетди», дедилар.

Баъзи ҳукамоларга айтилди:

— Гийбат ва унинг бадбуй шамоли Пайғамбаримиз замонларида зоҳир булди-ю, нега ҳозир билинмайди, бунинг ҳикмати нимада?

— Чунки бугунги кунимизда гийбат шу қадар купайганки, унинг бадбуй ҳиди бурунларни тулдирган, шунинг учун билинмайди, — деб жавоб қилишди ҳукамолар.

ҲИКОЯТ. Подшонинг бир неча вазири бор эди. Улардан бири камолотга етишган, зийрак одам эди. Исми — Исмоил Аъёз. Подшоҳ унга купроқ ишонар, унга суюниб қолган эди. Шу сабабдан бошқа вазирлар уни кўролмай қолдилар ва подшога кириб унинг устидан гийбат қила бошладилар. Охири подшоҳ ҳамма вазирларини хузурига тулади.

Исмоил Аъёз деди:

— Мени шаҳаншоҳга гийбат қилиб юрибсизлар, қани айтинглари-чи, қайси бирингиз унга бирон сатр нарса ёзиб беришга қодирсиз?

Улар бу хусусда ожиз эдилар, бирон нарса дея олмадилар.

Подшо деди:

— Исмоил-ку бир эмас, куп нарсалар ёзди, лекин сенлардан игво ва гийбатдан бошқа нарса кўрмадик.

— Ҳар ким узи билганини қилади-да, шаҳаншоҳ! — деди гийбатчи вазирлардан бири.

Абу Умонат-ил Боҳилий айтибдурларки: «Қиёмат кунни бир банданинг номаи аъмоли қулига берилибди. Кўрадики, унда купгина узи қилмаган яхшиликлар ёзиб қуйилибди.

Шунда у айтади:

— Эй Раббим, бу яхши амаллар қаердан келиб қолди?

— Булар билдирмасдан сени гийбат қилган кишиларнинг яхши амалларидир, — дейди Оллоҳ.

Демакким, гийбат қилганларнинг амаллари кимни гийбат қилсалар, ушанинг номаи аъмолига битиларкан.

ҲАВОИ НАФС БАЁНИДА

Мумин-мусулмонларнинг бу дунёда икки энг ёвуз душмани бор, бири — нафс; иккинчиси эса — шайтон. Ҳаёти давомида инсон нафенинг турли майл-истакларига дучор булади: бирови

амал-мартаба учун курашади, яна бошқиси мол-дунё туплашга ҳирс қўяди, учинчиси яхши таомлар еб, яхши кийимларга уч булади, тўртинчиси эса, шаҳватга майл кўрсади.

Ислол динимиз инсонни ҳавои нафсга берилишдан сақлашга буюради. Бунинг учун инсоннинг истак-хоҳишларини адолат йули билан, табиий ҳолатда, шариат ҳукмига кўра қондириш тадбирларини кўради. Инсон ҳавои нафсининг домига тушиб қолса, унинг истаклари йулида ҳар қандай гуноҳ ишлардан, ёвузликлардан тап тортмайдиған бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам Куръони Каримда ҳавои нафс «бузғунчи» деб сифатланади.

Оллоҳ таоло Куръони Каримда бандаларига қандай йул билан ҳавои нафсга берилиб кетишлари ҳақида шундай марҳамат қилди: «Шубҳасиз, куп кишилар хою ҳаваслари билан билмаган ҳолларида узларини йулдан оздирурлар» («Анъом», 119); «Йуқ, золим кимсалар бирон билим-ҳужжатсиз ҳавоий нафсларига эргашиб (Оллоҳга ширк келтирдилар)» («Рум», 29). Оллоҳ таоло нафс йулига кириш инсонни ҳидоят йулидан адаштириши ҳақида огоҳлантириб шундай дейди: «Агар сенинг қақирингга жавоб бермасалар, билки, улар ҳавоий нафсга эргашмоқдалар. Оллоҳнинг ҳидоятини қуйиб, ҳавоий нафсга эргашган кишидан ҳам адашганроқ одам борми? Албатта, Оллоҳ золим кишиларни ҳидоятга бошламайди». («Қасас» сураси, 50-оят). Нафсини жилволай олган, Оллоҳ берганига қаноат қилувчи солиҳ бандаларига Оллоҳ таоло узининг жаннатини ваъда қилган. Аксинча, нафсининг йулига кирганлар разолат, қабиҳлик сари юз тутадилар ва оқибатда хору зорликка, жаҳаннам утига дучор буладилар. Одам алайҳиссаломнинг ўгли Қобил нафс ва шайтон йўриғига буйсуниб, ўз ўкаси Ҳобилни ноҳақ ўлдирганлиги ва инсонлар орасига абадий адоват уруғини сепганлиги одамзод учун ибрат бўлиши зарур.

Шундай ривоят ҳам бор: Агар Оллоҳ таоло бирор бандасига яхшиликни раво кўрса, уни динда олим, дунёда зоҳид қилиб, нафсининг айбларини курсатиб қўяди. Муҳаммад Аҳмад ўғиллари Оллоҳ азза ва жалланинг: «Ва саййидан, ва ҳамсуран, ва набийдан, мин ас-солиҳин» деган ояти каримасини шундай тафсир қиладилар: «Оллоҳ Яхё алайҳиссаломни саййид деб атади, ваҳоланки, у зот Оллоҳнинг бандасидирлар. Бунга сабаб — у зоти шариф голибо тўрт нарсани: ҳавоий нафсларини, шайтон алайҳиллаънани, тилларини ва газабларини енгиб турардилар».

Абул Фароҳдан ривоят қилишларича, биров қаттиқ нонни сувга ивитиб хузур қилиб еб ўтирган файласуфни куриб ҳайрон қолибди ва:

— Қаттиқ нонни ҳам мазза қилиб ейиш мумкин эканми? — деб сўрабди.

— Албатта. Мен фақат қаттиқ нон маззали бўлиб туялгунга қадар нафсимни тийиб утираман, — дебди файласуф.

Пайғамбар алайҳиссалом ўз умматларини ҳавоий нафс қули бўлиб, ҳидоят йулидан четланишдан қайтарганлар. Ул зотдан ривоят қилинган бир ҳадисда: «Ўзимдан кейин қоладиган умматларим учун уч нарсадан кўрқаман: нафси ҳавога берилиб, йулдан озишидан, нафсоний ва шаҳвоний ҳиссиётга берилиб кетишидан, илму маърифатга эга бўла туриб, гофилларнинг ишини тутишидан», дейилган.

Расули акрам соллаллоху алайҳи васалламнинг яна бир ҳадисларида: «Банданинг молу дунёга қуйган ҳирси икки оч бўрининг қуй подасига қилган тажовузидан кўра зарарлироқдир. Зеро, бу

билан у уз дини — Исломга путур етказади», деб таълим берилган.

Нафсга буйсунган одамнинг кўзи дунё молига туймайди, ҳар қанча тупласа ҳам, қаноат қилмайди. Бу хусусда Расулulloҳ шундай деганлар: «Бойлик мол-дунёнинг кўплиги билан эмас, балки нафснинг тўқлиги биландир. Инсонга бир водий тула молу дунё берилса, у иккинчи водийнинг берилишини ҳам хоҳлайди. Иккинчисидан кейин учинчиси ва ҳоказо, унинг нафси асло туймайди. Инсоннинг кўзини фақат тупроқ (яъни, қабр тупроғи) тўйдиреди. Кимки тавба қилса, Тангри уни кечиради».

Демакким, ҳавои нафс инсонларни заллат йўлига бошловчи, бузғунчи бир душман экан. Пайғамбар умматлари унга қўл булишдан ўзларини асрашлари, нафснинг хатарли йўлига кириб кетишдан тийилишлари лозим.

ЁЛҒОНЧИЛИК БАЁНИДА

Ёлғончилик барча розолатларнинг онаси, қулфатларнинг боши, инсонни қабиҳ ишларга бошловчи, обрўйини тўқувчи иллат. Шу сабабдан Ислом мўмин-мусулмонларни ёлғончиликдан қайтаради, уни гуноҳи кабиралар қаторига қўшади. Қуръони Каримда шундай дейилади: «Албатта, Оллоҳ ҳаддан ошгувчи, ёлғончи кимсаларни ҳидоят қилмас» («Ғофир», 28). Қуръон ёлғончилар учун қиёматда аламли азоблар борлигини уқтиради.

Ёлғончиликнинг турлари кўп. Хиёнат — ёлғончиликнинг энг ёмон кураинишидир. Шунингдек, ваъда бериб, унга вафо қилмаслик ҳам ёлғончиликка киради. Ёлғон гувоҳлик бериш ҳам жамият-ни бузишга, одамларга адоват, зулм, жафо етказишга сабаб бўлади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ривоят қилинган ҳадисда: «Мунофиқликнинг белгиси учтадир: гапирса, ёлғон гапирди, ваъда берса, вафо қилмайди ва омонатга хиёнат қилади», дейилган.

Бир инсоннинг мартаба-амалига, обрўйига, номига путур етказишга ҳаракат қилиб бўхтон уюштиришни ва чақимчиликни ҳам ёлғоннинг бир тури сифатида Ислом ҳаром қилган. Аллоҳ таоло шундай дейди: «(Эй Мухаммад), яна сиз ҳар бир тубан қасамхур, гийбатчию гап ташувчи... кимсага итоат этманг» («Қалам», 10-11).

Абдуллоҳ ибни Масъуддан ривоят. «Бир киши айти: Набий муҳтарам «Рост гапиринглар, чунки ростгуйлик яхшиликларга бошлайди ва бу яхшиликлар эса жаннатга йўллайди... Ёлғон гапиришдан ўзларингизни сақланг, чунки ёлғон гапириш ҳамма бузуқликларга олиб боради, бузуқлик эса дузахга йўллайди. Киши ёлғон гапирверса, Оллоҳ ҳузурда ёлғончи бўлиб қолади», деганлар». Яна шу зотдан ривоят қилинишича, у киши «Хоҳ чиндан, хоҳ ҳазил тариқасида ёлғон сўзламоқ ҳам, бирор нарса ваъда қилиб, уни амалга оширмаслик ҳам дуруст эмас», дейдилар. Яна Расулulloҳдан: «Гапингга қаттиқ ишонадиган биродарингга ёлғон сўз айтмоғинг катта хиёнатдир», деган ҳадис ҳам бор. Тангри наздида энг яхши гап — рост гапдир.

Ёлғончилик, ваъдага вафо қилмаслик гоят ёмон қилиқлардан бўлиб, кишилар қаттиқ гуноҳкор бўлишади. Пайғамбар алайҳиссаломдан ривоят қилинган ҳадисда келтирилишича, ёлғон гувоҳлик бермоқлик Оллоҳга ширк келтириш, ноҳақ қон тукиш, ота-онасига осий (оқ) бўлиш каби энг қаттиқ гуноҳлар

қаторига киради. Қиёмат куни Тангрининг махлуқлари ичида энг ёмонлари ҳисобланадиган саккиз тоифа кишиларнинг биринчиси ёлғончилардир. «Ота ўз болаларига бирон нарса ваъда қилиб, кейин уни бажармай қўямасин», деганлар Расулulloҳ. Чунки бу ҳам ёлғончиликка киради. Кўрмаган тушини кўргандек қилиб гапириб бериш ҳам ёлғонларнинг ёлғонидир. Ёлғон гувоҳлик берувчининг оёқлари ердан кўзголмай туриб, Тангри унга дўзахни раво қилиб кўяди. Айниқса, ёлғон қасам ичиб, бировнинг молини ўзлаштирганнинг ҳолига вой бўлади. Эшитган ҳар бир гапни гапирвериш ҳам ёлғончиликнинг бир кураинишидир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларига таълим беришларича, хиёнат ва ёлғончиликдан бошқа ҳар бир нуқсон мўминда бўлиши мумкин. Инсон ўзи гапирган ҳар бир ёлғон гап унга гуноҳ бўлиб ёзиларкан. Аммо урушдаги, эр-хотинни муроасага келтиришдаги, аразлашган икки кишини сулҳга келтиришдаги ёлғонлар бундан мустасно.

Пайғамбар алайҳиссаломдан шундай ҳадис ривоят қилинган: «Сизларга васиятим шуки, саҳобларимга, сўнг улардан кейингиларга эргашинглар. Ундан кейин ёлғончилик кенг тарқалади. Ҳатто одамлар сўралмаса ҳам қасам ичиб, ёлғон гувоҳликка ўтаверадилар». Шунинг учун ҳам Расулulloҳ: «Гарчи фойда куриб турсангиз ҳам, ёлғондан сақланинглар. Чунки барибир ёлғоннинг охири вой», деганлар.

Пайғамбар алайҳиссалом номларидан ёлғон ҳадис тўқиб уни тарқатганлар дузахнинг хоҳлаган еридан ўзига жой танласин, дейилган. Одамларни қулдириш учун ёлғон гапирган кишилар ҳам қаттиқ гуноҳга учрайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир мусулмон угил-қиз ёлғондан ўзоқлашсин, ёлғон гапиришдан узини тийсин. Шундагина у Пайғамбар алайҳиссалом суннатларини бажарган комил мўмин бўла олади.

Ёлғончилик ҳақида Алишер Навоий бундай дейди: «Кимники сўзи ёлғон — ёлғони очилиб қолғоч уёлқон. Ҳар ёлғонни чиндек айтувчи сўзамол — қумушга олтин қопловчи заргар... Ёлғон айтувчи гафлатдир. Сўзининг турлари кўпдир, ёлғондан ёмонроқ тури йўқдир... Ёлғончи ўз сўзини бир-икки бор утказди, кейин нима қилади? Ёлғони билиниб қолгандан сўнг унга расволик етади ва сўзининг эътибори йўқолади».

Исломий одоб-ахлоқ, тарбия шу қадар буюк уммонки, бу ҳақда бир-икки китоб орқали тула маълумот бериш жуда мушкул. Шу боисдан ҳам ушбу мўъжаз рисола одоб-ахлоқнинг ҳамма жиҳатларини қамраб олган, деган фикрдан йироқмиз. Денгиздан бир томчи, деганларидай, у сиз муҳтарам ўқувчиларга минг йиллик одатимиздан, одобимиздан бир оза тушунча берган бўлса, биз Оллоҳ таолонинг марҳамати ва инояти билан мақсадга эришган бўламыз. Барча оламларнинг яратгувчиси — Ҳақ субҳона ва таоло барчаларимизни ўзининг ҳақ йўлидан адаштирмасин, фарзандларимизнинг иймон-эътиқодли, яхши фазилатли бўлиб етишувларини насиб этсин. Омин.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ!

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ОЙНОМАСИНИНГ

1995 ЙИЛ СОҢЛАРИ

УМУМИЙ МУНДАРИЖАСИ

НАСР

Сафар Барноев. Икки ҳикоя. 5—6	173
Шойим Бутаев. Муюлишдаги уй. Қисса. 11—12	37
Учқун Назаров. Икки ҳикоя. 11—12	122
Мурод Мансур. Жудолик диёри. Роман. 7—8, 19, 9—10	96
Тоҳир Малик. Шайтанат. Иккинчи китоб. 9—10	3
Раънохон Розик. Ҳикоялар. 1—2	152
Эркин Самандар. Тангри қудуғи. Роман. 5—6	6
Худойберди Тўхтабоев. Жаннати одамлар. Роман. 3—4, 5—6	82, 133
Улмас Умарбеков. Оқсоқол. Оламушук. Ҳикоялар. 7—8	152
Эркин Усмонов. Умрнинг унутилмас лаҳзалари. 7—8	188
Аъзам Уктам. Хабар. Қисса. 1—2	127

НАЗМ

Усмон Азим. Тоғ ва дашт қушиқлари. 11—12	30
Эргаш Абдулла. Кўксимни тўлдирар бир хушбўй насим. 1—2	69
Салим Ашур. Сочларинг нурида гуллади шамол. 7—8	194
Нодира Баротова. Осмонларни алдайди йиллар. 3—4	78
Эркин Воҳидов. ...Юртим — саодат улқаси. 1—2	3
Жамшид. Шабистон ҳамдамим номинг. 3—4	39
Жуманиёз Жабборов. Йиллар дафтаридан. 9—10	168
Неъмат Иброҳим. Имоним, қимматим ишқдир... 7—8	197
Кимнидир орзиқиб кутмоқдадир дил. 3—4	179
Тилиб Йулдош. Тўртликлар. 5—6	127

Фароғат Камол. Кўкнинг равоқидан тўкилди саслар. 5—6	129
Гулом Мирзо. Юлдузлардек тузади ғамлар. 3—4	42
Тулан Низом. Руҳи равоним. Достондан булақлар. 3—4	142
Гулчеҳра Нур. Кўксимга тафаккур утин истайман. 7—8	14
Уктам Олим. Ғазаллар. 1—2	71
Оллоёр. ...Хаёлларим сиз билан ҳамон. 3—4	79
Бектемир Пирнафасов. Уйларим тўзғибди атрофга. 1—2	50
Гулчеҳра Раҳимова. Кимнингдир йўлига кўз тикиб илҳақ. 1—2	65
Сулаймон Раҳмон. Дунё сенга оҳу бўлиб тикилар. 3—4	6
Баҳром Рўзимухаммад. Гул ҳидлари ёғди тонгда. 9—10	173
Жонибек Субҳон. ...Ишқда поклик матлабим. 11—12	119
Рауф Субҳон. Омон қолган тулпорлар. 9—10	89
Муҳтарама Туркой. Бир нурли қушиққа айландик. 11—12	117
Исмоил Тўхтамишев. Нома битдим соғинчларим қилиб жо. 11—12	115
Ойгул Убайдулла қизи. Мен сендан муҳаббат сўрарман. 9—10	171
Шамсия Худойназарова. Юракдай асрадим бир ғамни. 1—2	148
Чоршамъ. ...Иқболи ишқ истабмано. 3—4	75
Абдулла Шер. Мангуликнинг муқаддас гули. 3—4	32
Анвар Эшонов. Унутилган қушиқлар. 3—4	3
Йулдош Эшбек. Соғинаман гулдай кулган изларни-да. 3—4	35
Чулпон Эргаш. Раҳмоннинг қайтиши. 7—8	133

МУШОИРА

Кўнглум кўчасида чалинган хаёл. 11—12	185
Сиз утар йулларда майсалар. 11—12	168
Рост бўлсин умримга муборак дамлар. 1—2	117

ТАЛАБАЛАР ДАФТАРИДАН

Соғинчдан сўйлайди пушти ялпизлар. 3—4	200
--	-----

БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Сурайё Зоҳир. Юракка хат ёздим. 9—10	220
Икром Искандар. Юзлари ёмғирга ювилган майса. 3—4	208
Гулноз Муминова. ...Ҳисларимга исм кўйиб бер. 5—6	170
Сафар Оллоёр. Мен бир издан кетаяпман. 11—12	201
Насрулло. Илтижо. 3—4	211
Юсуф Расул. ...Хаёлларинг келдилар қайтиб. 9—10	221
Абдулла Содиқ. Ошифта кўнглимнинг дилбар синглиси. 5—6	168
Муҳаббат Хўжамуродова. Қалб сўзи. 3—4	213
Зокир Худойшукур. Юракда жилвалан суюкли жамол. 11—12	199

ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРАЛАР

Бокий. Ғазаллар. 3—4	63
----------------------	----

Равшан Файз. Толеингиз менга қилади торлик. 11—12 . . . 151

МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ

Шодмон Воҳид. Қўқон хонлигидаги унвон ва мансаблар. 3—4 214
Менким, Фотиҳ Темур. 1—2 7
Жалолиддин Румий. Ичиндаги ичиндадир. 3—4 182
5—6 203
7—8 200
Муҳаммад Ғаззолий. Дунё ҳаёти. 9—10 195
Яхшилар одоби. 1—2 184
11—12 204

МАҚОЛАНАВИСЛИК

Ражаббек Ислombeков. Таҳликали замонлар. 1—2 157

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ҳамидулла Болтабоев. Фитрат ва XX аср бошлари адабиётшунослиги. 11—12 175
Абдулҳамид Исмоил. Қоши ёсинму дейин. 1—2 179

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

Назармат. Дарё буйидаги жанг. 3—4 12

ОЙБЕК ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

Ойбек. Сао Фу ва Ван Чу. 3—4. 45
Иброҳим Раҳим. «Қуёш қораймаслиги мана шу». 3—4 47
Али Назар Эгамназаров. Гуноҳ ва тавба. 3—4 50
Тулан Қузибоев. Адибнинг асакалик қаҳрамони. 3—4 56

ЗУЛФИЯ ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Иброҳим Ғафуров. Назм ҳаммавақт хур. 3—4 67
Анвар Эшонов. Жўшқин мушоира этади давом. 3—4 70
Қутлибека. Долғали денгизда кема сузмас жим. 3—4 72

СОБИР АБДУЛЛА ТАВАЛЛУДИНИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

Малоҳат Абдурахмонова. «Ғолибимиз Собир». 9—10 188
Собир Абдулла. Сўзласам икки қаро шаҳлонгни мен. 9—10. 189

ҚУТЛОВ

Рўзи Қодирий. Садоларим. 9—10 193
Ўткир Ҳошимов. Халқ ҳаётининг рангин манзаралари. 5—6. 191

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ТҮРТ ЙИЛЛИГИГА

Маъруф Жалил. Туроним. 5—6 3

МУНИР ЛАҲЗАЛАР

Ватанни, халқни самимий севиш керак. (Тоир Юнус ва Одил Ёқубов суҳбати). 7—8. 3
Истеъдод билан учрашиш байрам. (Озод Шарафиддинов ва Тоир Юнус суҳбати). 9—10 192
Бутун Ватан қурайлик. (Нурали Қобул ва Тоир Юнус суҳбати) 11—12. 155

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР

Истиқлолимизнинг тарихий илдизлари. Давра суҳбати. 11—12 177

УНУТИЛГАН НОМЛАР

Баҳодир Карим. Фикр ва муҳит зиддияти. 11—12 190

САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Ҳожиакбар Ислom Шайх. Туташ оламлар. Роман. 1—2 71
3—4 151

МУНДАРИЖА

ЙИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР, ҲУЖЖАТЛАР	
Истиқболимизнинг тарихий илдиэлари. Давра суҳбати	3
НАЗМ	
Усмон Азим. Тоғ ва дашт кўшиқлари	30
Исмоил Тўхтамишев. Нома битдим соғинчларим қилиб жо	115
Мўҳтарама Туркой. Бир нурли қушиққа айландик	117
Жонибек Субҳон. ...Ишқда поклик матлабим.	119
НАСР	
Шойим Бўтаев. Муюлишдаги уй. Қисса.	37
Учқун Назаров. Икки ҳикоя	122
ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР	
Равшан Файз. Толеингиз менга қилади торлик	151
МУНИР ЛАҲЗАЛАР	
Бутун Ватан курайлик. (Нурали Қобул ва Тоир Юнус суҳбати)	155
МУШОИРА	
Сиз утар йулларда майсалар.	168
Кўнглум кучасида чалинган ҳаёл	185
АДАБИЙ ТАНҚИД	
Ҳамидулла Болтабоев. Фитрат ва XX аср бошлари адабиётшунослиги	175
УНУТИЛГАН НОМЛАР	
Баҳодир Карим. Фикр ва муҳит зиддияти.	190
БУЛОҚ КУЗ ОЧДИ	
Зокир Худойшукур. Юракда жилвалан суюкли жамол	199
Сафар Оллоёр. Мен бир издан кетаяпман.	201
МЕРОС ВА ҚАДРИЯТ	
Яхшилар одоби.	204
«Шарқ юлдузи» ойнотмасининг 1995 йил сонлари умумий мундарижаси	220

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев.

Мусаҳҳиҳ М. Зайниддинова.

Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. Таҳририят уз тавсиясига кура амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалқаш босилгани) буйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент-83, Буюк Турон кучаси, 41. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Обунага монетий курсатилган ёки уз вақтида етиб бормаган тақдирда Тошкент, 700000, Амир Темур тор кучаси, 2. Жумҳурият матбуот тарқатиш марказига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 30.11.95 й. Босишга рухсат этилди 20.12.95 й. Қоғоз формати 84x108 1/32. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 7. Шартли босма табоғи 13,44. Нашриёт ҳисоб табоғи 18,48. Буюртма N 4576. Адади 11158.

ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРҲДА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмаҳонаси, 700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кучаси, 41.

ТОҒАЙ МУРОД

Отамдан қолган далалар



Хуршид Даврон

Бохибк.ирон
Набираси

«Шарқ» нашриёт-матбаа

концерни янги нашр

